

# ЎЗ ЎЗ

2002

*Иккинчи фасл*

Адабий-ижтимоий журнал

71-йил чиқиши

Муҳаррир **Омон МУХТОР**

**ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

Раҳбар **Ўткир ҲОШИМОВ**

Хумоюн Акбаров  
Асад Дилмуродов  
Бойназар Йўлдошев  
Бахтиёр Карим  
(муҳаррир ўринбосари)  
Қуронбой Матризаев  
Холмуҳаммад Нуруллаев  
Абдулла Орипов  
Икром Отамурод

Ихтиёр Ризо  
Муртазо Султонов  
Юсуф Файзулло  
(масъул котиб)  
Ислом Шоғуломов  
Тўлепберген Қаипбергенов  
Тоҳир Қаҳҳор  
(адабий котиб)  
Рустам Қосимов

**МУАССИСЛАР:**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМФАРМАСИ**

# Ҳаёт мактаби

## М И Н Б А Р

Устоз Асқад Мухторнинг бир шеъри бор эди.

Тарбия тўғрисида.

Адиб, болани туғилганидаёқ тарбиялашни бошлаш керак, туғилмасидан бошласангиз ундан ҳам яхши, мазмунида сўз юритади.

Қадимдан маҳалларда ўзининг ёзилмаган қоидалари бўлар эди. Ҳеч қандай мажбуриятсиз барча унга амал қиларди. Маҳалла оқсоқоллари бирон-бир йиғинга тўпланишган чоғда ёш-яланглар, йўл четига чиқиб, қўлимиз кўксимизда улар ўтиб кетишини пойлардик. Қарши томондан келаётган аёллар, опа-сингилларимиз эса панароқ жойда туришга ҳаракат қилишарди.

Очиғи, биз ёшлар кексалардан ҳайиқардик. Айниқса, бош яланг ёки сочи ўсганларимиз уларга рўпара бўлишдан чўчирдик.

Мирусюф, Валишукур бува каби отахонларимиз соатлаб ёшларга панд-насиҳат қилишдан чарчамас эдилар.

Кейинги пайтларда мана шундай отахонларимиз сал камайгандек бўлувди. 2002 йил Қарияларни Қадрлаш Йили деб эълон қилиниши, уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилиши, ёшлар улар олдида бурчли эканликларини яна бир бор кўрсатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим ёшларимиз баъзан оддийгина салом бериш одобини ҳам унутгандай. Бу ҳолга шу даражада ўрганиб қолдик-ки, туйқусдан кўчада биров салом берса, тўхтаб қоламиз: бирор танишим эмасмикун?! Чунки бегона одам бир-бирига салом бермайди.

Яқинда маршрут таксидаги бир ҳолат узоқ йили хорижда бўлган дўстимга тегишли воқеани ёдимга солди. Ўн кишидан ортиқ йўловчи орқада кетяпмиз. Олдинда эса ҳайдовчи билан унинг дўсти. Ўрталарида елим челақча тўла қулупнай. Авваламбор ҳайдовчи одам кавшаниб кетиши ғалати туюлар экан. Чорраҳаларда тўхтаган чоғ, ҳар икки деразадан анча-мунча қулупнай пўчоғи йўлга, яъни шаҳардаги марказий кўчага тушяпти.

Узоқ йили хорижга сафар қилган дўстим айланиб юриб, ҳамроҳлари билан музқаймоқ харид қилишибди. Хуштаъм музқаймоқни маза қилиб егач, қоғозини шундоққина йўл четига улоқтирибди. Аввал уларга сал нарида набирасини ўйнатиб ўтирган бир кампир ғалати қараб қўйибди. Кейин етти-саккиз ёшлар чамасидаги болакай дўстимни енгидан тортиб, ўзига қаратибди. Аста бориб музқаймоқ қоғозини олиб, сал нарида турган темир делфинчанинг очиқ оғзига ташлабди. Делфиндан эса худди миннатдорчилик билдиргандек филтиллаган овоз чиқибди. Демак, болалар ахлат қутиси вазифасини бажарувчи ҳар хил ҳайвонлар кўринишидаги қутилар овозини эшитиш учун ҳам қўлларидаги чиқитни дуч келган жойга ташламас эканлар.


Энди буям бир гап. Жаннатмакон ўлкамизда йилнинг тўрт фасли пишиқчилик. Маҳалламиздаги Пўлат отанинг ишларига ҳайрон қолардим. Саксондан ошиб қолган бу ота йўлда ётган хашакми ёки бирор пўчоқми эринмай териб олиб, уйларидаги молларига едирардилар. «Қут-барака майда-чуйда нарсаларга ҳам эътиборсиз бўлмасликдан келади», дея бизга доим таъкидлар эдилар.

Яна бир отахоннинг айтган гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Биров йўл четига қозик қоқиб савоб олади, иккинчи бир одам уни суғуриб ташлаб! Аввалига ҳайрон қолдим. У кишининг изоҳидан эса донг қотдим. Қозик қоққан киши бирор йўловчи юмуш билан тўхтаганда отини боғлар, деб савоб олса, иккинчи одам бирор йўловчи кўрмай қолиб, қоқилиб кетмасин, деб қозикни олиб ташлагани учун! Энг асосийси эса ният ҳолислигида экан.

Кексалар орасида бундай ҳикमतлар сероб, биз ўз вақтида улардан ола билишимиз керак, холос.

Минг йиллик ҳаёт мактабининг муҳим сабоғи — гўзал хулқди инсон бўлишга интилишдир.

Юсуф ФАЙЗУЛЛО



# Она Туркистон

Ривоят достон

Қадим-қадим замонларда,  
Туркистон томонларда,  
бўлган экан бир қишлоқ,  
атрофлари яшил боғ,  
унда бир кампир, бир чол,  
яшабди бахтли, ҳалол,  
ҳовлисини боғ қилиб,  
кайфиятин чоғ қилиб,  
яшабди меҳнат билан,  
эл-юртда иззат билан.  
Бир бўй етган қизини,  
Чарос-чарос кўзини,  
тўй қилиб узатибди,  
чол, кампир кузатибди.  
Бор экан бир ўғли ҳам,  
тўрт мучаси соғ, бардам,  
исми Уқувбек экан,  
ўзи уқувсиз экан...

Ота-она ҳам меҳмон,  
келиб фурсат — сўнгги он,  
дебди она:

«Рози бўл,  
соғ бўл,  
доим ўйнаб кул!»

Дебди ота:

«Албатта,  
юртга қайиш, полвоним,  
элга бўлиш, ўғлоним!»  
Чол, кампирга сўнгги йўл...  
Эл удумин туйибди,  
кўтаришиб қўлма-қўл  
жойростонга қўйибди.  
Уларнинг ёди Обод,  
қишлоқнинг номи Обод.

Бироқ, Обод қишлоққа,  
бу бахтли шод қишлоққа,  
қаҳатчилик келиб, кут —  
баракасиз қолмиш юрт.

Ўй-хаёллар довида,  
хувиллаган ҳовлида,  
не қиларин билмай тек,  
ёлғиз қолиб Уқувбек  
туриб хаёл суради,  
йўлни қаён буради?..

\* \* \*

Баъзи бир қишлоқларда  
қаҳатчилик бўлса ҳам,

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР



Йўлдош Эшбек

ризқ узилмас тоғлардан,  
шаҳарлардан насиба,  
азми Туркистон мана,  
бозори байрамона,  
Чарос шундай шаҳарга  
қушми кўниб тушганди,  
Нигор деган дилбарга  
кўшни бўлиб тушганди.  
Нигор деса, дегулик,  
дил ўғриси эди у,  
ой ўзини егудек,  
кўрганда кун куяр-ку...  
Такаллуфи, одоби —  
Туркистоннинг ободи...  
Ҳиммат бобида тенгсиз,  
сўзи ширин, гўзал қиз,  
Чарос суҳбат қурганда,  
сўз маромин бурганда,  
укасига тўхтайди,  
Нигорхонга мақтайди:  
«Бундайин полвон йигит,  
ажойиб султон йигит,  
одоблю бадавлат,  
қойил бутун мамлакат!»  
Мақтов томиб тилидан,  
ғулу солиб дилига —  
Нигорхоннинг кўнглига,  
ўт солар эди Чарос!  
Тингларди, қизарарди,  
кўзда умид сизарди,  
дилда олов кезарди —  
ўт қалар эди Чарос!  
Мақтаманг кўп, кўйинг, деб,  
энди тилни тийинг, деб,  
айтмоқчию ийманиб...  
ўт солар эди Чарос!..  
Бир кун умиди кулиб,  
опага меҳмон бўлиб,  
кўрди Уқувбек қизни,  
кўнгли қувончга тўлиб.

Қиз ҳам кўрди,  
йигит ҳам  
кўримли ва келбатли  
бўлса керак хушхулқ ва  
шунга мос тўқ, давлатли.

\* \* \*

Хуллас, аён бўлди сир,  
йигит оддий, қашшоқдир.  
Она бўлди киргиттон —  
ризо бўлди Нигорхон...  
Ўзларига яраша  
тўй ҳам қилиб бердилар,  
ҳавас билан қарашар  
икки ёшга ерликлар.  
Ҳеч нарса йўқдир, бироқ,  
фақат ҳовли, кичик боғ,  
ўйланиб қолди Нигор —  
яшашга нима даркор?  
Эру хотин кўш хўкиз —  
тенг шерик, посбон дерлар,  
яшаб бўлмас умидсиз,  
ноумид шайтон дерлар,  
умиддан дили гулгун,  
эрига деди бир кун:  
«Югурсангиз, чопсангиз,  
туя жуни топсангиз,  
юрган дарёдир, тошар,  
қимирлаган қир ошар,  
мен ҳам қараб турмасман,  
жим, бекор ўтирмасман...»

\* \* \*

Уқувбек опасидан,  
Нигорхон онасидан  
озгина жун топишди,  
Нигор бошлади ишни,  
тўқиди у пайпоқлар —

---

## ШЕЪР ЁЗМОҚЛИК — ХАЛҚИГА, ВАТАНИГА МУҲАББАТ БИЛДИРМОҚЛИК

«Йўлдош Эшбек шеърни нафақат гўзал ёзади, балки гўзал ўқийди ҳам...», деган гапни эшитгандим нотаниш бир даврада.

«Бизда уйлар баян девор бирла ҳеч вақт ўралмас,

Кўриб кетил қалбимиздай очик турар эшиклар».

Бу мисраларни «Зарбад» қишлоғимда, шоирнинг ўзи ўқиганида, мен ҳали еттинчи синф ўқувчиси эдим. Менинг дунём шу қишлоқ бўлгани учун, бу мисраларни дунёмиз тинчлиги, гўзаллиги, фаровонлиги деб қабул қилганман ва ҳаётга муҳаббат уйғона бошлаган. Бу мисралар ҳали ҳам қулоғим тағида худди кечагина ўқилгандай жаранглаб турибди.

Шу кунларга қадар дунё шеърятидан хабардор бўлдим. Ўзбек шеъряти энг кучли шеърятлардан бири эканлигини тушундим, ўзбекнинг қалби қанчалик беғубор ва куч-қувватга тўла эканлигини унинг шеъряти орқали англаб етдим.

Ўзбекнинг ана шундай катта шоирларидан бири — Йўлдош Эшбек 50 ёшни қаршиляпти.

иссиқ, ажиб, мулойим,  
 ҳам чиройли қўлқоплар —  
 кийган дуода доим.  
 Ночорлигин Нигорхон  
 гул қилиб тўқиб солди,  
 қашшоқлигин гўзаллик  
 бирла бекита олди...  
 Тарқаб кўнгил ғубори,  
 бойиб борди рўзғори,  
 кармонлари дўппайиб,  
 ғам ариди дилидан,  
 мол-ҳоллари кўпайиб,  
 кўчмоқ бўлди элидан.  
 «Хайр, Обод қишлоғим,  
 хайр, элим Туркистон,  
 хайр, қашшоқлик чоғим!»  
 Йўл юрди, йўллар юрди,  
 юрса ҳам мўллар юрди,  
 ошиб қанча бекатдан,  
 қанча элу элатдан,  
 яшил-яшил боғларнинг  
 мовий-мовий тоғларнинг  
 орасида бир макон —  
 манзил тутдилар омон,  
 манзилки, кўп тоғлари,  
 асалдир булоқлари,  
 шамоллари хуш, малҳам,  
 шифодир эпкини ҳам,  
 бу жойни мақтадилар,  
 Равон деб атадилар.  
 Равонликлар юзта жон,  
 ўн-ўн бешта хонадон,  
 яшадилар хуррам, шод,  
 гўё Ободдан обод.  
 Уқувбекнинг моллари  
 кўпайгандан кўпайди,  
 кўринмас уч-қирғи,  
 киста яна дўппайди.  
 Нигорхоним — малика  
 мисол солар таҳлика,

Еру кўк ҳам лаззатда,  
 чайқалиб кўяр бахтда.  
 Уч фарзанд кўрди улар,  
 кулгуга тўлди уйлар.  
 Ҳар ён дарахт, булбул, гул.  
 «Жаннат дейсиз, боғ нукул!»

\* \* \*

Кун кетидан ўтди, кун,  
 ҳар не тўкису бутун,  
 лекин юрт, соғинч, макон,  
 ўчиб кетмагай тамом.  
 Равон кенгайиб борди,  
 борди кўнгил торайиб,  
 Нигорхоннинг алласи  
 тутди Равон даласин.  
 Томиб тилло зиёси,  
 ой ҳам йиғлаб кўярди.  
 хуфтон бўлиб дунёси  
 осмон бағрин ўярди.  
 Бу алладан тошларнинг  
 бағри нураб қоларди,  
 Нигорхоннинг ёшлари  
 алласига томарди.  
 Бу аллани эшитган  
 кушлар жимиб қоларди.  
 Еру кўкни улаган  
 нурлар синиб қоларди.  
 Алла эмас юртига  
 мактуб йўллар Нигорхон,  
 нурлар — томар кўллари,  
 дуз — қоғоз, дил — сиёҳдон.  
 Дурда томар ёшлари,  
 дунё эгар бошларин,  
 болам, дейди, юртимми,  
 онам, дейди, юртимми,  
 олам, дейди, ватанми,  
 алла, дейди, ватанми,  
 севинч — юрт бешигимми,

Ҳаёт, умр нуқтаи назаридан 50 ёш унчалик катта ёшмасдир, лекин адабиёт майдонида ўзига хос, айтарлик салмоғи бор.

Йўлдош Эшбек ўнлаб шеърий тўпламлар муаллифи. Шоир «Бизнинг XX аср» номли йирик эпопеясини эълон қилдирди. Шунингдек, жаҳон халқлари адабиёти намоёндаларининг кўплаб шеърий ва насрий асарларини ўзбек тилига ўттирди.

Йўлдош Эшбек доимо ҳаётга бепарво одамлардан нафратланган. Бу гўзал «нафрат»дан ҳар бир ўйламай гапирган одам баҳраманда бўлиши мумкин. Баҳраманда бўлиб, ҳалол яшашга, нафсни енгишга тириша бошлайди.

Шоир ҳаётнинг барча жабҳасига тенг аҳамият беради. Кимнингдир оёғига тикон кирса юраги ачишади. Шу сабабли уни халқидан ажратиб бўлмайди, унинг қалб қирралари шаклланиб, комилликка юз тутган бўлади.

Мен билган, Йўлдош Эшбек қаторида ижод қилган шеърятимиз вакилларида шундай хусусият мавжуддир. Улар бутун катта шоирлар, албатта. Уларнинг барчаси мен учун устоздир.

Шеър ёзмоқлик — халқига, ватанига муҳаббат билдирмоқлик.

Шоир Йўлдош Эшбекни қарши олаётган 50 ёши билан муборакбод этаман. Аллоҳ шоиримизга узоқ умр берсин!

соғинч — юрт кўшиғими,  
дилим, дейди, элими,  
куйди, дейди, тилими,  
айтсам, дейди, осмонлар —  
тўнтарилган уммонлар,  
тинсам, дейди, саҳролар —  
жим сарғайган дунёлар,  
тинсам, дейди, саҳролар —  
милён бошли юҳолар...  
Алла болам, аллаё,  
уйғон болам, аллаё,  
онанг дили нолаё,  
тўлди алам, аллаё!  
Соғинч-дарё, аллаё,  
кўзимдан томди, болам,  
жаҳон — қаро, аллаё,  
қайда юрт — ёруғ олам?!  
Улғай болам, аллаё,  
уйғон болам, аллаё!  
Ёдингда тут, ёдда тут,  
сен турқдирсан, болам, турк,  
ватанингдир — Туркистон,  
буюк жаҳон — буюк юрт!  
Отим турк де, отинг турк,  
тонглар туриб ҳайқиргин,  
исмимни майли, унут,  
Туркистон деб чақиргин!  
Бу аллани эшитиб,  
алангаси эшилиб,  
кўкка ўрлаб ғазоби,  
фигони тутун каби,  
Уқувбек дўқ қилдию  
Нигорхонга деди у:  
«Йўқ жойнинг гамин ейсан,  
сен ношукр не дейсан?  
Қайда юрт — ёруғ олам,  
қолдингми қоронғуда?!  
Молинг бўлса — йўқ алам,  
пулинг бўлса — юрт шу-да!  
«Буюк жаҳон Туркистон!»  
Нима деб валақлайсан?!  
Тегрангга бок, эй нодон,  
бахт — китоб, варақлайсан,  
бу китобни мен битдим,  
Туркистон нима бўпти?  
Равондай макон қурдим,  
Туркистонга тупурдим!  
Ул қашшоқ мулқингга ҳам,  
тупурдим турқингга ҳам!  
Қачон эл бўлди... бу хил,  
қачон яшабди аҳил?  
Бир-бирин гўштин ейди,  
ҳар бири ўзим дейди.  
Эсла қашшоқ чоғларни,  
қадрла бу боғларни.

Қара, мен беҳишт қурдим,  
уни ерга туширдим...  
Маликадай яшагин,  
юрт-пуртингни ташлагин!»  
«Йўқ-йўқ, бегим, авф этинг!»  
Қулоқларин бекитди,  
Нигор бошини эгди,  
доналаб шундай деди:  
«Гуноҳ қилманг, жон бегим,  
Ватан — она, бош эгинг!  
Онага тупирмаслар,  
сўкмаслар, сўқдирмаслар!»  
«Бас! Ақлингни болангга  
ўргатсанг-чи, эй хотин!  
Ҳазабларим аланга  
олмоқда! Жим! Тин олгин!  
Она бўлса Туркистон,  
боқар эди қилмай қон —  
ўзга калом лабида,  
ётга бош эгар бу юрт,  
чин фарзанд — мен кабилар —  
у ерда хор ва унут!  
Мана сенга чин Ватан —  
мол-дунё, пул, шодлик, шан,  
ҳар боғим — битта макон,  
ҳар молим — бир Туркистон!»

\* \* \*

Энди не қилсин Нигор,  
бу элда бошқа ким бор?  
Болалар ёш. Ўн-ўн беш —  
хизматкори эрта, кеч  
тинмай кўнгил сўрайди,  
умидларга ўрайди.  
Кун кетидан ўтар кун,  
Нигорга кундуз ҳам тун,  
юртим, дейди, йиғлайди,  
бу ерларга сизмайди,  
ғам юкини кўтарар,  
не савдолар бошида,  
ўзин хурсанд кўрсатар,  
золим эрнинг қошида,  
эх, эрини бойитган  
ҳунарини қарғайди,  
қашшоқ кунлар ҳам, Ватан  
азиз эди. Сарғайди.

\* \* \*

Шундай кунлар бирида  
итлар ҳурди ғалати,  
таниш тил шивирида  
дарвоза тақиллади,  
номаълум бир қувончдай  
ажойиб овозалар,

кеч бўлса ҳам ишонч-ла  
очилди дарвозалар.

\* \* \*

«Оҳ, ўргилай, Туркистон,  
минг хилдаги лаҳжангдан!  
Бахт уфурар, онажон,  
сен ҳақда ҳар лаҳзадан!»

\* \* \*

— Хуш келибсиз, меҳмонлар,  
савдогар, бозиргонлар,  
юрт ишига ярайсиз,  
қай ерлардан сўраймиз?

— Раҳмат!

— Шукр!

— Турклармиз.

— Бир қавмдан чиқармиз,  
дам олай дедик бу тун,  
уйлар бизимча, кўрдик,  
сиз тараф йўлни бурдик,  
отлар ҳам толди пича.

— Ҳордиқ бўлсин бу кеча.  
Бемалол, меҳмонжонлар;  
бош устига, марҳамат.

... Олинглар, тотининглар,  
қовунлар ҳам асал, қанд.

— Тўғри, қовинлар ширин,  
билсалар керак, сирич —  
Туркистонда қовунлар...  
тилими тилни ёрар!

Уқувбекнинг қовоғи  
осилиб кетди бирдан,  
булут босди сиёғин,  
тушмоқ бўлиб ҳовурдан —  
ўрнидан туриб кетди,  
гўё марҳамат этди —  
айланиб келди бир дам,  
тутиб ўзин хотиржам:  
— Олинглар узумлардан,  
беҳиштий тизимлардан,  
кайфиятни чоғ қилинг,  
ўзим экиб, боғ қилдим.

— Раҳмат, ширин узумлар,  
Туркистонда базмлар  
узумларсиз ўтмайди,  
ер юзида битмайди  
бизим узумдай узум,  
порлоқ, асал, гўж, тизим.  
Уқувбекнинг қовоғи

қорлар ёғдирди яна,  
булут босди сиёғин,  
қилмоқчидай тантана.  
Мақтовга ўрганган зот,  
ёқтирмас бу хил гапни,  
ҳеч вақт бўлолмас озод —  
иззатталаб ва тантик.  
Манман, такаббур, пастга  
эрта келар хасталик,  
йўлдош бўлар ғаразга,  
ҳасадчи бўлар аниқ.

— Олинглар, бозиргонлар,  
қандай бизнинг анорлар,  
тополмайсиз ҳеч ердан,  
ундирдим қонли тердан.  
— Раҳмат, тўғри ва бироқ  
Туркистон шундай тупроқ —  
ўсиб ётар шундай кўп,  
бундай анорлар тўп-тўп,  
ўсар, эмас бағри қон —  
шарбат, ахир, Туркистон...

— Падарига минг лаънат!  
Тилга олмангиз минбаъд,  
Туркистон ҳам битта жой,  
жаннат эмас ҳойнаҳой!  
Мен бунда беҳишт қурдим,  
уни ерга туширдим!  
Ҳар боқим — битта макон,  
ҳар молим — бир Туркистон!

Меҳмонлар чехрасида  
қотди ғалати ҳайрат,  
қони қочиб, юзида  
юз кўрсатди ҳақорат.  
Турдилар секин-аста,  
тарқалдилар бир пасда.  
Кетатуриб биттаси,  
меҳмонларнинг каттаси,  
кўзида ҳиммат билан,  
сўзида шафқат билан:  
— Раҳмат, мезбон, туз учун,  
лекин сўз учун эмас,  
раҳмат жою чой учун,  
лекин сиз учун эмас  
ва нуфуз учун эмас,  
бойлик нуфуз бўлолмас,  
Ватан асло мол эмас.  
Сизда юрту бахт йўқдир,  
демак, халқу ҳақ йўқдир.  
Юртгаким ҳақорат бор —  
сизга ҳам фалокат бор.  
Кимки юртдан юз бургай,  
юртнинг қарғиши ургаи!

Оғир келди ўша қиш,  
 кунлар бўлди кўп мудҳиш,  
 қиргин келди ҳайвонга,  
 ғам дориди Равонга.  
 Уқувбекнинг моллари  
 қирилиб битди тамом,  
 ўзларин ҳам ҳоллари  
 танг бўлди, бўлди ёмон.  
 Совуқ урди боғларин,  
 хўмрайган доим осмон,  
 одамларнинг соғлари  
 сақлаб қолди зўрға жон.  
 Зўрға-зўрға кўкламга  
 чиқиб олди хонадон,  
 чидаёлмай аламга,  
 Уқувбек деди: «Равон,  
 хуш қол, энди, эй макон,  
 яксон бўлган хонумон!»  
 Кўнглида гина ва кек,  
 икки юрт овораси —  
 Ўйлаб-ўйлаб Уқувбек,  
 тополмай ҳеч чорасин,  
 минг-минг қайғу-ғамлар еб,  
 қайдасан, Туркистон, деб,  
 бўлди йўлга равона,  
 йўлда не-не довонлар,  
 на от бор, на бир улов,  
 хотин, ўзи, уч бола...  
 қашшоқлик ҳам, ахир, ёв!  
 Ёвдир ночорлик, нола...  
 Тоғ ошиб, ошиб довон,  
 йўл юрдилар бешовлон,  
 йўл тортиб борар Нигор,  
 дилда қувончи ниҳон.  
 Кўклам. Лекин тайинли  
 егулик ҳам йўқ эди,  
 илдиз еди — майинми,  
 дағалми — куртак еди.  
 Эрта кўклам.  
 Сув ичиб,  
 кўллардан ўтиб борди,  
 гоҳида дарё кечиб,  
 гоҳ зардоб ютиб борди.  
 Болаларнинг қийноғи  
 тилди Нигор дилини,  
 эрининг зил қовоғи...  
 тийди Нигор тилини.  
 Болалар жим.  
 Нигор жим.  
 Ота жим кетиб борар,  
 бешовлон тоғ ортига —  
 бир чўлга етиб борар,  
 чўлки, бепоён эрур,

адоғи осмон эрур.  
 Ер қаттиқ, йироқ осмон,  
 ўтиришди бешовлон.  
 Юзин Нигорга буриб,  
 Уқувбек тилга кириб,  
 деди: «Нигор кетавер,  
 болаларни элтавер,  
 Қичаб Туркистон сари,  
 кета қол, майли нари,  
 майли кичиги Даврон,  
 мен билан қолсин, авраб,  
 ов қилиб ўйнатарман,  
 бир амаллаб етарман!»  
 Ниманидир сезгандай,  
 недир кўнглин эзгандай,  
 ўй суриб қолди Нигор,  
 туриб қолди бемадор,  
 бўғинлари шовшашиб,  
 оёқлари бўшашиб,  
 деди: «Мен Давронжонни,  
 бу ширинтой полвонни,  
 жондан ортиқ кўраман,  
 эргаштириб юраман,  
 бари бўлса ёнимда,  
 қувват кирар жонимга,  
 сиз эркаксиз, қолмайсиз,  
 бизга етиб олгайсиз,  
 агар ов келиб ўнгдан,  
 бирор жонвор тушса соз,  
 ўтиб олсак, хув дўнгдан,  
 юриб турсак кам-кам, оз,  
 қутилсак бу сахродан,  
 нарёғи дов-дарахтлар,  
 ўтолсак эсон-омон,  
 кулиб боқарди бахтлар!  
 Аллоҳ бизга ёр бўлар,  
 Ватан мададкор бўлар!»

«Ватан... Ватан... Ватанга  
 бало борми? Оч қорин.  
 Гап қувват бермас танга,  
 юртга етмоққа, хотин!  
 У ёқ-бу ёққа чопиб,  
 бирор егулик топиб,  
 сизларга ҳам элтарман,  
 ортингиздан етарман.  
 Ҳа, Давронни — кенжани,  
 тили ширин, инжани,  
 мен ҳам яхши кўраман,  
 яхши олиб юраман,  
 тамом! Гапни калта қил!  
 Давронжонни қолдиргил!»

Кетди Нигор ноилож,  
 болаларин қорни оч,



дилда хижиллик ёмон —  
етиб келсайди Даврон.  
Кетдилар қараб-қараб,  
поёнсиз чўл жилмайди.  
Уқувбек олазарақ  
не қиларин билмайди.  
Оз ўтдими, кўп ўтди,  
очлик тойдирди ҳолдан,  
Уқувбек хўб, кўп кутди,  
дарак йўқдай иқболдан.

\* \* \*

Чўққида икки олқор  
туришар шох ташлашиб,  
қараб кўяр Уқувбек  
ютиниб ва тамшаниб.  
Бироқ чўққи кўп баланд,  
на курол бор, на қувват.  
Ҳаёт-мамот, фано, бахт,  
сабр, чидам ва даҳшат.

\* \* \*

Балки чидамоқ мумкин  
энг катта аламга ҳам,  
ёруғ дунёда лекин  
очлик жуда қаро ғам.  
Уқувбек у ён, бу ён  
қаради аланг-жаланг,  
күёш — қора, куюк нон,  
дала — супра, қуруқ. Танг...  
Не қиларин билмайди,  
йиғламайди, кулмайди,  
панд берди «баланд охур»,  
очлик... чидаб бўлмайди!  
Не қилсин тизлар — дир-дир,  
белга тушди қалтироқ,  
кўз киртайиб боради —  
мойи сарф бўлган чироқ.  
Атрофга ёлборади,  
ичда қулдур-қулдироқ,  
букчайган фалак қадди,  
ер қаттиқдир, қуруқ, қоқ.  
Қолар ерга ўтириб,  
толлар, қарар мунғайиб,  
чалажон ўйлар суриб,  
қуриб қолди дам сайин,  
пичоқ етди суякка,  
очлик келмоқда ғолиб,  
тиш ботирди билакка,  
кучлироқ экан оғриқ,  
дод деб олди оғзини,  
тиш ўрнидан сизди қон.  
Ғам куйдирди бўғзини,

алам — ўртангувчи жон!  
Бу ҳолни кўриб Даврон,  
туриб кетди ўрнидан,  
кўрқиб-кўрқиб болажон,  
қалқиниб кетди бирдан.  
Уқувбекнинг сўзлари —  
пойма-пою маъносиз,  
аланг-жаланг кўзлари  
совуқ ёнар, ёнар муз,  
товушлари бўрининг,  
тўлғониши аждарнинг.  
«Яшамоқ — бу зўрники!  
Ўлиш — кўнгилчанларнинг!  
Қандайдир яшаш керак,  
қандайдир яшаш... яшаш...  
ланжликни ташлаш керак,  
нимадир бошлаш... бошлаш!»

Шундай юриш бошлади  
нақ Давроннинг устига,  
Даврон кўзин ёшлади,  
дод деб ота дастидан.  
Ўзи ҳолсиз бўлса ҳам,  
ўтирди, яна турди,  
бор овоз-ла бақирди,  
Уқувбекнинг сўзлари —  
пойма-пою маънисиз,  
аланг-жаланг кўзлари —  
муз чўғлари! Титрар тиз.  
Тишлари бўриники,  
ҳайбатлари аждарнинг.  
«Яшамоқ — бу зўрники!  
Ўлиш — кўнгилчанларнинг!»  
Ёвузларнинг қошида  
бола ҳам, Ватан ҳам йўқ,  
ғарқ қилганча ёшига,  
болага чанг солар... ўҳ!  
Дод деб чинқирди Даврон,  
чўчиб тушди шум фалак...  
... чўққидаги олқордан  
бири тушди думалаб...  
тош сирпаниб кетдимиди,  
Даврон охи етдимиди,  
ё шериги зўр келди —  
думалаб ўқдай энди,  
эндию бурда-бурда  
гўштга айланди олқор,  
Уқувбек хом гўштарга  
ташланди, бўридай зор.

\* \* \*

Кўркувданми куч кирди  
оч танига Давроннинг,  
югургандан югурди,

чангитиб биёбонни,  
узоқларда уч нуқта  
уфққа сингиб борар  
қўзига тушган нурлар —  
қип-қизил... синиб борар,  
ичи куйиб чопади,  
қўрқиб, тўйиб чопади.  
Қайдасан, Туркистон деб,  
суйиб-суйиб чопади,  
меҳри ийиб чопади.

\* \* \*

Чин юракдан истаган  
ўз юртини топади...

\* \* \*

Юрт кетганни унутмас,  
унутар кечганларни,  
милён бошли юҳо — нафс  
захридан ичганларни.

\* \* \*

Даврон чопиб бормоқда,  
Онажон! Туркистон деб.  
Болажон ёлбормоқда,  
юрту она ғамин еб.  
Майли, Даврон югурсин,  
бу поёнсиз чўлларда.  
Изидан гуллар унсин,  
дурбин олиб қўлларга,  
энди ортга боқайлик,  
Уқувбекни топайлик...

\* \* \*

Ана, кезар бир одам,  
қорни тўқ,  
боши эгик,  
дилида сўнгсиз мотам,

ғам, алам, энди тугун.  
Бу поёнсиз йўллардан  
ҳеч чиқиб кета олмас,  
кетай дейди чўллардан...  
манзилга ҳеч етолмас,  
ўлай дейди, ўлолмас!  
Нидо қилса  
бўғзига  
алам бўлиб қотади,  
садо қилса  
кўксига  
сўнгсиз нола ботади.  
Болам деб айтолмайди,  
онам деб бақиролмас,  
ё ортга қайтолмайди,  
юртим деб чақиролмас,  
ё олға юролмайди,  
айланади жойида,  
бир ерда тулолмайди  
чўл кенгаяр пойида.  
Дилида армон, мотам —  
ғам, алам доим тугик,  
тентирайди бир одам...  
қорни тўқ,  
боши эгик!..  
Сиеғида мадорнинг  
кучлими, кучсиз туши...  
Қулоғида Нигорнинг  
жаранг берар товуш:  
«Гуноҳ қилманг,  
жон бегим,  
Ватан — Она,  
бош эгинг!  
Онага тупирмаслар!  
Сўкмаслар!  
Сўқдирмаслар!»  
Кўнглида қуюқ, мотам,  
ғам, алам доим тугик,  
бориб-келар бир одам...  
қорни тўқ,  
боши эгик!..





Ҳайдар Яҳъёев

## ҲАЁТ ТИЛСИМЛАРИ

### *Йигитлик ибтидоси*

Учинчи январ куни мен Хўжа Аҳрор қишлоғига, туман ижроия қўмитасига, Абдурауф аканинг ёнига бордим. Абдурауф ака мени кутиб ўтирган эканлар, яхши кайфиятда аҳвол сўрадилар. Сўнгра қўл бериб, табриклаб: «Бугун Райком бюроси қарори чиқди. Ҳасан аканинг розилигини сўрадим. Эртадан бошлаб Райисполком умумий бўлими бошлиғи вазифасида ишлайсиз» дедилар. Сўнгра қўлимдан ушлаб ташқарига чиқдик ва йўлақдан юриб кабинетга мени олиб кирдилар. Кабинетда иккита қиз ишлаб ўтиришган экан, улар ўринларидан туриб, Абдурауф ака ва мен билан сўрашишди. Биринчи қизнинг исми Холида, иккинчисиники Барно экан. Абдурауф ака қизларга қараб: «Мана, бу йигит сизларга янги бошлиқ», деб бир талай иш буюриб, эртагача, деб хайрлашдилар. Қизлар ҳайрат билан узоқ кўз қараш қилиб бизларни кузатиб қўйишди.

Ташқарида Абдурауф яка ўзининг ҳозир райком партия бюросига боражаги-



ни, эртага тонг-саҳар ишга тушишимни айтиб, қўшимча қилиб қўйди: «Райижроқўмнинг 5—6 яхши отлари бор, эртага ишга келиб, биттасини танаб ол, шаҳарга чиқиб-тушишга ҳам шу отни ишлат. Шаҳардаги уйингда отни сақлашга шароит борми?» Мен раҳмат, шароит бор, деб жавоб қилдим ва Абдурауф ака билан хайрлашиб уйга жўнадим. Абдурауф аканинг ўзи саман от қўшилган фойтунда юрар эди. У кишининг менга, бугундан бошлаб «сен» деб муомала қилишлари яхшилик ва яқинлик белгиси эди.

Мен бу ердан чиқиб тўғри радиога, Убайдуллонинг олдига бордим. У навбатдаги эшиттириш дастурини тузиб ўтирган экан, кучоқлашиб кўришдик. Убайдулло акага янги ишга ўтганлигимни гапириб бердим. У кулиб: «Мендан бекитиб юрган бўлсанг ҳам, илгаридан буни сезиб юрардим. Фақат эҳтиёт бўл, Абдурауф ака қаттиққўл, темир интизомни яхши кўрадилар», деб насиҳат қилди ва ортидан: «Айний домла бетоб ётган экан, бирга бориб кўриб келсак бўлар эди», деб тақлиф қилди.

Мен эшиттириш тамом бўлгунча студияда Убайдуллони кутиб ўтирдим. Сўнгра бозор қилиб, Садриддин Айнийнинг уйларига бордик. Қизлари Холида бизни ичкарига, домла ётган хонага олиб кирди. Хонада домла бошларини боғлаб, қаттиқ йўталиб тўшақда ётган эдилар. Домланинг қаршисида кўрпачада, хонтахта атрофида Душанбедан келган (у вақтларда Сталинобод дейилар эди) Жалол Икромий ва шоир Дехотий ўтиришган эди. Мехмонлар билан танишиб олдик. Домла ўринларидан ярим туриб, йўтала-йўтала биздан аҳвол сўраб, ижодимиз, нималар ҳақида ёзаётганимиз билан қизиқдилар. Сўнгра Убайдуллодан янги кўлёмаларини уч-тўрт кундан кейин кириб таҳрир учун қараб беришини илтимос қилдилар. Касални толиқтирмаслик учун бир пиёладан чой ичиб, хайрлашдик. Йўл-йўлакай Убайдулло менга домла форс-тожик шоирларига онда-сонда мухаммас боғлаб турадилар, бундан олдин менга кўрсатган эдилар. бу галги илтимослари ҳам шу бўлса керак, деди. Убайдулло форс адабий тилини яхши ўзлаштирган, билимдон бўлиб, форсийдан таржималар қилиб турар эди.

Яхши кайфият билан уйга бордим. Эртаб барвақт ишга кетдим. Абдурауф ака билан саломлашиб чиқиб менга ажратилган хонага кирдим. Барно ва Холидалар мени кулиб қарши олишди.

Секин-аста ишга шўнғиб кетиб, тушлик бўлганини сезмай қолибман. Холида буни эслатиб, қоғозларни йиғиштириб стол тортмасига солиб қўйди, мен ҳам ўзимга тегишли қоғозларни сейфга жойладим. Холида, Барно ва мен ички ҳовлида жойлашган кичкина ошхонага кирдик. Ошхонада ўтирган ходимларга Барно мени таништирди. Бу ердан чиқиб мен Барнодан ижроқўмнинг отлари ҳақида сўрадим. Барно бу ҳақда отбоқар Юсуф акага мурожаат қилишимни, уни олдимга чақириб келишини айтди. Мен кабинет олдида кутиб турдим. Ўн дақиқалар чамаси ўтгач, Барно олдимга соч-соқоли мошгуруч, 60 ёшлардаги брезент этик кийган, кўк яктакли Юсуф акани бошлаб келди. Юсуф ака мен билан қўшқўллаб кўришиб, ижроқўм ҳовлисига бошлаб борди ва у ерда боғлиқ турган беш-олти отни кўрсатиб, улар қаторидан ўртадаги кўкимтир рангли ёш саманни тавсия қилди ва менга қараб: «У ёқ-бу ёққа чиқадиغان бўлсангиз, шу отни эгарлаб сизга тайёрлаб қўяман», деди. Мен Юсуф акага кечқурун тайёрлаб қўярсиз, деб иш жойимга қайтиб келдим. Абдурауф ака колхозларга чиқиб кетиб, бугун ишда бўлмас эканлар. Қизлар райстатдан валлачилик бўйича ахборот олишди. Холида уларни бошқа маълумотлар билан бирга машинада кўчирди. Барно эса областга юбориладиган чорвачилик хусусидаги маълумотни тайёрлай бошлади. Улар ўз вазифаларини ва қайси пайтда қандай қоғозлар тайёрлашни яхши билишар экан.

Иш куни охираб қолди. Қизлар йиғиштирина бошлашди. Шу пайт хона эшиги зарб билан очилиб, 55—60 ёшлардаги маст киши кириб келди. Мен билан баланд овозда сўрашиб, ишга бугун чиқдингми, деб сўради ва ниманидир баҳона қилиб қизлар билан уришиб кетди. Мен, қизлар ҳикоя қилишганидан, бу одамнинг ижроқўм масъул котиби, ҳафталаб ичиб ётиб ишга деярли чиқмайдиган кекса Габидов эканлигини тушундим ва уни тинчитишга ҳаракат қилдим. Барно: «Фотиҳ ака, кайфингиз баланд, иш куни тутади, уйингизга боринг», деди. Фотиҳ ака хиралик билан: «Мени маст деяпсанми, эс-ҳушим жойида, мен қолиб ишлайман», деди. Вазиятни сезиб, уни ташқарига олиб чиқдим ва кўчагача кузатдим. Кейин ижроқўм ҳовлисидан Юсуф ака эгарлаб қўйган отда уйга жўнадим. Уйдагилар от миниб келганимга ҳайратда қолишди. Ақрам отни ҳовлининг чеккасига боғлашга ёрдамлашди ва мендан пул олиб кўчадаги карвонсаройдан икки боғ беда сотиб олиб келди. Ойим хурсанд, кечқурун ош қилдилар ва Қудрат онамни чақириб келдилар. Қудрат онам ҳассага таяниб ҳовлимизга мункайиб кириб келдилар ва мени ўпиб, сўнг отнинг олдига бориб пешонасини силай бошладилар.

Ишчи батальонда ҳалок бўлган, Олтой ўлкасида дафн қилинган ўғиллари Раббимқулни эслаб, кўзёши тўқдилар. Кейин менга қараб, жониворларни яхши кўраман, Раббимқулнинг кўй-қўзиларига қарашардим, от эса одамнинг дўсти, янги ишда Худо омадингни берсин, деб дуо қилиб, уйга кирдилар. Шу пайт кўча эшиги тақиллади ва уйга учта хотин кириб келди. Акрам уларни ичкарига бошлаб кирди. Во жаб! Уларнинг бири, менинг эски танишим Дилдора эди, унинг шериклари холаси ва онаси. Дилдора Самарқанддаги ҳарбий госпиталга ярадор тоғаси фронтдан олиб келинганлигини гапириб берди. Ойим меҳмонларни яхши кутиб, чиройли дастурхон ёздилар, ош сузиб келинди, хотинлар тезда ўзаро тил топишиб кетишди. Дилдора эса «Фарҳод» қурилишида мен ишлаб кетгандан кейин бўлган воқеалар ҳақида, қурилишда одам камайгани, кейин Қўқонга кетганлиги, ҳаваскор тўғарагимиз яна бир йилча фаолият кўрсатгани, Омон Манзурага уйланиб Душанбега театрга ишга боргач, тўғарак тарқаб кетгани тўғрисида гапириб берди. Ярим кечагача қизгин суҳбат давом этди. Дилдоранинг ойиси қизини яқинда урушдан ярадор бўлиб қайтган узоқ қариндошларига унаштириб қўйишгани, баҳорда уларнинг тўйи бўлишини айтди. Дилдорага мурожаат қилдим:

— Госпиталнинг қаердалигини биласизларми?

Дилдора, ЎзДУнинг чап томонидаги корпусда экан, топиб борармиз, деди. Дастурхон ёнида ўтирган Акрам, мен биланам, кўрсатаман, деди. Шундан сўнг Дилдора сумкасини очиб, ойим ва Қудрат онамга Қўқоннинг икки кўйлақлик хон атласини совға қилди. Кейин қовун сўйилиб, ойим меҳмонларга ичкари хонага жой солиб бердилар. Эрталаб нонушта қилгач, меҳмонлар билан хайрлашиб, мен отга миниб кетдим. Орқамдан Дилдора маъюс қараб қолди.

Ишнинг иккинчи куни қизгин бошлади. Абдурауф ака қоғозларимга қўл қўйиб, ҳеч қаяққа жилмай туришимни буюрди. У: «Мен телефонни кутиб турибман, сен билан бирга райкомга мажлисга борамиз, Габилов кеча қаттиқ ичиб, касалхонага тушибди», деди. Мен жойимга қайтиб келиб, ишларим билан шуғуллана бошладим. Орадан бир соатлар ўтгач, Абдурауф аканинг котибаси мени у кишининг ёнига чақирди. Борсам Абдурауф ака кийиниб чиқаётган эканлар. Биз у киши билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб пиёда район партия комитетига етиб бордик ва райкомнинг биринчи котиби Ҳасан ака Обиддиновнинг хонасига кирдик. Узун катта хонанинг тўрида тўладан келган, сочи қирқилган, қисқа мўйловли Ҳасан ака савлат тўжиб ўтирар эди. У кишининг атрофида райкомнинг иккинчи котиби Николаев ва район КГБси бошлиғи, ёши ўттизларга борган кичик жуссали тўладан келган Фадеев бор экан. Ҳасан ака билан кўришиб, биз ҳам уларнинг ёнига ўтирдик. Ҳасан ака ҳозир обком котибларидан бири шошилинч масала билан келяпти, мен сизларни шунга таклиф қилдим, дедилар. Сўнг Фадеев суҳбатга қўшилиб, фронтлардаги аҳвол ҳақида гапирди. Шу орада Самарқанд обласъ партия комитетининг яқинда сайланган кадрлар бўйича котиби Шароф ака Рашидов кириб келдилар, ҳамма билан сўрашиб, мени кўриб ҳайрон бўлдилар. Абдурауф ака, бу киши бизда ижроқўмда ишляпти, деб айтдилар. Шароф ака менга қайтадан қўл бериб: «Жуда яхши бўлибди» дедилар. Сўнгра сўз бошлаб, вақтимиз зиқ, кечаси Усмон ака телефон қилиб, Қримдан кўчириб келинган одамларнинг моддий-маиший аҳволини ўрганиб, уч ой муҳлатда барча туманлардаги Қрим татарларини уй-жой, иш билан таъминлаш, уларга махсус ер участкаси ажратиб бериш керак, деб айтганларини маълум қилдилар. Фадеев сўз олиб: «Булар қаттиқ назоратда турган халқ. Унутмаслик керак», деди. Мажлис тугаб, Шароф ака биз билан чиқдилар, машинага ўтираётиб, менга ижодий ишни тўхтатманг, редакцияга тўғаракка бориб туринг, деб тайинлаб кетдилар.

Мажлисдан кейин Абдурауф ака тумандаги ҳар бир қишлоқ советига уч кишидан иборат гуруҳ тузиб аҳволни ўрганиб чиқиш учун бугуннинг ўзидаёқ жойларга чиқиб кетишни буюрдилар.

Мен соғлиқни сақлаш мудирини билан унинг «двухколка»сида Хишров қишлоғига бордим. Биз йўл-йўлакай колхозчиларнинг хонадонларига кириб чиқдик, кўчириб келтирилганлар жойлашган кўп уйларда яшаш учун оддий шароитнинг ҳам йўқлигини кўрдик. Уларнинг аксари хонадонларнинг ўтинхонаси, олди парда билан тўсилган айвонлар ва деразаси йўқ пастқам қоронғи хоналар экан. Бу масалада аниқ бировни айбдор ҳам қилиб бўлмасди. Чунки маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам полсиз, шифтсиз, хом гиштдан, ҳатто гуваладан қилинган уйларда истиқомат қилар эди. Қишлоқ шўроси қутилмаганда кўчириб келинган меҳмонларни бир кечада жойлаштирган ва уларга керакли шароит яратиб беришга қодир ҳам эмас эди. Биз деярли ҳар бир эвакуация қилинган оилалар билан суҳбат қилиб чиқдик ва улар ҳақидаги маълумотларни ўз дафтаримга ёзиб олдим. Уларнинг ичида чоллар, касалманд аёллар, ёш болалар, ёш қизлар ва гўдаклар бор эди.

Суҳбат қилган кишиларнинг барчаси хонадон эгаларига раҳматлар айтишар, маҳаллий аҳолининг улар билан топган бир бурда нонларини ўртага қўйиб баҳам кўраётганликларидан миннатдорлик билдиришарди.

Бир неча кундан кейин туман Партия Комитети қарор чиқарди. Шу асосда кўчириб келинганлар масаласи бўйича бутун туман вакиллари яна қишлоқ советларига жўнаб кетдилар. Ўн кун давомида жойларда бўлиб кўп муаммоларни аниқладилар. Қрим татарларига сувли ерлардан, шунингдек чўл ва тақир ерлардан, қирлардан участкалар ажратиб берилди. Улар колхоз ва совхозга сут соғувчи, тракторчи, аравакаш, юк ташувчи ёки оддий ишчи қилиб иш билан таъминлана бошладилар.

Ўн кундан кейин мен бир оз фурсатга кечқурун уйга бордим, мени роса соғинишган экан. Хонамга кириб радиодан фронтлардаги аҳволни эшитиб, сўнгра бир оз хаёл суриб, кечаги кунлардаги воқеаларни кўз ўнгимдан ўтказдим. Ҳазрат Навойининг девонини олиб ўқий бошладим. Ярим кеча бўлиб қолган эди. Анчадан бери ҳеч нарса ёзмаган эдим. Қоғоз олиб «Будапешт қамал ичида» деган шеър бошладим. Шеър қуюлиб келиб уни ёзиб бўлдим ва оққа кўчириб конвертга солиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасига жўнатиш учун тайёрлаб қўйдим. Мен бу газетга биринчи марта мурожаат қилишим эди.

Кунлар тез кечар, даярли ҳар куни вақтим идорада ўтар эди. «Ленин йўли» адабий тўғарак ишига мунтазам қатнаша олмадим, аммо редакциядагилар билан алоқа қилиб турар эдим. «Қизил Ўзбекистон»га почта орқали юборган шеъримнинг натижасини кутиб ҳар куни дўқондан газета сотиб олар эдим. Февралнинг охирларида газетанинг сўнгги саҳифасида ёш ижодкорларнинг шеърларига тақриз босилиб чиқди. Унда кўплар қатори мен тўғримда ҳам илиқ сўзлар ёзилиб, шеъримдан парчалар келтирилган эди. Хурсанд бўлиб газетадан бир неча нусха сотиб олиб, яқинларим ва жўраларимга тарқатдим. Абдурауф ака ишхонада эрта-лаб газетани ўзлари ўқиган эканлар. Мени хоналарига чақириб, самимий табрик-ладилар. Сўнгра жиддий тарзда хотин-қизлар байрами бўлади, кеча ўтказилади, шунга бағишлаб бир нарса ёзсангиз, янги шеърларингиздан ҳам ўқиб берасиз, дедилар.

Эртасига ишдан уйга келсам, уйда Убайдулло билан шоира Раъно Узоқова ойимар билан суҳбат қилиб, танча атрофида чой ичиб ўтиришган экан. Раъно опа мендан бесўроқ уйга кирганлиги учун хижолат бўлиб узр сўради. Кайфияти йўқ эди. Убайдулло гапга қўшиди: «Биз Раъно опа билан домланинг одиларига ўтмоқчи бўлиб турувдик, йўл-йўлакай сени ҳам олиб кетишга қарор қилдик, — деди. — Раънохон бироз хафалар, бир фронтчи оиласи ҳақида очерк ёзиб редакцияга топширган эканлар, ўтмабди. Асарнинг савиясини, босилмаганлиги сабабини домланинг кўригидан ўтказмоқчи!»

Бўлмаса кечга қолмасдан домланинг уйига борайлик, дедим. Йўлга тушдик. Домла Айний одатдагидек хонтахта атрофида ёнбошлаб, чой ичиб ўтирар эдилар. Бизни кўриб илиқ сўрашдилар ва менга қараб, кулимсираб: «Сочақдан Киров колхозида яхши узум сиркаси бўлади. Илтимос, менга иложи бўлса, бир шиша сирка етказиб бергин, таниш табиб дори ясаб беради», дедилар. Мен хўп бўлади, дедим. Сўнгра Раъно опадан ҳол-аҳвол сўрадилар, адабий тўғаракнинг ишлари билан қизиқдилар. Раъно опа домланинг саволларига тўлиқ жавоб берган бўлса ҳам, очерк тўғрисида оғиз очишга журъат қилмайроқ турар эди. Убайдулло бу туғрида батафсил гапириб берди. Раъно Узоқова ерга қараб ўтирар эди. Домла кўзойнақларини тақиб очеркни ичларида ўқиб чиқдилар ва индамасдан қизларидан телефон дафтарчасини ичкаридан олиб чиқартириб, «Ленин йўли» газета редакциясига телефон қилдилар, тезда гапни яқунлаб Убайдулодан облитнинг бошлиғи кимлигини, телефон рақамини сўраб билдилар. Убайдулло бу бултур Марғилондан келган Солижон Рўзиев эканлигини айтди. Домла: «Ия, бу қий-шиқ китель кийиб юрадиган одамми?» деб сўради. Убайдулло: «Ҳа, ўша, урушда елкасидан яраланган, шунинг учун бўйни қийшиқ», деди. Домла унга телефон қилиб, у билан сўрашиб, гаплашиб кетдилар ва сўзни давом эттириб: «Цензурани баҳона қилиб, шундай яхшигина бир асарни босишга рухсат бермайсизларми, қўлёзмани ўзим ўқиб чиқдим, нима қилибди, Қўчқорнинг қайнониси қуёви жангдан эсон-омон чиқишини Оллоҳдан тилаб «биби мушкул кушод» ўтказса! Бу халқимизнинг ҳаёт тарзи-ку. Усмон Юсуповнинг шахсий ташаббуси билан Тошкентда Ўрта Осиё мусулмонларининг диний идораси очилиб, анчадан бери ишла-япти, Эшон Бобоҳон бошчилигида», дедилар.

Сўнгра домла Рўзиев телефонда нимадир маъқул жавоб айтгач, домла ходимларингизга ҳам тушунтириб беринг, деб жаҳлларида тушдилар ва хайр-лашдилар. Сўнгра дастакни қўйиб, Раъно Узоқовага, облитдаги «саллани олиб

кел деса, каллани олиб келадиган» чаққонлар расмий белги бўйича бу ишни қилишади, сен тинчлангин, очеркинг газетанинг янаги сонида чиқадиغان бўлди, дедилар. Ҳаммамиз хурсанд бўлиб, энгил нафас олдик.

Тез орада дўстим Убайдулло ҳам Тошкентда янги ташкил қилинган «Ўзбекис-тони сурх» газетаси редакциясига ишга таклиф қилиниб, жўнаб кетди. Унинг ўрнига Самарқанд радиосига Раъно Узоқова бош муҳаррир қилиб ишга тайинланди. Шу муносабат билан, Раъно опа хафа бўлмасин, деб радиога бориб у кишини табриклаб қўйдим ва опа мендан радиодан алоқани узмаслигини ва тез-тез келиб туришимни сўрадилар. Кунлардан бирида ишга кетаётганимда маҳалла оқсоқоли Қори ака мен билан кўришиб, анча суҳбатлашдилар. «Маҳаллага чиқмайсан, маҳалла чойхонасида кўринмайсан?» деб танбеҳ бердилар. Мен ишим кўплигини баҳона қилиб, албатта бу камчиликни тузатаман, деб хайрлашдим. Бир-икки кундан кейин чойхонага чиқдим. Бу ерда маҳалладаги танишларим билан адабиётшунос Жоме домла ўтирган эканлар. У киши билан кучоқлашиб кўришдик ва домла мени ўз ёнларига ўтказдилар. Бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрадик. Жоме ўзларининг «Особое совещание» томонидан 10 йилга қесилганликларини, мутлақо айблари йўқлигини, фақатгина тинтув пайтида уйларида Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» ва Фитрат домланинг «Қиёмат» китоблари чиққанлиги учун у кишига ўзбек миллатчиси, деган айб қўйилиб сургун қилинганликларини, у ердаги қийноқ азобларини ва Пермдаги лагерда Усмон Носир билан қисқагина кўришганликларини шовилмасдан пасти овоз билан гапириб бердилар. Шу замон Убайдуллонинг уйида Абдулла Қодирийнинг китобларини ўқиганимиз эсимга тушиб кетди ва домладан сўрадим: — «Наҳотки, бу ҳақ сўзларни халқлар доҳийси билмасан?!» Домла Жоме: — «Бу ўша пайтдаги сиёсат бўлса керак», дедилар.

Ҳамиша тузумга сўзсиз садоқат руҳида тарбияланган актив комсомол аъзоси ҳисобланган менинг кўнглимда оғир шубҳалар туғила бошлаган эди. Домла Жоме қамоқдан чиққанига бир ҳафта бўлганлигини ва шаҳардаги марказий кутубхонага ишга жойлашишга борганликларини айтдилар. Бу масала устида узоқ ўйланиб юрдим. Ора-сира чойхонага чиққанларимда домла Жоме билан кўришиб, форс-тожик ва турк адабиётининг тарихига доир кўп қимматли маълумотларни ўзим учун эшитиб борар эдим ва у киши билан дўстлашиб қолдим.

Шу кунларда одамларнинг руҳияти жуда балинд, фронтларда душманни тиз чўктириб Совет кўшинлари илдам бормоқда. Ҳамма ғалаба кунини интизорлик билан кутмоқда эди. Ниҳоят, 9-май азонда Германия фашизмининг сўзсиз таслим бўлганлиги ва фашизм устидан Иттифоқчиларнинг тўла ғалаба қозонганлиги эълон қилинди.

Биз ғалаба кунини Абдурауф ака бошлиқ райижроқўм жамоаси билан тантанали нишонладик. Абдурауф ака яхшигина зиёфат ташкил қилиб бердилар. Ўтиришга хушовоз хонанда Муроджон Шукуров (Муродча) қатнашиб, ажойиб кўшиқлар ижро қилди, ҳаммани ҳайратга солиб ходимамиз Холида Муроджоннинг шўх яллаларига бир неча бор ўйинга тушди. Зиёфатдан кейин ҳаммамиз кўтаринки кайфиятда уй-уйларимизга тарқаб кетдик. Уйга келсам, Тошкентдан келган Убайдулло, кичкина қизчаси билан Раъно Узоқова ва дўстим Файзулло мени кутиб ўтиришган экан. Меҳмонлар билан кўришиб, касалманд бўлиб қолган Қудрат онамни ҳам уйга чақираб келдим. Ойим ошга уриндилар, мен бориб Бурҳонов совга қилган катта машрафадаги мусалласни дастурхонга келтириб қўйдим, ҳаммамиз бир-биримизни ғалаба билан табриклаб, пиёлаларга қуйиб, кўкчойсимон мусалласни ичар эдик. Раъно опанинг қисташи бўйича ҳатто кекса Қудрат онам ҳам ярим пиёла мусалласни ичиб қўйдилар. Раъно опа билан Файзулло навбатманавбат ашула айтишди. Ойим ҳам Машраб ва Ҳувайдонинг сара вазалларини ёддан айтиб бердилар. Ўтириш ярим кечагача давом этди. Раъно опанинг қизчаси ухлаб қолган эди. Кетиш олдидан Раъно опа боласини қўлига кўтариб олганда, Қудрат онам унинг юзига тикилиб: «Қизингиз қизомуқ чиқараётганга ўхшайди, қизил кийинтириб, қизил кўрпага ётқизиб, қуритилган атиргулнинг сувидан ичириш керак», деб маслаҳат бердилар. Раънохон бошини қимирлатиб Қудрат онамининг гапини маъқуллади. Барча меҳмонлар Акрам чақираб келган фойтунга ўтириб, жўнаб кетишди. Бу вақтларда Раъно Узоқова Самарқанд радиоси жойлашган, Орифбойнинг саройи деб номланган бинода бир хоналик уйда қизчаси билан ёлғиз истиқомат қилар эди ва хонанинг ташқарисига примус қўйиб овқат тайёрлар эди. Тўрт кундан кейин қизчаси вафот қилганини эшитдик. Мен ва Файзулло маҳалла оқсоқолини олиб, Қори аканинг олдига бордик. Самарқандлик шоирлар Мардонқул, Тимур Маъруфий ва менга нотаниш уч-тўрт киши биргалашиб Раъно Узоқованинг қизчасини Қаландархонадаги бир замонлар укам Ҳам-

дамжон кўмилган болалар қабристонига қўйдик. Қори ака секингина жанозани ҳам ўқидилар ва хатм бағишлаб қўйдилар. (Партия аъзоси бўлган Раъно Узоқовага масжидда очикдан-очик жаноза ўқитиш тўғри келмас эди.) Бошдан-оёқ қора кийинган, бошига қора рўмол ўраган Раъно опа унсиз йиғлар, куйиб адо бўлган эди. Энди у киши бу ёруғ оламда қариндош-уруғсиз, кимсасиз бўлиб қолди. У кишини боқиб-ўстирган тутинган оталари самарқандлик Жева бобо ҳам бултур оламдан ўтган эди. Бунақанги фожиаги тақдирларни ўн саккиз ёшимдаёқ жуда кўп кўриб бўлдим. Мен, Мардонқул ака, Қори ака биргалашиб миллатимизнинг удуми бўйича қизчанинг қолган маросимларини ҳам ўтказишга ёрдам қилдик. Раъно опа қизчаси вафотидан кейин жуда чўкиб қолган эди, шу билан бирга радионинг ишини бўшаштирмасдан, барча қалам аҳли билан алоқада, кечаси ва кундузи ишга берилиб кетди ва қизининг ўлимига бир йил етар-етмас ўзи ҳам иш столида вафот этди.

Июнь ойи ўрталарида военком менга қўнғироқ қилиб олдига ўтишимни сўради. Мен маълум муддат ўтиб, бордим. Военком мен билан кўришиб, безовта қилганлиги учун узр сўраб, фуқаро кийимида ёнида ўтирган новча рус йигит билан мени таништирди. Бу йигит фамилиясини Тупиков деб мен билан яккама-якка суҳбатлашмоқчи эканлигини билдирди. Гувоҳномасини кўрсатди. Мен унинг УНКГБдан эканлигини билдим. Тезда военкомнинг бўш хонасига ўтдик. Тупиков паст овозда гаплаша бошлади ва унинг сўзларидан менинг кимлигимни, қариндош-уруғларимни билишини пайқадим. Тупиков вилоят Давлат хавфсизлиги бошқармаси ва комсомол комитетидан ўзлари йўлланма олиб қўйганлигини хабар қилди. Нариги ойнинг бошида бошқармага боришим кераклигини ва майор Свишнёвга учрашишим зарурлигини тайинлаб, бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга гапирмаслигимни қаттиқ сўради. Қисқа суҳбат шу билан тугаб, менга Свишнёвнинг телефонини қолдирди ва хайрлашиб военкоматдан чиқиб кетди. У ердан қайтиб, ишимни давом эттираведим, Абдурауф акага бу ҳақда ҳеч нарса демадим. Белгиланган вақтда вилоят Давлат хавфсизлик бошқармасига етиб бориб, Свишнёвнинг қабулига кирдим. Саломлашиб вахтада менга ёзиб берган руҳсатномани столга қўйдим. Свишнёв ўрта яшар, ранги синиққан, малла сочи тўкила бошлаган, қора костюмда, аланималарнидир ёзиб ўтирар эди. У бошқармада кадрлар бўлимининг бошлиғи экан. Суҳбатни узоқдан бошлаб менинг сиёсий савиямни синаб кўрди. Сўнгра таржимаи ҳолим, бўш вақтларимни қандай ўтказишим, яқин таниш ва жўраларим кимлар эканликларини сўраб чиқди. Ярим соатларча давом этган суҳбатдан кейин мени ёнидаги кабинетга чиқариб юборди ва мен камгап Тупиков олдида 3 соат давомида ариза, таржимаи ҳолим ва юздан ортиқ саволни ўз ичига олган рус тилидаги анкетани икки нусхада тўлғазиб, Тупиковнинг қўлига бердим. У ҳужжатларни диққат билан ўқиб чиқиб, уч-тўрт кундан кейин менга тегишли маълум ҳажмдаги фотосуратларни унга олиб келиб беришимни айтди. Яна бир қарра ҳозирча ҳеч кимга ҳеч нарса демаслигимни қаттиқ тайинлаб, керак бўлганда ўзимиз чақирамиз, деб мени кўчагача кузатиб қўйди. Мен район ижроия кўмитасида ўз ишимни давом эттираведим ва суратга тушиб, Тупиковга унинг айтган вақтида фотосуратларни ҳам олиб бориб бердим. Ўша кунлари ажойиб ҳис-ҳаяжон ичида юрар эдим. Бу кўрқувнамо, шу билан бирга қувонч аралаш туйғулар эди. Ҳатто ойимга ҳам бу ҳақда сўз очмаган эдим. Лекин бу ташкилот ишига қизиқиш ва унда хизмат қилиш ҳисси менда кучайиб борди. Ўзимча хулосалар ҳам қилдим; бунинг ташаббускори ҳарбий комиссариат, деб ўйладим.

Бундан ташқари, чақирув ёшига етган йигитлардан битта-иккитасини бу ерга юборишар эди. Мени тавсия қилишда район НКГБсининг бошлиғи Фадеевнинг ҳам роли бўлиши мумкин эди. Райижроқўмга ишга кирганимдан бери Фадеев билан мажлисларда ва турли хизмат юзасидан бир неча бор кўришганман, суҳбатда бўлганман, орамизда қандайдир яқинлик ва самимий муносабат пайдо бўлиб қолган эди. Шу орада Фадеев икки маротаба кимнингдир ўзбек тилида ёзилган уч-тўрт варақ текстини, шахсий илтимосим, деб мендан ўзбекчадан рус тилига ёзма равишда таржима қилдириб олган эди. Бундан ташқари, Фарҳод қурилишидан қайтиб, вилоят комсомол комитетига ишга кирганимда, обкомнинг бўлим бошлиғи, лозим бўлса мени жиддийроқ ишга тавсия қилишларини айтган эди.

Мен ҳеч нарса билмагандай райижроқўмда ўз ишимни давом эттириб юрдим. Ишдан бўш ватқларда онда-сонда маҳалла чойхонасига чиқиб, Қори ака билан, домла Жоме билан ҳамсуҳбат бўлиб чойхўрлик қилар эдим.

Бир куни кечқурун ҳордиқ чиқариш учун чойхонага чиқдим. У ерда маҳалла оқсоқоли Қори ака, домла Жоме ва домланинг менга нотаниш шериклари чой ичиб ўтиришарди. Саломлашиб, уларнинг ёнига бориб ўтирдим. Ҳазил-мутойибалар қилдик. Сўнгра домла Жоменинг таклифлари бўйича икки партия шахмат





ўйнадик. Ўйин биру бир билан, дур-ранг бўлди. Сўнгра домладан шаҳар кутубхонасига ишга кирдингизми, деб сўрадим. Домла йўқ, мени ишга олишмади, деб жавоб қилдилар. Қандай қилиб домла тирикчилик ўтказяптилар, деган саволни бермоқчи бўлганимни сездилар шекилли, ўзлари: «Бир бурда нону бир пиёла чойни ёру дўстларим мендан аяшмаябди, шунисига ҳам шукр», дедилар. Вақт кеч бўлганлиги учун, мен уйга қайтдим. Кейин билсам, домла Жоме кун бўйи Ҳовузи Баланд кўчасида тароқчи устанинг дўконида ўтириб чиқар эканлар, фуқароларга уларнинг ариза-шикоятларини ёзиб бериб, шунинг эвазига тушган озгина маблағ ҳисобидан тирикчилик қилиб юрар эканлар. Қори аканинг айтишларича, у кишини «халқ душмани» деб, турли хил бўлмағур баҳоналар билан бошланғич мактабда ўқитувчиликка ҳам ишга олишмаган. Мен домла Жомега ич-ичимдан ачиниб, у кишини районимиздаги мактаблардан бирига ишга тавсия қилмоқчи ҳам бўлдим.

Ниҳоят, бир ҳафтадан кейин ижроқўмнинг катта президиум мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кескин руҳда ўтиб,

кечга яқин тугади. Мажлисда район ташкилотларининг барча раҳбар ходимлари қатнашди. Мажлисдан кейин, менинг ёнимга Фадеев секин келиб иш тўғрисида ўз фикрларини биддириб туриб, гап орасида беҳосдан «Сен домла Жомени танийсанми?» деб сўради.

— Ҳа, кўндан бери танийман, — дедим. Фадеев табассум билан қўлини елкамга қўйиб: «Иложи бўлса, у киши билан камроқ кўришиб ҳамсуҳбат бўлганинг маъқул, менинг дўстона маслаҳатим шу», деб хайрлашиб кетди.

Мен ўрнимда қотиб қолдим. Давлат хавфсизлик идорасига ариза қолдирганимга бир ойдан ошди. У ердан ҳеч қандай жавоб йўқ эди. Демак, улар мени астойдил текширишдан ўтказишяпти ва шу текшириш жараёнида домла Жоме билан учрашган онларим ҳам аниқланган. Кунларнинг бирида Абдурауф ака мени ўз олдига чақириб, туманимизга эртага Тошкентдан ҳурматли меҳмонлар келишини айтди. Шу муносабат билан, уларни яхшилаб кутиб олиш лозимлигини, «Москва» колхозига бориб жой тайёрлаб қўйишни тайинлади.

Меҳмонлар кимлар эканини сўраганимда, Абдурауф ака кулимсираб: «Улар сенинг кўнглингга яқин кишилар. Шоир Чустий, хонанда Шаҳодат Раҳимова, ЦКнинг вакили Ҳамидов, беш-олти киши бўлади. Каттақўрғон сув омборига боришар экан, бизнинг туманга ҳам кириб ўтишмоқчи», деди.

Мен «Москва» колхозига жўнаб кетдим. Кайфиятим кўтарилиб, Чустий домла билан бўлган Фарҳод қурилишидаги учрашувларни эсладим. Чустий домла бир марта Усмон Юсупов билан бирга, бир неча кишилар сафида тўғонга келган эдилар. Икки марта Дилдора билан Фарғона участкасига ўтганимизда штаб ертўласининг ёнидаги янги қурилган сўрида ҳофиз ва санъаткорлар қаторида турган эдилар. Уларнинг ичида Дилдоранинг амакиси, менга нотаниш кекса киши ҳам бўлиб, у бизларни сўрига чиқиб ўтиришга такалиф қилган эди. Биз кўришиб, сўрининг чеккасидан жой олдик. Дилдоранинг амакиси қурилишда участка бошлиғи бўлиб ишлар экан. Дилдора мени меҳмонларга таништирди. Чустий домла: «Шеър ёзиб турасизми? Қурилиш радиосидан шеър ўқиганларингизни эшитганимиз, сиз билан касбдош эканмиз» деб ёнидан менга жой берди. Икки соат давомида шеърхонлик, Фарғонанинг катта ашулаларини айтиб, ичакузар аскиялар бўлди.

Ўтирганлар илтимосига биноан, Дилдора ҳам Чустий домланинг «Карвон келди» ғазалини танбур ва дутор жўрлигида маҳорат билан ижро этди. Кейин Чустий домла менга: «Сизларда яхшигина ҳаваскорлик тўғараги тузилган экан, уларни бир-икки кунга бу томондаги қурувчиларга хизмат қилиш учун жўнат-

сангиз», дедилар. Мен Саттор акадан сўраб, илтимосингизни бажо келтираман, деб ваъда қилдим. Кейин, Саттор аканинг рухсати билан Омоннинг ҳаваскорлик дастасини Дилдора Фарғона участкасига уч кунга олиб бориб келди.

Чустий бундан мамнун бўлиб, саломлар айтиб юборибдилар. Шундай қилиб, домла билан яхши танишлагим бор эди. Уларни эслаб «Москва» колхозига етиб келдим, раисни даладан топиб келишди ва мен у кишига эртага меҳмонлар келишини, Абдурауф ака тайинлагани бўйича уларни қандай кутиб олиш тартибини тушунтириб бердим ва уйга қайтиб келдим. Уйда шоир Мардонқул Муҳаммадқулов, жўраларим Ҳабиб, Файзулло, Сафо кутиб ўтиришган эканлар. Уларнинг кайфиятлари кўтаринки эди.

Бу хурсандчиликка боис бўлган воқеа Мардонқул аканинг Сталинобод наشريёти томонидан шеърий таржималари қабул қилинган экан. Биринчи маротаба бу Мардонқул Муҳаммадқуловнинг ўзбек тилида таржималари чиқishi эди. (Кейинчалик, йиллар ўтиб бу таржималар Душанбеда ва Тошкентда босилиб чиқди. Ҳозирги кунларда ҳам Зебунисонинг «Зеби дастор ўлмади» газалини марҳум ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиев мусиқаси билан севимли хонанда Маръям Сатторова радио ва телевидение орқали маҳорат билан ижро этади.) Ўтиришда Мардонқул ака ўз таржималарини маҳорат билан ўқиб бердилар. Файзулло уларни куйга солди. Ҳабиб эса газаллар ва ашулалардан шинаванда сифатида роҳатланиб, чайқалиб ўтирар эди. Ойим ҳам вақти-вақти билан ёнимизга келиб ўтириб, Мардонқул аканинг таржималарини эшитар, ҳатто бир-икки ерига ўзларича маслаҳат бериб ҳам кўярдилар. Вақт алламаҳал бўлиб меҳмонлар тарқалиши олди-дан мен Мардонқул акага, эртага районимизда Чустий домла бошлиқ шоирлар ва санъаткорлар келишини хабар қилдим. Мардонқул ака (ўша йили) районимизда мактаб директори бўлиб ишлар эди. У «Москва» колхозига албатта боришини, раис билан яхши таниш эканлигини айтди. Эрталаб чошгоҳ пайтида меҳмонлар келишди. Мен уларни ижрокўм ҳовлисида кутиб олдим. Оқ каламинка шим ва оқ финка кийган Чустий домла тилла тишларини ялтиратиб кулиб, мен билан кучоқлашиб кўришди.

Чустий домла билан шоир Камтар Отабоев, халқ артисти Раҳимова ва мусиқа асбобларини кўтарган икки ёш созанда йигит келишган эди. Абдурауф аканинг олдига кирдик. Абдурауф ака меҳмонларни Охаликдаги буғдой ўраётганлар олдига олиб боришни мен билан ёрдамчисига буюрди. Бир-икки соатлардан кейин албатта бирга бўламиз, деб Ҳасан акага телефон қилиб, райком партияннинг янги олинган усти очиқ «Виллис» машинасини чақириб берди. Биз янги машинага миниб, ярим соат чамаси йўл босиб, Охаликдаги катта буғдойзорга етиб бордик. Одамлар дала бўйлаб сочилиб, қўл ўроқда буғдой ўрмоқда ва уларни кирмонга топширмоқда эди. Тушки овқат пайти бўлиб ўримчилар дала шийпониди йиғила бошлашди. Уларнинг ичиди ёш қизлар, аёллар, ёши ўттан эркаклар бор эди. Камтар Отабоев ўримчиларни Буюк ғалаба билан табриклаб, Шаҳодат хонимга навбат берди. Созандалар доира ва рижжакни созлаб, мусиқали драмадан ариялар ва кўшиқлар ижро этилди. Шаҳодатхоннинг атлас кўйлаги шамолда ҳилираб, устма-уст қарсақлар остида тўртта ашула айтди. Сўнгра Камтар Отабоев ҳам иккита кўшиқ куйлаб, домла Чустийга сўз берди. Домла янги шеър ва газалар ўқиб бердилар. Учрашув мароқди ўтиб, кечга яқин районга қайтдик ва Абдурауф ака билан ҳаммамиз «Москва» колхозига йўл олдик. Бирпасдан кейин бу ерда Мардонқул Муҳаммадқулов билан университет адабиёт кафедраси мудирини, хушчақчақ ва шинаванда Воҳид Абдулло етиб келдилар. Дастурхон атрофида суҳбатни Чустий домла бошладилар. У киши Самарқанд тарихидан қизиқ ҳикоялар гапириб бердилар. Янги газаларидан намуналар ўқидилар. Ўз навбатида Камтар Отабоев ҳам янги ёзган газалини ўқиб берди. Воҳид Абдулло Чустий домлага Мардонқул аканинг моҳир таржимонлиги, Зубенисоннинг китобларидан таржима қилаётганлиги ҳақида гапирди. Чустий домла қизиқиб, Мардонқул акадан «Самарқанд ушоғи» газали асл нусхасини ўқиб беришни илтимос қилди.

Мардонқул ака уни ёддан ўқиб берди. Ўз навбатида Чустий домла ҳам Хисрав Дехлавийнинг бир газалини ёддан форс тилида айтиб бердилар. Шаҳодатхон суҳбатга кўшилиб, мумтоз кўшиқлардан куйлади.

Кеча давомида канчалик яхши кайфиятда бўлмай, капитан Фадеевнинг яқиндагина мени огоҳлантиргани, улкан адабиётшунос олим Жоменинг ҳеч қаерга ишга киролмай юрганию аянчли қисмати, унинг қобилиятидан жамият бебахра бўлиб қолаётганлиги бағримни эзар эди. Шунинг учун уйга жўнаш олди-дан иккиланмай Мардонқул акани бир чеккага тортиб, у киши бош бўлган мактабга Жомени бир амаллаб ишга олишларини сўрадим. Ҳеч нарсадан беҳабар Мардон-

кул ака розилик берди. Эрталаб ишга кетиш олдидан эса Қори акани топиб, домла Жомени Мардонкул аканинг олдига юборишини тайинладим. Бир ҳафта ўтгач, Жоме домла мактаб кутубхонаси мудирлиги вазифасига ишга кирганлигини эшитиб, анча тинчидим.

Август ойининг бошлари эди. Хонамга қўлида ҳасса тутиб офицерлик кийимида (погонсиз) кичик жуссали, чехраси очик, ўтгизлардан ошган бир киши кириб келди. Ўзининг мактаб директори Муроджон эканлигини айтиб, кўзимга иссиқ кўриняпсиз, мен сизни қайдадир кўрганман ёки кимгадир ўхшатапман, деди. Мен у кишидан: «Ўзингиз қаерликсиз?» деб сўрадим. Муроджон: «Мен Конирил қишлоғида, Фани тегирмончининг Сиёбдаги тегирмонларига ёндов боғчада туғилганман, урушда ярадор бўлиб келганимга беш ойча бўлиб қолди», деди. Мен Фани тегирмончи поччам бўлганликлари, болалигимда раҳматли Мақсуда амманнинг боғларига тез-тез бориб турганимни айтганимда, Муроджоннинг чехраси очилиб, хурсанд бўлиб кетди. Сўнгра мақсадга кўчиб, мактабда ҳарбий-ватанпарварлик бурчагини ташкил қилганлиги, яқин ўртада махсус катта кабинетга айлантириш нияти борлигини, қишлоқ совети эса бунга тегишли маблағ ажратмаётганини айтди. Чиндан ҳам ўша пайтларда маҳаллий бюджет учун қишлоқ советларига жуда оз маблағ ажратилганлиги район ижроия қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган президиумида танқид қилинган эди. Мен район молия мудирини муовинига телефон қилиб, у кишининг олдига Конирилдаги мактаб директори боришини айтдим. Ҳарбий-ватанпарварлик кабинетини ташкил этиш учун маблағ ажратишларини ижроқўм номидан илтимос қилдим. Муроджон суюниб, ўзининг уруш қаҳрамони Боис Эргашев билан бир қисмда ёнма-ён туриб жанг қилгани ва мактабда ўқитувчилар билан қуролаш дўстларининг учрашувини ўтказишга тайёрланаётгани, бу учрашувга Боис Эргашевни таклиф қилишини айтди. Хайралиб кабинетдан оқсоқланиб чиқиб кетди. Бу воқеани Ижроқўм муовини Эшонқуловага гапириб бердим. Опа менинг қароримни маъқуладилар ва буни албатта назорат қилишни ваъда бердилар.

Тўрт-беш кун ўтиб, Муроджон олдига хурсанд бўлиб келди. Ҳарбий-ватанпарварлик кабинетини жиҳозлаш учун маблағ ажратилганлиги учун менга миннатдорлик билдирди. Боис Эргашев билан мактабдаги учрашув эртага ўтказилишини маълум қилди ва мени ҳам таклиф этди.

Эратси куни учрашувга бирон соатлар қолганда Конирил қишлоғига етиб бордим. Бу мактабда кўп йиллар бурун дарс ўтган эдим, ҳозир эса мактаб қиёфаси тамоман ўзгарган, бино бўялиб оқланган, йўлакларга тахта ётқизилган эди. Муроджон мени кутиб олиб бинони кўрсатди ва уни ўқитувчилар ҳашар йўли билан бир ой бурун таъмирдан чиқарганликларини ҳикоя қилиб берди. Кейин унинг хонасига кириб суҳбатлашиб ўтирган эдик, эшик очилиб Боис Эргашев бошлиқ тўрт киши кириб келди. Ўттиз ёшлардан ўтиб қолган Боис янги костюмда, оппоқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ таққан, кўксига Қаҳрамонлик Олтин Юдузи ярқиради, унинг қоп-қора қуюқ сочи, оппоқ юзини безаб турган қуюқ қора қоши ва узун киприклар ичидаги чиройли қора кўзларига ажойиб ҳусну тароват бағишлаб турар эди. Боиснинг шериклари ҳарбий уст-бошда; у ўтиргандан кейин ҳам тик турар эдилар. Боис Муроджон билан фронт ҳақида суҳбатлаша бошлади. Бир маҳал менга тикилиб: «Кечирасиз, ука! Сиз Облоқулнинг укаси эмасмисиз?» деб сўради. Мен тасдиқладим. Сўнгра Боис сўзини давом эттириб, урушгача Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида ишлаб, оммавий саҳналарда чиққанлигини ва мени ўша ерда, тоғамнинг олдига кўрганини гапириб берди. Ниҳоят, ҳаммамиз мактаб клубига чиқдик. Учрашув тантанали руҳда ўтиб, уруш қатнашчиларига мактаб ўқувчилари гулдасталар тақдим этдилар. (Боис Эргашев билан шундай танишиб, сўнгра тақдир тақозоси билан Тошкентда тез-тез учрашиб турдик ва яқин дўст бўлиб қолдик. Боис ака кўп йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетида, Республика Давлат хавфсизлиги органларида, сўнгра Шароф Рашидовнинг комиссари вазифасида ишлади. Менинг қалбимда эса Боис Эргашевдан ажойиб инсон ва содиқ дўст сифатида порлоқ хотира қолган).

Август ойи ўрталарида Абдурауф ака мени ҳузурига чақириб, район партия қўмитаси биринчи котиби Ҳасан ака Обиддиновнинг олдига олиб бордилар. Ҳасан ака бизни самимий кутиб олди ва Абдурауф акага: «Ижроқўм яхши хизматчини ўстирибди. Менга ҳозир област давлат хавфсизлигининг бошлиғи муовини телефон қилди. Укамизни бошқармага ишга сўрашяпти. Райкомдан характеристика ҳам бериб юбордик», деди. Абдурауф ака бу масаладан беҳабар киши бўлиб кўриниб, буни ўйлаб кўриш керак, деб қўйди. Ҳасан ака: «Бу биз учун катта ишонч, эртага Мавриннинг буйруғи чиқар экан, масала узил-кесил ҳал қилинган», деди. Шундан кейин, икковлари ҳам район ижроия комитетида сидқидил-

дан ишлаганим учун менга раҳмат айтишди, район билан бундан кейин алоқани узмасликни сўраб, янги ишда муваффақиятлар тилашди.

Абдурауф ака билан исполкомга қайтиб келгач, у киши ишларни Барнога ва Эшонқуловага топшириб бўлиб, хоналарига киришимни сўрадилар. Мен кечгача ишни тугатиб, кабинетга кирдим.

Абдурауф ака менинг сезишимча ишдан кетишимга унчалик рози эмас эдилар. Кучоқ очиб хайрлашиб, шоир Хувайдонинг ўтган асрда чоп қилинган арабча ғазаллар тўпламини ўзларидан шахсан совға қилдилар. «Бу китоб раҳматли онамдан менга қолган эди», дедилар. (Чиндан ҳам ўзбек, тожик ва форс адабиётининг катта мухлиси бўлган Абдурауф ака Маъруфийда нодир китоблар борлигини эшитган эдим. Абдурауф ака билан кейинчалик борди-келди қилиб юрдим. У киши Самарқанд район партия қўмитасининг биринчи котиблиги вазифасига кўтарилиб, узоқ йиллар самарали ишлади. Маъруфий ҳақида ҳам қалбимда порлоқ хотира сақланиб қолган.)

## Махсус хизмат соҳилларида

Эрталаб ҳужжатларни олиб вилоят хавфсизлик бошқармасига бориб, майор Свишнёвга учрадим. Свишнёв жаҳди чиққан, қош-қовоғи осилган, кайфияти йўқ. Мен билан узоқ гаплашмай, камситиброқ муомала қилиб «ижроқўмда ишларингни тошширдингми?» деб сўради. Мен «ҳа» деб жавоб қилдим. Сўнгра деди: «Сен билан полковник Мавриннинг олдига кирамиз, менинг маслаҳатим шуки, бу ерда кўрганларинг ва эшитганларинг ҳақида ҳеч кимга, ҳеч қачон гапирмайсан».

У сейфдан бланк чиқариб, менга тўлғазириб, худди шу ҳақда тилхат ёздириб олди. Кейин Мавриндан телефон бўлди шекилли, мени у кишининг кабинетига бошлаб келди. Кабинет катта, баҳайбат, деворлари нақшлардан иборат бўлиб, биллур қандиллар ёниб-жилоланар эди. Кабинетнинг тўрида ким биландир гаплашиб басавлат ва виқорли, эллик ёшларга тўлган, кўк коверкот костюм кийган кўм-кўк шишаранг кўзли, малла сочлари сийраклашиб оқара бошлаган полковник Маврин ўтирар эди. Қисқагина ҳол-аҳвол сўраб, мени давлат хавфсизлиги таркибига ишга қабул қилинганлигим билан табриклади. Ҳозирча махсус бир хизмат таркибида оддий ходим бўлиб ишлаб туришимни, кейинчалик бошқа соҳаларда ҳам мени синаб кўрмоқчи эканлигини айтиб, ҳаётда нима билан шуғулланишимни ва нимани яхши кўришимни сўради. Мен адабиётни яхши кўришимни ва онда-сонда шеър ёзиб туришимни айтдим. Шунда Маврин бирдан: «Рус адабиётини қанчалик ўқигансиз ва рус ёзувчиларидан кимларни севасиз, кўпроқ ўқийсиз?» деб сўради. Мен иккиланмай Пушкин, Лермонтов ва Есенин деб жавоб қилдим. Маврин: «Сиз улардан биронта шеърни ёддан айта оласизми?» деди. Мен жавоб ўрнига ўзим ёд билган бу уч рус шоирларининг шеърларидан намуналарни айтиб бердим. Мавриннинг чеҳраси очилиб, биринчи марта юзида табассум пайдо бўлди. Шу маҳалгача қовоғини солиб ўтирган Свишнёв ҳам жилмайди. Унинг олдига буйруқ лойиҳасини қўйди. Маврин буйруққа имзо чекиб, энди сиз ҳақиқий хизматчи бўлдингиз, қолган ишларни Свишнёв билан ҳал қиласиз, деб мен билан хайрлашди. Свишнёв хўжалик бўлиmidан ҳарбий Тупиковни чақириб, менга шахсий гувоҳнома ёзиб беришини буюрди. Сўнгра олдига Файзуллина деган аёлни чақирди ва унга мени янги ходим, сизда ишлайди, деб тавсия қилди. Қирқ ёшлардаги Файзуллина кител устидан лейтенант погонини таққан, келишган хотин бўлиб, мен ишга бораётган бўлимининг бошлиғи экан ва бугун бошқармада навбатчи бўлгани учун форма кийиб келганини тушундим. Файзуллина мен ишлайдиган бўлим шаҳарнинг чеккасида жойлашганини айтиб, у ерни қандай топишни тушунтириб берди. Эрталаб навбатчиликдан кейин ўша ерда бўламан, ҳамма гапни гаплашамиз, деб чиқиб кетди. Шу орада Тупиков келиб журналга қўл қўйдириб, менга шахсий гувоҳномани топширди ва ўзи билан бирга бошқарманинг тагидаги омборга олиб тушди. Омбордаги старшина Хачатуровга фармойишни бериб, менга лойиқ форма (тўла комплект билан) ва бир сира фуқаролик кийими учун материал, шунингдек оёқ кийимдан бошлаб қишки пальто, телпагигача топширди. Кийим олиш муҳлати икки соатдан ошиб, уларни алоҳида тугунларга жойлаганча Тупиков билан кўчага чиқдим. У юкларни мен билан кўтаришиб, фойтун тўхтатиб, кейин хайрлашди ва мен уйга кетдим. Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб Акрамни чақирдим ва юкларни уйга олиб кирдик. Ойим ҳайратда тугунларни бирма-бир очиб кўрдилар. Фақат шундагина мен ойимларга давлат хавфсизлиги бошқармасига хизматга ўтганлигимни айтдим. Ойим ҳангу манг бўлиб қолдилар. Кейин маслаҳатлашиб, фуқароча костюмни маҳалладаги катта



машиначи Мухарьямовга берсак, у тезда тикиб беради, дедилар. Мен чой ичиб вақтни ўтказмасдан уйи кўчада рўпара жойлашган Мухарьямовникига бордим. Унинг ўғли Самарқанд медицина институтининг биринчи курсига эндигина кирган Нурмухаммад мен билан яхши муносабатда, болалиқдан бир маҳаллада бирга ўсган эдик. Нур-

мухаммаднинг отаси мендан ўлчовларни олиб, келтирган материални мақтади. Уч-тўрт кунда тайёрлаб бераман, деб ваъда қилди. (Мухарьямов тўрт кунда, бир марта ўлчовга боргандан кейин, костюмни тайёрлаб тикиб берди.) Унинг ўғли Нурмухаммад йиллар ўтиб, Самарқанд медицина институтини битиргач, Москвага академик Мясниковга шоғирда тушиб, ўша ерда фан номзоди, фан доктори, сўнгра академик унвонига сазовор бўлди. Юрак касаллиги бўйича олий медицина ўқув юртлари учун учта катта дарслик ёзди, кўп марта Англия, АҚШ, Германияга бориб, лекциялар ўқиб келди ва сўнгра, кейинги йилларда космонавтларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишини бошқарди. Доимий равишда Москванинг марказида истиқомат қиларди. Мен бир неча бор иш билан Москвага борганимда, унинг уйида тунаб қолганман. Аммо Нурмухаммад беш-олти йил бурун тўсатдан вафот этди. Ўта истеъдодли олим, тиб илмида сўнмас из қолдирган бу инсон Ўзбекистоннинг содиқ фарзанди эди.

Ойим билан биз ҳарбий кийимни кийишга тайёрлаб, тўқ хаворанг оддий аскар погонини гиснастёркага тақдик. Мен ҳарбий формани эгнимга, погон билан бир хилдаги беш юлдуз тақилган фуражкани бошимга кийиб улгурмасимдан эшиқдан дўстларим Сафо билан Файзулло кириб келишиб, ҳайратда қотиб қолишди. Мен тезда устимни ечиб, уларни хонтахта атрофига ўтқаздим. Жўраларимга янги хизматга ўтганлигимни, эртадан ишга тушишимни гапирдим. Зийрак ва синчков Сафо мени табриклаб, фуражка ва погон рангидан билдим, чин қалбимдан табриклайман, деб ўпиб қучоқлади. Яқиндагина Ўзбекистон колхозига ҳисобчи бўлиб тайинланган Файзулло ҳам: «Сен билан фахрланаман!» деб ўзида йўқ суюнди. Акрам ва Мухаммаджон оғизлари қулоғида, шоша-пиша, дастурхонни ясадилар. Ойим ва Қудрат онамлар фотиҳага қўл очиб, муваффақият тилаб дуо қилдилар. Шунда Сафо ҳазиллашиб, энди оғайним фотиҳага қўл очмаса керак, янги идораси диний урф-одатларга қарши, деб кесатди. Мен Сафога қараб, хато қилсан, эътиқод ўзгармас бўлади, дедим. Шунда Сафо: «Нега бўлмаса, яқинда отаси ўлгандан жаноза ўқитган район прокуроримиз Шамси ака Баҳромовни обком бюросига қақариб, партиядан ўчирадиган бўлишди? Аранг қаттиқ вивогор билан қутилибди», деди. Ойим суҳбатни бошқа ёққа буриб юбордилар. Сафодан ҳол-аҳвол сўраб, Убайдуллони эслаб, ундан анчадан буён дарак йўқ, дедилар (улар яқин қариндош эди). Сафо Убайдуллонинг ҳали ҳам Тошкентда, газета редакциясида ишлаётганини, яқинда Самарқандга келиши мумкинлигини, Убайдуллони Сталинобод шаҳрига катта нашриётта бошлиқ қилиб ишга таклиф этишгаётганини хабар қилди. Ҳа, бу иш домла Айнийнинг ташаббуслари билан бўлган, деб қўшиб қўйди. Овқатланиб бўлгач, мен Акрам билан Мухаммаджонга бутун бошқарма хўжалик бўлиmidан менга берган карточкани чиқариб, эртага эрталаб Карл Маркс кўчасига бориб ўша ердаги «Махсус Савдо» магазинига мени рўйхатга қўйишини ва бундан кейин шу карточка бўйича доимий равишда нон ва бошқа маҳсулотларни олиб келишини буюрдим. Сафо Акрамнинг қўлидан карточкани олиб, обдан у ёқ-буёғини қараб, ўқиб чиқди. Карточкада фуқарога бериладиган кундалик нон нормаси икки баравар ошиғлиги ва унда турли крупалар, пахта ёғи,

кир совун берилиши аниқ кўрсатилган эди. Шунда Сафо бир оз ғаразлиги тутиб, карточкани Акрамнинг қўлига қайтариб бериб, дастурхонга фотиҳа қилинг, биз кетамиз, деб оймга мурожаат қилди. Сафонинг бу қилиғидан ҳайрон бўлиб, Файзулло билан бирга уни эшиккача кузатиб қўйдик. Ўша пайтларда мен Фадевандан бўлак давлат хавфсизлиги идорасида ишлайдиган кишини яқиндан билмас, бу идорада маҳаллий кишилар деярли ишламасди, фақат билганим, Сафонинг узоқ қариндоши, самарқандлик Аҳмад Аминов эканлиги ёдимга тушди. Сафо илгарлари ўзининг уруғи Аминовнинг лейтенант унвони бўлганлиги ва қўлидан кўп иш келишини мақтаниб қўйган эди.

Эртасига эрталаб мен Файзуллина айтган бинони топиб борди. Эшикнинг ичкари томонидаги посбонга (у фуқаро кийимида эди) шахсий гувоҳномамни кўрсатиб, ичкарига кирдим. Файзуллина мени кутиб ўтирган экан. Менга нариги кабинетдаги столига кўрсатиб, уч-тўрт кун юқоридан келган буйруқлар ва қўлланмаларни ўқиб ўрганишимни, уларни яхшилаб ўзлаштиргач, у мен билан суҳбат ўтказиб, кейин ишга тушишим кераклигини уқтирди. Кабинетда мендан ташқари иккита европали қиз токчалардаги қоғозларни бошларини кўтармай ўқиб, дафтарларига алланималарнидир вақти-вақти билан ёзиб қўйишарди. Хонада жимжитлик, ҳеч ким бир-бири билан гаплашмас эди. Мен буйруқ ва дастурларни Файзуллина қолдирган тартибда бир бошдан ўқий бошладим. Ўқиганим сайин бугунгача нотаниш, тамоман бошқа оламга кириб борар, кўп нарсалар мени ҳайратга солар ва тасаввуримга сиғмас эди. Шу тариқа тушликкача қоғозлардан бош кўтармадим. Қизлардан бири менга исмини айтиб мурожаат қилиб, улар билан тушлик қилишимни сўради, иккинчиси ён столнинг устига уйларида олиб келган овқатни чиқариб қўйган эди.

Мен раҳмат, деб бинодан ташқарига чиқиб ошхона қидириб, унда тез овқатланиб, бинога киришда посбонга яна шахсий гувоҳномамни кўрсатиб, кабинетга кириб, яна ҳужжатларни ўқишга тушдим. Хуллас, бу иш беш кун давом этди. Тўртинчи кун сейфдан Файзуллинанинг менга берган ҳужжатларини олиб, унинг олдига кирдим ва у билан суҳбатлашдим. Ҳужжатлар юзасидан у мени имтиҳон қилиб, турли саволлар берди. Буйруқлардаги кўп атамалар менга илгари нотаниш бўлганлиги учун жавобларда биров қийналдим. Буни сезган Файзуллина менга тасалли бериб хатоларимни тuzатди. Шундан кейин менинг бевосита қиладиган ишларимни тушунтириб ва кўрсатиб берди. Шу кундан бошлаб мен бу янги жойда ишга тушиб кетдим.

Иш ҳажми кўп бўлган кунларда кечгача ишлар эдик. Ишни бошлаганимга ҳадемай уч ой тўлиб қолди. Бу орада баъзан Файзуллинанинг топшириғи билан вилоят бошқармасига пакет олиб бориб, бошқарма бошлиғи Мавриннинг қабулхонасидаги масъул навбатчига журналга қўл қўйдириб, ташлаб келар эдим. Бир гал боришимда масъул навбатчиликда лейтенант формасидаги Сафонинг қариндоши Аҳмад Аминов ўтирган экан. Бир-биримизни мойибона таниб, аммо ҳалигача ҳамгап бўлмаган эдик. Бироз кеккайган Аҳмад мен билан қўл учида кўришиб, пакетни олди ва менсимасдан журналга қўл қўйиб, ҳали ҳам ўша ерда, Файзуллинада ишляпсанми, деб димоғ билан сўради. Мен бу ёқимсиз киши олдидан тезроқ кетиш учун ортиқча гап қилмасдан рухсат сўрадим. Аҳмад пичинг аралаш «сиз»лаб, «ҳа, катта киши бўлиб қолдингизми, кетаверинг», деб ўрнидан туриб, Мавриннинг бўш турган хона эшигини зарда билан ёпиб қўйди. Мен оғир таассурот билан ишга қайтиб келдим, аммо ҳеч кимга индамадим. Орадан ўн кунлар ўтгач, Файзуллина безовталаниб мени ва ўзини Мавриннинг муовини, капитан Жамолов ҳузурига чақиртирганини хабар қилди, ўзи билан бирга вилоят бошқармасига бошлаб борди. Мавриннинг қабулхонасига кирдик, унинг хонаси чап томонда бўлиб, ўнг томонда Жамоловнинг хонаси жойлашган эди. Чап томондаги хона эшиги очиқ эди. Навбатчи офицерга Файзуллина бизни Жамолов чақирганини айтди. Навбатчи Жамоловнинг хонасига кириб чиқди ва бизга биров кутиб туринглар, деди. Ўн дақиқа чамаси вақт ўтгач, Жамоловнинг хонасидан Аҳмад Аминов чиқди. Боши билан имо қилиб биз билан сўрашган бўлди ва қабулхонадан тез чиқиб кетди. Навбатчи бизга хонага киришга рухсат берди. Биз кирдик. Кабинет Мавриннинг хонасидан анча кичик бўлса ҳам, менинг кўзимга ҳашаматли ва салобатли бўлиб кўринди. Қора костюм кийган Жамолов қўлида бир сиқим рангли қаламларни фижимлаб ўтирар эди. Саломимизга зўрға алик олиб, бизни ўтиришга таклиф қилди. Сўнгра бирдан овозини пасайтириб, зарда билан мендан, яқинда қаерда ўтиришда бўлгансан, деб сўради. Мен эсанкираб, чўчиб ўрнимдан туриб: «Ўртоқ капитан, мен яқин икки-уч ой ичида ҳеч қандай ўтиришларда бўлмаганман», деб жавоб бердим ва Файзуллинага қарадим. Қарасам, кутилмаган бу учрашувдан унинг ранги оқариб кетган эди. Жамолов овозини кўтариб, Чор-

раҳа маҳалласида ҳеч кимникида бўлмаганмисан, ҳеч кимни танимайсанми, яхшиликча у ерда бизнинг ташкилот ҳақида нима гаплар гапирганини айт, бўлмаса гаупвахтага жўнатаман, деб яна ўшқирди. Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Наҳотки, мени давлат сирини фош қилишда айблашмоқчи бўлишса?! Мен ўзимни босиб олиб, секин жавоб қилдим. «У маҳаллага чиндан ҳам ёз ойлари бировки борган эдим, бу ерга ишга киришдан олдин эди. Чорраҳа маҳалласида дўстим Сафо истиқомат қилади, уни кўргани борган эдим. Уйда қариндоши, маорифда ишлайдиган Муллажон Мансуров бор эди, холос. Сиз айтган мавзуда ҳеч қандай гап-сўз бўлмаган», деб жавоб қилдим. Масаланинг тагига ета бошлаган Файзуллина, бу тухматга ўхшаяпти, Яхъёев билан мана уч ойдан кўпроқ бирга ишляпман, ҳеч қанақа унинг ноҳўя ишларини сезган эмасман, деб жойига ўтирди. Жамолов телефонда кадрлар бўлими бошлиғи Свишнёвни чақиртирди, сўнгра қўлидаги қаламларни стол устига ташлаб, ўрнидан туриб, қўлини орқасига қилганча хонада нари-бери юра бошлади. Шу орада Свишнёв кириб, эшитаман, деб Жамоловга мурожаат қилди. Жамолов мени кўрсатиб (бироз ҳовридан тушди шекилли) бу йигитни Файзуллилага ишга ким қўйган, деб сўради. Ишига ҳамisha содиқ Свишнёв ҳарбийчасига дон-дона жавоб қилди. «Бу кишини тегишли йўлланмалар билан, уч ойлик махсус синовдан кейин полковник Мавриннинг розиликлари билан ишга олганмиз, буйруққа ўзлари шахсан қўл қўйганлар», деди. Шу пайт хона эшиги очилиб, жидд қўлтиқлаб Мавриннинг ўзи кириб келди. Бир зумда қиёфаси ўзгариб қолган Жамолов унга пешвоз чиқиб, у билан қуюқ сўрашди. Маврин бир чеккага ўтириб, ҳаммани ўтиришга такаиф қилди. Жамолов биринчи бўлиб сўз бошлади, янги хизматчимиз устидан махфий манбалардан кичик бир маълумот тушиб қолди, шуни суриштиряпмиз, деди. Маврин қанақа маълумот экан, деб сўради. Жамолов жиддий қиёфада, бу киши эски шаҳарда бир ўтиришда бўлиб, бизнинг таркибимиз бошқарма бошлиқлари тўғрисида даврадаги кўп кишилар олдида мақтаниб гапирган экан, ўзларидан сўрасам, бу нарсани рад қиляптилар, деди. Маврин мийғида кулиб, Яхъёев ҳали бизнинг таркибимизни билиб ҳам улгурмаган бўлса керак, деди. Жамолов, мен ҳам шундай деб ўйлаб турган эдим, деб бизларга энди мулоим қаради. Кўпни кўрган, тажрибали чекист Маврин Жамоловга маслаҳат оҳангида деди: «Умуман раҳбарлик оператив хизматчиларингизга буюринг, махфий манбалардан олинadиган хабар ва маълумотларни аввал ўзлари яхшилаб таҳлил қилишсин, уларга танқидий кўз билан қараб, сўнгра бошқармага олиб келишсин, фисқу фасод камаяди. Мен биламан, айрим чақонлар оператив хизматчиларга ёқиш учун ҳар хил афсоналарни ҳам тўқиб келишади ва уларни чалғитишади». У шундай деб ўрнидан турди. У ва Жамолов биз билан яхши кайфиятда хайрлашишди.

Менинг ўша куни барибир кайфиятим бузилган эди. Бу бўҳтоннинг тагига етишим керак, деб ўзимча аҳд қилдим. Кейинги уч ой ичида бўлган учрашувларим, кишилар билан бўлган суҳбатларимни бирма-бир таҳлил қила бошладим. Маълум муддатдан кейин ишга киришимнинг дастлабки кунда жўрам Сафо билан бўлган учрашув эсимга тушди ва шу учрашувдаги гаплар калаванинг учини топишимга ёрдам берди. Дам олиш куни Сафонинг уйига бордим. Сафо билан тури мавзуларда гаплашдик. Қариндоши Аҳмад Аминов билан кўришиб турасанми, деб ундан сўрадим. Сафонинг сўзича, мен Аҳмадни навбатчи бўлиб турганида менсимаган ва хафа қилган эмишман. Сафога жўрангга кўрсатиб қўяман, деб сўз берган эмиш...

Орадан анча муддат ўтгач, бундай воқеа бўлди. Жамолов Тошкентга ишга кетган, унинг ўрнини Аъзамов деган муовин эгаллаган эди.

Бир куни Маврин Терентьев ва мени чақириб, муҳим бир ишларни муҳокама қилаётган эди, узр сўраб Аъзамов кирди ва машинкада кўчирилган уч варақ қоғозни Мавриннинг олдига қўйиб:

— Обкомга борадиган мана бу хатни менга имзо учун келтиришди, — деди. — Биронта факт ёки далил йўқ. Қандайдир маросим ўтказган уч-тўртта масъул ходимнинг рўйхати, мозорлар, масжидлар номи, холос. Хатни тузган лейтенант Аминов мен билан баҳслашиб, олдинроқ Жамолов билан ҳаммаси келишилган, деяпти. Сизнинг ҳам гўёки хабарингиз бор эмиш. Ўзингиз бир кўриб чиқинг.

Маврин кайфияти бузилиб, хатни кўздан кечирди. Сўнгра Аъзамовга юзла-ниб деди:

— Бу Аминовнинг мансабпарастлик қилиқларидан бири. Бундай хатни юборишнинг зарурати йўқ. Менинг маслаҳатим, Аминовни бошқарма ишидан четлаштириб, бирорта темирйўл станциясидаги бўлинмага ишга жўнатиб. Бу чаласавод амалпараст йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб берса, бас. Шунинг ўзи ҳам катта гап...



### Ёрни деб, дилдорни деб

Андалиб куйлар гулу гулзорни деб,  
Мен яшарман орзуда ул ёрни деб.

Тўлғонурман гоҳ висол оғушида,  
Кун санайман ҳажрида дилдорни деб.

Зорлигимни ёр мабодо пайқаса,  
Эсга олса мен каби бир зорни деб.

Севганим хумориман, икрориман,  
Келса шояд бир сафар икрорни деб.

Бевафолар домига тушганми ё,  
Не сабаб келмас вафоси борни деб?

Ул кўринмай кетди, Мўмин, вожаб,  
Кетдими дунёси кўпни-борни деб?

### Адлу инсофин кўриб

Ул чаманни чин чаман, де  
кўкда офтобин кўриб,  
Ул гўзални чин санам, де  
юзда одобин кўриб.

Яхшилар бор тез билингай:  
хоҳи кекса, хоҳи ёш,

Унга элнинг меҳри тушгай  
адлу инсофин кўриб.

Аҳли улфат мактабинда  
дарс эшитмоқ фарз эрур,

Дўст тутингил ул одамга  
дўсту аҳобин кўриб.

Ҳар бир одам ўзга олам,  
пайқамайсан лаҳзада,

Тез баҳо берма жанобга  
тўни зарбофин кўриб.

Ҳам ҳалолу соғ бўлишлик  
истагингдир, эй Мўмин,

Яхшилардан бохабар юр  
соғин-бетобин кўриб.

### Бебаҳолардан

Эрурсиз бебаҳолардан,  
Йироқдурсиз хатолардан.

Кўнгилларга ҳузур оққай  
Юзингизда иболардан.

Жамолингиз ёнар ял-ял,  
Чаман сочган жилолардан.



Пўлат Мўмин,  
Ўзбекистон халқ шоири

ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ



Талай маъно уқиб олдим —  
Кўзингизда имолардан.

Висол ҳажрида ёнгайман,  
Сўрангиз ошнолардан.

Менга ним кулсангиз гоҳо  
Эрур малҳам даволардан.

Овозангиз эшитгай эл

Саболарда наволардан.

Бошимда бахт қушимдирсиз,  
Умидим кўп ҳумолардан.

Илоҳим асрасин сизни  
Ёмон кўздан — балолардан.

Аё, Мўминлигим ҳаққи,  
Эрурман жон фидолардан.

## Ул санам уйқудадир

Ул санам оромижон уйқудадир,  
Сочлари тўзгин, боши парқудадир.

Оқ ҳарир кўйлак ярашмиш, вожаб,  
Бу қиёфа эҳтимол маъбудадир.

Ухласин роҳатланиб дебму сабо,  
Ё атай еру само осудадир.

Лабларин қимтиб кўяр гоҳ тўлғониб,  
Балки туш кўргай, ширин туйғудадир.

Тонг чоғи чиқмиш томошага қуёш,  
Ёки шундан нур кўзи кулгудадир.

Ким уни безовта қилса беюррак,  
Вақти етмай уйғотиш беҳудадир.

Уйғониб нохуш жавоб этмасми деб,  
Бу кўнгил хавфу хатар — қўрқувдадир.

Уйғониш пайтини кўзлайдир Мўмин.  
Васлига етмак асил орзудадир.

## Дилраболар кўп экан

Маҳлиқолар даврасида  
дилраболар кўп экан,  
Дилраболар жилвасига  
маҳлиёлар кўп экан.

Ортаман деб бир-биридан  
кўзни узмоқлик маҳол,  
Маҳлиёлар кўнгли узра  
муддаолар кўп экан.

Кимга шодлик юз очаркан,  
кимга толе ёр бўлур,  
Мулки дилни забт этувчи  
истилолар кўп экан.

Севги илми анча мушкул,  
йўқ унинг бир мактаби,  
Шунча мушкул бўлса ҳамки,  
ихтиролар кўп экан.

Барча кўнгил тенг келолмас,  
сирлидир ишқ олами,  
Ёри васлинда ёнувчи  
мубталолар кўп экан.

Кел, Мўмин, минг бор қувонгил,  
сен уларга бер баҳо,  
Дилраболар даврасида  
бебаҳолар кўп экан.

## Адаштирма ҳисобимдан

Деюрман дил китобимдан,  
Кувончимдан, азобимдан.

Ҳамон мастона, мағрурман  
Тотиб юрган гулобимдан.

Юрак осмони барқ ургай  
Санингдек моҳитобимдан.

Самоларга таралгай дуд  
Юрак оҳим — хунобимдан.

Савоб топмоқ муродимдир  
Сенга таъзим — тавобимдан.

Олов чақнаб кетар гоҳо  
Қадам босган туробимдан.

Хавотирлар, ғулувлар кўп  
Дилимда инқилобимдан.

Адаштирма мени, жоно,  
Умидим, сарҳисобимдан.

Вужудим зирқираб боргай  
Чекарда изтиробимдан.

Висол йўлинда Мўминман,  
Тойилтирма суробимдан.

## Кўнглим тўрида борсиз

Ёр, маним кўнглим тўрида борсиз,  
Зорингизман, балки сиз ҳам зорсиз?!

Икки кўнгил бир умидда тебранур,  
Янграгаймۇ куй бирорта торсиз?

Бир умрга аҳду паймон айларам,  
Мен умидворга вафодор ёрсиз.

Гоҳида алдар экан тақдир азал,  
Учрагай андишаликка орсиз.

Бир зайилда кечмагай фасли висол,  
Ким соғинмас ёрини хумморсиз.

---

## УСТОД ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

11—12 ёшимдан шеър, ҳикоя ёза бошлаган бўлсам-да, Тошкентга шоир ёки ёзувчи бўламан, деб эмас, журналист бўламан, деган ўй билан келган эдим. Бухорода бу касб бўйича ўқиш йўқ эди, шу боисдан, пойтахтга отланаверган эдим. Йўлга чиқаётганимда, ота-онам, қўли қисқа қишилар, болам, у ёқда қандай яшаб, қандай юрасан, биз ёрдам беролмасак, дейишган эди... Кейин, улар ҳақ бўлиб чиқди. Уйдан ёрдам тегмагани устига, мени ётоқхонасиз ва нафақасиз ўқишга қабул қилишди.

Ёзишдан бўлак ишни билмайман. Кун кечириш керак... Шу пайтда кичик бир ҳақиқатни кашф этдим. Жиддий газета-журналлар остонасидан кечишим қийин. Ёшлар, болаларга мўлжалланган газета ва журналларда эса мактаб ўқувчилари ҳам қатнашишади, булар учун мен, талаба — топилдиқ. Кирсам, суюнишади, бир нарса ёз, дейишади, ёзганим тез босилади, яхши ҳақ тўланади! Шундай қилиб, мен аслида адабиётга болалар матбуоти «дарча»сидан кирганман.

Бу даромаддан мурод, ўша пайтда Пўлат ака билан танишганман.

Шоир номини мактабда ўқиб юрганимиздаёқ эшитган эдим. Болалик қизиқ. Мен унинг бир шеърда ўз исмиمنى учратиб, унга эътибор берганман... «Гулхан» журналида шеърларим босилган эди. Уларни жамоа Пўлат акага ўқитиб олган экан. Мени таништиришгани заҳоти Пўлат ака самимият, хайрихоҳлик билан жўшиб ўз таассуротини айта кетди. Кейинчалик кўп кузатдим. У муштдек бола билан ҳам ўзини тенг тутиб, шундай содда гаплар экан. Бу болалар адилбларига хос хислатми, ҳарҳолда унинг феъл-атворида болаларча бузилмаган кўнгли очиклик, тўғрилиқ акс этади. Устод ҳақида ўйлаганимда, яна бир гап хаёлимдан кечади. Инсоннинг исмида муайян маъно муҳрланади. У шу маънони ташийди. Назаримда, устоднинг исми-шарифида «ПҮЛАТнинг кучи МҮМИНликда!» деган шиорни кўриш мумкин.

*Дилда ҳам гунча очиргай ишқ аро,  
Бўлмасин боғбон сира гулзорсиз.*

*Ёрига изҳори ишқ этган маҳал,  
Ким висолга етди денг иқрорсиз?*

*Ишқимизга тегмасин кўз, эй Мўмин,  
Сиз учун мен, мен учун сиз борсиз.*

## **Яширгаймиш**

*Санамдан ёш сўрашганда, қаранг, ёшин яширгаймиш,  
Вужуди ёнса-да, ҳатто, дил оташин яширгаймиш.*

*Гўзаллик ҳам солур бошга талай ташвиш ила ғавғо,  
Илож топмай болишларга азиз бошин яширгаймиш.*

*Муҳаббат макридан гоҳо юракка тош чўкар дерлар,  
Ўшал маҳваш бериб бардош, юрак тошин яширгаймиш.*

*Бориб овлоқ чаманларга, гўзал йиғлар эмиш танҳо,  
Анга таскин берар бўлсанг, кўзин ёшин яширгаймиш.*

*Қаро кўзлар, қаро қошлар кўнгилларни ёруғ этса,  
Мўминдан ҳам ибо бирлан умр дошин яширгаймиш.*

## **Кўзимда ёш айланар-ей**

*Кўз ўнгимда бир қаламқош айланар-ей,  
Висолида хаёл уйқош айланар-ей.*

*Билолмайман, сиғмагандай ўз-ўзимга,  
Қувончданми кўзимда ёш айланар-ей.*

Пўлат ака биринчи навбатда болалар адаби. Улар учун кўлаб шеърлар, эртақлар, достонлар, драмалар ёзган. Унинг асарларида болалар олами ўзига хос аниқ манзараларда акс этади. Бу асарлар тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан бирга, уларда паңд-насихат ва бироз баландпарвозлик ҳам йўқ эмас. Кечаги кун ҳаётдан келиб чиққан қусурлар баъзан кўзга ташланади. Шунга қарамай, болалар адабиётини бу таниқли адиб номисиз тасаввур қилиш қийин.

Тахминан қирқ йилча бурун, ўша бизнинг талабалик йилларимиз янги чиққан бир қўшиқ тез одамлар оғзига тушди. Ўз хонадасини машҳур қилиб юборди. Бу «Индамади» деган қўшиқ эди. Пўлат аканинг олдин ҳам кўп шеърлари қўшиққа айланган эди. Лекин бу ва бундан кейинги бир қанча қўшиқлар дилкаш бир ғазаллар асосида яратилганидан, ўлкамизда кенг қанот ёзди. Барчага манзур бўлди. Муҳими, улар адиб ижодининг янги бир қиррасини очган эди. Яна улар, Пўлат ака Лутфий ва Навоий, Машраб ва Нодиралар меросини фақат ўрганиб қолмай, умуман мумтоз адабиётнинг ҳам билимдони эканлигини кўрсатган эди. Сўнгги йиллар бу йўналишда у сезиларли ишлар қилди.

Пўлат ака билан ҳамон гоҳо мулоқот буюради. Устод адабиётни англаш, ижодкор бурчи ҳақида суҳбатлашиб, янги бир асарлар ўқиган бўлсалар, ўз мулоҳаза ва мушоҳадаларини очиқ айтиб турадилар. Шахсан мен учун бу ниҳоятда қадрли.

Яқинда иккита қувончли воқеа юз берди. Биринчиси, Пўлат ака табарук 80 ёшга кираётганларини эшитдик. Иккинчиси, бир китоб ҳажмида янги ғазаллар ёзибдилар. Шулардан чиройли гудаста тузиб келдилар.

Биз устодни чин дилдан табриклаб, ғазалларни эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Гўзалликнинг оламинда кўз-кўз бўлиб,  
Жононамас, балки қуёш айланар-ей.

Бундай маҳваш санамларнинг атрофинда  
Бир мен эмас, бир неча бош айланар-ей.

Эҳтиёт бўл, Мўмин эрсанг, гўзаллардан —  
Бошинг узра эҳтимол тош айланар-ей.

### **Гул жило кўрдим**

Чаманда қайси кун гулжило кўрдим,  
Камолу қаддини бехато кўрдим.

Кувончим жўшдилар дил дарёсидан,  
Бахтимни кулдирган бир ҳумо кўрдим.

Дамодам боқурман қиёсин излаб,  
Қуёшу ойдан-да пурзиё кўрдим.

Ёндириб юборгай юракни, эй воҳ,  
Ўзимни тамоман мубтало кўрдим.

Санам одоб ила боқарди ёрга,  
Гулгун қиёфада боибо кўрдим.

Ҳамон ҳайратдадир аҳли Мўминлар,  
Ўзимдек бир неча маҳлиё кўрдим.

### **Топибсиз ёки мосингиз**

Гўзал маҳваш, топибсиз ёри мосингиз,  
Ибо-одоб безаб тургай либосингиз.

Муносибсиз бирингизга бирингиз хўп,  
Бу атрофда топилмайдир қиёсингиз.

Сарвлар-да эгилгай қоматингизга,  
Насабданми сизин бу ҳусни хосингиз.

Муҳаббат сеҳри боғлар дилни-дилга,  
Кўзингиздан сезилгай эҳтиросингиз.

Етилгансиз, етишгансиз тилакларга,  
Чарақлайдир кўз остинда чаросингиз.

Мўмин, сизларга кўпдан-кўп ҳавас қилгай,  
Вафодорлик бўлиб қолсин асосингиз.

### **Ёруғ Чўлпон ўзингдурсан**

Нафосат кўкида мангу ёруғ чўлпон ўзингдурсан,  
Замона зайлидан ёнган дили вайрон ўзингдурсан.

Азалданми ақллилик балоси бошга етгай гоҳ,  
Сени ҳам дўстларинг сотди, ҳамон хайрон ўзингдурсан.

Қалам бирлан алам чекдинг, бирон роҳат тополмасдан,  
«Кеча-кундуз» бўлиб юрган жиғи-бийрон ўзингдурсан.

Шу миллат деб увол кетдинг, сени асролмади халқинг,  
Замонга сигмадинг асло, унга қурбон ўзингдурсан.

Само юлдузлари тунлар Мўмин қалбинг ёритгайлар,  
Нафосат кўкида мангу ёруғ Чўлпон ўзингдурсан.

### **Иболари шарқонадир**

Икки юрак ишқ ўтида тўлғонадир,  
Ўзгалардан бирин бири қизғонадир.

Кўзлар кўзга тушган маҳал безовта дил,  
Иمولари, иболари шарқонадир.

Ўзларини қўйишга жой тополмаслар,  
Ёр васлига базми чаман баҳонадир.

Боққан билан тўймайдилар, ўйлайдилар,  
Ширин суҳбат аснолари шоҳонадир.

Висол топиб орзуларга эришганда,  
Қўша қушдай ёрига ёр парвонадир.

Меҳрлари тобланганин кўрганда кўз,  
Мўминнинг ҳам кўнглида ишқ уйғонадир.

## **Адабиёт абадий**

---

**Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг...**

Бу — Усмон Носир. Истеъдодли шоир туғилганига 90 йил тўлди (1912 йил). Унинг «Қуёш билан суҳбат» ва «Сафарбар сатрлар» дастлабки шеърый китоблари 20 ёшида (1932 йил) босилган эди.

\* \* \*

**Тўпим, тўп-тўп этасан,  
Урсам учиб кетасан...**

Болаларнинг ажойиб шоири Зафар Диёр ҳам ўша 1912 йилда туғилган. Яна яқин жойи, Усмон Носир сингари у ҳам Наманганда дунёга келган эди. Улар икки йил фарқ билан, иккиси ҳам ёш ва оғир ҳолатда оламдан ўтган.

\* \* \*

Амин Умарийнинг бундан 70 йил (1932) бурун «Янгроқ садолар» биринчи шеърый китоби босилган. Шу йили унинг «Асад» деган насрий тўплами ҳам чиққан.

\* \* \*

Ўша пайтда (1932) атоқли шоира Зулфиянинг (17 ёшлигида) «Ҳаёт варақлари» деган шеърлар тўплами нашр этилган.





АСРЛАР, АСАРЛАР

Саъдулла Сиёев

## ЯССАВИЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ

Роман

Иккинчи китоб

Шаҳзода ҳибсда

Кўзим очдим, сени кўрдим,  
қул кўнгилни сенга бердим,  
уруғларим таркин қилдим,  
менга сен-оқ кераксан.  
Сўзласам мен тилимдасан,  
кўзласам мен кўзимдасан,  
кўнглимда ҳам жонимдасан,  
менга сен-оқ кераксан.

Аҳмад Яссавий

Ҳибсхона эшиги шарақлаб ёпилди. Қутбиддин қоронғуликка ўрганолмай, бир лаҳза тайсаллаб турди. Ҳибсхонадан ошланмаган тери ҳиди келарди. Намхуш, бадбўй ҳаво нафасини сиқди. Икки қадам олға босди. Тепага қаради. Патнисдек кичкина дарчадан икки қатим нур тушиб турарди. Кўзлари оз-моз шабистонга кўниқди. Тағин уч-тўрт қадам илгарилади. Ўртароққа бориб ерни пайпаслади. Бир одам сиғадиган лойсувоқ тоқчани кўриб, оҳиста чўқди. «Бу кунингга ҳам шукур, Танграм», деб қўйди ичида. Дарвешлар мақомотида — калла осилтириб, кўзларини юмиб анча ўтирди.

Пўлат қоши тарақлаб, зулфин шиқирлади. Бир қарич шам билан бир коса сув кўтариб зиндонбон кирди. У индамай тўрга ўтди, шам билан косани девор ўйирғига қўйди-да, сассиз изига қайтди. Остонада ўгирилди:

— Ҳожатингиз бўлса, қопини уринг, бегим, — деди. Қутбиддин бош силкиди:

— Қуллуқ, тақсир.

Залворли эшик миннат ила қайта беркилди.

Қутбиддин ичи ёниб, ташна бўлиб ўтирганди, косадаги сувни кўтарди. Бироқ батамом ичмади. Нафси жиловли эди. Тақвони неча замондирки, қалб тумори қилиб олган. Шу сабаб, жисми-жони куйиб, сув тилаб турган эрсада, ўзини тийди, оз-оздан икки хўплаб, косани биқинига қўйди.

Қўлларини ёстиқ қилиб сербар тоқчага узун чўзилди. Салкам уч йилдирки, бундай ётиш-туришга кўникиб кетган. Дарвешлар болиши тош, тўшаги юмшоқ ер, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Не ажабки, Қутбиддин рутубатли, заҳқаш ҳибсхонада эмас, солиқлар ошенида ётгандек ҳис этди ўзини. Унинг хотири жам эди. Зокир-

лар таомилига кўра, бир неча дақиқа нафси руҳийга ила машғул бўлди. Сўнг кўзларини юмди. Тасаввурида яна қиблагоҳи жонланди...

Кутилмаганда Султон Маҳмудхон ўғлини саройга чақиртирди. У Қутбиддиндан ҳали умидини узмаган эди. «Уч кундирки, волидаси бирла сирлашиб ўтирибдир. Онанинг сўзи бамисли малҳам эрмиш. Зора ул осий боланинг кўксигадаги тош эриса, тожу тахтимнинг эгаси бўлиб қошимда қолса. Ё Тангрим, ёлғизимга тавфиқ бергайсан!»

Қутбиддин кирди. У дарвешлар жандасини ечган, вале шохона либос киймаган эди. Эғнида одми кўкиш яқтак, ўшандоқ зангори чалвор, бошида мўъжаз салла ўралган сидирға дўппи. Қутбиддиннинг чеҳраси очиқ эди. У саломхонанинг ярмигача қўлларини кўксига қўйиб, таъзимда келди. Сўнг чўк тушиб, отасининг этагини кўзига суртди. Яна қаддини ростлади. Қиблагоҳи амрига мунтазир, қўлларини қовуштирганча калласини ҳам қилиб тураверди.

Султон Маҳмудхон бир муддат ўғлига тикилиб қолди. Назарида Қутбиддиннинг ранг-рўйи кириб қолгандек эди. «Бале, тувғон уйида шойи кўрпа-тўшақда ётмоқ на роҳату, саҳройилар орасинда мисоли ит ётиш-мирзатуриш қабилида ётмоқ не азоб?!» Илло, хон билмасдики, Қутбиддин кундуз кунлари халойиқ кўз ўнгида ота-она даргоҳида юрар, аср намозидан сўнг либосларини алмаштириб, Қурбат хонақоҳига жўнар, дарвешлар ҳалқасида зикру сано билан банд бўлар эди.

Маҳмудхон ўғлининг бўй-бастига боқиб, фахр туйди. «Бу каллага салла эмас, дубулға ярашгай, бу қўлларга сафойил эмас, шамшир зеб бергай, шаҳзода! Ҳарифларимни зеру забар айлаб, ўксик кўнглимни аршга еткурадиган ўзингсан ахир, нодон!»

Ниҳоят, отадан амр бўлди:

— Ўтирсинлар, шаҳзода.

Қутбиддин қиёмдан қаъдага бораётган обиддек, таъзим ила тиз чўқди. Икки қўлини тиззаларига қўйиб, чўғдек гиламга тикилиб ўтираверди.

— Кўзимга қара!

Қутбиддин оҳиста бошини кўтариб, отасига итоаткорона боқди. Кўзлари мунис, ғамгин, аммо онасидан бу тимқора, йирик-йирик кўзларида қатъий бир қарор зухур этарди.

— Охирги маротаба сўрайман сендан. Қадхудо бўлиб, мулку мамлакатни илкинга олиб даргоҳимизда қоласанму ва ё ўшал бақироқ дарвешлар тўдаси ичра оқпадар қавмида кетасанму?

Қутбиддин сукут сақлади. Отасининг қаҳр ила товлана бошлаган кўзларидан нигоҳини олиб қочди.

— Сўйла! Ато бирла ано дийдори мана бу ерингдаги, — Маҳмудхон шаҳодат бармоғини кўкрагига нуқиди, — ўшал тошни эритмақдин ожизму?

Ўғил унинг қўлини кўксига босди.

— Гумроҳ қулингизман. Мени афв айланг, бузруквор. Ихтиёрим ўзимда эрмас. Шукрким, танпарастликдан узилдим. Манбаъд бул фақир ишқпарастман. Бу йўлдан энди ўғлингизни Яратганининг ўзидан ўзга ҳеч ким қайтара олмағай.

«Аҳдидан қайтмабди, ярамас! — деди ичида Маҳмудхон. — Ул не ишқдирки, дунёнинг роҳат-фароғатидан, қон-қариндош, ота-она меҳридан-да устун тургай! Бас, мен Маҳмудхон бўлсам, сендек ниҳолни ё кўқартиргайман ва ё синдириб, қуруқ чўпга айлантиргайман!»

— Сен нечук бефаросат махлуқдирсанки, ҳадиси шарифга бўйин сунмассан? Расулуллоҳ буюрмишки, «Анта ва молука ли абиқа», яъни сенинг молу мулкинг ҳам, ўзинг ҳам отага тегишлидурсан. Ёдингда бўлсин, бола!

— Молим, жоним илкингизда, қиблагоҳ, Бул гумроҳни дунёга келтириб, яхши исм, яхши жисм раво кўрган падари бузрукворимга мингта жоним фидо бўлсин. Вале, соҳиби давлат бўлиб бировларга ҳукм ўтказмақдан кўра, илоҳийга бўйинсунмакни афзал билдим, отажон.

Маҳмудхон бир лаҳза ўйга толди. Сўнг ўғлига ён босган бўлиб, мулоим товущда деди:

— Маъқул. Соҳиби давлат бўлишликка майл йўқ эркан — ихтиёринг. Ол, унда бизни ота, ана у мушфиқ аёлини она деб тавоф этсанг, бир сўзимизга хўп де, болам. Қадхудоликка рози бўл. Оталик фарзини адо этиб, бир ожизаи бокирани жуфти ҳалолликка олиб берай.

Қутбиддин маъюс илжайди:

— Бул фақирингиз тажрид қилмоқни ихтиёр этдим, қиблагоҳ. Бизларни яратган Парвардигор ёлғиз, Тангрим деб урадурғон қалб ҳам ёлғиз. Бир юракка икки ишқ сиемас. Фақир қулингиз ўзимни тамом ишқи илоҳийга бағишладим.

— Мутақаббур бўлибсан, Қутбиддин, — деди Маҳмудхон, тошиб келаётган ғазабини босиб, — тажрид айлаб, дунёдин биному нишон ўтмак шариятимизга хилоф юмушдир. Ана, пири муршидинг Ҳазрати Султонни кўр. Пиримиз ҳам рўзғор тутганлар, аҳли аёли, нури дийдалари бирла умр кечирадилар.

— Пирим фанобиллоҳ мақомига етганлар. Ҳазратим бамисли самою биз ул



самонинг этагидирмиз. Фақирингиздаги нури йймон пиримнинг мақомларидин бир губор, бир зарра янглиғдир. Биз камолот мартабасидин ҳаминқадар йироқмиз.

Қутбиддиннинг хотирига ажиб бир манзара келди. У «Айтсамми, айтмасамми?» дегандек илтижо аралаш отасига қаради. Султон Маҳмудхон «Мутакаббур бўлсанг ҳам доно мутакаббур бўлибсан» дея ўғлига ҳавасу алам билан тикилиб ўтирган эди. Унинг ниятини сезд:

— Бўзингда бир калом турибди, айтиб қол, бола! — деди негадир энсаси қотиб. Қутбиддин миннатдор бир қиёфада сўз бошлади:

— Даштда ўтин ййғнаб юрган эдим. Тепамдин бир тўп қушлар учиб ўтди. Улар Оллоҳ таолонинг зикрини айтиб қанот қоқарди. Маҳлиё бўлиб боқиб турдим. Юрагим тез-тез урди. Сездимки, танамдин муштдек бир нарса айрилиб чиқди. У осмондаги қушларга бориб қўшилди. Бирга-бирга учиб кетабердилар. Бир замон ул қушлардан ортда қола бошлади. Охирул амр омонатим кўкрагимга қайтиб келди. Билдимки, ул жон қушим эркан. «Не бўлди эй, руҳи равоним?» дедим. Фойибдан товуш келдики, «...осмондаги қушлар жаннатга йўл тутганлар, сен ҳануз камолот мартабасига етмабсан, шул боис жон қушинг тагин ўз қиёфасига жо бўлди...»

— Ўшал қафас энди менинг қўлимда, — деди Маҳмудхон кескин, — зинҳор илкимдан чиқормагайман. Сен учун икки йўл бор: қадхудо бўлиб, валиаҳдлик мақомида қолгайсан ёхуд умрингни зиндонда қиритгаймен. Қайси бирин авло билсанг, айт!

Қутбиддин бошини солинтириб сукутга берилди. Маҳмудхон маъноли йўталди. Қутбиддин бошини кўтариб отасининг кўзларига гуноҳқорона термудди:

— Осий фарзандингиздан ризо бўлинг, қиблагоҳ. Фақирингиз шоҳона саройдан кўра ғарибона хонақоҳни афзал кўрадирман.

Хон қарс урди. Эшикоға кирди.

— Бул гумроҳни дарҳол зиндонга элтиб ташланг! — деб бақирди Маҳмудхон. — Шаҳзода экан деб, марҳамат қилинмасин. Якка ўзини хос бандихонага ўтказинглар.

Хон шитоб билан ўрнидан кўзгалди. Тахт ортидаги махсус эшиқдан чиқиб кетди. Икки навкар кириб Қутбиддинни ҳайдаб жўнади.

Зовиянинг тор ҳужрасидек бу зиндон энди Қутбиддин учун хаёлот масканига айланди.

... Косадаги сувдин ҳўплади. Кўзларини юмди. Сўфийларнинг қадим ҳикмати жилва кўргузди ва синиқ кўнгли тийрак кўзга айланди. Кўз ўнгидан тасбеҳга терилган садаф доналаридек бўлиб кечмиш ҳаёти ўта бошлади. Ҳайҳот, бир ғариб бошига не савдолар ёғилмади. Қирқ кун от боқди, қирқ кун ер супурди, шунча кун дашту далада оёқларига чакир тиканак кириб, қўллари тилиниги ўтин терди. Халифаларга таҳорат суви тайёрлади, ёғоч ёрди, гўлоҳлик қилди, ҳатто бадраф тозалади. Муридликнинг илк ойларини хотирласа, Қутбиддиннинг баданидан ҳамон ўт чиқиб, етмиш икки томири бирдек гупиллаб уриб кетади.

... Пир хизматига кирган кезлари, тариқат аҳқомига биноан, солиқ ўзидаги кибру ҳавони ўлдириши, шу йўл ила сулуқдаги дарвешлар жамоасига тенглашмоғи керак. Қутбиддин — кечаги шаҳзода — Самарқанд тахтининг вориси, унинг ғурурини сўндириш Бобо Мочинга топширилди. Бобо Мочин аслан кўнгли юмшоқ, шафқатли бир зот эди. Аммо у табиблик вазифасини ўташи лозим. Табиб раҳмдиллик қилиб жароҳатга тиф урмаса, яра газак олиши мумкин. Шу янглиғ Бобо Мочин дўст табиб йўригини тутди. Қутбиддинни эргаштириб Яссидаги улкан бозорга олиб борди. Эртдан кечгача тиланчилик қилишни буюрди. Қутбиддин саҳар туради. Ҳамхоналари сингари ўчоққа салом бериб, ичида Оллоҳдан ризқ-рўз тилайди-ю, бозорга қараб кетади. Эғнида жулдур тўн, бўйнида кашкул, оёғида етти ямоқ чорик, Дилида зикру сано. Бош қопқадан қиради. «Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!» дейди овози титраб. Кўзларини ёш босади. Хўрлиги келади. Ўзи тенги, бўйсира муридларга беминнат хизмат бошқа-ю, эл кўзида мунофиқона тиланчилик бошқа экан. Қалбининг туб-тубидан исёнкор бир нидо келади: «Ё раббий! Жаннатул маъводек Самарқанд подшосининг ёлғиз фарзанди халойиқ олдида қўл чўзиб, гадолик этиб юрса... Бу не кўргулик?!» Аммо на чора. Пир амри вожиб. Қутбиддин тагин оёқ судраб, олағ интилади. «Бир нотавонга Худо йўлида хайр-ёқсон қилинглр... Ҳақ дўст, ё Оллоҳ! Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!» Кашкулга жириинглаб бир-икки кумуш танга тушади. Дирҳамлар шапалоқ каби Қутбиддиннинг қулоғига тушгандек бўлади. Терлаб кетади. Тўхтайди. Аланглайди. Таниш овоз эшитилади. «Самарқанддан келган тужжорлармикин? Шеваси ҳам жонга яқин. Худоға шукрки, бул олатўп бозорда биров танимайди...» Шу пайт рўпарасидан сувсар телпак кийиб, белига тилла соғли ханжар боғлаган норғул йигит келадию... истеҳзоли илжаеди. «Бу келбатинг ила гадойлик қилгунча, илкинга чўқмор олиб навкарликка борсанг бўлмасму?» дейди. Ва кашкулга зарда билан кумуш танга ташлайди. Хўрлик зўриндан Қутбиддин фарёд ургиси, ёқасини пора-пора қилиб... ўшал такаббурга ташлангиси келади. Қани энди унинг қўлидаги ханжарини тортиб олса-ю, аввал йигитга, сўнг ўзига урса! Таассуфки, иложи йўқ. Қутбиддин товушини чиқармай, ўксиб-ўксиб ййғлайди. Унғача олифта йигит кўздан йўқолади...

Бирор ҳафтадан кейин Қутбиддиннинг бети қотди. Энди унда шаҳзодалик ғуруридан асар ҳам қолмаган эди.

Ёниқ таассурот ҳамон юрагини жизиллатиб турарди. У тагин бир ҳўплам сув ичди. Энди кўз олдига гулгун манзаралар кашф бўлди.

Наврўзнинг илк дамлари. Сахро. Дарё бўйи. Тун. Беҳиштдан чиққан каби Сайхун юзидан муаттар ис келади. Бу азалий ва абадий олам ажиб бўйлар оғушида мастона тебраниб тургандек. Осмонда ёқутдек йирик юлдузлар порлайди. Янги ойнинг ўроғи дарёда қалқиб-қалқиб сузади. Мисли олтин беланчак. Зокирлар ҳалқа қурган. Ўртада гулхан. Саксовул чирсиллаб ёнади. Оловнинг қизил тиллари дарвешлар хирқасини ялаб ўтади. Пир амри бирла зикри алонийа бошланади. Оҳ, бу зикрнинг қудрати, шуқуҳи, ўлик руҳларга-да жон ато этувчи сеҳру синоати! Пири комил, зикр — жоннинг роҳати, деб бежиз айтмаганлар.

Ўша саодатли кунлар завқини унутиб бўладими? Токи сўнгалари чиригунча ёдидин чиқмас. Қутбиддин икки ярим йил бадалида бундай фараҳбахш сайру саёҳатлар, суҳбатлару гап-гаштакнинг мазасини ҳўб тотиб кўрди. Қоратогнинг ҳуркак оҳулари кўзни севинтирса, тошқин сойлардаги зилол сувлар танга ором берарди. Дунёдан этак силтаган аҳли дилларнинг кўнгили рози дийдасига ёш элтиб, бағрини сариёғдай эритса, пир суҳбати, олис мазийдан айтган ҳикоятлари иймониға қувват бағишлар, кароматлари белидаги ҳиммат камарини маҳкамроқ боғларди. Энди Қутбиддиннинг ёлғиз бир истаги бор: зоҳиран бу сирвол-салвор, хизом, яшил тамға босилган қова, ирғай, асо, сафойил, таслим тошу хирқаи табаррук. Ва зикри алонийа. Юрагиннинг шодлиги ёлғиз Оллоҳ ёди ила бўлғай. Ишқи илоҳий лайлу наҳор вужудини нурға чулғаб, белиға қувват, кўзларига нур, оёқларига мадор, ҳур кўнгилиға равшанлик ато этиб турғай. Илғари у май таъсирини эшитган толиби май каби эди. Алҳол, ваҳдат шаробини нўш этдию ўзи маҳмурға айланди. Бу фоний дунё роҳатлари, бу олами носут айшу фароватларию, молу манотдан келадиған маҳмурликдан аҳли ҳол ичра топған маҳмурлик афзал экан. Қутбиддин буни ғойибона бир сезги туфайли ҳис этди. Илло отасининг феълини қаҳрини ҳам билади. Ота истагидан Оллоҳ таоло ҳукми устивор бўлса, не илож қилғай? «Раббано, ўзинг пушти паноҳимға раҳму шафқат, бу банданға сабру сукут ато этгил!» дея Қутбиддин лойсупаға ёнбошлади.

Кеч кирди. Лаъли баркашдек дарча ортида қоронғулик инди. Қутбиддин чордона қурганча зикри қалбия — сўзсиз ибодат ила машғул. Шу пайт эшик тарақлаб очилди. Йўгон шам кўтариб соҳиби зиңдон кирди. Унинг ортидан оқ кийиб, оқ ёпинған бир аёл кўринди. Зиңдонбон четға ўтиб, заифаға йўл берди. Аёл остона ҳатлади-ю: «Болам, нури дийдам!» дея уввос солди. Қутбиддин онаизор истиқболиға пешвоз турди. Ойтуғди ҳаллослаб келиб, ўғлини бағриға босди, юз-кўзини силади, пешонасидан ўпди.

Зиңдонбон шамни қолдириб, чиқиб кетди. Ойтуғди Қутбиддинни бемордек суяб супаға ўтқазди ва чўк тушиб ўғлининг оёқларини кучоқлади. Кўз ёши аралаш ингранди:

— Ёлғизим... Юлдузлардан ясаб олған ойпарчам... Қарчиғайдек қанотим, арғимоқдек учқурим... Тобутимнинг чегаси, юрагимнинг эгаси. Сенға не бўлди, а? Мен шўрликка шунча кўргиликлар озмиди, тилаб олған тилло беланчагим?..

Ойтуғди товущини баралла кўйиб хўнграб йиғлади. Қутбиддин сас чиқармади. Яккаш онасининг мушки анбар уфуриб турған силлиқ сочини силайди. Жон-жаҳони ёниб, вужуди ўртанади. Бир нима демакка тил чоғласа оғзи қуруқшайди, боши гувлайди. Томоғиға ёнғоқдек тош текилиб турибди.

— Эна... Энажон... — дейдию, онасининг муборак сочларини ҳидлаб-ҳидлаб, иссиқ-иссиқ ёш тўқади. Ойтуғди қадрини ростлаб ўғлининг юзларидан ўпди. Онаболанин кўз ёшлари кўшилиб кетди.

Ойтуғди нафас ростлаб ўғли ёниға ўрнашди, унинг елка-бошини силаб узоқ ўтирди. Ниҳоят, маҳзун, ўксик бир товуща деди:

— Энди мен нетайин, болам? Бул бадбахт энангни зор қақшатиб ташлаб кетмакка қас қилдингму, кўзичоғим?

Қутбиддин жавоб бермади, узун уҳ тортди.

— Мени ҳам ола кет, жоним. Гадо бўлсанг гадо бўламан, адо бўлсанг сенин йўлингға адо бўламан. Бу дунё шодлиги не экан, икки олам роҳатини сенин бир дона тукингға алмаштирмайман! Маликалик маснадиға тупурдим, саройиға ўт қўяман! Сендан бошқа менин кимим бор?

Қутбиддин аста гап қўшди:

— Давлатпаноҳ отам...

— Фарзанд меҳри менға эр меҳридан аъло. Отангни мендан бўлак дағи икки завжаси бордир!

Қутбиддан онасининг сочидан қўлини тортди.

— Берган сутингизга ризо бўлинг, энажон. Сизни олиб кетолмайман. Менинг йўлим олис. Энди бу фақир ўглингиз ҳақ йўлчисидирман.

Ойтуғди «не бўлганда ҳам қони қайноқ йигит, ҳали қиз исини туймаган, зора эти жимирласа» деган хаёлда қийлага ўтди:

— Сенга бир сувлув қиз топдим, болам... Энди ўн олтига кирган. Жаннат хурларидан-да зиёда. Бир қошиқ сув бирла ютгулик. Онам ризо бўлсин, десанг, уйланиб, юзимизни ёруғ қил. Андин сўнг майли, зовиянга кетабер. Истасанг ўзим Самарқандда улкан хонақоҳ солдириб берай. Худо йўлига кирган қаландару мискинларни йиғнаб, зикру сано айтиб ўтиринглар. Маъқулми?

— Энажон, алҳамдуллоҳқим, барчамиз бир Яратганнинг қулимиз. Ҳадиси қудсийда Олло таборак демишки, берган ризқимга қаноат қилгувчи, мени ризо бўлсин деб шаҳвоний ҳирсларини тарк этгувчи ёш бандаларим наздимда бир қисм малойиклар бўлмай. Ахир нечук мен осийлик қилиб Тангримнинг сўзларига шак келтирай, энажон?

Илоҳий ҳадис сўзлари Ойтуғдини бир қадар совутди, энди узун уф тортиш навбати унга келди.

Ойтуғди ёнбошидаги бўғчасини очди. Бахмал дастурхон ёзди. Турлук-турлук таомлар олиб қўйди. Нон синдирди.

— Егил, болам, этдин ол. Қувват бўлади. Отанг қаҳр отидин тушгунча очиқиб қолайсан.

— Эт емасмен. Бизнинг емишимиз меваю сабзавот. Дарвешларда таомил борки, қурсоғинг оч, кўнглинг тўқ бўлсин. Энажон, ўз қўлларингиздан сўнгги бора бир тўғрам нон едиринг. Кўкрак берган қўлларингизнинг муаттар ҳидини ёдимда сақлаб қолай.

Ойтуғди нон ушатиб ўғлининг овзига солар экан, Қутбиддин онасининг кафтларини қайта-қайта ҳидлаб ўпди. Ойтуғдининг хаёлидан бир фикр кечди: «Наҳот, авлиёи кабирнинг сеҳри ота-она меҳридан ҳам улуғ бўлса? Худо шоҳид, бул асрорга ноқис ақлим етмайду!»

Ойтуғди «Мен отангдин пинҳона келдим, бора қолай», деди-ю, шоша-пиша жўнади.

Бир оздан кейин зиндонбон эски пўстак, жун болиш ва олача тўн олиб кириб ташлади. Қутбиддин қўлларини ёстиқ қилиб пўстакка чўзилди.

## Ҳақ йўлчиси

Китобим, мусхафим, дарсим,  
Ҳадисим, абжадим, лавҳим,  
Салотим, тоатим, зуҳдим,  
Савобим, ҳажжу арконим.

Насимий

Бандиликнинг учинчи куни ўтиб борарди. Уч кундирки, Қутбиддин ҳавоси бузуқ, нимқоронғи ҳужрада отасининг дағдағаси ва тегирмон тошидек оғир хаёллар асири бўлиб ётибди. Тонг отади, кун ботади, яна тонг отади. Аммо кўнгли ёришмайди. Ҳақдан ҳидоят кутади. «Жалии жалол йўлига кириб, ҳақ йўлчисига айландим. Иншооллоҳ, Қодир эгам марҳаматидан бебаҳра қолдирмас», деб умид қилади.

Руҳидан азозилни ҳайдаш ниятида муттасил зикри қалбия ила шуғулланади. Баданим сархушликка майл кўрсатмасин, деб кунига уч қур зикри нафсийага зўр беради. Сўнг йиртиқ пўстак узра чўзилиб, тагин узун-узун хаёлга толади. Муборак хонақоҳни, ҳалқадаги солик биродарларини хотирлайди. Кўз олдига Шайхул-машо-йих келади: «Хос надимининг беному нишон кетганидан ҳазрат озурда бўлиб, ранжиб қолмадимикин? Ҳужрадоши Бобоқул оға-чи?» «Ҳм, шаҳзодам, жун чакмон оғирлик қилдимми? Партўшакка не етсин» деб гулдуракдек товушини баралла қўйиб кулиб юргандир?

Қутбиддин гарчи бу зиндонга бировнинг азми билан келиб ўтирган бўлса-да, маслақдошлари олдига ўзини гуноҳкор ҳис этди. Саркаш ўйларини қувиш қасдида Ҳазратнинг ёниқ бир ҳикматини пичирлаб қироат қилди:

Неча йиллик меҳрибоним жон айтадир, дўстларим,  
Бу вужудим шаҳрини фоне қилодир, дўстларим.  
Бул қафасни тўтиси парвоз этадир учгали,  
Бир қоронғи, шуъласиз ерга бородир, дўстларим.  
Эй, менинг ёронларим, ҳиммат тутинг иймонима,  
Душманам иймонима заҳмат беродир, дўстларим...

Ташқарида эшик қарсиллади. От кишнади. Бўғиқ товушлар эшитилди. Дарча

тарафдан жарчининг чўзиқ, жарангдор ҳайкириғи келди: «Одамлар-ей, одамла-ар! Тоғда битган бодомла-ар-ей! Фирдавсул аъло-о, Самарқанд султони, қошифул ҳақойиқ... Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноблари...» Жарчининг хитоби йироқлаб кетди. Падарининг не юмушга чоғлангани Қутбиддинга мубҳам бўлиб қолди. У кўзларини юмиб, дилига тағин ҳикмат дурларини тера бошлади:

Изим ёди улуғ ёдду, айтар бўлсам,  
Асал янглиғ сучук бўлур тилим менинг.  
Ўзим фақир, қилдим муқир, бўлдим ҳақир,  
Қанот қоқар учар қушдек кўнглим менинг.  
Турлик айшим, турлик ишим, мунглиғ бошим,  
Эриди жон, кетди ҳушим, оқди ёшим.  
Ёзуғ билан тўлди тугал ичим-тошим,  
Бениёзим оча берсин йўлим менинг.  
Кўзим тушди, кўнглим учди, аршга ошди,  
Умрим кечди, нафсим қочди, баҳрим тошди,  
Карвон кўчди, манзил ошди, ҳориб тушди,  
Сир улашди, нетонг бўлғай ҳолим менинг...

Қутбиддин жон қушидан мосуво бўлган кимсадек бир нафас дамани чиқармай қотиб қолди. Сўнг беҳуд-беҳол бир алпозда базўр шивирлади: «Сир улашди, нетонг бўлғай ҳолим менинг... нетонг бўлғай менинг ҳолим... ҳолим менинг...»

У подшо саройи ила тариқат ҳалқасидан ўзга дунёни кўрмаган кичкина жаҳонни ағдар-тўнтар қилиб, мушқулига чора изларди: «Эй, қозийул ҳожот, ўзинг доғимга етти, сендин бўлак орқа тоғим йўқ», дея тилида дуо бира кўзи илинганини сезмади.

Мадад пири комилдан келди. Қутбиддин туш кўрибди. Шарқираган сойга туташ ораста боғ эмиш. Чор атроф гулзор-гулистон. Муаззам бир базми жамшид авжида. Одамлар тўп-тўп бўлиб боғ тўрига ўтади. Бори эл ясан-тусан. Олисдан карнай-сурнай садоси келади. Қутбиддин сой бўйида ўйчан турибди. Ёнида сувдан-да сулув бир қиз. Сочлари ер ўпади, ўзи оқ либосда. Қиз қиқирлаб кулади. Қутбиддинга тегажақлик қилади. Йигит пинагини бузмайди, киприк қоқмай сойга термулади. Шу пайт сойнинг у тарафида Ҳазрат пайдо бўлди. Пирнинг қовоғи солиқ. У Қутбиддинга хўмрайиб қаради-ю, чўрт бурилиб кетди. Йигит шу заҳоти ўзини сувга ташлади...

Қутбиддин терлаб уйғонди. Аланглади. Сув ҳам, пири муршид ҳам йўқ, қулоқлари шанғиллар, калласи оғирлашиб қолгандек эди. Ёстикдан аранг бош узди. Истиффор келтирди. «Бул ишорати ғайб, — кўзларини ишқади, — пирининг ранжигани ҳаққи рост экан. Тазарру келтирмак даркор, не чора этиб бўлса-да, бул бадбўй гўшани тарк этмак лозимдир. Вале не чора топқаймен, ё Жаббор?»

Бирдан Қутбиддиннинг шуури тиниқлашди. Юрагига алақандай бир зангори, латиф нур кириб ўрнашди. Дили потраб «Пирим! Пирим!» деб юборди. Дарди дунёси яшнаб, тилига султон-ул орифининг сатрлари илҳомдек қуйилиб келди:

Эрни кўрсам эргашдим, истадуғимни сўрдим,  
Барчаси сенда деди, қолдим ҳайрон ичинда.

Қутбиддин ирғиб турди. Шитоб билан бориб эшикни қўшқўллаб ура кетди. Зиндонбон кирди. «Хизматингизга мунтазирман, бегим» дегандек, остонада роз қотди.

— Зудлик билан ҳукмдорга арзимни етқуринг. Биз аъло ҳазратнинг шартларига розимиз.

— Бош устиға, бегим, — деди зиндонбон ва бу сафар эшикни беминнат ёпди.

Уч кундан кейин Қутбиддин куёв либосини кийди.

Султон Маҳмудхон Ойтуғидан орттирган ёлғизгина ўғлининг тўйини бениҳоят хайлу ҳашам билан ўтказмакни қасд қилди. Сиёб соҳилига юзлаб ипак чодирлар тиктирди. Шаҳристондан то дарё бўйигача кўчаларда мешкобчилар пўш-пўшлаб сув сепида, муждачилар от чоптириб кентма-кент кезади, бор ҳалойиқни шоҳона базмага чорлайди. Муаззинлар шаҳар минораларини жарчию маддоҳларга бўшатиб берган. Улар саҳоватда Ҳотамсифат, адолатда Нўширавон, ёвқурлиқда Рустами зол... мискинлар паноҳи, дини ислом шамшири султон Маҳмудхон ибн Арслонхон жаноби олийлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳли раиятни лутфан боғи дилқушога таклиф этажанин маълум қилиб, томоқ йиртадилар.

Бу ёғи Исфижобга, бу ёғи улуғ султон, салжуқийлар салтанатининг устун Санжар ибн Маликшоҳга махсус чопарлар отлангирилди.

Тўрт-беш кун орасида Сиёб бўйлари ер юзининг жаннатига айланди. Бир ёнда муғаннийлар нағма чалиб дилларга ғулув солади, бир ёнда ёғочоёқли муқаллидлар ўйин кўрсатади. Дарё узра дорбозлар лангарчўп ушлаб учади. Гулхан гуриллаган

давралар атрофида морбозлар, кўзбойлогичлар, айиқ ўргатувчилар, масхарабозлар, соҳирлар эл кўнглини хушлайди.

Ўнлаб дошқозонлар биқир-биқир қайнайди. Қирқ хил қовун, юз хил мева ортилган араваларни судраб келаётган отлару хачирлар ҳансираб пишқиради. Неча ойлаб зах ертўлаларда қайнаб ётган баҳайбат хумлар оғзи очилган. Гулкосалар қўлмақўл, чехралар гулгун. Бугун ҳар майфуруш майхўр, ҳар бир майхўр майфурушга айланган.

Султон Маҳмудхоннинг илкида ҳам тилла гапрдишли заранг коса. У боғнинг қоқ ўртасига ўрнатилган ўн икки қанотли баланд чодир олдида, олтин тахтада ўлтириб тўй тадоригини кузатади. Кўзларида мастона бир хушнудлик жилва қилади. Кўксиди зоҳирий шукрона ила ботиний қаноат жой талашади. Шукронаси шулки, аввало валиаҳдни ҳукмига бўйсундирди. Ҳақ таолога беадад ҳамдлар бўлсинким, Қутбиддин дарवेशлик жандасини ечиб отди. «Иншооллоҳ, даргоҳимда қолгай, насиб этса, аркони давлатни жамлаб, салтанат жиловин анга топширгайман. Бас, эмди хонақоҳни тарк этиб, сарой сари келмак чоғидур».

«Хонақоҳ» калимаси Маҳмудхоннинг ёдига султон ул-орифинни солди. Тўй арафасида Маҳмудхон пири комил ҳузурига Самарқанд шайхур-раиси Хожа Абдул Раззоқни элчи қилиб юборган эди. Элчининг дастига икки энлик мактуб ёзиб берди. «Ҳақ субҳони ва таолого ҳамду мактовлардин сўнгги арзи дилимиз шулки, Сиздек зоти шариф ҳазратининг қутлуғ нафасларидан баҳраманда бўлиб, фазлу камолот касб этмиш фарзандимиз шаҳзодани каҳудолик мартабасига ноил этмак орзусидамиз. Биздек аҳли иродатнинг фақир дастурхони Сиздек пири комилга мунтазирдир. Муборак назарлари бирла ани бобаракот этсалар, хонадонимиз нурга тўлар эди. Дуои жонингизни қилиб, қуллуқ мақомида муридингиз Маҳмудхон тамвачхон. Аллоҳумма саййирна аҳлу имтиёзи»<sup>1</sup>.

Хожа Абдул Раззоқ Шайхдан икки оғиз жавоб келтирди. «Марҳаматлари учун қуллуқ, — дебди Ҳазрат, — таассуфки, фурсатимиз истифода этмайдур. Йўл тадоригини кўриб турибмиз».

Ҳазрат карвони шу куниеқ Бухорои шариф томон отланди. Шайхул машойхнинг таклифига киё боқмай кетгани Маҳмудхоннинг сармаст кўнглини тирнаб ўтди. Унга наинки беписандлик, бехосият бир аломат бўлиб кўринди. «Начора, — деди ичида Маҳмудхон, — ул ҳазрат авлиёи кабир, биз эрсак Султон Санжар вассалидирмиз, сағир бир хондирмиз».

Сулук сардорининг Самарқандан тарк этганичи билиб, Қутбиддиннинг дили садпора бўлди. Унинг ичи-таши ёниб, базм адоғини кутар, ўшал парирухсор келиннинг дийдорига бир тикилиб... сўнг дилига тугиб қўйган муродига етмак истарди. Ахир зикр тушмаганига неча кун бўлди? Хонақоҳ исини туйиб, шокирлару обидлар ҳалқасида нон емаганига неча замон бўлди? Пир суҳбатини соғинди. Мана, тўққиз кундирки, Қутбиддин уюридан адашган аргимоқ оддек на кўзига, на дилига таскин берадиган бир манзилда улоқиб юрарди.

Асвасаю дабдабанинг бешинчи кунини, базми жамшид авж пардасига чикқанда, келин тушди маросими бошланди. Келинпошша Маҳмудхонни ўша машғум Қатавон биёбонидаги жангда ўлимдан асраб қолган амир Фазлиддиннинг қизи Зулфизар эди. Қизни узатиб келишга хон ўзининг энг юввош, гужумдек сервиқор филини юборган эди. Юзлаб болалар, аёллар, ўнлаб соқчилар қуршовида зарбоф матолар билан зийнатланган баҳайбат фил бир-бир босиб тўйхонага кириб келди. Филбон филини тўғри хон ўтирган тахт сари етаклади. Хон ёнидаги заррин бахмалу газмол билан ўралган нарвондан келинни оҳиста ерга кўндирдилар ва бошидан тилло тангалар сочдилар. Қизнинг олдида, ирим қилиб, бир неча ойлик чақалоқни думалатдилар. Кайвони хотинлар ёр-ёр айтиб, Зулфизарни махсус меҳмонхона тўридаги ипак чимилдиқ сари кузатиб кирдилар.

Бу сирли-сеҳрли манзарани кузатиб, Қутбиддин бир чеккада куёв жўралари (аслида қўриқчилари) ичида лабини тишлаб турарди. Бир мусулмон фарзандининг бегуноҳ, бокира қизига унинг астойдил раҳми келди.

Боғи дилқушога оқшом кўнди. Баковуллар анжомларини йиғиштира бошладилар. Ҳар ер-ҳар ерда кўкка тутун қайтариб сўна бошлаган гулханларга сув сепилди. Аста-секин меҳмонлар ҳам боғ сайрини тарк этишга тушдилар. Тўй тарқаган, энди никоҳ кечасига тайёргарлик бошланган эди.

Қутбиддан зангори ипак тўнда. Бошида ёнғоқдек ёқут қадалган симобий сала. Оёқларида заррин этик. У машшота етовида хос хонасидан келин ҳузурига йўл олди. Чимилдиқ олдида машшота Қутбиддинни бир нафас якка қолдириб, ўзи ичкари кириб кетди. Ичкаридан унинг шўхчан товуши эшитилди:

— Йигитларнинг султони, мамлакатнинг посбони, қизил гулнинг иддизи, куёв-

<sup>1</sup> Худоё худовандо, бизларни имтиёзли кишилардан қилрайсан.

ларнинг юлдузи Қутбиддин тўрам ташриф буюрадилар! Бизга аталган қуйма узугин-гизга гавҳар кўз бўлгани келдик!

Келиннинг икки ёнида ўтирган икки янгаси ўринларидан турдилар. Зулфизарни тикка қилиб, куёв дийдорига мунтазир бўлишди. Машшота чимилдиқдан чиқди. Қутбиддинни ичкари олиб кирди. Келин боши ерга теккунча эгилиб салом қилди. Йигит не қиларини билмай гарангсиб тураберди. Янгалардан бири қошини учириб қолди:

— Салом ҳаққин берсинлар, куёв тўра!

Қутбиддин ёнидан бир неча тилло танга олиб янганинг кафтига ташлади. Русумга кўра энди иккинчи янга қизнинг юзидаги оппоқ ҳарир пардани хиёл кўтарди. Қиз ердан кўзини узмас, унинг ҳаяжони сийналарининг билинар-билинмас тебраниб турганидан сезиларди. Қутбиддин қизнинг оққирмизи чеҳрасига маҳлиё бўлиб қолди.

— Бас энди, куёвжон, чандон тикилсангиз, қизимизга кўзингиз теккай, — дея ҳазилашди биринчи янга, — исириқ ўрнига дийдор пулидин чўзинг!

Қутбиддин янгаларнинг олоқонига тагин тилло танга ташларкан, ҳамон Зулфизардан кўз узолмасди. Қизнинг адрас кўрпачага қадалган бодомқобоғи... сал қимтинган гул барғидек қирмизи лаблари... самбитдек сарвқоматию икки олам атрини уфуриб турган келинлик либослари Қутбиддиннинг жиловли ҳис-туйғуларини кишандан озод этиб, шу маҳалгача ўзига бегона, fairишуурий бир талваса гирдобига улоқтирди. Ахир, шу кезгача саройдаги хизматкор аёллару хешу ақраболари орасидаги хотин-халаж, қизу келинларни ҳисобга олмаганда биронта номаҳрамнинг юзига қиё боқмаган, буй етган қизлар қўлини ушлаш нари турсин, уларнинг эпкинига ҳам йўлиқмаган эди. «Йўқ, бу бани башардин эмас, кўқдан тушган фаиришта, инсон қиёфасига кириб ўнгимда турибди!» хаёлланди Қутбиддин ва энди не қилай, дегандек машшотага ўтирилди.

Таомилга кўра, энди янгалар келинни махсус висолхонага узатиб қўйишлари лозим эди. Машшота Қутбиддини ёш боладек етаклаб, чимилдиқдан олиб чиқди. Куёв ёндош хоналардан бирига кириб, баҳмал кўрпачага чордона қурди. Машшота унинг олдига дастурхон ёзди, ширин-шакар сармевалардан келтирди. Улкан хитойи идишдан чой қуйиб узатди. Ўзича кулиб-кулиб маслаҳат берган бўлди.

— Келиннинг олдида тортинманг, бегим. Сиз йигитларнинг лочинисиз, тўрам, оппоқ кабутарни кўрган лочиндек бўлинг, — у хандон ташлади, — илло, бегим, бир кунда бори йигитлик қувватин сарф айлаб, эртаси қизимни вижимланган гулга менгзатиб қўйманг-а? Ҳусн кунда керак...

Машшотанинг нимпардага ўралган дийдиёси Қутбиддиннинг қулоғига кирмас, у интизорлик билан бу тилло қафасдан озод бўладиган дақиқаларни кутарди.

Ва ниҳоят, висолхона эшиги ҳам очилди. Янгалар қизни қўлма-қўл машшотага топшириб, ўзлари қайгадир ғойиб бўлдилар. Машшота Қутбиддинни чорлади. Икковлари кенг, шифтлари баланд висолхонага кирдилар. Зулфизар хона ўртасида қўл қовуштириб турарди. У Қутбиддинни кўриб, тагин эгилиб салом қилди. Машшота келин-куёвни рўбарў ўтказди. Ташқарига чиқиб, кумуш патнисда исириқ тутатиб кирди, келин-куёв бошидан ўтирди. Сўнг хона тўридаги тўрт қават қилиб солинган момиқ тўшақларни кўздан кечирди. Оппоқ парқув болишни кўтарди. «Ие, йўғ-у?» деди ўзича ва тоқчадан кичиккина Қуръон олиб келиб, ёстиқ тагига қўйди. Кейин тоқчаларда пориллаб ёниб турган йўғон шамлардан иккитасини қолдирди-ю, бошқасини пуфлаб ўчирди. Қўл очиб дуо қилди:

— Илоё, Яратган иккалангизни юзларингизни ёруғ қилсин, омин! Оллоҳу акбар!

Машшота оёқ учида чиқиб кетди. Висолхонада энди ўн бешга тўлиб, ўн олтига қадам қўйган қиз билан ўз саккиз ёшни эгарлаб минган дуркун, бор вужудидан куч ёғилиб турган йигит қолди.

Қутбиддин атрофга аланглади. Дераза пардалари тўқ қизил рангда, тўшак ёпқичлари қирмизи, оёқ остидаги хуросоний гиламлар чўғдек, ҳатто шифтдаги тоқилар ҳам зарафшон... Булар Қутбиддиннинг қонини жўштириб, шаҳвоний ҳирсини кўздирш учун қасдан қилингандек эди. Йигит қизга қиё боқди. Не дейди? Ахир, у билан бир ёстиққа бош қўйишни истамаса? Жуфти ҳалолликни ўзига раво кўрмаса? Не чора қилсин? Бироз ўтириб, гапнинг индаллосини айтсинму? Эшик олдида, боғ этагида Қутбиддинга кўз-қулок бўлиб ўтирган соқчиларни даф этиб қочиб кетсинму? Худога шукур, билагида кучи бор, тўртта эмас, саккизта соқчини саранжом этишгада қудрати етгай...

Қиз мўъжаз пиёлага ҳушбўй чой қўйди. Ўрнидан туриб таъзим ила узатди. Қутбиддин чойни олар экан:

— Энди кўзғолманг, синглим, — деди, — ўтирган ерингизда узатаверинг.

«Синглим» деган сўз Зулфизарнинг ўмганини тешиб юборгандек бўлди. Бироқ у маънос илжайди:

— Бегим, никоҳ бирла муҳрланиб, завжалик бўсағасинда турғон кимсалар бир-бирларига оға-сингил бўлмайму?

Қутбиддин қизнинг фаросатига офарин айтди. Унга тагин раҳми келди. «Шундоқ доно, сулув бир ожизанинг бахтига зомин бўлдинг-а, нодон йигит! Аввал бошда йўқ деб арқонни кесмайсанми, тентак?»

Бир неча сония иккаласи сукутга толдилар. Қиз Қутбиддиннинг юзига илк бора суқланиб боқдию охиста деди:

— Бегим, бир нима денг...

Қутбиддиннинг энсаси қотди. Кечагина энасининг этагидан тутиб юрган бу жамалак соч қизга не дейди? Зикру самони англамаса, сафойилни билмаса, таслим тошга ақли етмаса?

— Не дейин сизга, Зулфизар?

Қизнинг кўзи чақнади. Завжаси илк дафъа унинг исмини тилга олди. «Демак кўнгли бор экан» деган туйғу қизнинг нозик торини чертиб ўтди.

— Бегим, навжувон бўлагуриб ажиб сирларни билар эрмишсиз. Сайру саёҳат айлаб, тоғу тошлар, чўлу саҳроларни кезибсиз деб эшитдук.

— Булар сизга не даркор. Менинг кўрганларимни ҳеч бандаси кўрмасин, — деди Қутбиддин ўйчан ва кўз олдига хирқа кийиб, кашкул тутиб олис Соброн бозорларида тиланчилик қилиб юргани келди. Қиз тилини тишлаб ўксинди. Қутбиддин шафқат юзасидан унинг юзига мулойимроқ боқди.

— Инжиманг, сулув. Мен сизга байту ғазал ўқиб берайин.

Қиз йигит сари талпинди. Қошлари учиб, жон-жаҳони яшнаб кетди.

— Ўқинг, бегим... Жон қулоғим сиздаур...

Қутбиддин негадир дераза томон тикилиб, ҳикмат ўқий кетди:

Ишқинг қилди шайдо мени,  
Жумла олам билди мени,  
Қайғум сенсан туни-куни,  
Менга сен-оқ кераксан.  
Кўзим очдим, сени кўрдим,  
Қул кўнгилни сенга бердим,  
Уруғларим таркин қилдим,  
Менга сен-оқ кераксан.  
Сўзласам мен тилимдасан,  
Кўзласам мен кўзимдасан,  
Кўнглимда ҳам жонимдасан,  
Менга сен-оқ кераксан...

Зулфизар беихтиёр иягини икки кафти орасига олиб, Қутбиддиндан кўз узолмай қолди. Бу йигитни умрида биринчи карра кўриши. Бир соатча бурун чимилдиқда кўз қирини солди. Ушандаёқ дилига ҳаяжон кирган, бу довқур йигитнинг тимқора, мунгли кўзларини, оқи оқ, қизили қизил юзини, қуоқ қошлари, кенг яғринлари, ўзини ўктам тутишини... бирдан ёқтириб қолган эди. Зулфизар Оллоҳ таоло иноят қилиб, шундай бир тарлонни етказганига шукрона айтар, ирғиб туриб ўзини йигитнинг қучоғига отгиси келар, аммо асл насл-насабию қизлик шарм-ҳаёси бунга йўл бермасди.

— Бу байтларни... ўзингиз тўқиганмисиз, бегим? — деди Зулфизар Қутбиддинга адоқсиз бир меҳр ила тикилиб.

— Йўқ, буларни бир авлиёи кабир, султонул орифин битганлар.

— Туври битибдур, — деди Зулфизар, — икковимизнинг шарҳи дилимизни хўб айтибдур. Ул пиримни Худо ёрлақасин.

Қиз тескари қараб эснади.

— Сиз ётиб ором олинг, — деди Қутбиддин, — ҳориган кўринадирсиз.

Қиз ишва ила жилмайди.

— Мен якка-ёлғиз ётқоли кўрқадирмен. Уйда синглим бағримда ётарди.

«Бу ҳийлангиз ўтмайди, сулув», деди ичида Қутбиддин ва ўриндиққа имо қилди:

— Оромгоҳ сизга мунтазир.

Қиз ноилож дуо қилиб қўзғолди. Бир-бир босиб тўрга ўтди. Унинг эзгин бир кайфиятда устки либосларини истар-истамас ечиб отаётганини кўриб, Қутбиддин ичида нечанчи бор ўзини лаънатлади: «Бир ифбатли соҳирага зомин бўлдинг-а, эси кирмаган нодон!»

Зулфизар йигит томонга умидвор боқиб қўйиб, парқув зардўзи тўшакка шўнғиди. Қутбиддин муруқабага берилиб узоқ, ўта узоқ ўтирди. Бир замон қиз ингради, уҳ тортди. «Бегим, аёзладим» деган нидоси эшитилди. Йигит инсоф юзасидан ўрнидан турди. Енгил шойи яктагини елкасидан чиқарди, этиklarини суғурди. Аста бориб қизнинг ёнига чўзилди. Зулфизар қўл узатди.

— Илкимдан тутиб ётинг, бегим. Кўзимга турфа хил... шарпалар кўриниб, ваҳима солодир...

Қутбиддин қизнинг билагидан тутди. Қўша-қўша тилла ҳалқа ўтказилган оппоқ, нозик билак муздек эди. Аста-секин қизнинг қўли қизий бошлади. Сўнг томирлари гушилаб урди. Қиздаги майлу эҳтирос Қутбиддинга ҳам кўчди. Унинг вужудига илиқ бир нарса югурди, қони қизиди, ҳар бир тирик жонни дунёда боқий асраб қолишга ундайдиган орзу-истак уйғонди. Қутбиддин дарҳол бўйнига қўл чўзиб таслим тошни пайпаслади. Шу заҳоти асов танасида ҳужужга кела бошлаган ҳайвоний ҳирс қайта сўнди. Қиз кўзларини юмиб олди. Йигит эса, бу малакни нечук овутишни билмай, дераза тарафга боқиб ётаверди. Шу пайт деразада девдек бир махлуқ пайдо бўлди. Сочлари тўзиган, калласи улуғ, кўзлари чақчайган, афти-ангори... худди Бобо Мочинга ўхшаб кетарди. У сарғимтил, ноўхшов тишларини ишшайтириб сўзланди:

— Бу дунё айшу роҳатини суриб қолмайсанми, овсар! Ичсанг — қимизни ич, суйсанг — қизни суй! Заринг ҳам, занинг ҳам қўйнингда ётибди, ношукур! Эркакмисан ўзи! Бу ёлғон дунё ўтар-кетар. Мана, биз ҳам юрибмиз, ҳазратнинг амир маъруфига маст бўлиб... Сенга ўхшаган шаҳзодаларга ўтин тердириб, ер супуртириб... давринг келди, сур, бегим, оҳ-ҳо-ҳо-о...

Қутбиддин савқи табиийси билан сездики, бу Бобо Мочин эмас, шайтони лаъин! Бобоқул оға ила бир комил шаънига буңдоқ куфр сўзларни айтмас, лафзини-да бўлмагур калом ила булмасан... Шайотин бу, азозил бу!

Пирнинг насиҳати ёдига тушди. Ҳазрат айтардиларки, «Лоҳавла жаннат эшигининг бир табақасидур». Қутбиддин «Лоҳавла валақуввата ила биллоҳ» деб қирқ маротаба пичирлади. Бадбашара махлуқнинг шарпаси хира тортгандек бўлди. Қутбиддин энди тилида асмой ҳусна — Оллоҳ таоло ва таборақнинг тўқсон тўққиз гўзал исмини шитоб билан такрорлашга киришди. Бобо Мочин қиёфасидаги алайҳи лаънанинг номуборақ башараси деразадан батамом йўқолди. Йигит истиғфор айтди.

Зулфизар эса, беозоргина ухлаб ётарди. Қутбиддин эҳтиёткорона ўрнидан турди. Этигини ҳам, яктагини ҳам киймай, оёқ учиде эшикка юзланди. Аста даҳлизга чиқди. Машшота бир бурчақда ғужанак бўлиб ухлаб ётарди. Қутбиддин унинг олдига икки тилло пул ташлади: «Эпланолмаган хизмат учун». Сўнг ҳовлига йўналди. Соқчи кўринмасди. Телпаги, чопони, қиличи думалаб ётибди. Соқчининг телпагига ҳам бир ҳовуч кумуш танга сочди: «Калтак пули».

Тўй арафасида Қутбиддин боғ этагида эски жомаларини яшириб қўйиб эди. Осонгина топди. Ҳирқаси, кулоҳини кийди, оёғига эски чорикни илди. Асо билан сафойил-шақидокни олиб, девордан сакраб работга ўтди. Тун зимистонида дарё бўйлаб кета бошлади. Кеч куз изғирини эсади, осмонда юлдузлар кўз қисади, олисда ит улийди, дарё устида чархпалаклар вижирлайди. Қутбиддин кўрмиқиз бир кўлик-қирчанги отми, хачирми излаб борарди. Ниҳоят, бахти чопиб, сувлоқ четида тўқими олинмаган бир эшак йўлиқди. Дарров бориб нўхтасидан тутди. «Бисмиллоҳ!» деб бир сакраб миниб олди. Ирғай асо зарбидан эшак йўрғалаб кетди.

Қутбиддин асҳоби қаҳф кетидан эргашиб кетаётган ўша Қитмир итдек, Бухорои шарифни кўзлаб йўртиб борарди.

## Муборақ тасбеҳ

Дари хилват банду дари суҳбатро кушой  
Дари шайхиро банду дари ёриро кушой<sup>1</sup>

Абдуҳолик Ғиждувоний

Неча кундирки, Қурбат хонақоҳи олис Туркистондан келган мусофирлар ва шу маскан ичра макон қурган мискинлар, дарвешлар нафаси ила маъмур эди. Неча кундирки бу муаззам даргоҳ самарқандликларнинг масканига айланган. Бу ерда бомдоддан то хуфтонгача одам оёғи узилмайди. Барча эл, сайисдан амири лашкаргача, ўзини парвона янглиғ хонақоҳга уради, авлиёи кабирнинг суҳбатига ноил бўлмоқни, жилла қурса, бўйларини бир кўриб, дуосини олишни умид қилади.

Ҳазрат Самарқандда ўн кун турди. Ўн биринчи кун карвонни кўчиришга изн берди. «Оққан дарёнинг оққани маъқул, бир ерда турган сув бузилиб кўлмакка айланиши муқаррар». Хонақоҳ матасаддисе Абулқосимни чорлаб, зикрга ҳозирлик кўришни буюрди. Шайх бу тадбир ила қиш ўчоғи тор, деб бир ерда зерика бошлаган дарвешларни гафлат уйқусидан уйғотмоқчи ва машаққатли сафарга тайёрламоқчи эди. Тариқат одобига кўра, ҳар бир шаҳар ё музофот хонақоҳида қўним топган дарвешлар сулук сарҳалқасини у манзилдан бу манзилга кузатиб қўяр, сўнг асл қўналғаларига қайтарди.

Жума куни бомдод намозидан сўнг зикри султонияга ижозат берилди. Зикр чоғи шайх «Ҳақ-хув! Ҳақ-хув!» дея шох ташлаётган зокирларга қараб кўнгли сиди-

<sup>1</sup> Хилват эшигин ёпдил, суҳбат эшигин очдил,  
Шайхлик эшигин ёпу дўстлик эшигин очдил.



риди. Ҳалқа ичра кумуш қўнғироқдек таниш бир овоз етишмаётган эди. Қутбиддинни эслади. Султон Маҳмудхоннинг калтафаҳмлигидан ранжиди. «Ҳайф шунга панду насиҳат! Ақду заковат бирла битмаган юмушни зулму таадди воситасинда удалаб бўлурму? Булбулни тилло қафасда сайратмакни орзу қилибдур бул нодон. Булбул илҳомни қайдин олур — буни аҳли дил билур. Даст пажаси қилич тутиб қабарган суворий не билсун?»

Пир Қутбиддиннинг вайрихтиёрий бир суратда тутиб турилганидан бохабар. Унинг зўрлик билан куёвлиқ мартабасига етказилганини ҳам эшитди. Шулар боис хоннинг қуюқ дастурхонига оёқ босмади, билъакс уни умарою уламо кўз ўнгида мулзам этиб, шаҳарни ҳувиллатиб кетаётир. Аммо кўнглининг бир чеккасида Қутбиддиндан ҳам гумони бор. «Наҳот бу йигитдаги шайтоний васваса раҳмоний тафаккурни мағлуб этган бўлса? Расули Худо лутф этмишки, аш-шайтону яжри мин ибни одама аж-аддами, одам фарзандининг ичинда шайтони лаъин мисли қондек кезиб юради. Собиқ шаҳзоданинг азозил қутқусига бердоши етмаган эрса, бас, биз анга етарли таълим беролмабмиз».

Зикри султония охираб борар, аммо Шайхнинг кўз олдидан Қутбиддин кетмасди. Ҳазрат хотимат аз-зикрда бу халифасининг яккахон товушда ҳикмат айтиб, дилни жунбушга келтиришига ўрганиб қолган эди. Водариф, ҳукми Оллоҳ ушмуңдоқ эркан.

Кун кўтарилганда зикр поёнига етди. Терлаб-пишиб кетган дарвешлар тўп-тўп бўлиб, ҳовлини тарк эта бошладилар. Ташқарида улуғ бир издиҳом йиғилган эди. Халойиқ ичида Шайхнинг гойибона муридлари, аркони дин, сарой мулозимларию мадраса толиблари, мударрислар, олис-ёвуқ кентлардан келган қора чопонлик деҳқонлар, қўли қадоқ, тиззаси ямоқ косиблар, бемор ҳешларини орқалаб олган дуоталаблар, бола етаклаган аёллар, чорбозорчилар, муҳтасиблар, мужовуралар, хуллас, етмиш икки хил тоифага оид кимсалар жам эди.

Ясидан чиқиб, Ўтрор, Исфифжоб, Шош орқали Самарқандга кириб келгунча Шайх карвонига юзлаб киши қўшилди. Одамлар дарёга талпинган ирмоқ сингари, туркистонлик талаб аҳлининг сафини тобора тўлдириб борарди. Самарқандда карвон азим бир дарёга айланди. Ҳозир бу тошқин дарё хонақоҳ олдидан султон-ул орифнинг бир оғиз фармонига интиқ бўлиб чайқалиб турарди.

Нихоят, эшикка Шайх кўриңди. У қалин тўдани қиличдек ёриб, шиддат билан чиқиб келди. «Бисмиллоҳ!» деб дарвозахона олдидаги баланд лой супага кўтарилиди. Халойиқ гувранди. Умрида Шайхни илк бора кўриб турган муслим, муслималар «Шайхим! Шайхим!» дея ингранди. Ҳазрат оломонга кўз югуртирди. Баркашдек тирсиллаган башаралар, такаббур дийдалар, умидвор нигоҳлар, юпун кийим ичида ғужанак бўлиб турган бечора кимсалар... Қавс оёклаган. Қишнинг боши. Аччиқ ел эсади. Шайх мискин-маҳзум қорақўзларга текилиб турди-ю, лабини тишлади. Ваъз айтиб уларни совуқ ҳавода азиятга қўйишни истамади. Дарҳол мухтасар дуога қўл очди:

— Ла илоҳа иллолоҳу раббуссамовати ва раббул арзи ва раббу аршил карийм! Муҳтарам жамоат! Ҳақ таоло ҳидояти бирла тез фурсатда йўлга чиққаймиз. Бизга равон йўл тилаб келибсиз, Яратганинг ўзи умрингизни зиёда қилсун. Берган тузларингизга ризо бўлингизлар. Омин, субҳон олло, ўзинг аҳли раиятнинг ризқини бутун қилгайсан, аларни зolimнинг зулмидан асраб, беморларига шифо бер, муҳтожнинг ҳожатини чиқар, мушқулини осон қил! Ё Раббим, подшолик тахтини пойдор қил, хон ҳазратларининг иймонига заҳмат етмасин, анинг кўксидан мурувват, адлу диёнат нури барқарор бўлсин, Оллоҳу акбар!

Жамоат гувилаб, шайх билан баробар фотиҳа қилди. Шайх супадан тушди. Оломон иккига ажраб йўл бўшатди. Ҳазрат, одатига кўра, ерга қараб халқ орасидан ўта бошлади. Сал нарида Бобо Мочин Шайхнинг тўриқ отини жиловидан тутиб турарди. Ҳазрат «Бисмиллоҳу раҳмонир раҳим!» деб узангига оёқ солди. Сулаймон қўлтиғидан олди. Шайх энгил ҳаракат билан эгарга қўнди. Ўзи томон ўтирилиб, ҳайрагомоз қотган эл-улусга қараб оҳиста бош силкитди ва отини ниқтади.

Карвон Самарқандни тарк этди. Олдинда чориқ кийиб асо ушлаган фидойижон дарвешлар. Улардан кейин пойи-пиёда зиёратчилар йўл танобини тортади. Бобо Мочин отнинг чап томонида, ўнг қўли билан юганни маҳкам тутиб олган, танасига сифмаётган ҳисларини аранг жиловлаб, аста одим ташлайди. Шайхнинг ўнг тарафида, йўрға отда Сулаймон кетаётир. Ҳазрат карвонини кузатиб келаётган иродат аҳли бирор тош йўл босгач, аста-секин ортда қола бошлади.

Работга чиқдилар. Ҳазрат ортига ўтирилди. Самарқанднинг калта-култа миноралари, масжиди жоме гумбази, ям-яшил гужумлар элас-элас кўзга чалинарди. «Қайта кўришмасам, хўш энди» деб, Шайх юзига фотиҳа тортди. Сулаймон ҳам унга тақлид қилди. Сўнг кўнглидан бир фикр кечди. Пир робитаи қалбия воситаси ила уни фаҳмлаб, халифасига қарата:

— Ҳм, Сулаймон, бир гапингиз бормиди? — деди.

Пирдан сирини яширишнинг фойдаси йўқлигини сезиб, Сулаймон ачинган қиёфада деди:

— Сафимиз... бир кишига камайди, пирим. Шул нуқсон каминага тинчлик бермайдир.

Сулаймон Қутбиддинни назарда тутаетган эди. Умуман, Шайхнинг бу икки халифаси ўртасида пинҳоний бир ихтилоф бор. Очиқроғи, Сулаймон негадир Қутбиддинни хушламайди. Шаҳзодалигини ёқтирмайдими, пирнинг бу болага айрича меҳр қўйганини... Ҳарқалай, Сулаймон Қутбиддинни муршиддан қизганеди.

Ҳазрат Сулаймоннинг бетига қараб муртидан кудди:

— Хоразмда ҳам бир маҳрамдан айрилмасак кошки эди, деб қўрқадирмиз. Ҳар кас ўз элинда сафимизни тарк этаберса...

Сулаймонга бу гап тарсакидек тегди. Пир Қутбиддин баҳонасида Сулаймонга ҳам ишора қилаётган эди.

— Тавба қилдим, пирим, — деди Сулаймон чўчиб, — биз ул надимингиз бирла бамисли оға-инидурмиз.

Ҳазрат йўлга тикилди. Хаёлчан товушда насиҳат қилди:

— Кўнгилни кенгайтиринг, Сулаймонқул. Бир қопга бир қоп сомон сифар, вале кўнгилга Жайхунни жойласа бўлур, — пирнинг товушида истехзо оҳанги сезилди. — Сизнинг ул инингиз шул фурсатда нафс бирла жанг қилаётир. Бул ҳам бир имтиҳондур. Қани, сабр этайлик-чи. Ким волиб, ким мағлуб бўлар экан.

Сулаймон ўзни оқлаб нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тишлади. Агар оғиз очса, пирдан аччиқроқ гап эшитиши тайин эди.

Совуқ забтига олди. Зикр сабаб қонлари қизиган дарвешлар ирғай асоларини ерга зарб билан уриб, аччиқ елга кўкрак кериб бораптилар. Кунига ўн-ўн беш фарсах йўл юрмаса, жони танасига сиғмайдиган Бобо Мочин ҳам осойишта. У от туёғига мослаб бир-бир қадам босади. Карвон хароб кентларни, вайрона боғларни, кимсасиз далаларни ортда қолдириб, хонаи муборакка тобора яқинлашиб борарди.

Шайхнинг бир ҳикмати бор. Ортда қолар тоғингни эмас, борар боғингни ўйла, дер эдилар. Ҳали Бухорои шарифга олис, камида олти кунлик йўл. Дарғом сувидан энди кечдилар. Олдинда Миёнқалъа, Кармана, Тавсис, Фиждувон турибди. Барибир Ҳазрат туриқда енгил чайқалиб кетаркан, хаёлини Бухоро банд этди. Машриқдаги бу муаззам шаҳарнинг ораста кўчалари, хазинатул ҳикматга тўла мадрасалари, жаҳон овозаси бўлмиш бозорлари, кундуз офтобни, тунда ойни акс эттирувчи зилол ҳовузлари бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади. Бухорони тарк этганига ўн йилдан ошди. Шаҳар сомониёлар даврида обод эди. Қорахонийлар тахтни эғалагач, унинг ҳуснига ҳусн қўшилди. Тимлар, тоқилар, фавворалар, рудлар, масжиду миноралар қуриди. Варақа тоғидан сопол қувурларда сув келтирилди. Зарируд деб аталмиш ўқариқ кенгайтирилди. Мана, неча замонлардирки, шаҳар салжуқийлар султони Муиззаддин Санжари мозий илкига ўтди. Санжар не каромат кўрсатди экан? Қуббатул исломга равнақ бердими ва ё анинг зеб-зийнатига маҳлиё бўлиб юрибдирму? Шайх дунёнинг ул бурчида, Дашти Қипчоқда туриб ҳам гоҳо нохуш хабарларни эшитди. Бухорои шарифдаги ғариб дўзандалар тўқийдиган зар палаклар, гиламчилар босган фундуқий жойнамозлар, зарбоф чопонлару дарпардалар Бағдод халифасининг остонасига элтиб ташланармиш. Эл-улуснинг туя-туя мол-мулки бир дуои хайр бадалига вораг қилинармиш. Халифа учун маҳобатли бир заррин дарпарда тўқибдиларки, анинг қиймати Бухоронинг бир йиллик хирожига тенг эрмиш! Алҳазар! Бул қандайн бедодликки, бир вилоят аҳлининг йил-ўн икки ой йиғлаб-йиғлаб қилгон меҳнати эвазига муслимлар халифаси шоҳона қасрни безатиб, пишқириб ўлтирса?! Амирал-муслимин қилондигон юмушми бу! Қани инсоф, қани диёнат?!

Шайхнинг кўкси тошди. У фикран дўсти Шайх Абдуллоҳиқ Фиждувонийга таъна қилди: «Рутбангиз баланд, дўстим. Мақомингиз хожаи жаҳон. Сулуқ сардорисиз. Ноиблари волиёлар йўлини тўсиб, халқнинг ўзи топган насибасини ўзига раво кўрмак чорасини қилмоқ лозим эди». Ҳазратнинг кўз олди равшанлашди. Қаршисида кўкиш, тиниқ бир нур пайдо бўлди. Нур гумбазга айланди. Гумбаз ичидан Абдуллоҳиқ сизиб чиқди. У дўстига тимқора кўзларини тикиб жавоб қилди: «Дашномингиз жоиз, Шайхим, вале бир матал борки, турк йиғлаган гапга ажамлик кулар эмиш. Улус оғалари бирини минг, мингини туман қилмоқ илинжида Бухоронинг ҳам зарини, ҳам харини халифага ниёз қилиб ўтиргон бўлса, не илож? Сув бошидан лойқа, дўстим».

Ҳалиги зангори шуъла сўнди. Фиждувонийнинг таниш сиймоси ғойиб бўлди. Шайх басират кўзи билан кўрганларини тагин бир мушоҳада қилиб, йўлга тикилди.

Йўл юрганга йўл ёвуқ экан. Шайх карвони тинмай йўл босиб, учинчи куни Карманага бориб кўнди. Бухорогача икки манзил қолган эди. Дарвешлар «Ёху!» деб тагин изларига қайтдилар. Шайх мусофир йўлдошларига бир кун дам берди. Пайшанба тонги отди. Сулаймон хонақоҳдаги бир беморнинг ҳолидан хабар олиб келаётган эди. У табиблик ҳам қиларди. Шайхул-машойихнинг хосхонасига яқинлашди-ю, тах-

та бўлиб қолди. Рўпарасида бир кучоқ ўтин кўтариб... Қутбиддин турарди! Сулаймон сирини фош бўлган кимсадек бир лаҳза довдиради. Сўнг илжайди.

— Ҳов, на илож этиб галдингиз бу ерга, шаҳз... иним?!

— Ассалому алайкум, ога, — деди Қутбиддин, икки қўли банд бўлгани учун бош эгиб. — Оллоҳга шукур, насибасига етиб олдим.

Сулаймон Ҳазрат ҳузурига Қутбиддин билан бақамти киришни истамади.

— Манга беринг оғочни, — деди ва ёш халифанинг қўлидан ўгинни олиб ичкари кириб кетди.

Сулаймон Шайх хонасидаги мўрконли ўчоққа ёғоч тахлаб, ўт кўяркан, Ҳазрат маъноли йўтади. Сулаймон беихтиёр ўтириди, шайхнинг вақти хуш эди.

— Сулаймонқул, сафимиз андақ кенгайиб қолган кўринарму? — деб қулимсиради. Сулаймон дарҳол юкинди. Аммо узор айтмади, бошини ҳам қилиб ўтираберди.

— Оловни ёқинг, аёз забтига олдин — деди Шайх. Сулаймон девдек гавдасига ярашмаган эпчиллик билан ирғиб турди. Шайх кўзларини юмди. У тағин борар боғини сайр қилди. Хаёлидан қиёматлик дўсти, соҳиби каромат Абдухлолиқ Гиждувоний кетмай қолди.

Султон-ул орифин Аҳмад Яссавийнинг Ҳижоз сафарига отланганидан Абдухлолиқ Гиждувонийнинг хабари бор эди. Шайх бир неча ой муқаддам Хожага мухтасар нома битиб юборган, унда, Оллоҳ насиб этса, жумодилохирнинг оёқларинда Бухорои шарифда дийдор кўришмакни умид қилган эди. Хожа шаҳарлараро елвизақдай изғиб юрувчи тужжорлар тилидан Шайхнинг Самарқандда сокин бўлиб турганини ҳам эшитди. Жумодилохирнинг йигирма олтинчи куни ўтиб борар, вале азиз меҳмондан хушхабар йўқ эди.

Ниҳоят, мужда келдики, бир замонлар бир бурда нонни бўлиб ейишган жон дўсти Шайх Аҳмад Яссавий Карманада эмиш. Хожанинг руҳ қуши учиб Кармана сари кетгандек бўлди. Дарҳол навжувон халифаси Ориф Ревгарийни ҳузурига чорлатди.

— Моҳи тобси, Шайхул-машойих Карманага етибдур. Истикболига отланинг. Муштоқи дийдор эканлигимизни билдиринг.

Ориф Ревгарий Бобо Мочин сингари елоёқлардан эди. Хожаси йўл тадоригини ўйлагунча шаҳристондан чиқиб, роботга етди.

Хожа қабатига халифаларидан Аҳмад Садоқий, Авлиё Кабир, Сулаймон Карманийни олди. Бухоронинг қирқ уламосини эргаштириб, бомдодда Гиждувон сари йўлга чиқди. У Туркистон валисини ўзи туғилиб ўсган қадрдон юртида кутиб олишни ният қилган эди.

Ориф Ревгарий камида ўн фарсах йўлни уч соатда босиб ўтиб, Карманага етиб келди. Шайхнинг жиловдорига айланди. Ҳазратнинг ўнг томонида Бобо Мочин, чап тарафида Ориф Ревгарий. Хожа Абдухлолиқ уламои киром ила дўстининг пойи қадамга пешвоз йўлга чиққан маҳал Шайх карвони Гиждувон қайдасан, деб йўлга тушди. Тобора йўлнинг таноби торғилиб, икки бузрук, икки қутбул ақтоб яқинлашиб борар, гуё самода икки тўлин ой, ерда икки азим дарё — Сайхун ила Жайхун бирибирига ёвуқлашиб келаётгандек эди.

Хожа Абдухлолиқ сўфийликда олий мақом — фанофилоҳга эришган нодир даврон эди. Кечмиш фасларда зикр этганимиздек, бундай зотлар учун замон билан маконнинг фарқи қолмайди. Улар ўзларидаги нури тажалли — руҳий қувват орқали ўтмиш манзараларини кўз олдига келтириши, бўлажак қисматдан башорат қилишлари мумкин. Гиждувоний от жиловини озода ташлаб, саманнинг қамишдек тиккайган қулоғига тикилиб бораркан, кўзларини юмди. Дўстини ўйлади, йигитлик айёмини хотирлади. Кўз олдига йигирма йил бурунги Бухорои шариф, садри жаҳон очган зовия-хонақоҳ жонланди.

Абдухлолиқ зовияга бош уриб келганида бу ерда уч сўфий бор эди: Абдулла Барқий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий. Улар пири муршид Юсуф Ҳамадонийдан илми ҳолни таҳсил олар, етти мақомнинг тўрттасидан ўтган эдилар. Тўрт муриди солиҳ оғани бўлиб устоз этагидан тутдилар. Пир ҳам уларнинг бошидан муборак қўлини узмади. Лайлу наҳор сафоли суҳбатидан бенасиб этмади. Ох, у кунларнинг файзу баракоти! Зикри самонинг шиддати, зикри хуфиянинг лаззати, раҳнамо имдоди бирла олами лоҳут, олами носут аро сайру арши курсини, лавҳу қаламни саёҳат этмак, таносух бўлиб моуманни унутмак, фано бўлиб ҳақ дийдорига қовушмоқ ишқи! Буларни хаёдан ўчириб бўлурму!? Томирларда иссиқ қон айланиб, кўксини омонат нафас тўлдириб-бўшатиб турар экан, хотирдин чиқормоқ мушкулдир, мушкул...

Пир умр карвони манзилга етаётганини пайқадилар чоғи, туққан эли Марвга жўнадилар. Яссавийни учинчи, Абдухлолиқни тўртинчи халифа этиб тайинладилар. Хонақоҳ икки дўст ихтиёрида қолди. Яссавий ўн йилча ҳалқа сардори бўлиб турди. Сўнг Ҳизр алайҳиссалом ишорати бирла Туркистонга отланди. Пири комидан қолган муборак тасбеҳни дўсти Абдухлолиқнинг қўлига топширди. Бу энди сулукбоши ўзингиз, Бухоро сўфийларининг раислиги илкингизга ўтди, дегани эди. Мана, ўша

воқеага ҳам ўн йил бўлибди. Абдулхолиқ ул муборак тасбеҳни мусҳафдек эъзозлаб асрайди, ҳар сафар қўлга олганида тасбеҳ донаси янглиғ Барқий, Андоқий, Ясавий бир-бир тизилиб, хаёлидан ўтади, доналардан такбир саси келгандек бўлаверади.

Ана энди ўшал дўсти қадрдон ҳажар-ал асвад зиёрати баҳонасида Бухорога қадам ранжида қилмоқда! «Хуш келдингиз, султоним!» деди ичида Гиждувоний ва отига қамчи босди.

Ҳазрат эртасига, аср чоғи етиб келди. Хожа уни қаршилагани кўча оғзигача чиқди. Йўл чангитиб келаётган дарвешларни ўтказиб юборди. Халойиқ ўртасида, тўриқ отда Шайх кўринди. Хожанинг юраги гупилаб, олға талипинди. Шайх Ориф Ревгарий кўмагида отдан тушди. Белидаги қўшбелбоғини тўғрилаб қўйиб, Хожанинг истиқболига юрди. Саф ёрилиб, одамлар икки авлиёни кабирга йўл бўшатдилар. Хожа Абдулхолиқ иддам келиб дўстига қучоқ очди. Шайхнинг ўнг елкасига бош ураб экан, «Об агар садпора гардад...» дея байтни чала ўқиб, нафасини ростлади. Шайх ҳам Хожанинг ўнг елкасига бош қўяр экан: «Боз боҳам ошно аст» дея байтнинг давомини айтди<sup>1</sup>. Икки кутбул ақтоб ялакат мағиздек бирлашди.

## Қутбиддиннинг шавқи дарз кетди

Косиб — Оллоҳнинг дўстидир.

Ҳадис

Дехқон эмас, кетмон чопиб нон емаса.

Аҳмад Ясавий

Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг отаси асли румлик эди. Ул зотни мавлоно Абдулжамил деб улуғлардилар. Зоҳирий ва ботиний илмларда алломаи замон эди. Масжидда имомлик қилар, толиби илмларга қол ва ҳол илмидан сабоқ берарди. Ўзи имом Молик мазҳабига мансуб эди. Бир куни ул зоти муборакнинг тушларига Хизр алайҳиссалом кирди ва башорат қилдики, «Эй, Абдулжамил, сен фурсатни бой бермай, Бухорои шарифга боргайсен, Гиждувон деб аталмиш мавзеда нашъу намо топ-қайсен. Сендин бир фарзанд аржуманд дунёга келгай, анинг исмини Абдулхолиқ қўйиб, охираат савобини олгайсен». Абдулжамил ишорати раиб ила Гиждувонга кўчиб келди, фарзандлик бўлди. Унга Абдулхолиқ дея қутлуқ исм бердилар.

Ҳақ субҳаноҳу ва таоло Абдулхолиқ деб аталмиш суюкли бандасига илми ладунийдан бир қатла иноят қилган эди. Одатда илми ладуний — илоҳий илм уч қисмга бўлинади. Улар: ваҳий, илҳом, фаросат. Ваҳий пайғамбарларга, илҳом авлиёларга, фаросат сўфий-дарвешларга ато қилинади. Абдулхолиқнинг кўксига бола кезиданоқ фаросат уруғи сочилди. У тўққиз ёшида Қуръонни ёд олди, ўн ёшида Бухорода раҳнамо деб тафсир илмининг султони имом Садриддиннинг этагини тутди. Устоз даргоҳида бир неча йил заҳмат чекиб тафсирни мукамал ўрганди. Сўнг дарвешлар ҳалқасига қўшилиб, зикр тушмакка киришди.

Шарқ сўфийларининг яқтоси Шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний Бухорога ташриф буюрганларида ул зоти покнинг ҳузурларига бориб бош урди. Гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухорода пир хизматини адо этди. Муборак қўлларидан сўфийлик хирқасини кийди. Дўсти, туркий сулуқ сарҳалқаси Шайх Аҳмад Ясавий Туркистонга кетганидан сўнг Бухоро ва унинг атроф-жонибидаги зовия-хонақоҳлар Абдулхолиқ ихтиёрига ўтди. Хожа ният қилиб, киндик қони тўкилган Гиждувон кентига чоғроққина бир хонақоҳ бино қилди. Вақф ажратди. Зовияга ёндош қилиб мадраса, масжид солдирди. Бу маскан эндиликда дилда Оллоҳ зикри бирла ҳақ йўлга кирган дарвешлар, мағрибдан машриққа, машриқдан мағрибга бетиним қатновчи мусофир йўловчилар учун қўналға, қиш қаҳратонию ёз иссиғида бир бошпана эди. Шайхул машойих карвони ҳам куни кеча ана шу манзилга келиб тушди. Илгаридан ҳам саришта, обод ва гавжум бу манзил Туркистон валисининг қутлуғ қадами туфайли зиёда бир рабобта айланган эди.

Қутбиддин ҳам, икки кундирки, ана шу хонақоҳнинг кунбеткай тарафидаги кичкина ҳужрада истиқомат қилади. Доимий ҳужрадоши Бобо Мочин аксар вақт йўқ бўлади. У ўзига ўхшаган «оёғига қанот боғлаган» Ориф Ревгарий билан танишиб олган. Биргалашиб икки пир хизматини қиладилар, ёнқи суҳбат дастурхонини ёзиб қўйиб, бир-бирининг оғзини пойлайдилар. Қишнинг қаҳратон соғуғида оёқларининг чигалини ёзмоқ учун бир соат-ярим соат Гиждувонни тўрт айланиб келадилар. Қутбиддин эса зерикканидан зовиядаги дарвешлар билан суҳбат қуради. Бағдоддан Балосоғунгача кезиб юрувчи тужжорларнинг саргузаштини тинглайди. У, дунёнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини тотиб кўрган савдо аҳлининг ҳар бир гапини, ҳар бир хангома ё ҳасратини кўнгил дафтарига ёзиб қўйгиси келади. Уларнинг гоҳ кулгили,

<sup>1</sup> Сув юз пора бўлса-да, яна бир кун бирлашади.

гоҳо аянчли, гоҳо ўтрик қўшилган муболағали ҳикоятлари Қутбиддиннинг Самарқанду Яссидан бўлак йўлни танимаган қалбига ҳайрат чўғини солиб, ловулатади. Агар сайёҳларнинг лоф-қофи ҳаддидан ошиб кетса, Қутбиддин секин даврадан сирғалиб чиқади ва суйган машғулотига киришади. Кундалик тоат-ибодату зикрдан кейин унинг жонига туташ амали — бу йўниқчилик. Икки қўли бўш қолса, дарҳол йўниқчилик қилиб, қошиқ, куракча ё чўмич ясаё бошлайди. Бу пири комил хизматида юриб орттирган биринчи хунари эди. (Зийрак ўқувчининг хотирида бўлса, биз юқоридаги фаслларда шайхул-машойихнинг мунтазам ёғоч қошиқ, кафча ясаб туришини зикр қилган эдик.) Шайх қўл меҳнатидан келган даромадни луқмаи ҳалолга ишлатардилар. Ҳазратнинг бу юмушини Қутбиддин синчковлик ила кузатиб юрарди. Бир куни ўзича пинҳоний ишга қўл урди. Кичкина қаламтарош, искана топди. Юмшоқроқ ёғоч олиб қошиқ йўнишга киришди. Эплай олмади. Қошиқнинг сопини йўниш осон, аммо қорнини келиштириб чиқариш мушкул экан. Белча ясашга ўтди. Буниси япасқи, текис бўлгани учун иш осон кўчди. Қинғир-қийшиқ беш-ўнга қошиқ, белча ясагунча Қутбиддин неча бор қўлларини кесди, ҳамсояларига кулги бўлди. Бу йигит қайсар эди, гарчанд дарвешлар ақидасига зид бўлса-да, ё отинг чиқсин, ё ўтинг чиқсин, қабилида кечалари тинмай ёғоч йўнаберди.

Бир куни чорлов билан Шайх ҳузурига кирди. Ва кўриндики, токчада чала битказилган чўмич, қошиқлар териб қўйилибди. Қутбиддин тиз чўкиб пирдан изн сўради:

— Бузруквор пирим ижозат берсалар, ўшал буюмларни мудавом эттириб, шаклу шамойил берсам...

Шайх унга синовчан қараб қўйди. Қутбиддин ерга тикилди. Ҳазрат бир матал айтди:

— Бир киши завжасига миннат қилгон эркан: «Бомдоддан то қора шомга қадар кетмон ура-ура толиқдим. Сен уйда ўтирибсан. Ёпганинг тўртга нон». Зарифа шўрлик дебдики: «Кетмон урмоқ нимаёйкан, хамир қориб, ани кўпчитиб, ўтин ёриб, олов ёқиб, тандирни қиздириб, зувала ясаб, нонни тандурга ёпиштириб, ани оқизмай-томизмай пишириб олгон хотинни айтинг». Бу амал ҳам зикри авқот.<sup>1</sup> Анга давоматлик машқу меҳнат ила етса бўлур. Магарки, кўнглингизда ҳавас пайдо бўлибдир, ижозат бердик. Саҳобаи киромлар ҳам соҳиби хунари эди. Йигит кишининг зийнати хунардир. Олинг, вале қўлга эҳтиёт бўлинг.

Қутбиддин устага маҳтал бўлиб ётган буюмларни олди. Бағрига босиб чиқиб кетди.

Тўрт-беш кундан кейин у бир чиройли, бежирим йўнилган ва ялтираб турган қошиқларни кўтариб ҳаяжон ичида пир ҳузурига кирди. Шайх уларни бир-бир қўлига олиб қаради. Қутбиддин, юраги ҳаприқиб, меҳнатининг баҳосини кутарди. Ниҳоят, Ҳазрат оғиз очди:

— Элдин махфий суратда йўниқчилик қилгонингизга неча фурсат бўлгон эрди, ўғлим?

Қутбиддиннинг тили танглайига ёпишиб қолгандек бўлди. «Авлиёдан сир сақлаб шаккоклик қилибдурмен. Сомонин очилди».

— Тавба қилдим, пирим. Олти ойдирки, кечалари шул хунарга қойим эрдим. Уҳдасидан чиқолмасам, элдин уёлмайин деб...

— Баракалла! — Шайх Қутбиддинни алқайди. — Мундин сўнг қошиқ қорнини кичикроқ ўйинг. Таомнинг ярми қошиқда қолмасун. Луқмани тўла ютмак суннатдир.

— Уқдим, пирим, — деди Қутбиддин терлаб. Шу-шу устазода бўлиб Шайхнинг қўлтиғига кирди. Зикрдан, тоат-ибодатдан озод пайтларида асбоб-ускунасини шайлаб пирининг қабатига ўтиради. Шайх заранг ёғочлардан рўзвор буюмларининг нусхасини йўниб, қолган ишни муридига ҳавола этади. Қутбиддин уларга жило бериб ниҳоясига етказди. Чўмичу қошиқ, белчаю човлилар бир даста бўлгач, уларни бир халтага солиб, бозорга йўрғалайди. Бозорда ҳам эл кўзидан олисроқ, холи бир ерга чўқади. Ола хуржун устига буюмларини териб қўйиб, жимгина ўтиради. Худонинг қудрати билан бир пасда тепасида харидор тўпланади. Бозорда нима кўп, ёғочдан ясалган турли-туман буюм кўп. Аммо, не ажабки, барча халойиқ қаландар либосидиги норғул йигитнинг олдидан жиламайди. Гўё авлиёи кабирнинг муборак қўллари теккан қошиқларни танигандек, бир зумда Қутбиддиннинг матоҳларини талаб кетади. Қутбиддиннинг ўпкаси тўлади. «Бул савдо пири муршиднинг каромати бўлса, не тонг», дея Оллоҳга шукрона айтади. У бозордан қайтади-ю, тагин суюкли машғулотига бош этади.

Бугун ҳам Қутбиддин куннинг кўзига чиқди. Тагига эски бир гўлани топиб қўйди. Тиззасига белбоғини ёйди. Оттўрвага ўхшаган кичкина жун халтадан қаламтарош, искана, темир қирғич олди. Дарвешлар сафойили — шақилдоқдек қилиб чала йўниб қўйилган қошиқ чиқариб, қорнини ўйишга тушди. У билан бировнинг иши йўқ. Қутбиддиннинг ҳам биров билан иши йўқ эди. Аслида хонақоҳ аҳлининг таоми-

<sup>1</sup> Зикри авқот — кундалик зикр турларидан бири янглиғ амалдир.

ли, тариқат одоби шундай. Кимдир дил зикри ила банд, ҳовлининг бурчагида калла осилтириб муруқабага берилиб ўтиради. Биров либосини парвариш қилади, кимдир чоригини ямайди. Яна биров қозон-ўчоққа қарашади, дошқозонда таҳоратта сув иситади. Дарвешлар аҳил бир оила эди гўё. Мушкул юмуш бўлса, дарров кўмакка келади, акс ҳолда бир-бировининг шахсиятига бурун суқмайди. Ҳар кимнинг дарди дили ичида, ўздан ўттанини ҳар ким ўзи билади.

Қутбиддин ҳам шавқ ичра фарқ бўлиб, қабатига келиб чўккан кимсани пайқамай қолди. Бир замон «Иҳм!» деган зайпана йўталдан ҳушёр тортиб бошини кўтарди. Биқинида эчкисоқол, мурти ҳам сийрак, жуссаси чоғроқ киши чўнқайиб ўтирарди. Эғнидаги одми, пахталик чопонига қараганда, олис йўлга отланган тужжорга ўхшарди.

— Илоё, дасти панжангиз дард чекмасун, — деди бегона киши. Қутбиддин «қуллук, тақсир» маъносида бош ирғаб қўйди-ю, юмушини давом эттирди. Шу алпозда бир неча дақиқа ўтди. Сўнг Қутбиддиннинг тепасида чақмоқ чақиб, осмон гумбурлагандек бўлди:

— Шаҳзодаларга ярашмайдиган ҳунарни олибсиз, бегим...

Қутбиддиннинг жон-жаҳони қоронғи бўлиб кетди. Юраги дукиллади. Ҳозиргина етмиш икки бўғинини яйратиб турган адосиз шавқдан асар ҳам қолмади. Вужудини гумон, хавф, қўрқув аралаш мубҳам бир туйғу забт этди. У ялт этиб биқинида қора калхатдай қўниб ўтирган кимсага боқди. Рўпарасида қора лас чопонга ўралган эчкисоқол хуфя эмас, ҳув ўша никоҳ кечаси меҳмонхона дарчасидан мўралаган шайтони лаъинга ўхшаш махлуқ ўтирарди.

Неча йилдирки, Қутбиддин дарвешлар ҳалқасида юриб, ҳиссиётларини жиловлаб олишни машқ қилган эди. Дастлаб у ёшлик эҳтиросига берилиб, бегона кишининг қорнига мушт туширишни мўлжаллади. Кейин истиғфор келтирди ва ўзини босиб сўради:

— Тақсир, ўзлари ким бўладилар? Танимадик...

— Худо хоҳласа, сизга холис хизматкор бўлсак, деган ниятдамиз, бегим... Сизга суюкли маликамиздан мактуб келтирдим...

Бегона кимса қўйнига қўл солди. Қутбиддиннинг тили калимага келмай қолди. Бўғзига бир нарса тикилгандек бўлди, сийнаси ачишди.

Хуфя мактубни астойдил яширган шекилли, анча каловланди. Ниҳоят, қошиқнинг сопидек ўрама қоғоз олиб, Қутбиддинга кўз-кўз қилди.

— Мана, монатингиз, бегим. Маликам сизни соғиниб... лайлу наҳор муборак дийдаларидин ёш эмас, қон тўқадилар...

Қутбиддин хатни олмайми-олайми деб, истиҳола қилиб турганда лоп этиб Бобо Мочин келиб қолди. Қутбиддин пинҳоний бир жинояти ошкор бўлган кимсадек довдиради.

— Бу тақсирим Самарқанддан келибдилар. Мени излаб... — деди хуфяга имо қилиб. Изқувар тепасида гумбаздай бўлиб турган ҳайбатли Бобо Мочинга кўрқа-писа қараб, аста ўрнидан тура бошлади. Бобо Мочин уни калласидан босиб жойига чўктирди.

— Изқувар экансан-да, палид?! — деди олайиб.

— Йў... мен... мак... туб келтирдим. Мали-ка-миздин...

Бобо Мочин Қутбиддин билан ҳужрадош эмасми, собиқ шаҳзоданинг бошига тушган савдоларидан хабардор эди. «Султон Маҳмудхоннинг одамлари бу болани гўргача тинч қўймайдиган кўринадир,» деб хаёлланди у ва Қутбиддиннинг қўлидаги ўткир қирғични тортиб олиб, хуфянинг соқолини тутамлади.

— Ҳозир сени кўчага чиқмайдиган қилиб қўяжакман! Зайпана рўмол ўраб юрий-дирғон бўласан, сакбачча!

Бобо Мочин қирғич билан хуфянинг соқолини ярмидан қирқиб олди. Хуфя оламни бузиб дод солди:

— Мусулмонла-ар! Иймонимдан айирдилар! Золимнинг зулмидан до-о!

Бобо Мочин ёқасини ушлади:

Навзамбилло! Иймонинг бўлса, ақчага сотилиб, бировнинг изидан юрасанми, нокас?! Бор, энди ем еган охуригнда хангра!

Бобо Мочин хуфянинг қўлидан силтаб тортиди. Қалбаки тужжорнинг бармоғи қирс этиб синди. У жон ҳолатда бир қўли билан калта соқолини бекитганча айюҳаннос солиб хонақоҳдан чиқиб кетди.

Бир қарич келадиган, зарқоқозга ўралган мактуб Қутбиддиннинг қўлида қолди. У мактубни авайлаб қўйнига солиб қўйди.

— Пирим сени чорлаб турибди, — деди Бобо Мочин ва бир зумда елдай ғойиб бўлди.

Қутбиддин бир-бир босиб ҳужраси томон борар экан, чап кўкрагини силаб-силаб қўйди. Она мактуби, онаизор сўзи сийнасини лахча чўғдек куйдириб турарди.

## Ношаръий хирож

Иззатлик меҳмонлар, ниҳоят, Бухорога етиб келишди. Хожа Абдулолиқ қадрдон дўсти ва унинг маҳрамлари учун бир замонлар Хожа Аҳмад Яссавий раислик қилган, эндиликда эса, ўзи мутасадди бўлиб турган хонақоҳдан ораста жой ҳозирлаган эди. Дарвозадан кирар экан, султонул орифиннинг вужудига ажиб бир аланга туташди. Йигитлик гулшани гуркираб яшнаган, балоғат мавсуми кечган, камолот боғининг сархил мевалари етилган бу азиз масканини кўнгила дафтаридан ўчириб бўлурми?

Ҳазрат хосхона эшиги олдида бир нафас тўхтади. Кейин, «Алҳамдулиллоҳ!» деб остона ҳатлар экан, энгашди, кафтларини кигизга урди. Хонақоҳ губорини кўзига суртди.

Тариқат аҳқомига кўра, камтарона дастурхон ёзилди. Сопол кўзачаларда турфа хил шарбатлар. Кафтдай-кафтдай ликопчаларда Бухоронинг машҳур қандолатлари: лавзина, донаги, сари чўбин, чормағиз, pistaги...

Шайх тўрт кишига, тўрт дона хонадоний pista, бир тишлам нон билан қаноатланди. Бир-икки қулатум зардоли шарбатидан тотинди. Хожа Абдулолиқ кўлини кўксига қўйиб, андак бош эгди:

— Дийдамиз устига хуш келибсиз, Шайхим, бул байтул аҳзан муборак қадамларидин пурзиё бўлди. Жанобларининг гуфторини жонимиз билан соғинган эрдик.

Такаллуфга жавобан Шайх ҳам бош эгиб, таъзим қилди. Хожа Абдулолиқ тоқча тарафга боқиб, Ориф Ревгарийга им қоқди. Ревгарий одоб билан турди. Парда ортидаги тоқчадан кичикроқ бир қора кўти олди. Тасбеҳ чиқариб, ҳазратга узатди:

— Пири муршид, шайхул раббоний хожамаздин сиз жанобларига, андин сўнг бизга қолгон нишонаи шариф...

Шайх қора гавҳардек тасбеҳни таниди. Бу — беназир устод Юсуф Ҳамадонийдан ёдгорлик эди. Бир сафар анжомини йиғиб, Бухородан жўнаб кетар экан, бул тасбеҳни, сизга омонат, деб учинчи халифаси бўлмиш Аҳмад Яссавийга топширган эди. Мажоз ила васият қилдилар: «Иккала ҳалқани сизга қолдирдик, ўғлим. Бул ҳалқа бирла ул ҳалқани маъмур қилгайсиз». Шайх устоз сўзларининг маъзини чақди: «Бул ҳалқа исми аъзам, Оллоҳ исми терилган тасбеҳ, ул ҳалқа — дарвешлар сулуки». Шайхул-машойих Туркистон сари отланар экан, тасбеҳни устознинг тўртинчи халифаси, зикри қалбий (хуфия) тарафдори Хожа Абдулолиққа васият қилди. Ҳозир ўша шараф тизими унинг кўлида ярқираб турарди. Ҳазрат тасбеҳни ўпиб, кўзига суртди. Сўнг пири комил руҳларига дуо қилиб, омонатни Хожа Абдулолиққа қайтариб берди.

Етти хуфтонда меҳмонлар тарқалди. Хос хонада икки вали танҳо қолдилар. Иккаласи ёнма-ён, кўзларини юмиб, салби вужуд айлаб ўлтирибдилар. Хожа Абдулолиқ, робитан қалбия орқали сездики, дўсти Бухоро хаёли ила банд экан. Унга маломат келтиришни истамади. Шайх ҳам басират кўзи бирла кўрдик, хожанин вужуди зикри махфийага мойилдир. Суҳбат дарчасини аста ёпди. Кўнгила кўзини Бухорога тикди: «Бухоро! Мунча барно бу шаҳар, мунча зебо бу шаҳар? Унинг тоши ҳам, лоши ҳам зар ила йўғрилмиш. Шул боис тило узукдек қўлдин-қўлга ўтадурму? Камоли зоҳир, каломи тоҳир, илму ирфони соҳир... Бухоро!»

Шайхнинг хаёли чўзилди. Хотирига Салмони Форсийдан қолган ҳадис қалқиб келди. Ривоят қиладурким, бир куни Жаброил алайҳиссалом Ҳақ Мустафога дедилар: «Ё Муҳаммад! Кун чиқар тарафда бир мамлакат бордур, ани Хуросон дерлар. Бул мамлакатнинг уч шахрини тонгла маҳшарда ёқутлар, дурлар ила зийнатлаб аросатга олиб келгайлар. Ул шаҳарларнинг теграида малойиклар жавлон қилиб юрурлар. Шаҳарлар узра нури иймон ёғилиб турар эрмиш». Ҳазрат пайғамбар «Ул шаҳарларнинг номларини айтгил!» дедилар. Жаброил алайҳиссалом айтдиларки, бул жаннатни маъволарнинг номи шул турур: бириси Қосимий, бириси Самария, они Самарқанд ҳам дерлар. Тағин бири Фохирадир, форслар ани Бухоро деб юритарлар». Расулуллоҳ сўрадилар: «Нега Фохира дерлар?» Жаброил алайҳиссалом жавоб бердиларки: «Ул шаҳар ҳақ йўлида шаҳид бўлган бандаларнинг кўплиги бирла фахр этар, нури исломнинг барқарорлиги ва ҳам уламои киромларнинг беҳадлиги бирла фахр этар, шул боис ани Фохира дерлар.» Расули акрам, илоҳо Бухоро аҳлининг дилларини тақво бирла пок айлагил, аларни мағфиратинга ол, то қиёмат баракотингдан айирма, деб дуо қилдилар.

... Ҳазрат дуо бирла ёстиққа бош қўйди. Субҳи содиққа яқин дуо бирла бош кўтарди. Шайх кам ухлар, кам гапирар, кам тановул қилар, камдан-кам куларди. Билагига сочиқ солиб, ўнг кўлида кўмғон кўтариб турган Қутбиддинни кўриб, Шайх илдам ўрнидан турди. Бухоронинг илк тонги отиб келаётган эди.

Салоту саловатдан кейин сўфийларнинг қадимий удумига мувофиқ Шайх Аҳмад Яссавий билан Ҳожаи жаҳон Абдулолиқ Гиждувоний бир-бири билан кучоқлашиб кўришдилар. Шайхнинг чайир, миқти қўлларини юмшоқ, улкан кафтида тутиб турар

экан, Хожа Абдухлоиқ дўстига меҳр ила боқди. Назарида, шайх андак тоб ташлаган-дек, аслан буғдойранг чехраси яна қорайгандек эди. «Дашти қипчоқ шамоллари ўз амалини кўрсатур, боз устига саҳрои бир улуснинг дини исломга байъат қилмоғи осон кечмас. Шайхнинг азал мошбиринч соқоли аларнинг заҳматидин нуқра бўлиб-дир». Хожа Абдухлоиққа Шайхнинг қўй кўзлари ёқарди. Одамга мунгли-маъюс боқувчи, тимқорага мойил, ўйчан ва адосиз бир асрор яширинган ўткир қароқларга узоқ разм солмоқ мушкул эди.

Шайхул-машойих наздида эса, Хожа Абдухлоиқ жисман камолот касб этгандек эди. Ўша барваста қомат, улкан соқол, кенг пешона, қоп-қора бўтакўзлару текис, қизил рухсорни... Воқеан қуюқ қошларига андак қиров кўнибдир. Ахир, дўсти тўртинчи мучални оёқлагиб, бешинчи мучал бирла юз кўришмак бўсағасинда турибди.

Енгил нонуштадан сўнг Бухоро сайлига отландилар. Ҳовлида улуғ бир издиҳом тўпланган эди. Булар ҳазратнинг хонаи муборакка кетаётган ҳамроҳлари, хонақоҳда муқим тургувчи дарвешлар. Туркистондан келиб, бир важҳикор туфайли Бухорода ўрнашиб қолган қавмлар, Яссавий сулуқини дастур деб билган сўфийлар, тужжорлар, шаҳардаги ўнлаб масжидларнинг имом хатиблари, мадраса толиблари. Нанки Туркистон, бу ёғи Хуросону Мовароуннаҳр, бу ёғи Румо элигача Аҳмади Яссавий ҳикматларини қироат қилиб юргувчи бақироқ маддоҳлар тўда-тўда бўлиб, хонақоҳ ҳовлисига бош суқар, авлиёи кабирнинг нечук зотлигини бир кўриб қўймоқ умидида оломон ичидан бўй чўзиб, сербар айвонга интилар, «Олло-оҳ! Ё Олло-оҳ!» дея томоқ йиртиб нидо қилардилар.

Шайхул-машойих оломонга киприк қоқмай телмуриб турибди. Ўнг тарафида Хожа Абдухлоиқ, Сулаймон Боқирғоний, устоди аввал Арслонбобнинг фарзанди Шайх Мансур, Хожанинг пеш халифаси Аҳмад Садоқий. Чап тарафида Ориф Ревгарий, Бобо Мочин, Қутбиддин, Бухоро садри жаҳони Абдулазиз ибн Бурҳониддин, шаҳар волийси Фазлуллоҳ Қирон, Самарқанд шайхур-раиси Абдулраззоқ, тагин бухоролик фикҳ аҳли, уламолар.

Мухтасар амри маъруф ва дуои хайрдан сўнг Шайх айвондан тушмоққа юз бурди. Шу пайт оломон сурон солиб, икки бўлакка айрилди. Икки деҳқонсифат йигит уч газ чамаси келадиган мис қафасни икки ёндан кўтариб, айвон сари элгарди. Қафасда чиройли товус потирлайди. Изма-из, қора сувсар, телпак, кўкиш мовут ялтироқ тўн кийган олакўз киши борарди.

Йигитлар қафасни айвонга чиқариб, Шайхнинг оёғи остига қўйдилар. Сувсар телпакли киши ҳам «Бисмиллоҳ!» деб айвонга кўтарилди. Шайхга таъзим қилди, хирқасининг этагини силаб, кўзига босди. Сўнг шарҳи ҳолини сўзлади:

— Пирим, бул ожиз қулингиз тавоислик мулкдорлар авлодиданмиз. Ҳазратимиз Маккаи муқаррамага азм қилгон эканлар... Олис йўлда кўзларини равшан қилсин деган ниятда жаннат қушларидан бирисин жанобимизга ҳадя этмакка ҳаддимиз сифди.

Тавоислик зодагон Шайхдан дуо кутиб бош эгди. Шайх чимирилди.

— Қаердасиз, Фазлуллоҳ Қирон? — деб атрофига боқди. Волий кўлини кўксига қўйиб, бир қадам олға босди. Шайх мулкдорга ўгирилди: — Бу жониворни волийга бағишланг. Волий жаноблари турланмоқни мана шу тувусдан ўргансинлар.

Ҳазратнинг аччиқ киноясини Хожа Абдухлоиқ билан Бухоро волийси Қирондан бўлак кимса фаҳлмамади. Шайх фикрини бир парда очикроқ баён қилгиси келди.

— Турқда бир матал борким, товус қанотиға қараб турланармиш, аёғига боқиб хўрланармиш. Биз Оллоҳ таоло ва таборақдин бир қатла нури иймон инган Бухорои шариф фуқаросимиз, дея фахр этамиз. Вале аҳли раъиятнинг дасти панжасини қабартириб, дийдасидин ёш эмас, қон тўкиб тоқсон молини аббосийлар хонадонига тортиқ этмақдан ор қилмаймиз! Волий жаноблари Халифа Ал-Мухтафийнинг кўнглини олғониға мағрур. Садри жаҳон сукутда. Қозию қуззот фатво бирла машғул. Сорбонлар туя етаклаб, Бухоронинг сийму зарин Бағдодга элтмак бирла овора! Бул улуснинг ияси<sup>1</sup> борму ўзи? Ким ияси? Айтинг, эй аҳли суннат! Ўшал куффор Гўрхонми? Хоразмшоҳ Отсизми, Санжари мозий Маликшоҳми? Ва ё Жайхун сари ўмган чўзиб, луқма кутиб ўтиргон амир ал-муслимин Ал-Мухтафийми?

Ҳовлига фавқулодда бир фалокатдан сўнг рўй берадиган мудҳиш сукунат чўқди. Ҳалигача Бухоро минбарларидан амирал-муслимин шаъниға бундоқ гап айтилмаган эди. Халифани ришвахўрликда айблаш, нари турсин, унинг номиға соя соладиган қалтис сўз айтмак, на умаронинг, на уламонинг хаёлиға келган. Бухоро уламоларининг раҳнамоси бўлмиш садри жаҳон дину шариаат далили, деган унвон соҳиби ҳам эди. Шайхнинг гапи унга тарсакидек тегди. Гезариб, лабини тишлади, туркнинг бу алломасига икки оғиз жавоб айтмоқчи бўлди, сўнг фикридан қайтди. «Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ. Ярани газак олдирмай. Бухоронинг асл матоҳларидин қисман

<sup>1</sup> Ияси — эгаси, хўжаси.



халифаликка эҳсон қилинаётганлиги бор ҳақиқат. Бил-балойи собир-айн. Маломатдин холи бўлмоқ йўли — сабру сукун».

Калтакнинг каттаси волийга теғди. У безовта типирчилади. Эгнига боқиб, мулзам бўлди. Шайтон йўлдан уриб, у бутун безаниброқ келган эди. Шайх товусга қиёс этгани вужудини ўртади. «Шайх розимдин воқиф шекилли, нечун мени товусга тенглаштирди», деган гап кечди хаёлидан. Қирон асли Хоразмшоҳ Алоиддин Отсизнинг маҳрамларидан эди. Тўрт йил аввал Отсиз Бухорони забт этганда уни волий (ҳоким) қилиб қўйиб кетди. Сўнг Султон Санжар қўшин тортиб келди. Хоразмийларни ҳайдаб, Бухорони ўз илгига олди. Отсизнинг одамларини қиличдан ўтказди. Фазлуллоҳ Қуръон ушлаб қасам ичди, «то абад қулингизман, султоним», дея тавалло қилди. Мансабини сақлаб қолди. Санжар соддадил, кечиримли бир кимса эди. Қиронга ишонди. Волий эса, халифанинг кўнглини ошкора овлаб, зимдан Отсизнинг хизмати-ни қилишда давом этарди. У биладики, Бағдод халифаси билан Алоиддин Отсиз маънавий ота-бола, улар Султон Санжарга қарши тил бириктирганлар. Қироннинг наздида Хожа Аҳмад Ясавий узун дарраси ила барчани — Халифани, Отсизни, унинг содиқ айроқчиси волийни баравар савалаётгандек эди. «Хожа Ясавий ҳижратига кетгай, насиб этса, Отсиз боз бу ерга қайтажак. Бухоронинг жилови яна илкимизга теккай, иншоолоҳ!» деб қўйди ичида волий.

Шайх халойиқ ичида қўзғолган говурнинг босилишини кутиб нафас ростлади. Сўнг ўша кескир, мутлақ ўктам оҳангда давом этди:

— Бухоро волийларининг мундоқ номаи аъмолини ришва бермак деб баҳоламоқ даркор. Халифа жаноблари бўлса, бул ҳаром луқмани қўшқўллаб қабул айламакда! Тилда дуо бирла, дилда дунё бирла, деб шуни айтадилар! Биз бул хусусда халифанинг ўзларига ҳам иншо битмакни ният қилиб қўйдик. Алҳамдулиллаҳи роббил аъламийн!

Садрӣ жаҳон Абдулазиз ибн Бурҳониддин мухтасибнинг биқинига туртди:

— Амирал муслимин ҳазратларига бунайчин... нома битмакка Шайхнинг ҳадлари сигармикан ё бул ҳам... азбаройи раиятпарастлик ваҳҳидин айтилган такалумми? — деди паст товусда. Мухтасиб Шайхул-машойихни ўн беш йилдан буён, Бухоро сўфийларига раислик қилган кезларидан биларди.

— Бул турк пирининг феъл-атвори каминага аён, — деди пичирлаб, — магар Расули акрам тирилик келсалар, аларга ҳам хешингизга<sup>1</sup> инсофу тавфиқ тиланг, деб итоб айламакдин тийилмас.

Хожа Абдуҳолиқ сездики, қавмлари унинг икки оғиз сўзига мунтазир. Султон ул-орифиннинг таънаи дашномларига жавобан Хожаи жаҳон не дер эканлар, деб оқ саллалик, кўк саллалик, кўк оҳдигу суртеллалик қора-кўзлар термулиб турибди. Хожа издиҳомга боқиб сукут қилди ва калта йўталиб оғиз очди:

— Шайхул-машойих жаноблари не деб гуфтигў қилди, аҳли Бухоронинг ҳаққин кўзлади. Кўнгилларига қаттиқ олмасинлар. Амирал-муслиминга юбориладурғон закот бирла хирож вожиб бир нарсадир. Вале, бул миқдор Бухорода бир миқдор зиёдароқ бўлдим, бул ҳам махфий эрмас. Бухорои шарифнинг йиллик хирожига баробар молу манот то ҳануз халифа саройига сафар қилиб турибдир. Ҳазор таассуф! Адлу диёнат тарозусинда бундайчин аъмол ношаръийдир. Зеро ўтин чопқонники, нон ёпқонники бўлмоғи лозимдир. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

Хожа Абдуҳолиқ юзига фотиҳа тортиб айвондан тушди. Издиҳом Шайх ҳайъатига йўл бўшатди. Зиёратчилар хонақоҳ ҳовлисини тарк этиб, Бухоро кўчаларини селдай тўлдириб кетдилар.

## Бозори Моҳдаги мўъжиза

Ўн иккинчи аср ўрталаридаги Бухоро Машриқнинг зебо қасабаларидан эди. Ўша замонда Мағрибдан ташриф буюрган бир насроний сайёҳ: «Мен дунё кезиб, Мовароуннаҳрда Бухорочалик халқи зич ва гавжум шаҳарни кўрмадим», дейди. Дарҳақиқат, Бухоронинг жин кўчалари, тимлари, расталари, шаҳристонунда работада тонг саҳардан то қора шомгача сурон тинмас, минг бир лаҳжада сўзлашувчи, юз бир қиёфали одамлар гурунги Бухоро самосини ларзага келтириб турарди. Бухоронинг бир номи мадинат-ут тужжор эди. Дунёнинг етти иклимидан келадиган тожирлар бу шаҳарни четлаб ўтолмас эдилар. Урусиядан Чинмочинга, Шомдан Туркистонга ва мағрибдан Ҳинду ўлкасига қараб карвон сурган савдо аҳли учун Бухоро хазинау ораста дафина эди. Бухорода тўқиладиган зарнигор дарпардалар, палослар, сийму зар қўшиб тикилган либослар, ёстиқ жилдлари, камалак-нусха жойнамозлар, зарбоф чопонлар, келинлик сарполари, куёв салалар, кўн этиklar, зебигардонлар тиллақошлар, ҳулла даканаяу четига оят битилган қарслар... бухороликларнинг табиятини, но-зик таъбини ва лайлу наҳор чекаётган заҳматини кўз-кўз қилиб турарди.

<sup>1</sup> «Хешингизга» — аббосий халифалар Муҳаммад пайғамбар авлодидан эди.

Яна бир тужжор ҳайратланиб, «Бухоро бозорларининг таърифини келтириб бўлмайди. Уни бориб кўрган кишигина билади. Ахир, уммонни кўрмай туриб, уни қандай таърифлаш мумкин? — дейди ва андак муболаға билан давом этади: — Бухорода жийда гулининг исидан Сурайё юлдузининг жилвасигача, танбур оҳангидан кашмир гўзалларининг сирли табассумигача сотилади».

Беш мучаддири, Бухорода қорахонийлар ҳукмронлик қиларди. Сомонийларнинг шаҳарга муҳаббати балаңд эди. Бу муҳаббат қорахонийларга ҳам мерос қолди. Шаҳар кўчаларига тош ётқизилди, тоғдан сопол қувурларда сув келтирилди, сарҳовузлар қазиди, янги тимлар, масжидлар, хосхоналар, мусофирхоналар бунёд этилди. Работлардан Бухоронинг ўн томонига ўн та равон йўл очилди. Шаҳристон ўн икки фарсаҳлик ҳисор кўрғон билан ўралди. Аммо, барибир, бу метин кўрғонлар гоҳ Қорахитойнинг, гоҳ Хоразмшоҳу салжуқий султон Санжарнинг зарбаларига дош беролмай, зеру забар бўлаверди. Бухороликлар ҳисор қуришдан чарчамадилар, муқаддас шаҳарга кўз тиккан ағёрлар уни бузишдан толмадилар. Бу шаҳарнинг молини, жонини, шарафини, шонини узлуксиз таладилар, таладилар, таладилар... Ва лекин Бухоронинг хазинаси камаймади. Дарё суви ичилган билан тугамас, дейдилар. Бухорои шариф яна қаддини ростлаб, маъмуру фаровон бўлаверди. Илло, Бухорога Худо назар қилган эди.

Шайх, Бухоронинг мўътабар зотлари қуршовида, растама-раста, тоқима-тоқи сайр этар экан, жомафурушонда бир зум тўхтади. Яшил, қирмизи, зангори, пушти зарбоф тўнлар, телпақлар, тилла камару шоҳи белбоғлар тавоислик боённинг товусидек товланиб кўзни оларди. Ҳазрат совуқда титраб-қақшаб турган бир бофанданинг рафторига разм солди. Билагига камида бир аргимоқ баҳосига тенг келадиган зар чопонни илиб олган бу касибнинг аҳволи аянчли эди. Жуссаси пачоқ, эти бориб суягига қапишган. Кўзларида суяк тилаган оч итнинг таъмаси зуҳур. Оёғида эски чорик, эгнида қирқ ямоқ олача тўн.

— Халифадин ортиб қолғон чопон, — деди Шайх, ўзига-ўзи сўзлаётгандек аста. — Бул ғарибни кўринг. Қўллари тиллога менгзар, оёғи тупроққа менгзар, деганлари шу. Алҳазар!

Косиб барча зоти шарифларни оғзига қаратиб турган алпқомат, қотма, одми кийинган уламанинг кимлигини хаёлига ҳам келтирмай, молини мақташга тушди:

— Ҳай, бие-ед жомане аълосига! Бошингизга қўйсангиз болиш, остингизга солсангиз, мулойим тўшак, устингизга ёпсангиз, боз тўшаки дароз.

Шайх қовоғини солиб, волийга қаради:

— Сўрағон ақчасини бериб олингиз бул чопонни, — дедию йўлида давом этди. Фазлуллоҳ Қирон косиб билан барибир савдолашди. «Шайх ҳазратлари буюрмағонларида бул пуштагинга зор эмасдим», деб тўннинг нархини ерга урди. Аммо, авлиённинг амри-вожиб, чопонни харид қилди. Зарчопонни бир мулозим қўлтиғига тикди-ю, Шайх ҳайъатидан ортда қолмай, дея лўкиллаб кетди.

Шаҳарни қоқ белидан камар янглиғ зилол анҳор кесиб ўтарди. Уни Зари руд дейдилар. Ана шу Зари руднинг адоғида Бозори мох аталмиш гавжум бир гўша бор. Бу ерда қирқ йил муқаддам ҳам бутпарастлар бозори қайнар, рўпарада оташпарастлар ибодатхонаси бўларди. Шайхнинг кўз олдига ўша манзара келди шекилли, у Садри жаҳонга юзланди:

— Жаноблари йўл бошласа, мажусийлар тарафга бир қайрилиб кетсак, деган ният бор эди.

Садри жаҳон «маъқул» дегандек қўлини кўксига қўйди. Вале, мухтасиб ҳадиксиради. У «Шайх Бозори Мохни кўрса, тагин дилимизни хуфтон қилармикан», деган хавотирда эди. Лекин, на илож, Садри жаҳоннинг ним ишораси билан, пилдираб йўл бошлади.

Бозори Мохнинг файзи-шукуҳи кетибди. Илгари бу ерда улкан яланглик бўларди, ҳув этақдан шарқираб сув оқарди. Аждодларининг эътиқодини ҳануз маҳкам тутган кимсалар насронийлар чўқинадиган мўъжаз салбдан турфа хил масхи суратгача<sup>1</sup> эмин-эркин сотар, турли лаҳжадаги бақириқ-чақириқдан қулоқ қоматга келарди. Энди бозорнинг қути ўчибди. Яланглик торайиб, йигирма қадамга етибди. Ариқ қуриган. Атрофда бутпарастларнинг ўзидек афтодаҳол уйлар, томлари шикаста кулбалар... Улар гўё бир-бирини суяб тургандек, йўқса ожиз елда ҳам сочилиб кетадигандек, ғариб ва нотавон эди. Энди бу хиқатни бозор деб бўлмас, билъакс, шаҳристончу работда кўним топган қадим ғайридинларнинг жамланиб дардлашадиган, азбарои тирикчилик, олди-сотди қиладиган емакхонаси, нонхонаси деса, эҳтимол тўғри бўлар.

Шайх рўпарасига, томи бир мунча балаңд, амал-тақал таъмир этилган иморатга тикилиб қолди. Бу ибодатхона эди. Пастак эшик ланг очик. Юпун кийинган бозорчилар дамба-дам ичкарига кириб-чиқиб турарди. Мажусийларнинг русумига биноан,

<sup>1</sup> Масхи сурат — боши одамга, танаси ҳайвонга ўхшаган ҳайкалчалар, санамлар.

ибодатхонада қишин-ёзин олов ёниб турар, ҳар ким ўтга тавоф қилиб, ўз худосига муножотини айтиб оларди.

Оқ саллалик, салобатли уламоларни кўриб, бутпарастлар андак сергак тортди. Юрак олдириб кўйганлари товарларини қўтиққа уриб, четландилар. Улар мухтасибнинг худнамолигини ўбдон билардилар. «Ҳануз исломга кирмадингми, бетавфиқ?!» деб тагин дарра кўтариб қолишидан хавотирда эдилар. Барибир, мухтасиб битта ғайридинни маҳкам тутди:

— Зунноринг қани, имонсиз? — деб бақирди. — Навчун боғлаб юрмайсан? Ҳозир элик дарра буюриб, мана бу оғочинг бирла якмозор этайинму?

Семиз, олакўз мажусий Шайхул-машойих билан Хожаи жаҳонга бир қараб кўйиб, зорланди:

— Э, мана-е, зуннор, калампо! Чакмонга етмаса, ўлайинме, тақсир! Ичимиздан қоринга боғладиқ-да, хе!

Мажусий йиртиқ-ямоқ тўнининг этагини очиб, қайиш тасмани кўрсатди. Сўнг жавранди:

— Элек дарра, элек дарра-е, калампо! Элек даррага чидамайду, мени жонем сабилме сизга, калампо!

Мухтасиб икки авлиёга ялтоқланиб боқди.

— Жузья миқдорини зиёда қилдик. Вале, ул бедёнатлар дини исломга юз тутмадилар.

Шайх эътироз билдирди:

— Номақбул иш бўлибдир. Сизга аёндирки, динда зўрлаш йўқдир. Кўнгилга на сизнинг, на бизнинг ҳукмимиз ўтмай. Қозиюл ҳожот — ёлғиз Қодир Оллоҳ таоло ва таборак. Сизнинг даррангиз бул хорларни исломдин бездиргусидир. Эл аро бир матал борким, яхши сўз бирла йилон инидин чиқибдур, ёмон сўз бирла мусулмон динидан чиқибдур. Бас, мухтасиб жаноблари шариатимиз нозири экан, ул ғарибларнинг дилини нури ислом бирла равшан этмак ғамин есинлар. Бошида болта кўтарган кимсани кўрган дарахт баравж кўкармагай, билъакс, ул оғочнинг танасига парвариш лозимдир. Томирига сув, япроғига тоза ҳаво керак. Сиз бир амал қилингики, алар исломнинг марғублигини билсинлар. Ул замон сизнинг даррангизга-да ҳожат қолмагай.

Мухтасиб калласини осилтириб тек туриб қолди. Нозирнинг бу ҳолатини кўрган бутпарастлар қўлларидаги матоҳларини кўз-кўз қилиб, аста-секин ҳалқага яқин кела бошладилар. Хожа Абдулхолиқ сополдан ясалган муштдай ҳайкалчани кўлида айлан-тириб кўрди.

— Бунингиз тоқчадан тушиб синмайдиму? — деди кулимсираб.

— Э, синмайду! — деб чийиллади сотувчи. — Жоне қаттеғ буни, хўжа бобо! Мана кўринг! — У ҳайкалчани олиб, ерга урди. Сопол санам жаранглади, бироқ бир ери ҳам учмади. Мол эгаси буюмини тупроқдан олиб, пуфлади, энги билан артди ва Хожага узатди. Бу нотавон мажусий, мухтожлиги туфайлими, молим бу қарияга ёқди, зора харид қилса, деб суюнарди. Хожа Абдулхолиқ санамни қўшқўллаб Шайхул-машойихга тутди. Шайх сополни аста-секин силади, ундан кўз узмай, ниманидир пичирлади. Шу пайт ҳайкалчага жон киргандек бўлди. Аввал чарсиллади, сўнг — бурни, қулоғи бир-бир ушалиб кетаверди. Бир неча сония ичида санам бир ҳовуч кесакка айланиб, Хожа Аҳмад Ясавий — султон ул-орифиннинг кафтида турарди. Шайх сопол синиқларини итқитиб юборди, қўлларини қоқди. Будпарастнинг кўзлари олайиб кетди. Садри жаҳон билан Бухоро волийси кўз уриштириб олдилар. Хожа Абдулхолиқнинг қизил юзига шукрона бир табассум қалқди. Ориф Ревгарий ёқасини ушлаб, истиффор айтди. Бобо Мочин билан Сулаймон «ўзингга қуллуқ» дегандек юзларига фотиҳа тортдилар.

Султон ул-орифин, «Анинг ҳаққини беринг!» дея Сулаймонга ўтирилди. Сулаймон то кисса кавлагунча мухтасиб эпчиллик қилди. У «Мен ўзим, Шайхим, ўзим», дея бутпарастга қараб юрди. Мажусий мухтасибнинг важоҳатини кўриб чекинди, боз дарранинг остида қолгаймен, дея ҳадиксирадими, «йўқ, узр... даркор не!» дея ўзини оломонга урди. Сўнг қалин ҳалқани ёриб, ялангликка чиқиб олди. У орқа-олдига қарамай қочар экан: «Бу насли башардин эмас, бу сеҳргар! Ҳиндвуний жодугар!» деб додлаб борарди.

## Диёнатга хиёнат

Курашда рақибини енгган киши ба-ҳодир эмас, балки ғазоби келганда ўзини босиб олган баҳодир.

Ҳадис

Салжуқийлар салтанатининг сўнги султони Санжар Маликшоҳ етти хуфтонда чодирдан безовта бўлиб чиқди. Эшик олдига қилич-қалқон ила қуролланган икки

қўриқчи донг қотиб турарди. Улар Султоннинг шарпасини сезиб, ер депсиниб қўйдилар. Санжар тўғри дарёга қараб юрди. Ҳукмдорнинг балаң қоматини, бошидаги бўркини кўриб, аллақайси гўшадан кўрчибоши Такаш Баҳодир етиб келди. «Не гап, ҳазратим?» дегандек, Султоннинг юзига саволомуз боқди. Сўнг қабатига тўртта соқчин олиб, ҳукмдорнинг изидан тушди. Теваракини туман қоплаган. Йилт этган юлдуз кўринмайди. Туманнинг зўридан ўн қадамдаги нарса нима — одамми, дарахт, билиб бўлмайди. Такаш Баҳодир Султоннинг ишонган одамларидан эди. Неча замондирки, у хўжасига сидқу вафо бирла хизмат қилади. Мана, ҳозир ҳам Султоннинг қорасини кўздан қочирмай, изма-из боряпти.

Султон дарё лабида тўхтади. Соқчилар уни орқа тарафдан ўраб турдилар. Такаш Баҳодир олдинга ўтди, кенг кўкраги билан уни ногаҳоний ўқдан ҳимоя қилмоқчи бўлди. Санжар буни пайқаб Баҳодирнинг елкасидан аста тортди:

— Четланинг, Баҳодир. Рақибнинг ўқидан омон қолув мумкин дир, вале Оллоҳнинг ўқидин қутулиб бўлмас.

— Орий рост айтадилар, онҳазрат, — деди кўрчибоши андак четга сурилиб, — бу қасамхўр Отсиздан ҳар не ёмонлик қутса бўлур. Бир тулки етти қашқирни тумшуғидан судраб юрур эрмиш.

— Тақдир азалда не битилган бўлса, муқаррар воқе бўлгусидир, — деди сўник товушда Султон. — Менинг, сизнинг, жумлаи мўминнинг бу фоний дунёдан қачон кетмагимиз она қурсоғида аён бўлар эрмиш. Тақдирдан қочиб қайга борғайсиз, Баҳодир? Биз илгари кетгаймизму дорулбақоға ва ё ул каззоб Отсизму, Яраттанинг ёлғиз ўзига равшандир!<sup>1</sup>

— Ҳаққи рост, — деди соқчилар сардори, — бу ёлғон дунёга барчамиз меҳмонмиз, олампаҳо. Ҳар не бўлса-да охиратда Оллоҳнинг ўзи шафоатини дариф тутмасин.

— Баҳодир, оғоч келтириб гулхан тахлангиз, — деди Санжар, дарёга маъюс тикилиб, — олов тафтини соғинибдурмен.

Такаш Баҳодир бир соқчига ияк қоқди. Соқчи елиб кетди. Салдан кейин навкарлар кучоқ-кучоқ саксовул келтирдилар. Султоннинг хос мулозими юмшоқ ўриндиқ кўтариб келди. Санжар унга писанда қилди:

— Бул ер саломхонами, қади калла! Пастак бир оғоч кифоя.

Мулозим ўриндиқни кўтариб изига югурди. Навкарлар саксовул қалаб ўт қўйдилар. Ҳаво совуқ, оғочлар нам тортган эди, чирсилаб, кўкиш тутун қайтариб базўр ёнди.

Мулозим топиб келган фўлани кўрчибоши гулхан олдига қўйди. Султон қашқир терисидан тикилган узун пўстинининг этақларини йиғиштириб тўнкага чўқди. Бир газча келадиган таёқ олди. Минг бир буралиб, атрофга кумуш учқунлар сачратиб ёнаётган оловни аста-аста туртиб гуркиратаркан, жисми жонига ўт туташгандек бўлди. Туркнинг қадим лутфи ёдига келди: «Исинмадим оловингга, кўр бўлдим тутунингга. Воҳ, ажаб, бу даҳри дунда не ҳодисот содир бўлса, изиннан бир ҳикмат туғилар эмиш. Баайни Отсизга қарага айтилгандек...»

Рўпарадан, қалъа тарафдан азон товуши эшитилди. Ҳуфтон ўтган, бомдодга ҳали фурсат етмаган эди. Султон илқис бош буриб қулоқ осди. Одатан, бирон фалокат юз берганда ёҳуд жангу жадал олдидан бевақт азон айтилгуси эди. Санжар, «Ул бетавфиқ тун чопқунига ҳозирлик кўрмоқдаму?» дегандек, тоғдек қорайиб турган азим қалъага тикилиб қолди. Такаш Баҳодир ҳукмдорнинг олдига яқин келди, эгилиб паст товушда деди:

— Кўнгиллари тўқ қилсинлар, ҳазратим. Ул нобакорлар, биз ҳам ҳамон тирикдирмиз, деб сас бермақда. Илло девордан калла чиқармоққа ҳадлари йўқдир. Мерганларингиз ўқни камонга жойлаб аларнинг манглайин нишонга олиб ўтирибдилар.

Султон хўрсинди.

— Эл оғзида бир матал борким, тирик бўлиб тўрда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ...

Кўрбоши тагин таъзим бажо келтирди:

— Азият чекмасинлар, олампаҳо. Эл оғзида доғи бир матал борким, сечанинг<sup>2</sup> ажали етса, бургут бирла ўйнашар эмиш. Ичмак-емақлари товсилғоч, қулдай мўйин эгиб қошингизга чиқиб келгай, иншооллоҳ.

Азон товуши тинди. Қалъа тарафдаги гала-ғовур ҳам босилди. Султон қалъадан кўз узмай тикилиб қолди. Хаёл карвони етақлаб уни олис ўтмишга олиб кетди.

... Алоиддин Отсизнинг насл-насаби қуллаарга бориб тақаларди. Бобоси Ануштекин салжукийлар саройида таштдорлик қилгувчи эди. Гарчи ботинан у ғулом бўлса-да, салтанатга жидду жаҳд ила хизмат қилди. Султон Маликшоҳ ҳам унинг садоқати-

<sup>1</sup> Дарҳақиқат, аввал Хоразмшоҳ Алоиддин Отсиз фалажга йўлиқиб оламдан ўтди, бир йилга етар-етмас Султон Санжар ҳам вафот этди.

<sup>2</sup> Сеча — чумчук.

ни қадрлади. Хос маҳрамлари қаторига қўшди, мутасарруф унвони билан тақдирлади. Мутасарруф девондаги нуфузли мансаблардан бири эди. Бу мансаб соҳибининг ихтиёри ўзида, ҳар нега қодир, вазиятга қараб, султон номидан иш кўришга ҳам ҳақдор эди.

Ануштегин Хоразм диёрининг волийси рутбасига етолмай оламдан ўтди. Зеро бу мартаба унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадга насиб этди. Султон Санжар ибн Маликшоҳ оваси Бўркийеруф кўмагида Хуросонни буткул забт этгач, Қутбиддинни ўзига яқинлаштирди. Унга Хоразм ҳокимлигини тортиқ қилди. Қутбиддин отасининг йўригини маҳкам тутди, янги ҳукмдорига сидқу вафо намунасини кўргазди. Яқин ўттиз йил аҳли фазлга мурувват қилди, раиятга ранжу азият етказмади, султоннинг хазинасини зиёда этди, унинг дўстини дўст, рақибини рақиб деб билди.

Қутбиддин ҳам бу фоний дунёдан яхши ном бирла рихлат қилди. Ундан Алоиддин Жалолиддин Муҳаммад отлик бир зурёд қолган эди. Султон Санжар бул навжувонни кўз остига олиб юрар, Алоиддиннинг фаросати, жўмардлиги, зукколиги уни маҳлиё этарди. Ўғлон Султон Санжар саройида аҳли қалам, аҳли шамшир орасида вояга етди, дуркун йигит бўлди. Отган ўқи нишонга бехато тегар, айтган сўзи кўнгила-ларга шодик элтарди. Санжар Алоиддинни савоба фарзанд деб бағрига босди ва Хоразм тахтига ўтқазди. «Тоза ариқдан тиниқ сув оқур, — дея умид қилди, — оқ бугдойнинг бошогига кўрмак не қилсун?» Ўшанда Алоиддин ибн Қутбиддин Отсиз ҳали ўттизга ҳам чиқмаган норғул баҳодир эди. У нонпора берган раҳнамосининг оёвини ўпди, то қиёмат қадар содиқ қўлингизман, падарим ўрнида падари бузрукворимсиз, деб қасам ичди. Жангу жадалларда узангидош бўлди. Санжар ундан рози эди. Бир сағирнинг бошини силаб Оллоҳ ҳукмини адо этганига шукур қилди.

Кейин билса, буларнинг барчаси абас экан. Қорақумнинг сароби, Жайхуннинг ҳубоби янглиғ омонат эрмиш...

Султоннинг ўпкаси тўлди. Гуриллаб самога ўрлаётган гулханни аста-секин кавлар экан, кўксидан совуқ фарёд отилиб чиқди: «Воҳ, номард бола-я, номардгина бола! Матал борким, хашаки отни емга ўргатсанг, тўрбанинг тагини тешар эмиш. Тўрбатешар сен бўлдинг, нонкўр! У дунё, бу дунё берган тузимга рози эмасман...»

Санжар тагин хаёл уммонига гарқ бўлди. Кўз олдида ўн йил бурунги машъум ҳодиса гавдаланди.

... Азим Сайхун этагидаги Жанд, Янгикент, Сифноқ, Соброн каби шаҳарлар қадимдан салжувийлар тасарруфида эди. У тарафнинг тупроғи енгил, чорваси семиз, халқи сахрои бўлса-да, толиби ислом эди. Алоиддин Отсизга Хазар атрофи торлиқ қилиб қолдимиз, давлатпаноҳининг мулкига кўз олайтирди. У бир оқшом лашкарбошилларини тўплаб, машарат қилди. Минбаъд имтаъна алайҳи эълон этажагини, яъни Султон Санжар тобелигидан чиқажагини маълум қилди. Буни эшитиб, Санжарнинг қўли ёқасига борди: «Ҳамоқат бўл, ҳамоқат. Наҳот... илкиндин нонпора олгон сак-бачча боз қўлингни тишласа? Навзамбилло!»

Не ажабки, бу шум хабар рост эди. Отсиз хуфёна Жанд сари отланди. Сайхун ерларини гораг қилди, қалъаларга ўт қўйди, одамларни ўлдирди, аҳли аёлини асир қилиб олди. Санжар қўйган қутволлар ўрнига ўзининг вакилларини тайинлади.

Султон Дашти Қипчоққа қўшин тортди. Алоиддин қочди. У юлгузору саксовулар ичра бекиниб юриб Гурганжга етиб келди ва қалъага яширинди. Султон қалъани қуршовга олди.

Қаттол жанг бир ойча давом этди. Хоразмшоҳнинг ўн мингга яқин аскарлари шаҳид бўлди. Улар орасида Алоиддиннинг суюкли фарзанди Муҳаммад Отлик ҳам бор эди. Шундан кейингина Отсиз таслим яловини кўтариб қалъадан чиқди. Султон унинг қонталаш башарасига, афтоҳдоҳ туришига узоқ тикилди. Беихтиёр қўли қилич дастасига югурди. Отсиз дарров тиз чўқди. Тавба қилди. Султон қўлини қиличдан тортди. Бир оғиз «Иймонсиз!» деди холос. Оқпадарнинг хунидан ўтди. «Оллоҳ ажрини берди, бас. Фарзанд доғидан ортиқ боз не жазо керак бу итга?»

Отсиз бир тўда аскарлари билан бош эгиб дарёдан ўтиб кетди. Бир ойдан сўнғ савганднома ёзиб юборди. Савгад — бу Оллоҳни ўртага қўйиб қасам ичиш дегани эди. Санжар қўли титраб савгандномани ўқиди: «Густоҳлик этдим, оқпадар бўлдим, валинеъматим. Юз бора эгилиб, минг карра мўйнимни букиб сизга таъзим этажакман. Осий қўлингизни авф этинг! Яратгани ўнгинда қасам ичаманки, мундин буён йўлингизни кесиб ўтмакни хаёл этсам, тил тортмай ўлай... Туймадек молингизга кўз олайтирсам, кўзим оқиб тушсин, қулоғим қар, оёғим шол, тилим гунг бўлсин... Валоҳи аълам биссабов».

Султоннинг феълида мурувват ила ҳалимлик устувор эди. У Отсизнинг қасамига ишонди, гуноҳини кечди. Вале Султон «қасамхўрда вафо бўлмас» деган ҳикматнинг мағзини ўбдон қақмаган экан. Уч йил ўтар-ўтмас Отсиз ўзига тахту бахт берган раҳнамосининг ортидан тагин қилич ўқталди.

... Қорахитойлар Самарқандга ҳужум қилди. Санжар дарҳол улуғ қўшин билан жангга отланди. Буни кутиб ётган Отсиз Бухорони босиб олди. Шаҳарнинг ҳисор-

қўрғонларини бузиб ташлади. Қўлига тушган нарсани Гурганжга ташиптирди. Сўнг салжўқийлар пойтахти Марвни эгаллади. Султон хазинасини горат қилди. Аҳли до-ниш ҳисобланмиш бир неча уламони қатл эттирди.

Санжар қорахитой хони Гўрхондан шикаст еб қайтганида Бухоро ҳам, Марв ҳам вайрон эди. Буни кўриб, бир дарди минг бўлди: «Бегонани зарби танингни оғритар, ўзингники — жонингни. Минг лаънат бўлсин сенга, ўғрибачча! Худога солдим сени, Худога».

Санжар қорахитойлар билан бўлган жангда беҳад талафот кўриб, ҳориган, на-инки тан яраси, кўнгил яраси ҳам битмаган эди. Султон тишини тишига қўйиб сабр қилди. Қўшин тўплади, яроғ ҳозирлади, бардош ила Оллоҳ иноят этадиган кунларни кутди. Ва ниҳоят ғайб ишорати ила ношуқур риёкорнинг кўзини очиб қўйгани бел боғлади.

Бу сафар ҳам жанг узок давом этмади. Санжарнинг темир исканжасидан қуту-лиш йўлини тополмагач, Отсиз таслимга келди. Уламоларни ўртага қўйиб омонлик тилади, тагин қасамноча ёзиб чиқарди. Қуръон билан еган ноию ичган тузи билан, марҳум ота-онасининг руҳи билан қасам ичди. Санжарнинг барча хазинасини қайта-риб берди.

Санжар яна бўш-баёвлик қилди. Иккинчи бор оқпадарнинг гуноҳини кечирди. Отсиз дарёнинг ўнг соҳилига ўтиб отдан тушди, ер ўпди ва орқасига қарамай жўна-ди. Қози Хусан Муҳаммад Султонга ўгирилди:

— Олампаҳоқ, қасамхўрнинг қасами мисли ҳубоб демиш, машойихлар. Ул мак-кор илон. Бошини янчмоқ вожибдур. Бул баттол доғи бир кун вафо бошламаса деб кўрқадурман.

Султон рози бўлмади.

— Биз аҳли жамоат оддида оят ўқиб, ани фарзанди савоба, деб қабул айлаган эдик. Нечук ўз фарзандимизни қатл этажакмиз. Ит — ит экан, билсак, итнинг жазоси калтак.

Таассуфки, қозикалон ҳақ бўлиб чиқди. Мана, энди фарзанд деб аталмиш ўша қасамхўр учинчи марта этакка ёпишди.

Султон Санжарнинг бир одати бор эди. Қишнинг тўқсони бошланишидан бурун у лашкарига тарқол эълон қилар эди. Қошида хос навкарларию бир-икки туман шаҳар кўриқчилари қоларди. Сарбозлар қиш бўйи аҳли аёли бирла маишат қилар, яроғини тузатар, бўлғуси жангларга ҳозирлик кўрарди. Бу русумни хўб билган Отсиз қорли-қировли кунлар бошланмай туриб отини қамчилади. Боз Сайхун бўйидаги эл-улус устига чопқун ясади. У то Султон уй-уйида истироҳатда ётган тарқоқ лашкари-ни тўплагунча мўмай ўлжа билан қайтмоқни ният қилган эди.

Санжар ўртанди, ёнди. « Алҳазар, — дея ўкинди, — бу дунёнинг иморатини вафо устунлари тутиб турар эрмиш, вале томи хиёнатдан ёпилмиш. Начора, қўйни ҳам ўз оёғидан осарлар».

Бир ҳафтага қомай минглаб аскар жам бўлди. Сўнгги марта диёнатга хиёнат қилган бебош ила жангга шайланди. Отсиз бепоён Қорақумдан бошпана тополмай, тагин Ҳазорасп қалъасига келиб жон сақлади. Икки ойдирки, у қамалда. Гоҳо сара сипоҳлари билан чиқиб ола-тасир жанг қилади-ю, тагин қалъага бекинади. Санжар тўрт томонга пистирма қўйиб, чекинув йўлини тўсиб ташлаган эди. Отсиз буни била-ди. Аммо мағлубман деб ялов ҳам кўтармайди, шоқолга ўхшаб увиллашни ҳам бас қилмайди.

Ниҳоят, Султон истиғфор айтди. Отсизга нома битиб киритди: «Магарчи сен бизга муҳолифлик қилғайсан, муҳораба андишаси орадин кўтарилмас. Билъакс муво-фиқот айлар бўлсанг, сулху амният расмин бажо келтиргаймиз. Вассалом». Ҳукмдо-рининг мактубига жавоб беришни Отсиз раво кўрмади, аксинча, сарой шоири Раши-диддин Вотвотга ҳажвий байтлар тўқиттириб, қалъа деворидан отди. Санжарнинг қувваи ҳофизаси кучли эди. Вотвотнинг сўнгги бир байтини хотирлади:

Гар хасми ту, эй шоҳ, бувад Рустами гурд  
Як ҳар зи ҳазор асп натованад бурд.<sup>1</sup>

Султон бу ҳажвнинг Вотвотга тегишли эканини биларди. Ичида фикрини: «Ўшал назмгўй қўлимга тушса, етти пора қилгайман!»

... Совуқ забтига олди. Туман тарқаб, дарё бети аниқ-тиниқ кўзга чалинди. Субҳи содиқ яқин эди. Санжар чигал хаёлларига ечим кутгандек, оқар сувга терму-либ қолди. Дарё ўртасида ёнғоқдек пуфаклар пайдо бўлди. Бир вақт улоқдай келадиган лаққа балиқ отилиб чиқди, думини бир ўйнатиб тагин сувга шўнғиди. Санжар ёнбошига қаради:

— Камонингизни беринг! — деди кўрчибошига. Такаш Баҳодир дарҳол ўқ-ёй

<sup>1</sup> Эй шоҳ, душманинг Рустамдек паҳлавон бўлса-да, бир эшак минг отчалик бўлмайди.

билан камонни тутқазди. Санжар камонга ўқ жойлаб, сувга тикилиб турди. Шу пайт ҳалиги лаққа боз учиб чиқди. Санжар ичида «Бисмиллоҳ!» деди-ю, балиқнинг бошини кўзлаб ўқ узди. Балиқ бир сакради ва сув юзасидан узун тушиб ётиб қолди. Ўқ унинг кўзидан теккан эди.

— Тасанно, ҳазратим! — қуллуқ қилди кўрчибоши. — Энағарнинг дал кўзидан урибсиз. Беназирсиз, беназир. Анов кўршапалак Отсиз-да, бир отувингизга муҳтож-дир, давлатпаноҳ...

— Амири лашкарга айтинг, тарқолга ҳозирлик кўрсин, — деди Султон. Такаш Баҳодир «Ҳов нечук, ҳазратим?» дея бақрайиб қолди. Сўнг чап биқинида осилиб турган қилчини пайпаслаб қароргоҳ томон йўрғалаб кетди. Султон Санжар ўрнидан туриб чодирга қараб юрди. У қамалдан зерикди. Билади, озиқ-тулик билан захираси адо бўлгач, Отсиз ноилож майдондан чиқиб таслим байроғини кўтаради. Аммо фур-сат фанимат эди. Султон пири комилдан нома олган эди. Шайхул-машойих Самарқанд-дин йўлга чиққан, ҳозир Хоразм йўлида бўлса ажаб эмас. Санжар Аҳмад Ясавийдек пири муршидни мана бундоқ ҳарбу зарб ичра кутиб олмоқни ўзига номуносиб деб билди. Шу боис у сувга термулиб ўтириб бир ҳийла ўйлаб топди. Гўёки чекинган бўлиб жанг майдонини Отсизга бўшатиб бериш лозим. Рақиб аскарлари қалъадан чиқиб хушёрликни бой бергач, тўсатдан ҳужум бошлаш керак.

Султон чодирга кириб қурол-яроқини тақди, унғача амири лашкар етиб келди.

— Кўшинини дарёнинг у бетига ўтказинг, — деди Султон қовоғини уйиб, — бир-икки кун кўздан ори турайлик. Сўфин шабихун ясаймиз.

Лашкарбоши ҳукмдорнинг ниятини пайқади, дарҳол таъзим қилиб изига қайтди.

Бомдод намозига азон айтилиб, салоту саловот адо этилгач, кўшин кўчди. Пешинга бориб қалъа атрофида салжуқийлардан бир жон қолмади. Дарё лабида ўн-ўн бешта от билан бир сурув қўй ўтлаб юрар, уларнинг кетида увода кийимдаги икки йигит калтак ушлаб турарди. Булар Султон Санжарнинг хос навкарлари эди.

Қалъа кунгураларидан манзарани кузатиб турган хоразмийлар ноғора уриб тан-тана қилдилар. Энди дарвозаларни очиш мумкин, энди Гурганж сари отланса бўлар, деб ўйлашди. Отсиз ҳар эҳтимолга қарши ташқарига булғомиш, яъни хуфя даракчи-ларни чиқарди. Айғоқчилар қалъани гир айланиб таҳқиқ қилдилар, пистирмадан ном-нишон топмагач, Отсизнинг олдига келиб тиз чўқдилар:

— Қорасини ўчирибди ул ўғизлар, ҳазратим. Ҳаз этиб бир дейро бўйина бороли энди.

Дарвозалар очилди. Аскарлар от қўйиб ташқарига чиқа бошладилар. Икки ойдан бери айниган сув ичиб, емишдан азият чеккан сипоҳилар тоза ҳаводан маст бўлиб ўзлигини унутдилар. Отларнинг эгар-жабдуғи олинган, ҳар ер-ҳар ерда чодир у қора уйлар тикланган, гулханлар ёқилган, дошқозонлар осилган...

Отсиз иккала қўйчибонни ҳузурига чорлади.

— Санжарийлар не ера кетдилар? Билганларингни айтинглар!

Улар бошлари ерга теккунча таъзим қилишди.

— Билганимиз шул, шоҳим, — гап бошлади биринчи чўпон, — салжуқий пошшо-ни пири келаётгир эмиш. Хожа Аҳмад Ясавий деян...

Иккинчи чўпон гапни илиб кетди:

— Ўшал пирини пешвоз эткали Бухоро тарафлара йўл олибдир.

Отсиз «ҳм-м» дея соқолини силади. У Санжар билан Туркистон валиси орасида илик муносабат борлигини билар, аммо Шайхнинг бу тарафга азимат этганидан беҳабар эди.

— Пири қачон келар эмиш, қулоқларингга чалинмадиму?

— Чолинди, шоҳим. Бухородан дейрогача йўқ деганда уч ҳафталик йўл. Сўфин Марв орқали Макка сори кетар эмиш...

Отсиз ямланди. Энса қашиди. Сўнг чўпонларга жавоб бериб юборди.

Хоразмийлар маишати уч кун давом этди. Биринчи кунлар улар атрофга кўз-қулоқ бўлиб, хавотирланиб туришган эди. Санжарийлардан дом-дарак бўлмагач, ас-карлар майлларига бутунлай эрк бердилар. Ён кентлардан меш-меш қимиз, хумларда мусаллас топиб келдилар. Ялпи майхўрлик, беамлик, роҳат-фароғат, ўйин-кулги бош-ланиб кетди. Отсизнинг одамлари қуршовдан энди чиққан бандиларни эмас, дунё беҳабар банги девоналарни эслатарди.

Бу орада Султон Санжар лашкарини кун чиқишдан кун ботишга олиб ўтган эди. Тўртинчи кун у хуфтон намозидан кейин уламои киромлардан оқ фотиҳа олиб туй-қус ҳужумга ўтди. Қалъа теварагини талатўп кўпди. Шабистонда Отсизнинг аскарла-ри қора уйлардан иштончанг чиқиб ҳар ён чопар, яйдоқ ўтлаб юрган отларини излар, устларига дегушдай бостириб келаётган санжарийлар қилчидан қочгани жой топол-май уввос соларди.

Ниҳоят, тонг отиб, дўст билан душман бир-бирини танийдиган бўлди. Энди хоразмийлар ҳам анча жанговар қиёфага кирган, мардона туриб саваш усулини кўргазарди.

Уруш то шомга қадар давом этди. Отсизнинг неча минглаб аскарари нобуд бўлди. Найза деб йиқилган отлар қони билан шаҳидлар қони қўшилиб оқди. Қалъада қий-чув, фарёд кўпди. Атрофга тун пардасини ёйганда бош дарвозадан жулдур кийимли букри киши чиқди. Унинг қўлида оқ ялов, ортида уч-тўрт отлик, ёнида кўк саллалик қариялар бор эди.

Санжар бодом тусли бедовида олисдан муҳорабани кузатиб турарди. Мерганларга «Ўқ отманглар!» дегандек имо қилди.

Элчилар етиб келди. Тери пўстин кийган оқ яловли киши Ҳазораспдаги манзур зоҳид Охупўш ота эди. У тўғри Санжарнинг олдига келиб, яловини аста бедовининг оёқларига қўйди. Алоиддиннинг суворийлари ҳам отдан тушди ва хоразмийларнинг тимқора, тўртбурчак туғини Санжарнинг олдига ташлади. Охупўш ота Яратган номидан «ул бадкирдору бадфеъл гумроҳнинг» гуноҳини ўзига сўради. Унинг ортида саф торган уламолар Султон шаънига мадҳу сано ўқиб, лаззати интиқом Санжари мазийдек шаҳаншоҳи жаҳон рутбасига нолойиқ бир юмуш дея, амният тиладилар.

— Номарднинг ўзи қайда? — деб ҳайқирди Санжар.

Суворийлардан бири жавоб қилди:

— Жанобимиз... бизларни қулчиликка юбордилар. Ўзлари ҳов дейронинг ул бетида муқимдирлар...

Султон ёнидан аёлларнинг бир ҳовуч тақинчоқларини чиқариб суворийнинг башарасига отди:

— Мана буларни ул уётсизга элтиб берингиз. Номарднинг мўйнига қилич эмас, заифаларнинг зеби-зийнати муносибдур.

Султон отининг бошини уриб, қароргоҳи томон юзланди.

Тонг отди. Музаффарият билан қўтлагандек чарақлаб офтоб чиқди. Санжар шоҳона либосда чодирини тарк этди. Қўриқчилар қуршовида дарё томон юрди. Сув бўйига бориб тўхтади. Жайхун кўпириб оқар, асов тўлқинлар гўё Султонни алқаб чапак чалаётгандек эди. Санжар атрофига аланглади. Дунё кенгайиб кетгандек эди. Азим чўл ҳавоси, дарё эпкинни, тиниқ самодаги майин офтоб бирдан руҳиятини яшнатиб юборди. Ортига ўгирилди. Ун икки қанотли нилий ипак чодир узра тўқ ложувард рангли туғи ялтираб турарди. Туғ ўртасида икки бошли бургут гўё машрику мағриб сари бош буриб парвозга шайлангандек, бургут олдида камонга жойланган ўқ рақибни нишонга олгандек.

Санжар ўрқач-ўрқач тўлқинларга хаёлан тикилиб тураркан, сийнаси оғриб, бугунги волибият, пири комилни ёруғ юз ила қарши олажаги учун Аллоҳга шукроналар айтди.

Мунший нома келтирди. Отсиздан экан. Султон «қасамхўрда лафз бўлмас» деб уни ўқишни истамасди. Мунший бидиллади.

— Шаҳаншоҳдин ижозат бўлса, у бебош бош уриб қуллуққа келар эмиш.

— Шу ерга келсин! — деб ер тепинди Султон. Мунший талмовсиради.

— Ҳузурингга келгани... Бети йўқ эрмиш. Дарёнинг ул юзида туриб таслим бажо айлар эмиш.

Султон истеҳзоли илжайди.

— Бети билан кетининг фарқи қолмаганидан сўнг... нечук келгай...

Қўрчибоши гап қўшди:

— Ҳазратим, буюрсалар қаззобни тутиб келтиргаймиз.

Санжар иккиланди. У жанг олдида: «Отсиз қўлга тушса, калласидан жудо этажакман», дея қасд қилган эди. Аммо пири муршид ташрифиди арафасида қўлини қонга булғаб ўтиришни лозим кўрмади.

— Сўнгги бор қонидин кечдик, оқпадарга айтингиз, — деди Султон.

Бироздан кейин Жайхуннинг ўнг қирғовида бир тўда отлик пайдо бўлди. Улар орасидан оқ тулпор минган Алоиддин чиқиб келди. У дарё лабига келиб отидан тушди. Саждага бош қўйгандек уч қарра ерга іркинди. Сўнг отига ирғиб миңди-ю, навкарлари билан қум ичига кириб кетди.

«Вассалом! — деди ичиди Султон. — Иншооллоҳ, анинг бетини қайтиб кўрмагайман»<sup>1</sup>.

Султон чодирига қайтди. Эшик олдида оломон ғужғон ўйнар, лаънатомуз гаплар, кулги, илтижо этишилари. Шоҳни кўриб, халойиқ иккига айрилди. Санжар ичкари кириб тилло тахтига чўқди. Шу заҳоти кичкина кўсанамо кимсани судраб кирдилар.

— Олампаноҳ, Рашидиддин Вотвот деган шоири замон шул эркан, — деб таъзим қилди бош вазир Мунтабиддин. Султон шоирга бошда-оёқ разм солди. Вотвотнинг бўйи икки газча келар, иягида сийрак соқол, бошида кўк салла, кулчадек сарғиш юзи сепкилли эди. У муздек сувдан чиққан мушук боласидек дағ-дағ титрарди.

Султон мулойим товушда сўради:

<sup>1</sup> Дарҳақиқат, Султон Санжар билан Алоиддин Отсиз бошқа кўришмадилар. Ун йил орасида иккала ҳукмдор оламдан ўтди.



— Мавлоно, қалъа деворидан отилган ашъорни жаноблари битган эрдими?  
— Ҳовва, шаҳаншоҳим, — деди аранг бош кўтариб Вотвот.  
— Нечук бундай густоҳлик этдингиз? Қазо-у қадар, анинг жавобин берурман деб андиша қилмадиларми?  
Вотвот Султоннинг юзига тик қаради.  
— Биродарингиз Анварийнинг саломига алик олмоқни фарз деб билибмиз, шоҳим...

Султон қовоғини уйди.

— Қатлингиздан бурун айтинг-чи, мавлоно, Ҳазораспдан бир эшак ҳам олол-массиз дея башорат қилган эдингиз. Мана, шукрким, эшак ўрнига бир куррага эга бўлдик. Хўш?

— Орий рост, давлатпаноҳ, — деди Рашидиддин ва кўкрагига нуқиди, — бу курра бир кун эшак бўлғусидир, вале икки дунёда от бўлолмағай.

Вотвотнинг зарофатли гапига Султон қаҳ-қаҳ уриб кулди. Рашидиддин бир тарафдан ўзини эшакка тенглаар, иккинчидан гапим гап, от ололмассиз дея қайсарлик қилаётган эди. Султон лабини тишлаб бир неча сония сукут сақлади, сўнг кўрчибошига ияк қоқди.

— Бул аблаҳни етти пора қилинг!

Вотвотнинг жони товонига тушиб кетди. У гуп этиб юзтубан йиқилди. Анчагача бош узмай ётди. Сўнг инграб гавдасини кўтарди. Унинг тугмачадек кичкина кўзлари тўла ёш эди. Тили калмага келмай ёлворди:

— Шаҳаншоҳим... ўлим олдидан қоғилга ҳам сўз берарлар...

— Сўйланг!

— Қатлимга розидирмен, шаҳаншоҳ... қаранг сечадек жуссам бор... ўзимни бежиз Вотвот демайдилар. Мен ғарибни не еримни етти пора этарлар. буюринг, шаҳаншоҳим, мени икки пора этсинлар.

Султон бирдан кулиб юборди.

— Жон ширин экан-у, шоир? Қалъадан отилган байтларингизни ўқиб ҳаз этган эдик, ўзлари ҳам аросатга сайр этгандек бўлдилар чоғи?

Вотвот ҳамон янтоқ баргидек титраб турарди. Султон боз қовоғини уйди:

— Бу куррани эшакка миндириб, элдин чиқарингиз. Тўрт томони қибла.

Вотвот хўнграб йиғлаб юборди, У бир ўлиб қайта тириланган эди.

Султон чодирда танҳо ўтирибди. У хаёлга толди. Хоразмшоҳ билан бўлган икки ойлик машмашани, Отсиз дарёнинг у бетида туриб омонлик тилаганини, ҳозиргина чодирда шоирнинг хўнграб йиғлаганини... йигитлик айёмларини, баски, ўтган умрини бир-бир элақдан ўтказди. Кўнгли сидирилди. Чап кўкраги ачишди. Ўзида беҳудлик сезди. «Қарибмиз... сафо боғлари ҳазонга юз тутибдир».

У қарс урди. Хос мулозим кирди.

— Чоғир келтиринг!

Мулозим изига қайтди. Оз фурсат ўтиб, тилла кўза билан заранг коса олиб кирди. Хонтахтага қўйиб чиқиб кетди. Султон кўзани чайқади, косага май қўйди. Сўнг хаёлланиб унга тикилди. Тиниқ майда соқолига оқ оралаган мўйсафиднинг сурати акс этиб турарди. Султон ўз аксига бир лаҳза ички дард ила боқиб турди-да, майни чўғдек гиламга сепиб юборди. Кўзларига ёш қалқиди. Бу савоба фарзанд — Отсиздан чеккан хўрликданми, Аллоҳ насиб этган ғолиблик насибасими ёхуд пири муршид ила бўлажак дийдор севинчими, билиб бўлмасди.

## Адолат қўнғироғи

Доно подшо шоирнинг эшигини тақиллатади.

Нодон шоир шоҳ эшигини тақиллатади.

Қадимий ҳикмат

Султон ул-орифиннинг Аблақ деб аталмиш чопқир оти бор эди. Ҳазрат уни буткул Бобо Мочин ихтиёрига топширганди. Бобоқул тоат-ибодатдан холи кезларда Аблақнинг ёнидан жилмайди: сувотга олиб бориб сугориб келади, ювиб тарайди, емтўрвасини бўш қўймасликка уринади. Аблақ ҳам Бобоқулдек елоёқ, бир лаҳза тиним билмайди, бир ерда узоқ турса пишқириб, безовта бўлаверади. «Мен ҳам учқур, сен ҳам учқур», деб кўяди баъзан Бобоқул ва Аблақни етаклаб дала-даштни кезиб келади.

Бир куни Шайх сайисхонага кирди. Кўрдик, оти ер депсиниб, жилов узмоқчи бўлиб турибди. «Бул ҳам зерикбди, Бобоқул, — деди Ҳазрат, — йўл ҳозирлигини кўринг. Оллоҳ насиб этса, жумъа намозин ўтқариб йўлга чиққаймиз».

Ясавий тариқатига кўра, олис сафар олдидан бир қур зикр тушмоқ вожиб эди. Шайх устоди аввал Арслонбобнинг фарзанди, яқин маҳрами Мансурхўжани чақариб

жумъа кунига зикр буюрди. Мансурхўжа сездики, Бухоро сафари карибди. У таъзим қилди:

— Пирим, бухорийлар бизнинг жаҳрияда зикр тушмакни ихтиёр этибдилар. Жанобимиздин изн бўлса, аларни-да сафимизга олсак...

Ҳазрат тасбеҳ ўгириб, такбир айтиб ўтирган эди. Бир муддат хаёлга толди. Зикр хусусида фикрдувоний тариқатига мансуб дарвешлар ила яссавийлар ўртасида андак ихтилоф бор эди. Фикрдувонийлар зикри хуфя тарафдорлари эди. Улар Оллоҳ номи-ни қалбдан туйиб, сассиз, қалбан зикр этмакни афзал деб билардилар. Яссавий сулукидаги дарвешлар Оллоҳ ёдини зоҳиран ва ботинан, тилда ҳам, дилда ҳам бирдек шарафламак фарз деб санайдилар.

Шайх кўнглидан ана шу муқояса ўтди-ю, бош кўтариб халифасига қаради:

— Оллоҳ таоло аларнинг кўксига зикри аллонийа шавқин солгон эркан, изн беринг, жаҳрияга келсинлар.

Мансурхўжа қўлини кўкрагига босганча изига қайтди.

Бир оздан сўнг хонақоҳ ҳовлисида жарангдор овоз эшитилди. Сулук сардори толибларни зикрга чорларди:

Хув ҳалқаси қурилди,  
Эй, дарвешлар, келинглар!  
Ҳақ супраси ёйилди,  
Оңдин улуш олинглар!  
Қол илмини ўқибон,  
Ҳол илмига етибон,  
Йўқлик ичра ботибон,  
Борлиқлардин олинглар!

Қавс совуғида тор ҳужраларда бекиниб ётган дарвешлар бирин-кетин чиқиб кела бoшладилар. Ярим соат чамаси вақт ўтди. Хонақоҳнинг кенг, чорбурчак ҳовли-си зокирлар ила тўлди. Мансурхўжа қарс уриб, Туркистондан келган дарвешларни ҳалқага тўплагач, оломон иккига айрилди. Ҳазрати Яссавий муридлари сулук расмига кўра доира ясаб, бир-бирларининг елкаларига қўл ташладилар. Мансурхўжа такбир айтди, сўнг Султон-ул орифининг ўтли бир ҳикматини ўқиди. Шу пайт Шайхул-машойих билан Абдулҳолиқ пайдо бўлди. Икки пир ҳалқа рўпарасидаги лойсупага тўшалган гиламга чўқдилар. Шайх зикрга ижозат бериб, фотиҳа қилди. Яссавий сулукидаги зокирлар гоҳ чап, гоҳ ўнг тарафга аста-аста чайқалиб зикр туша бошладилар. Уларни ажабтовур қизиқиш билан кузатиб турган хожагон тариқати вакиллари — зикри хуфячилар ҳам турган ерларида беихтиёр самоъ оҳангига тебрана кетдилар. Зикр шиддатли тус ола бошлади. Энди бухорийлар туркистонликларга тақдидан елка оша қўл ташлашиб, улар ҳам «Ё хув! Ё ҳақ!» дея баралла товушда зикрга тушиб кетганларини сезмай қолдилар.

Бу ажиб манзарадан мутааассир бўлиб ўтирган икки вали, икки дўст ўзаро кўз уриштириб олдилар. Шайхул-машойих зикри жаҳрия ила зикри хуфя орасида ихтилоф кўрса, танаси яйрайдиган маломатчиларга хаёлан мурожаат қилди: «Ҳақ таоло дийдорига етмоқ йўли бисёр эмиш. Биров шокир бўлиб етгай, биров содиқ бўлиб, тагин биров ошиқ бўлиб. Аларнинг барчаси зокирлардир. Бас, бул мўминлар орасина нифоқ солмоқдин муддао недур? Қиёматлик биродарим, мавлоно Абдулҳолиқ жанобларининг лутфини эсланг: дари шайхиро банду дари ёриро кушой. Бу ҳикматнинг мағзин чаксинлар. Шайхлик маснади ўз ҳолина, дўстлик риштаси ўз ҳолина. Биз ҳам деймизки, ин кор намекунем, вале инкор намекунем».

Шахнининг кўнглидан кечаётган гапларни валийлик рутбаси — савқи табиий ила илгаб ўтирган Абдулҳолиқ кулимсираб бош ирғади ва туркийда тасдиқлади:

— Орий рост айтдилар, Шайхим. Биз ул ишни адо этмаймиз, вале бул ишни-да, инкор этмаймиз. Қалб ягонадир, икки бўлакка бўлинган қалб икки пора гўшдир, валлоҳи аълам биссавоб.

Бу пайт зикр тобора авж пардага чиқиб борарди. Зокирлар ғарқоб терга ботган. Яратганга ҳамду сано айтиб, муножот қилаётган дарвешларнинг жарангдор овозидан гўё хонақоҳ ҳужралари ҳам титрар, хув тортиб хаёлан ломақонда кезаётган шокирларнинг қай бири яссавий, қай бири фикрдувоний — англаб бўлмасди. Аслида улар бир дарахтнинг турфа шохлари, аҳли сунна вал жамоа эди.

Зикр ниҳоясига етди. Ҳолдан тойган зокирлар тагин ҳужраларига тарқадилар.

Эртаси бомдоқ намозини адо этиб, Шайх карвони Марв сари йўлга тушди. Абдулҳолиқ Фикрдувоний саман отда, Султон ул-орифин кулранг йўрга отида. Икки пирнинг бедовлари ёнма-ён аста одимлайди. Икки жиловдор Бобо Мочин билан Ориф Ревгарий елка уриштириб, бир-бирига гурунг беради. Ортда минг нафарга яқин талаб аҳли, Бухоро волийсининг махсус кўриқчилари. Абдулҳолиқ Фикрдувоний Шайхни шаҳардан етти фарсаҳ жойгача узатиб қўйишни ният қилган эди. У эгарда қадди-

ни тик тутиб ўтирган дўстига қиё боқади. Шайхнинг дарду ҳолатини билмоқчи бўлади. Ниҳоят, у кўзларини юмди, нури басир ила кўрдик, Шайх Бухоро аҳли бирла, ҳамсабағи Абдуллоҳиқ Гиждвоний бирла видолашмоқда. Абдуллоҳиқ дарҳол дўстининг кўнглига кўнгли риштасини боғлади. Икки қалб аро ботиний, дил суҳбати бошланди:

**Яссавий.** Дийдор қиёматга қолди. Биздин ризо бўлинг, дўстим. Биз туфайли ранжу ано тортқон бўлсалар, маъзур тутқайсиз.

**Абдуллоҳиқ.** Минг қатла розидирмиз, Шайхим. Фурсат бўлдики, бир бурда нонни икки бўлиб едик. Бир сажжода иккимизга кифоя қилди. Бухорои шарифда ишқ дўконин бино этган бўлсак, жаноблари туфайлидир. Сиз-да ризо бўлинг, Шайхим.

**Яссавий.** Толибларга ишқ дўконини қурмоқчи пири комил Ҳамадоний ҳазратлари иккимизга бурюмиш эди. Оллоҳ устознинг қабрларини муаттар қилғай. Ўшал пири муршид сабаб раҳшаларингиз бунёд бўлди. Бул мақомот сулук аҳлининг икки дунёсин обод этсин. Назар бар қадам, сафар дар ватан. Нури иймонга элтгучи йўлу шу эрур, дўстим.

**Абдуллоҳиқ.** Сиз тож-ул орифинсиз, дўстим. Туркий қавм борки, Яссавий ҳикматларини ёд билгусидир. Ул назмул жавоҳирларни «дафтари соний» дея ҳадиси шарифга қиёс этмак вожибур. Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи вассаллам лутф этдиларки, аш-шайху фи қавмиҳи-к-ан-набий фи уммати. Ўз қавми ичидан етилган шайхлар умматим орасидаги набийсафатдир, деб...

Шу пайт гўё хуш ғойибдан бир ишора сезгандек Шайх отининг бошини тортди. Абдуллоҳиқ лоҳут оламиндан нусут оламига қайтгандек бўлди. Дўстига ўтириди:

— Миннатингиз бош устига, мавлоно. Энди ортга қайтсинлар. Бизнинг борар боғимиз олис. Хўшлашайлик.

Икки вали отдан тушдилар. Омон-омон қилиб уч қарра қучоқлашдилар. Абдуллоҳиқнинг дийдаси мулоим эди, кўзларида ёш йилтиради. Шайх ўз ҳиссиётларини жиловлаб ўрганган эди, сийнаси ачишиб турса-да, чимирилди, юзини терс бурди. Қалта фотиҳа ўқиб отига минди.

Абдуллоҳиқ дўстининг ортидан аламаҳалгача тикилиб турди. Дарвешларнинг сўнгги нафари ёнидан этак силтаб ўтиб кетгач, Ориф Ревгарийга қараб деди:

— Шайх Маккаи муқаррамага етиб боролмағай... Кўриб турибмиз. Ишорати ғайб туфайли боз Туркистон элига қайтгай... Йўлингиз ойдин бўлсин, Шайхим...

Абдуллоҳиқ Гиждвоний фанофилоҳ мақомига мушарраф бўлган зоти шарифлардан эди. Унинг башорати рост чиқди.

\* \* \*

Султон Санжар муаззам лашкарини икки бўлакка ажратди. Катта қисмини Марвага жўнатди. Унинг оғзи куйган эди. Алоиддин Отсиз боз қасамномани бузиб пойтахтга ҳужум қилиб қолмасин, деган хавотирда эди.

Шури шутур чўлини чангитиб кетаётган улкан қўшиннинг тўзони босилгач, қабагига бир неча минг кишилик сара аскарини олиб, пири комил истиқболига юрди. Шайхул-машойихдан дам-бадам мужда келиб турибди. Пир куни кеча азм айлаб Бухородин чиқибдилар. Оллоҳ йўлларини берса, бир ҳафта ичида Чоржўйга етиб келишлари керак. Султон пирни дарё бўйида, Ёргоҳ кечувида кутиб олишни ният қилган эди. Кечувгача ҳали узоқ, камида қирқ-қирқ беш фарсах бор. Демак, отни қамчиллаши керак.

Санжар мўйналик тўнига ўралганча оқ отини йўртириб боряпти. Қавснинг охири, ҳадемай айқириб чилла қиради. Кун совуқ, дарё тарафдан аёзли шамол эсади. Жайхун бетини доқадек оппоқ ҳарир муз қоплаган. Такаш Баҳодир дарёга боқиб нимадир дейди. Аммо Санжарнинг қулогига гап қирмайди. Унинг хаёли пири муршида. Тезроқ кечувга етиб борсаю, авлиёлар сарвари билан дийдорлашса.

«Авлиёлар сарвари...» Шу бир оғиз калима гўё болу пар бўлиб Санжарнинг хаёлини олис Яссига олиб учди. Кўз олдда пири Туркистоний гавдаланди. Ўрта бўйлик, пишиқ жуссалик, адл қомат, тимқора қўйқўзларида адосиз бир мунг зухур этиб турадиган алломаи даврон... Бу воқеага қарийб ўн йил бўлди. Ушанда Султон ул-орифин Бухородин ҳижрат қилиб Яссига муқим бўлган эдилар. Санжар уч кун пири комил даргоҳини тавоф қилди. Уч кун вали суҳбатидан баҳра олди. Ва жисми-жонида ажиб бир эврилиш сезгандек бўлди. Санжарнинг ҳам басорат, ҳам басират кўзи равшан тортгандек эди. Тийнати тиниқлашгандек, бу дунёи бебақонининг жилаю оҳанжамаларида маъно йўқдек, барча омонат нафасдек, ўткнчи туюлди. Санжар хонақоҳ аҳлига қалин-қалин эҳсонлар қилди, раиятга минглаб туёқ мол тарқатди. Мадрасаю масжидга вақф ажратди. Соброндан Болосоғун, Тарозгача бўлган ерларни ўз ҳифзу ҳимоясига олишга онт ичди.

Санжар Яссидан Шайхул-машойихнинг пирлик иршодини бўйнига тумор қилиб қароргоҳи Маврвижаҳонга қайтди. Ўн йилдирки, имкон қадар пирини зиёрат қилади, оёғи етмаган кезларда нома битади, мушкул ҳолатга тушганда маслаҳат сўрайди,

салжуқийлар давлатига доруломонлик, умарога садоқат, уламога диёнат, раиятга фароғат тилаб дуо қилишларини истайди.

Илло... Мана бир неча йилдирки, Санжарнинг кўнглида зилдай тош чўкиб ётибди. Нега йилдирки, пирининг қўлини ололмади. Ул зотнинг даргоҳларига боргани бети бўлмади. Ушал Қатавон чўлида лағнати қорахитой Гўрхондан мағлуб бўлгандин сўнг... Ана энди пирнинг ўзлари ташриф буюрибдилар. «Тазарру, илтижо, рўшнолик онлари яқинлашиб келгай, иншооллоҳ!» Султон Санжар «иншооллоҳ»ни овоз чиқариб айтди ва тезроқ пир дийдорига етиб, жонини безовта қилиб ётган тошдан халос бўлмоқчидек, отини қичади.

Санжар шитоб билан юриб, камида тўрт юз тош келадиған йўлни уч кунда босиб ўтди ва Чоржўй соҳилидаги Ёргоҳ кечувига келиб отдан тушди. Шайх карвонидан дарак йўқ эди. «Хайрият, улгурибмиз», деди Санжар ва дарёдан олғароқ ерда азиз меҳмон учун қўналға ҳозирлашга фармон берди. Юзлаб сипоҳилар, авлиёи кабирни интиқ бўлиб кутаётган ерли халқ жидду жаҳд ила ишга киришиб кетдилар. Икки Султонга атаб ёнма-ён ўтовлар тикилди. Қўша-қўша кигизлар билан ўралган саккиз қанотли қора уйлар сиртини ложувард ипак матога буркадилар. Бир ўтов тепасида Яссавий тариқатининг ялови, иккинчисида салжуқийларнинг мовий туғи ҳилпираб турарди.

Дошқозонлар осилган, қўйлар сўйилган, кўзаларда турли-туман шарбатлар келтирилган, тармевалар, Хоразмнинг машҳур қовунлари меҳмонларга мунтазир эди.

Ниҳоят, икки кундан кейин кечув тарафдан суюнчи сўраб келдилар:

— Офоқда Шайх карвони кўринди!

Санжар отланиб кечув сари юрди. Дарё бўйига бориб отдан тушди. Жайхуннинг у бетига, енгил ғубор кўтариб келаётган уловли, пиёда карвонга тикилиб, хаёлчан туриб қолди. Юраги гупиллаб урар, гўё падарининг олдида гуноҳ қилиб, энди тавбага келган осий фарзанддек сезарди ўзини. Бирдан кўнглига ёруғ нур инди: «Гумроҳлик фарзандга хос, афв этмак валинеъматга».

Султон ул-орифин, Сулаймон Мансурхўжа, Бобо Мочин, Қутбиддин ва тагин бир неча уламо махсус кемада дарёдан ўтиб, омон-эсон соҳилга тушдилар. Санжар илдам юриб, пирга юзма-юз бўлди. Тиз чўқди. Шайхнинг этакларини кўзига суртди. Сўнгра ирғиб турди, вали билан уч қарра кучоқлашиб кўришди. Бир неча сония пир кўксидан бош узолмай беҳуд бўлиб турди. Ниҳоят, улкан панжалари билан Шайхнинг кичкина, чайир қўлларини силаркан, дарди дунёси аригандек бўлиб кулимсиради:

— Қошимизнинг устига хуш келибсиз, пирим. Оллоҳимдан ўргилай, ушмундоқ яхши кунлар ҳам бор экан. Сизни жону жаҳонимиз бирла соғиндик, қиблагоҳим...

Пирнинг чехрасига нимтабассум қалқди:

— Биз ҳам жанобларининг суҳбатини соғиниб эрдик. Сайхун суви минг дардга даво эмиш.

Шайх ўзига хос лутф ила «Биз томонларда кўринмай қолдингиз», дея дашном бераётган эди. Султон Санжар хижолатдан терлаб кетай деди.

— Кўнгил қуши пир даргоҳина учмоқни ихтиёр этадир, — деди қизариб, — вале пушаймонлик андешаси оёқдин тартадир. Ҳазратимнинг олдида юзи қаро бўлдик.

Шайх Санжарнинг қўлларини бўшатиб олға юрди.

— Ан-надаму тавбатун<sup>1</sup>, дебдилар расулиллоҳ. Аёзладик, йўл бошланг, исинайлук, шаҳаншоҳ жаноблари.

Шайхул-машойихнинг таскинли сўзи Санжар кўкрагидан босиб турган тошни эритиб юборгандек бўлди. У пири комил билан ёнма-ён хос ўтов сари юрди.

Қора уй олдида Сулаймон бирдан юкинди. «Шукриллоҳ, тувғон элима ўзинг етказдинг!» дея қўлларини тап-тап ерга уриб бетига суртди. У билан изма-из келаётган Қутбиддин Сулаймон оға йиқилди, деб ўйлаб, қўлтиғидан олмоқчи бўлди. Шу пайт пири муршидининг босиқ, лекин ўктам товуши эшитилди:

— Тегманг, Қутбиддин, юрт исига тўйсин.

Қутбиддин қотиб қолди. Ҳазрат ўзидан икки қадам ортда келаётган Сулаймоннинг тиз чўкканини кўрибди! Қутбиддин устоди аввалнинг соҳиби назар эканлигига яна бир бор иймон келтирди.

Шайхнинг феъл-атворини Санжар хўб билади. Ҳазрат ортиқча хайлу ҳашамни хуш кўрмасди. Шунинг учун у ўтовни одмигина қилиб безатганди. Тўрда ёғоч сандик, Илгақда жун чакмон, тулки терисидан тикилган пўстин. Катта лавҳда Қуръони карим. Ўртада сандадек чорпақил азамат манғаллар териб қўйилган. Манғалларда қипқизил бўлиб саксовул чўғи порлайди. Уй ичи иссиқ, саранжом, файзли эди.

Шайх тўрға ўтди. Ортдан Султон Санжар, Самарқанд қозиси Абдулраззоқ, Сулаймон, Мансурхўжа, Бобо Мочин, Қутбиддин, тагин Шайхнинг ҳамсафарлари ва ниҳоят марвлик умарою уламо кирди. Ҳазрат қўлини дуога очди:

— Алҳамдулиллоҳи раббин оламин! Омин! Илоҳа, савоб истаб хонаи муборак сари

<sup>1</sup> Пушаймонлик тавба оқибатидур (ҳадис).

йўл олгонларнинг мушкулени осон қилгайсан. Илоҳа, мулк эгаси ўз тахтида бардавом этсун, раиятнинг ризқи зеру забар бўлмасин! Илоҳа, бандаларингга фойдали илм ва ўткир фаросат ато қилгил. Аллоҳумма саййирна аҳдул имтиёзи<sup>1</sup>. Оллоху акбар!

Султон Санжар қўлини кўксига босиб бош эгди:

— Хуш кўрдик, пирим, қадамингиз кулбамизни нурга тўлдирди.

Зиёфат намози асрагача давом этди. Сўнг жамоат ибодатга турди. Санжарнинг етмиш газлик ипак чодир бор эди. Ундан ёгин-чочинда ёхуд совуқ кунларда мас-жид ўрнида фойдаланиларди. Меҳмонлар ўша чодир сари юзландилар. Султон ул-орифинга иқтидо қилиб саловотни адо этдилар.

Закий ўқувчимизга аёнки, Шайхул-машойихнинг неча йиллар руҳиятига эш бир одатлари бор. Ул зот ҳар саловотдан сўнг бир-икки соат танҳо қолиб муроқабига берилдилар. Ўз таъбирлари ила айтганда, аршу курсини, лавҳу қаламни сайр этадилар. Вужуд шаҳрини кезиб, ичу ташини сарҳисоб қиладилар. Пирнинг бул сифатини яхши билган Султон намоздан сўнг таъзимга келди.

— Қиблагоҳ, энди истироҳат этсинлар. Олис йўлда азият чекибдирсиз.

Шайх маъқуллаб бош ирғади. Санжар пири комилни хос ўтовига кузатиб қўйиб, қароргоҳи томон кетди.

Азиз ўқувчи, ниҳоят, салжуқийлар деб аталмиш муаззам ва бепоён бир салтанатнинг якка ҳукмдори Султон Санжар ибн Маликшоҳнинг номаи аъмоли хусусида икки калима сўз айтмоқ ўрни келди чоғи.

Мана, ўттиз йилдирки, Санжар ота мерос мулк султони. У падари бузруквори Маликшоҳ Алп Арслон ҳаётигида шахзодаларга муносиб илму ҳикматни эгаллай бошлаган эди. Санжар қорийи мураттаб эди. Қуръони мажидни етти ёшдан биларди. Аслан аҳли шамшир бўлса-да, қалбан аҳли диллардан эди. Тез-тез таъягоҳларни зиёрат қилар, зикрни севар, давлат ишлари, ҳарбу зарбдан фориг бўлганида дарвешлар ҳалқасида ҳордиқ чиқаришни ёқтирарди.

Таъби назми бор эди. Бадиҳа айтарди. Назмда Собир Термизий, Анварий сингари камол касб этмаган бўлса-да, байтлари гоҳо нишонга тегарди. Сўхбатдошлари уламо, фузало, фикҳ аҳли, муҳаддислардан эди. Муҳорабаларда, жангу жадалларда бир неча туяга ортилган кўчма кутубхонасини ҳам олиб юрарди. Қол илми, ҳол илмини ҳўб биларди. Пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ёдаки қироат қилганда гулдуракдек кучли, ширадор товушига сомелар бош эгиб кулоқ соларди.

Ана шу Санжари мозий ибн Маликшоҳ ҳозир турк элининг Шайхул-машойихи, султонлар султони сўхбатига мунтазир бўлиб, Жайхун бўйида ҳаёлчан ўтирибди.

Бир замон пири комилнинг сасини эшитгандек ортига ўтирилди. Кимса йўқ эди. Билдики, пир уни кутмоқда. «Бисмиллоҳ» деб ўрнидан турди. Шайх ўтовига қараб юрди.

Султон ул-орифин шохни бўсағада кўриб, муртидан кулди.

— Давлатпаноҳ, мунда келинг, деб чорлаймиз, қайрилиб қарамайсиз.

Хос хона ила дарё ораси олис эди. Санжар билдики, пири уни савқи табиий ила ҳузурига чорлаган. Ҳукмдор бахмал кўрпачага, Шайхнинг рўпарасига бориб ўтирди. Бир замонгача иккала султондан садо чиқмади. Шайх «Майли, шоҳ дардини айтсин» деб кутарди. Санжар эса табибга шарҳи ҳолини баён этмакчи бўлиб келган беморга ўхшар, лекин гапни нимадан бошлашни билмас эди. Ниҳоят, у кўнглини ёрди:

— Ҳазратим, ичим аччиқ майга тўлган хумдай қайнаб тошадир. Дунё зериктирди. Ҳар замон қорақуюндек ҳаёл босиб келади. Иброҳим Адҳамдек барчасидан воз кечиб, бош олиб чўлу биёбонга кет ё дарвешлар ҳалқасига кўшил, дейдур.

— Бул тахаййул, — деди Шайхул-машойих, — Ибрoҳим Адҳам мақоми бўлак, сизники бўлак. Ҳалқа йўли ғоят олис йўл. Бунинг учун нафси амморани забт этиб, нафси сафияга етмоқ лозимдир. Умрингиз вафо қилармикан? Сиз ўттиз йил тахт узра даврон сурдингиз. Шоҳлик роҳатидан воз кечмоққа кўнглингиз ризодир, вале кўзингиз-чи, кўз рози бўлармикан?

— Магар Оллоҳдан амр бўлса.

— Оллоҳ ва субҳонаҳу таоло шоҳу султонлар менинг ердаги соямдир, дея марҳамат этдилар. Ҳақ Мустафо ал-адлу иззу дину ва қувватус султони ва фикхи салодул-хосати вал омати, деб башорат қиладилар. Адолат дин иззати, султон қуввати, раият тотувлиги ва кулли яхши амалларга тарозу эрмиш. Бул ҳадиси шариф адолат кўнғирогини ёдингизга солмайдиму? Ривоятни эсланг, давлатпаноҳ.

Султон Санжар пешонасини ишқаб анча ўйга толди, аммо адолат кўнғирогини ҳақидаги ривоят эсига келмади, ё эшитмаган ёки хотирадан фаромуш бўлган.

— Узр, пирим...

Шайхул-машойихнинг чўл шамолидан қорайган чехрасида нимтабассум жилва қилди.

<sup>1</sup> Ё Оллоҳ, ўзинг бизни имтиёзли кишилардан қилгайсан!

— Ёшлиқда ўқидинг — мрамарга ёзилди, қарилиқда ўқидинг — қумга ёзилди. Ҳай, бул кўҳна ривоятга бир боқинг. Ер юзида сизга ўхшаган, эҳтимол сизга ўхшамаган бир подшоҳи аъзам бор эди. Ул подшо эл сўзини соғинарди, раият дардига қулоқ осмоқни орзу қиларди. Вале, саройга бир мусулмон арзи дод бирла келмас, гўёки бул мамлакатнинг подшоҳи оламдан ўтгандек эди. Шаҳаншоҳ бу ҳолдин озурда бўлди, хос мулозимини чорлаб сўрдики, нечук саройга бир кас шикава-шикоят бирла қадам босмас? Ҳоқиму беклардан, қоziю кузотдан барча розими? Мулозими жавоб қилдики, халқнинг дарди мўлди, сиз ҳазратга айтадургон сўзи сой тошидан бисёрдир. Валекин вузаро бирла умаро уларни саройингизга ёвуқ йўлатмас. Арз бирла келган кишини ёлгон ваъдага тўйдириб, изига қайтарурлар. Подшоҳ амр қилдики, саломхонага қўнғироқ осилсин, ипи дарвозага бойлансин, арқон онқадар паст бўлсинки, норасида боланинг қўли ҳам етсин. Кимники шоҳга айтар сўзи бўлса, ўша ипи тортсин. Хоҳ бомдод, хоҳ аср, хоҳ шом вақти демай, қўнғироқни чалсинлар.

Алқисса, бир куни хуфтон чоғи қўнғироқ бетиним сас бериб жаранг урди. Чиқиб кўрдилар, бир қирчанги эшак тумшугини арқонга уриб суйкалармиш. Шоҳга арз қилдилар. Шоҳдан ҳукм бўлдики, эшак эгасини топиб келтиринглар. Тонг билан дайди эшакнинг эгасини келтирдилар. Савол-жавобдан сўнг маълум бўлдики, бул кимсанинг эшакни сотиб олгонига йигирма йил бўлибди. Эшак қариб арава тортишдан қолгач, кўчага ҳайдабди. Шоҳ буюрдики, то ажали етиб ўлгунча ем-хашагини бериб эшакни боқасиз, билъакс молингиз талонда, ўзингиз эл аро сазойи бўлурсиз.

— Ажаб ҳикмат экан, — деди Санжар музтар бўлиб. — Эшак қўнғироқ чалганда ҳам қулоқ тутгил! Биз илкимиздин нон еган итларга-да адолат қилдик, вале вафо кўрмадик.

— Хабаримиз бор.

— Ўшал бетавфиқ Отсизнинг амалин кўринг. Сиз каби соҳиби нафаснинг амри маъруфи ила исломга тобе бир улусни кофир деб чопқун ясади. Нияти дини мустафога тарғиб эмас, нафси ҳайвонийни ризо қилиш эди. Уч дафъа оят ўқиб, қасам ичди. Бундан буён Сайхун бўйига оёқ боссам шол бўлай, кўр бўлай деб ёлворди. Шайтон айтади, Отсизнинг бўйнига тош боғлаб дарёга ташла, дейди. Азбаройи савоба фарзанд, деган эдик, гуноҳидин ўтдик.

Пир бош ирғади.

— Лаззати афв интиқомда йўқ. Андиша Раҳмондин, шошқолоқлик шайтондин. Хоразмшоҳ жонига қасд қилганингизда сиз ҳам нафсингиз қулига айланган бўлурдингиз.

— Бировнинг мулкига кўз олайтиргон нобакор нафс қурбони эмасму, ҳазрат?

— Қурбони. Шаддоод ер юзида жаннат яратаман деб куфрга берилди. Фиръаун худолик даъво қилиб ўзидан кетди. Қорун дунё билан дунёни сотиб олмоқчи бўлди. Оқибат не бўлди? Кунфая-кун! Бу бевафо дунёдаги фожиаларнинг барчаси нафси аммора туфайлидир. Кибру ҳаво, моуманлик, ғараз, бойликка ҳирс, зино, мартаба завқи, зулм, таъма, ношуккурлик... Насли башар бу қабоҳатлардин халос бўлмас экан, одамлар ўртасида на иймон, на шафқат, на адлу инсоф қарор топгай. Ҳақ таоло сизу бизни туфроқдин бунёд этибдики, мудом ерга боқиб юр, аслингни унутма, султон бўлсанг ҳам, ултон бўлсанг ҳам, бу дунёда меҳмонсан, деб буюрмиш.

Санжар дастурхон попугини эзгилаб мушоҳадага берилди. Назарида пири комил унинг баъзи гуноҳларини юзига солаётгандек эди. Кўкси сидирилди. Аммо ўзини оқлашдан тийилди. Санжар Шайх олдига минг истиҳола билан кирган, аччиқ-тизиқ гап эшитишга ҳам шай эди. Шукриллоҳ, пир аяди, шафқат қилди.

Султон ул-орифин ёнидаги хатчўпдан бир қоғоз чиқариб Санжарга узатди.

— Хабарлари бор, Бухорода амри маъруф вақти биз халифа шаънига қаттиқ-қуруқ гап айтдик. Бир бенаво элнинг терлаб-пишиб топган нонини кўндаланг тишлаб еб ётиш амирал муслимин мартабасига зийнат эрмас. Бу хаёл йўл бўйи ором бермади. Кўнглимизда мухтасар бир ҳикмат туғилди. Ани сизга бағишладик. Биздан васият ўрнига ёднома бўлсин.

Санжар пири комилнинг шеърини кўзига суртиб олди. Ва қироат қилишга изн сўради.

— Майли, ўқинг, султон. Ўзгалар лафзидин биз ҳам эшитайлик, не битибмиз.

Санжар оҳиста, ёниқ бир дард ила шеърни ўқиди:

Шаксиз билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Инонмағил молинга, бир кун қўлдин кетаро.  
Ота-она, қариндош қаён кетди фикр қил,  
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун сенга етаро.  
Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, сирот узра тутаро.  
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайди йўлдош,  
Мардона бўл, ғариб бош, умринг елдек ўтаро.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам, неча йил,  
Аслинг, билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.

Санжар бағоят мутаассир бўлди, ҳикматнинг сўнги сатрини ҳижжалаб ёддин ўқиди.

— Аслинг, билсанг, оби гил, яна гилга кетаро... Ҳазратим, бу жавоҳир-ул ҳикмат бўлибдир. Биз уни бўйнимизга тумор янглиғ осиб юргаймиз. Дуо қилинг, пирим.

Шайхул-машойх дуога қўл очди.

## Мансур Ҳалложнинг хоки

Билмадилар муллалар «Аналҳақ»нинг маъносин,  
Қол илмига ҳол илмин ҳақ кўрмади муносиб.  
Ривоятлар битилди, ҳолин анинг билмади,  
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.

Аҳмад Яссавий

Чирсиллаб чила кирганда Шайх карвони омон-эсон Марвга келиб қўнди. Марв... Ровийлар бу шаҳарни Искандар Зулқарнайн барпо этган дейдилар. Ажабмас, ҳарқалай, у қадим ва муборақ қасабалардан эди. Агар Самарқанд мадинат-ат тужжор, Бухоро мадинат-ат ислом бўлса, Марвни мадинат-ат фузало дерлар. Марвнинг ҳикмат тўла кутубхоналарига Шому Ироқ уламолари ҳам интизор эди. Фақиҳлари, доғнишлари, мужтаҳиду мударрисларининг шуҳрати Бағдод халифасининг саройигача етиб борган эди. Шунинг учун аҳли ислом Марв номини тоқ айтмас, Марви шоҳи жаҳон дея шарафлаб тилга оларди.

Зардуштийлар ҳикмати борки, нон мўл-қўл бўлган мамлакатда панд-насиҳат ҳам қулоққа яхшироқ ўрнашар эмиш. Марв маъмур, обод вилоят эди. Мурғоб дарёсидан қазиб келтирилган ариқларда ёз бўйи шарқираб сув оқар, ўтлоғи қалин, чорваси семиз, деҳқони Марви жаҳон бозорини яшнатиб турарди. Салжуқийлар салтанати даврида Марвнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилди. Султон Санжар учун Марв кўз қувончи, гурури, гўёки падари бузруквори, волидаи меҳрибони, ҳадиси шарифда марҳамат қилинганидек, охиратнинг экинзори эди.

Султон Санжар пири комилга атаб саройда хос хоналар ажратган эди. Шайх «Рухни танадин айириб бўлмас, тана қайда бўлса, рух шунда бўлмоғи маъкул» дея рўйхушлик бермади. Зиёратчилар билан бирга сархистондаги муаззам хонақоҳга келиб тушди. Бу такаюҳ тарҳини Султон Санжарнинг ўзи чизиб берган, шу боис санжарий деб аталарди. Хонақоҳ ҳовлиси улуғ эди, ҳар тарафи юз қадамча келар, гир айлана бежирим ҳужралар солинган эди. Ҳовлида тут, ўрик, хурмо барқ уриб ўсади. Хонақоҳнинг тўрт буржида тўртта улкан ҳовуз. Намозхонлар учун сербар, узун айвонлар, бир йўла юз киши намоз адо этадиган масжид, нонвойхона, ошхона, таҳоратхона... Дошқозонларда қишин-ёзин Султон амри билан эҳсоний таом қайнаб туради.

Шури шутур чўлида бир ҳафта йўл босиб аёзлаган дарвешлар иссиқ ҳужралардан бош чиқармай узлатга чекиндилар. Шайхул-машойх эса икки кундан сўнги фарзи айн деб устои соний Юсуф Ҳамадоний зиёратига отланди. Қабатига Сулаймонни, Мансурхўжа билан Қутбидинни олди. Устад қабри шаҳар сиртида, Шайхали деб аталмиш кўҳна мазористонда экан. Мужовир йўл бошлади. Қари гужум тагига бориб тўхтадилар.

— Мавлоно Ҳамадоний ҳазратлари, — деди мужовир ва кўзи билан устини қовжироқ гиёҳ босган дўнгликка ишора қилди. Устад «Тобутимнинг тепасида Аҳмад «Ан-назоат»ни ўқисин», дея васият қилган эдилар. Тақдир экан, пири муршидини тупроққа топшириш Аҳмадга насиб этмади. Устад Бухородин Марвга ҳижрат қилаётган йўлда Оллоҳ раҳматига бордилар.

Пир васиятини адо этиш фурсати етган эди. «Ан-назоат» сурасини ҳатм қилиб, фотиҳага қўл очди:

— Илоҳа, омин! Алайҳираҳма ва раҳмон, ҳақ субҳонака ва таоло ундан рози бўлсин ва раҳматига олсин, валлоҳи аълам биссаваб!

Ҳаким Сулаймон ҳазратга иқтидо этди:

— Аттароллоҳу марқаду! Поки Парвардигор, ўзинг Шайхул-раиснинг ётган ерини нурга тўлдириб, анинг руҳини муаттар қилғойсан, Оллоҳу акбар!

Зиёратчилар чошгоҳга яқин Марвнинг саришта, сокин кўчаларидан хонақоҳга қайтиб келмоқдалар. Кўнгилларига гўё нури раҳмат ёғилгандек. Зеро, расулиллоҳ марҳамат қилганларки, амалларнинг энг яхшиси — марҳумларни зиёрат этмоқдир.

Султон ул-орифин қалъа дарвозасидан ўтиб, кўналга томон бурилди. Юз қадамча нарида қўққайиб эски масжид турарди. Тор айвонда офтоб-шувоқлаб тўрт-беш киши ўтирибди. Шайх уларга бир қур разм солди-ю, ерга қараб олди:

— Сулаймонкул, айвон олдига борганингизда эчкисоқолли, бир кўзи филай кимсага назар солинг. Сўнг бизга асқотади.

— Хўп бўлади, пирим, — бош ирғади Сулаймон.

Айвонга рўбарў келдилар. Шайх ҳамиша ерга боқиб юрар, саломга ҳам кишининг юзига қарамай алик олиш одати бор эди. Айвондаги кишилар уч қарияни кўриб саломга турдилар. Сулаймон бир нафас тўхтаб, Шайх айтган кимсанинг башарасига тикилди. Навзамбилло! Бул кас ростдан ҳам эчкисоқол, ростдан-да филай эди!

Сулаймон иддам одим ташлаб ҳамроҳларига етиб олди.

— Турқи-таровати кўзингизга ташландиму? — нимтабассум қилиб сўради Шайх.

— Минг одамнинг ичидан топ, десангиз адашмай топиб беражакман, пирим.

— Дуруст, — деб қўйди Шайх.

Меҳмонлар ўтиб кетгач, гурунг давом этди. Эчкисоқол уламо мударрис Абдукарим сўфи эди. Ҳали пайғамбар ёшига етмаган бўлса-да, ўзини ҳаққа етган деб санар, шул боис ўзидаги фазилатни орттириш ўрнига бировлардан нуқсон ахтаришни афзал кўрарди. Унинг ёнида ҳамтовоғи, масжид имоми Ҳожи Ёртош, яна икки-учта ибтидоий мактаб домлалари.

— Туркистонликлар, — деди сўфи Абдукарим, зиёратчиларнинг ортидан тикилиб, — пирлари Хожа Аҳмад Яссавийга тавофга бормоқдалар.

— Сиз қайдин биласиз, мавлоно, эҳтимол булар самарқандликдур? — эътироз билдирди Ҳожи Ёртош.

Сўфи имомни масхара қилди:

— Ҳожи бўлиб саланинг печини фарқлай билмасиз, тақсирим! Туркистонлик саҳройиларгина салла печини пишакнинг қуйруғидек осилтириб юрадир.

Бир мулла гап қотди:

— Қарилари қўшбелбоғ боғлаб олмиш. Ажаб, яқдона белбоғ озлик қилурму?

Сўфи мириқиб кулди:

— Аларнинг лақаби-да шул, қўшбелбоғ! Бириси сажжода, бириси дастурхон ўрнида.

— Бул одатлари хўб эркан. Жойнамозга нон ушатиб емак ножоиздир асида, — чўчиброқ луқма ташлади имом. У чаламулла эди, масжидда амри маъруф қилишдан олдин Сўфи Абдукаримдан маслаҳат олиб турар, Қуръон тафсирини ҳам ундан таълим олган эди.

Сўфи имомни талаба ўрнида жеркиб берди:

— Мунча дониш бўлиб кетдилар, тақсирим? Мужтаҳидлик даъво қилмасинлар...

Имом таслим бўлди:

— Тавба қилдиқ, ҳожи ота...

Сўфи кайвонилик қилиб керилди:

— Ушал туркистонлик авлиёсига бир жуфт масала ҳозирлаб ўтирибдирман. Жумаъ куни жидау жаҳд бўлар эмиш. Жамоат олдидан бир ўйлантриб мулзам қилсамму?

Ёш мулла деди:

— Ўйнашмагил арбоб билан, дебди машойихлар. Патингиз юлинмасин-да, тақсирим.

— Ҳа. Туркистон пирининг тиллари аччиқроқ эмиш. Аҳли уламо олдидан кимсан — Сўфи Абдукарим ҳожи, мударрис, шоир Марвазий деган унвонларингиз...

Сўфи гўё мунозарада ғолиб чиқишига гумони йўқдек, соқолини тутамлаб кулди:

— Мушкулмизни кушод этсалар биз рози, вале жавоб беролмай ожизлик қилсалар, айби авлиёнинг ўзига бўлмай, иншооллоҳ.

Сўфи соғ кўзини қисиб офтобга қараб қўйди-да, этагини йиғиштирди:

— Биз энди бороли. Толиби илмлар маъвизамизга кўз тикиб ўтирибди, — деди.

Мударриснинг қораси ўчмасдан ўтирганлар ғийбат қила кетди:

— Тавбасига таянмади бу филай. Анов бир йили ҳирийлик мужтаҳиддан калтак еб эди. Мулла бўлмабди-да!

— Пати юлинган қари хўроздай бўлиб чиқсами жомедан...

— Орий рост, авлиё билан олишиб обрў топасанми, нодон?!

Жумаъ куни Марвоний жоме масжидига одам сизмай кетди. Пешин намозидан кейин гурас-гурас халойиқ тўплана бошлади. Ҳар кўнгида бир хаёл: биров пири туркистонийнинг нечук зот эканлигини кўрмоқчи, биров унинг лутфу карамига мунтазир, толиби илм ваъз тинглаш умидида, аҳли уламо мушкул бир масала хусусида буюк мужтаҳиднинг фикрини билмоқчи. Фақиҳлар муфтилар, одатда бирон мунозарали масала устида баҳслашса, аввало Қуръони каримга муурожаат қиладилар. Агар Қуръон тафсири орқали ечим топилмаса, жавобни ҳадисдан излайдилар. Ҳадис ҳам тўла қаноатлангирмаса, қиёс билан ижмога бўйсунмоқдан ўзга чора қолмайди. Қиёс — шариат илмини сув қилиб ичган дониш мужтаҳидларнинг муқояса орқали мантиқий хулоса чиқариши, ижмо эса, бир нечта мужтаҳиднинг яқдил ҳукми, иродаси эди.

Султон ул-орифин минбар ёнидаги баланд супада чордона қуриб ўтирибди.



Ёнида: Самарқанд шайхул-раиси Мансурхўжа, Марв қозикалони, Сулаймон, Жоме масжиди имом хатиби. Қози калон куръон тиловат қилди. Яқдил фотиҳадан сўнг икки оғиз ваъз айтди:

— Туркистон элининг қиблаи худоси, Яссавия тариқатининг сарҳалқаси, давлат-паноҳимиз Султон аъзам Санжар жанобларининг пири муршиди Хожа Аҳмад Яссавий Шайхул-машойих зоти шарифларининг Марви жаҳонга ташрифларидин бошимиз осмон қадар юксалди. Биз сизни мужтаҳиди замон деб билурмиз. Улуғ дарёлардин ариқлар сув ичар. Жанобларининг ирфон хазинасиндан бу ерда жам бўлмиш аҳли уламо, толиби илм баҳра олсак, деган умиддамиз. Аллоҳумма аббидил ислома ва раввижил аҳкома, эй Худованди карим, исломни абадий қилғил, анинг ҳукмига равнақ берғил, Оллоҳу акбар!

Султон ул-орифин «Кимда гап бор?» дегандек даврага назар солди. «Бисмиллоҳ!» деб суратидан аҳли дилларни эслатувчи кексароқ киши ўрнидан турди.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотух! Шайх жаноблари, магарчи саволимиз ножоиз бўлса, афв этгайлар. Гап ўшал тажарруд борасин-да. Баъзи бир зоти шарифлар ёзмишки, дарвешлик хирқасини кийиб, тариқат сулукига кирган сўфи тажарруд қилмоғи шартдир, дебдилар. Зеро Оллоҳ васлидин умидвор дарвешнинг амали зикр, тоат, ибодат, сийратини нуқсу курсурдин тозалаш бўлмоғи лозим. Аҳли аёл, рўзгор фами, бу ўткинчи дунё ташвишлари солиқнинг иймониға заҳмат етказмасму? Фано йўлидаги саъй-ҳаракатлариға монелик қилмасму? Ахир, бир юракка икки ишқни сиғдириб бўлмас. Агар сўфий чин сўфий бўлса, бу дунёнинг роҳатларидин воз кечиб, ёлғиз ишқи илоҳий бирла яшасин. Билъакс ўзини муридман демасин. Бул ақида хусусида жанобларининг муборак сўзларини эшитмакка муштоқмиз.

Шайхул-машойих сездик, бу даъвогар Абдуллоҳиқ Гиждувоний тариқатиға мойил экан. Баайни зикр одоби сингари тажарруд ва такфин<sup>1</sup> масаласида ҳам яссавийа аҳкоми ила хожагон аҳкоми ўртасида номувофиқлик, андақ ихтилоф мавжуд эди. Хожаи жаҳон Гиждувоний мақоматиға кўра тариқатга кирган солиқ мужаррад бўлиши, яъни бола-чақа қилмай оламдан тоқ ўтиши, кечаю кундуз Оллоҳ таоло зикри, ҳақ хаёли билан нафас олиши лозим эди. Яссавийлик таълимоти бўйича эса, муридга бирқадар эркинлик берилган: эй, дарвеш, ҳақ жамолиға тўйай десанг, зикру самоъ дилингни тарк этмасин, вале Оллоҳ яратган неъматлардин ҳам бебахра қолма!

Султон ул-орифин бир лаҳза хаёлға толди. Баъзи бировлар, мужтаҳид ўйланиб қолди, масала мушкул эканми, деган иштибоҳға борди. Шайх ўзига хос бийрон, кескин оҳангда сўз бошлади:

— Исрома роҳиблик йўқдир. Оллоҳ таоло ер юзидаги барча жонзотларни жуфт яратибдир. Токи бир-бирлари ила қовушсин. Сарвари коинот: «Мушфиқ ва серпушт аёллар билан турмуш қурингиз, зеро мен умматларимнинг кўплиги билан фахрланаман», деб марҳамат қилибдилар. Бас, тарки дунё этмак бизнинг тариқат эмас. Инсон дунёға нима учун келади? Яхши амал учун, солиҳ зурёд тарбия қилиб яхши ном қолдирмоқ учун. Ҳақ таоло яхшилик қилишға шошилинглар, деб буюрибди. Хўш, элулуста ким яхшилик қилишға қодир? Мен Оллоҳнинг хизматиға кетдим деб зовиядан чиқмай ётадиргон дунё беҳабарми? Ахир, сени йўқдин бор қилгон ота-онанг кўз тикиб ўтирибди! Аларнинг ҳолидин ким хабар олади, ким иссиқ-совуғиға қарайди? Ота-онадин кечиб зоҳидлик хирқасин кийган такаббурни Ҳақ таоло ҳам кечирмағай. Оллоҳим ғайратли кишиларни хуш кўради. Ғайрат аввало Яратганининг мадҳу саноси учун, андин сўнг бу ёруғ олам қувончи учун бўлсин. Косиб жуволидз бирла қолипни йиғиштириб қўйиб хонақоҳни макон этса, қўйчивон подасини, деҳқон отизини унутиб ҳайё хув деб тарки дунё қилса, биласизми не бўлғай? Оламда қиёмат қўпмасму? Косиб Оллоҳнинг дўсти, дебди расулиллоҳ. Фикри ожизимизча, наинки косиб, заҳмат чекиб, аҳли рўзгорига, ўзгаларға-да нон топиб едирган киши борки, Оллоҳнинг дўстидир. Сиз тажарруд айлаб, узлатга чекинсангиз, луқмай ҳалолингизни ким бергай? Тиланадирсизму? Бировнинг садақасиға кўз тикасизму? Тилингандан тиланган ёмон. Ишқи илоҳий бирла зикри Оллоҳнинг маъносини доно билур, нодон билмас. Мухтасар сўзимиз шул: инсон муқаррам, инсон жамики махлуқотнинг, барча мавжудотнинг гултожи. Бас, инсон бўлсанг, инсондек бўлиб қол.

Шайх ваъзини тугатиб фотиҳа қилди:

— Аллоҳумма аъгина илман нофиъан ва фаҳман сотиъан. Худованди карим, бизларға фойдали илм ва ўткир фаросат ато қилғил, валлоҳи аълам биссабов.

Шу тариқа яна уч-тўрт киши билан савол-жавоб бўлиб ўтди. Бир маҳал орқа-роқдан чийиллаган товуш эшитилди.

— Яқдона сўровимиз бор эди, магар ижозат бўлса...

Бу ўша мударрис Абдукарим Аъмоқ эди.

— Бу ерга келинг, — деди қозикалон.

<sup>1</sup> Тажарруд, такфин — танҳолик, дунёдан ёлғиз ўтиш.

Мударрис минбарга қараб юрди. Шайх ёнига тўрт қадамча етиб, тўхтади, негадир сири қулимсиради ва шифтга қараб сўз очди:

— Шайх ҳазратлари, жаноблари битмиш ҳикматларни роҳат дарёсига чўмиб ўқийдирмиз. Биз ани назмий дурдона дермиз. Фақирингиз толиби илмларга сабоқ берсак-да, гоҳо-гоҳо кўнгил майли экан, баёт ҳам битадирмиз. Назмгўйлар бизни Аъмоқ Марвазий деб билурлар. Бул шунчаки даромад эди, тақсир. Шайхим бир ҳикматларида «Билмадилар муллолар «Анал-ҳақ»ни маъносин, қол илмига ҳол илмин ҳақ кўрмади муносиб» дебдилар. «Анал-ҳақ»ни маъносини англамоққа ақлимиз кўтоҳлик қилур. Недир ул «Анал-ҳақ?»

Шайх ер остидан Сулаймонга қараб қўйди. Сулаймон пирининг «Ҳали бу кишига дуч келасиз», деган гапини эслаб, бош ирғади. Ҳазрат каромат ила пайқадими, мударриснинг нияти тоза эмас. У Марв уламолари олдида билимдонлигини пеш қилмоқчи, иложи бўлса, Туркистон авлиёсини мушкул аҳволга солиб, офаринга ноил бўлмоқчи. Шайх мударриснинг шум ниятига муносиб жавоб қилди:

— «Анал-ҳақ»ни маъносини сизга англамоқ душвор. Дардинг нелигини дард чеккан кишигина билади. Сиз қол илмининг одамисиз. «Анал-ҳақ»ни маъносини билмоқ учун ҳолга етмоқ лозим. Мударрис жаноблари, сиз орти каримадан билганларингизни ўқиб юраберинг. Сарфи наҳву муҳаддислар мотасини толибларингизга таълим бериб рози қилсангиз, бас, сизга ёмон насиҳатимиз шул.

Мударрис шу ерда қуллуқ қилиб даврандан чиқиб кетса бўларди. Лекин у ашаддий бир мутаассиб сифатида кўҳна тарихни кавлаб, тилини тиймади:

— Тақсирим, ахир Мансур ҳаллож кофир эди. Шариатимизга шак келтирди. Фиръавнга ўхшаб худолиқ даъво қилди. Ҳайронман, сиздек зоти шариф нечук унга раббат билдирадилар? Ахир, халифа Мансурни бежиз қатл этдимиз?

Мажлисхонани сукут босди. Гўё хона бўм-бўшдек ва сомелар ухлаб қолгандек эди. Кимдир узун уҳ тортди. Бу таҳликали жимжитликни Султон ул-орифиннинг қиличдай кескин, ўктам овози бузди:

— Агар Мансур ҳаллож кофир бўлса, унда сиз билан биз ҳам мусулмон эмасмиз.

«Астаъфуруллоҳ!», «Ўзинг асра, ё раббий!» деган хитоблар эшитилди. Жамоат бирдан гувранди. Шайх давом қилди

— Шундоқ, Оллоҳга Мансурдек яқин кимса йўқ эди. Халифа Муқтадир ҳам ҳол илмига бегона эди. Шу туфайли жоҳил муллоларнинг тилига кириб хато қилди. Сўнгра тавбасига таянди. Хотирингизни жам қилинг, мударрис жаноблари. Халифанинг буйруғи билан Мансурни ўтга бердилар. Кулини дарёга ташладилар, бу ҳам тўғри. Андин сўнг не бўлди, бир эсланг, уялманг, мударрис.

Аъмоқ Марвазий бош эгиб тураберди. Не бўлганини ё билмас, ёки билсада, айтишга ор қиларди.

— Не бўлди, аҳли жамоа? — Шайх халойиққа ўтирилади.

— Дарё тошди!

— Шаҳарга ҳамла қилди...

— Боракалло! Дарё тошиб қирғоғидан чиқди. Шаҳарни сув босди. Халифа жон аччиғида Шайх Зуннун Мисрийга ёлборди. Зуннун Мансурнинг хоки покидан бир сиқим олиб қолган эди, дарҳол дарёга ташлади. Сув изига қайтди. Халифанинг ҳам, авлиёнинг қатлига фатво берган нодон уламоларнинг ҳам жони омон қолди. Бул кароматга не дейдилар? Кофирнинг хокидин дарё тошарму? Боз изига қайтарму? Оллоҳ таоло Мансурни хос бандам деди, қудратини кўрсатди. Сиз бўлсангиз ҳақ даргоҳида азиз бўлган бир валини оғиз кўпиртириб кофир деб турибсиз. Тоштарозу, ажру мукофот сиз билан бизнинг илкимизда эмас, у ёқда, боқий дунё эшигинда, мударрис жаноблари.

Мударрис ҳамшаҳарлари кўз ўнгида ер билан яксон бўлди.

Жамоат шивир-шивир қилиб тарқалди. Ҳовлига чиққанларида Бобо Мочин Ҳаким Сулаймоннинг тирсағидан олди.

— Тақсирим, анов шақшақ мударрис сўзлаётганда лабингиз қимирлаб турди. Қул Сулаймон бир нималарни тўқиди-ёв деб ўтирдим.

Сулаймон маъноли илжайди:

— Ҳовва, тўқидик. Мударрисга тоза лақаб топиб қўйдик. Эшитинг: «Сенга калтак қилур камлик, анинг устига тош даркор»<sup>1</sup>.

Бобоқул илми каломда Сулаймончалик закий бўлмаса-да, фаросати қайралган эди. Дўнг пешонасини ишқаб байт замирига яширинган сўзнинг тагига етди.

— Тўғри топибсиз, тақсирим. Асли ўзи аҳмоқ экан. Калласи бўлса, ақли етмаган масалага бош суқадирму?

— Минг насиҳатдин бир мусибат авло дейдилар. Зора калтак зарбидан кўзи очилган бўлса.

<sup>1</sup> Сўз уйини. Араб ёвузида «Аъмоқ»даги «айн» устига «тош», яъни нуқта қўйилса, «аҳмоқ» бўлади.

— Зора, — деб қўйди Бобо Мочин. Лекин хаёлида, «Бундайлар Мункарнакирнинг тўқмоғидан ҳам ўзига келмас», деган фикр чарх урарди.

## «Байъатинг қабул бўлди»

Балоларнинг энг шиддатлиси аввало пайгамбарларга, ундан кейин авлиёларга келади.

Ҳадис

Самарқанддан узоқлашган сари Қутбиддиннинг шавқи зиёда бўлиб борарди. Ахир, нечук суюнмасин? Аввало, отасининг таъқибидан халос бўлди, қолаверса, қибладан фир-фир шамол эсиб, эҳром киядиган кунларнинг ёвуқлигидан дарак бераяпти. Қутбиддиннинг кўнглидаги завқ дарёсини тоштирадиган тағин бир нарса — бу унинг ажабтовур ҳунарманд бўлиб қолганлиги эди. Қўлига искана олиб ёғоч йўна бошлаганига уч-тўрт ой бўлди, холос. Ясаган буюмлари пир назарига тушди, ҳазратдан рағбат ва дуо олди. Илгари Қутбиддин юмшоқроқ оғочлардан жайдари чўмичу қошиқ ясаб юрар эди. Бора-бора у заранг, ёнғоқ каби қаттиқ ёғочлардан ҳам буюм йўнишга ўтди. Қуръони мажид учун бежирим лавҳлар тахлайди, заранг коса ўяди, хатчўп ясайди, гулмих тайёрлайди. Бозоргир буюмларини ерга қўймай харидорлар уни таажжубга солиб сотиб оладилар.

Султон Санжар Султон Маҳмудхоннинг ўғли, ўзининг жияни Қутбиддинни ёқтириб қолди. Унга асл Дамашқ пўлатидан қилинган бир халта асбоб-ускуна ҳада этди. Бу асбоб билан Қутбиддин энди йўниқчилик эмас, темирчилик қилса ҳам бўларди. Қутбиддин кундалик зикр, тоат-ибодат, хонақоҳ ишларидан озод пайтларида пири муршид ҳузурига киради. Устоду шогирд бир тўп кесма оғочларни олдиларига тўкиб, уларни буюм шаклига келтира бошлайдилар.

Бутун чоршанба, Марвада истироҳат қилиб турганларига ўн тўрт кун бўлди. Шу икки ҳафта ичида Қутбиддин бир халта қошиқ йўнди. Уларни якшанба куни бозорга олиб чиқмоқчи эди. Қошиқларни пирига кўрсатди:

— Ҳазратим, дуо қилсалар, бозоршабга элтиш ниятимиз бор эди.

Шайх ҳафсала билан йўнилган қошиқларни қўлга олиб, бир-бир томоша қилди.

— Боракалло! — деди шогирдини алқаб. Сўнг маслаҳат берди: — Қошиқнинг сопини калта қирманг, калта қошиқ таомга ботиб, хўранданинг қўлини булғайди. Қипиғи чиқадиғон оғочдан қошиқ ясаманг. Бизнинг Бобоқулга ўхшаганлар жазава пайти қошиқни тишласа, ўсал бўлмасин.

Қутбиддин «уқдим, пирим» деб таъзим қилди.

— Халтада қанча бўлибди? — сўради пир.

— Ҳозирча йигирмата. Якшанбагача яна ўнта ясамоқни ният қилдик, пирим.

— Дуруст. Бу сафар бозорга атаганингизни хонақоҳга эҳсон қилинг, ўғлим. Тунов куни қарасак, икки дарвеш бир қошиқда оби ёвгон ичмақда экан.

Савобга дохил бўлишни ўйлаб Қутбиддиннинг кўнгли тоғдай кўтарилди.

Шу пайт жоме масжид томондан азон товуши келди. Шайх мойқоғоз ёпиштирилган деразага ҳушламай қараб қўйди. Пешинга ҳали узоқ эди. Бевақт азон айтилдими, демак бир фалокат рўй берган.

— Бозоршабга боринг, ўғлим, — деди Ҳазрат, — халойиқдан сўранг-чи, шаҳарга не бало ёпишди экан.

Қутбиддин буюмларини апил-тапил йиғиштириб илдам чиқиб кетди.

Мансурхўжа билан Сулаймон кирдилар. Иккаласи афтодаҳол, бошларига оғир савдо тушган кишиларни эслатади. Сулаймон пойгакка яқинроқ чўккалади, юзига энгил фотиҳа тортди.

— Марви жаҳонга бало ёғилибдир, пирим, — деди, — шаҳарда вабо тарқалибдир. Ё Оллоҳ!

Пир индамади. Қовоқ уйиб ерга қаради. Сулаймон келтирган шумхабар унинг кекса қалбини наштагардек тилиб юборган эди. Хаёлга чўмди. Азаддан аёнки, тоун, яъни ўлат тарқалган шаҳарга кириб-чиқиш мумкин эмас. Демак, сафар номаълум муддатга чўзиладиган бўлди. Вабо қасдига олса, марвликларга кўшиб қанча-қанча ҳамроҳларини ҳам нобуд қилиши мумкин. Энг ёмони, бу бедаво дардани туркистонликлар олиб келди, деган маломат эди. Шайхни айниқса мана шу гумон изтиробга соларди.

Ҳазрат бошини кўтарди. Мансурхўжа билан Сулаймон «Энди не қилдик, устоз?» дегандек Шайхга нажот кўзини тикиб ўтирар эдилар.

— Мансурхўжа, сиз мусофирхонага боринг, бизни айтди денг, бир тирик жон қадам босиб кўчага чиқмасин. Ташқаридан бир киши кирмасин. Эшикка Бобо Мочиндек дев йигитлардан қўриқчи қўйилсин. Бетўхтов исиріқ тутатсинлар. Сувни қайнатиб ичсинлар. Уқдингизми? Сулаймонқул, сиз йўлдошларингиз ичидаги табибларни

чорлаб маслаҳат қилинг. Топган дори-дармонларини ўртага қўйсинлар. Сиз ҳам табибсиз, энди ҳунарингизни кўрсатинг.

Сулаймонқул билан Мансурхўжа энди ўринларидан қўзғолганда шитоб ила Қутбиддин кириб келди. Унинг гаплари ваҳимага тўла эди.

— Пирим, бозоршабада одамлар тўрт томонга қочмоқдалар. Мухтасиб расталарни беркитиб, тужжорларни ҳайдамоқда. Халойиқ эсини йўқотиб қўйгон...

— Астафзулло, илоё ўзинг асра, — деб ёқасига туфлади Мансурхўжа.

Шу асно бевақт турган шамолдек гувилаб Бобо Мочин кўринди. У бўсагадан ўтар-ўтмас, «Во дари-и!» деб наъра тортиб юборди. Шайх унга ёмон кўз билан қараб қўйди.

— Ҳозир сайҳа тортиш вақти эмас, Бобоқул! — деди панд бериб. — Сиз қабатингизга қорувли йигитларни олиб, эшикоғалиқ қилингиз. Хонақоҳга биров кириб-чиқмасин.

Самарқанд қозиси ҳожи Абдураззоқ, тағин уч-тўртта марвлик уламо кирди. Улар ҳам қарахт, йўлдан адашган йўловчидек паришон эдилар. Мана бу муборак зовияни макон тутган зоти шариф гўё ҳозир табибу, улар дармондори излаб келган беморлардек, Шайхул-машойихнинг оғзига тикилиб ўтирдилар. Султон ул-орифин тилга кириб деди:

— Бил балойи собир айн. Балоба сабрдан ўзга чора йўқдир. Дард берган Эгам шифосини ҳам дариф тутмас, иншооллоҳ.

Шайх илкис ўрнидан турди. Қутбиддин гулмиҳдан салла, тўнни олиб пирга пешкаш қилди.

— Шоҳ саройига борайлик, — деди Шайх, кийиниб, белини маҳкам боғлар экан, — кенгашиб, бу офатга қарши бир тадбир ўйлаб топайлик.

Сулаймоннинг иззат-нафси лат егандек бўлди. Пири комил ҳеч қачон хонлар, султонлар саройига қадам қўймас, билъакс, ҳукмронлар дуо истаб Шайхул-машойих остонасига бош уриб келардилар. Авлиёлар сарварининг бетакалуф Султон Санжар саройига отланиши пири муршиднинг рутбасига нолайиқдек туюлди. Сулаймон:

— Пирим, сиз саройга борғондин кўра... — деб оғиз очган эди, Шайх унинг гапини кесди.

— Ҳозир кимнинг тоши оғир деб тарозуга тушадирган вақт эмас, Сулаймонқул, — деди киноя билан, — шоҳни бу ерга таклиф этмак хаёлимизда бор эди. Вале Султон жаноблари аркони давлатни йиғнаб хонақоҳга етиб келгунча бир неча мусулмоннинг умрига зомин бўлишимиз мумкин. Фурсат ванимат. Қани, қози жаноблари, йўл бошласинлар.

Сулаймон барибир кўнглидаги фикридан қайтмади. Ҳовлига чиққанларида Бобоқулнинг биқинига туртиб шивирлади:

— Саройга учинг, тақсирим. Ҳазрат ташриф буюрмақдалар, деб Султонга хабар етказинг.

Бобо Мочин калла силкиб оёғини қўлга олди. Шайхул-машойих бошлиқ раёсат кўчага чиққанда Бобоқул саройга етиб бориб, хос мулозимнинг енгидан тортиб турарди.

...Султон Санжар улкан манғал олдида танҳо ўй суриб ўтирибди. Дорус-салтанат — суюкли Марвига вабо ҳамла қилгани унинг жисми-жонини ўртади. Гўёки мана шу манғалдаги ёнғоқдек қип-қизил чўғлар темир қафас ичида эмас, сийнасида бозиллаб тургандек. Хаёлини бир-биридан мажҳул, аёвсиз сўроқлар бурғилайди: «Марви жаҳонга бу бало қайдин илашди? Сувданми, тупроқданми? Ва ё дунё кезиб юрган тужжорлар дастмоясиданми? Ё Раббий! Бизни бу дунёга синов учун келтирдинг, синовларингга жон иймонимизни пешкаш аилаймиз. Ўзинг юборган дардга ёлғиз Ўзингдан нажот тилаймиз. Сен нажот бергувчисан».

«Энди не чора қилмоқ лозим?» дея Султон салби вужуд айламакка ўтганда эшик гичирлади. Хос мулозим кирди. Пири комил ташриф буюраётганини айтди. Ҳайратдан Санжарнинг юраги бир қалқиб тушди. «Не кор-ҳол юз берди экан?» Пири комил одамларига ҳам ўлим тегдимикан? Худо кўрсатмасин... Ёхуд устод сафарларини давом эттирмакчиларми? Ахир, бунинг иложи йўқ. Ҳадиси шарифда зикр этилмишки, бир ерда вабо тарқалган бўлса, ўша ерга кирманг, ул ердан бош олиб чиқманг... Пир карвонини кўчирмоқ истасалар-чи? Не бўлғай? Падари бузруквор раъйини қайтариб бўлмас...»

Султон Санжар маҳрамларини ёнига олиб дарҳол пир истиқболига ошиқди.

Валийўллоҳ жун чакмонининг барини қилпиратиб ҳамроҳлари ила кўшк ҳовлисига қадам босган маҳал Султон Санжар ҳам ҳашаматли айвондан тушиб келаётган эди. Пирни кўриб унинг кўнглига нур инди, нимтабассум ила олға интилди. Тез бориб Ҳазратнинг этагини ўпди. Шайхул-машойихнинг қўй кўзларида мунгли ифода кўриб қалбига яна ҳадиқ оралади. Лекин, барибир, арзи дил айтишдан бўлак чора топмади:

— Узр, пирим, озор чекибдилар. Бизга бир оғиз ижозатлари кифоя эрди, дарго-хингизга қушдек учиб борар эдик. Хуш кўрдик...

Шайх енгил эътироз билдирди:

— Нафаси қарбун<sup>1</sup> ғанимат. Ажал келса, шоҳу гадо баробар эмиш. Қани, мухта-сар кенгаш қилайлик.

Саломхонага кирдилар. Тўрда Шайхул-машойих билан Санжар, чор атрофда уламою вузаро, Марв муфтиси, қозикалон, мухтасиб, ясовулбоши, бош мунший, тур-кистонлик дин пешволари.

Авлиёи кабирнинг бир одатлари борким, ул зот машварат ёки мажлис маҳали кишининг бетига қараб гапирмас эдилар. Бу сафар ҳам олдидаги қалин ипак гиламга тикилиб дангал гап бошлади:

— Ўлат янглиф дардисарни дарранда ҳам, қуш ҳам, ел ҳам, одам ҳам элтиши муқаррардир. Ҳозир айбдорни излаб фурсатни бой бермайлик. Тилсиз ёвнинг чора-сини ўйламоқ лозимдир.

Султон хиёл бош эгди:

— Буюрсинлар, пирим, буйруқлари биз учун дастурамалдир.

— Аввало, юртда табиб зоти борки, барчасин қалъага йиғсинлар. Бухородин, Балхдин, Ҳиротдин. Доруларин олиб етиб келсинлар. Шоҳ жаноблари, фармон беринг, дала-туздин мўдроқ исириқ элтсинлар, токи ҳар хонадонда, ҳар масжиду мадрасада исириқ тутаб турсин. Фақирнинг кўнглида ғалат бир фикр туғилди. То эл бошига келган бу бало даф бўлмагунча жамоа бўлиб намоз ўқимоқни бас қилиб турсак...

Мунший Шайхнинг сўзини ҳазм қилолмай ёзишдан тўхтаб қолди. Бир сониялик сукутдан сўнг шаҳар бош имом хатиби ҳадиксираб оғиз очди:

— Афв этгайлар, Шайхим, аҳли сунна бул амалга рози бўлмас, деб кўрқадирман. Ҳар жумаъ бородирғон масжидни ёпсак, гуноҳга ботармиканмиз, деган хаёл қийнай-дир...

Имом хатибни муфтий қувватлади:

— Орий рост, Ҳазратим, расули акрам жанобларининг йўриқларида ҳам жамоа намозининг савоби кўпроқ дейилиш. Эл-улус ёмон ўйга бормасинда, иншооллоҳ...

Бу икки дин пешвосининг шундоқ фожеа кунлари мутаассибларча фикрлаши Султон ул-орифиннинг ғашини келтирди. У мухтасибга ўтирилди:

— Бозорни нега ёпдингиз?

— Шаҳаншоҳдин фармон бўлди, — деди мухтасиб, хиёл ўрнидан кўзғолиб, — токи одамлар бир-бири бирла алоқа қилмасин, бир-бирига ўлат юқтирмасин...

— Боракалло! — деди Шайх, — демак, бозорда халойиқ тўпланса, ўлат юқади, масжидда юқмайди, шундоқми?

Шайх сўзидаги мантиқ ва шоҳ фармонини эшитиб, муфтий билан мухтасиб бир қадар талвасага тушдилар. Ҳазрат давом этди:

— Муфтий жаноблари, сиз ҳадиси шарифни хўб ўқибсизу маънисини уқмабсиз. Сарвари коинот неки васият қилдилар, сизу бизни, инсон зотини ўйладилар, дунёга келажак зуриётимиз ғамин едилар. «Вабодин қочингиз!» деб марҳамат айлаган Ҳақ Мустафо бошингизга ялпи ўлим келганда жамоа намозидан қолмангиз, дейишларига ишонгим келмайди, Валлоҳи аълам!

Шайхул-машойих «Шоҳимизнинг андишалари нечук?» дегандек Султон Санжарга ўтирилди. Санжар анчадан бери бир қарорга келиб, хаёлан пири комилни қувватлаб ўтирган эди. Азим мамлакатнинг буюк султони хос кескин сўзини айтди.

— Пири комилнинг муборак нафасларини шоҳ фармонида дебоча деб қабул этгаймиз. Мунший, ёзинг! Салтанатимиздаги жами ҳозиқ табиблар тез фурсатда Марвга етиб келсинлар. Вазири акбар, бизнинг номимиздан фармони олий тайёрланг, кимнинг илкида адрасман бўлса, бу ён элтсин. Муфтий жаноблари, сиз фатво берингки, то ўлат даф бўлмагунча жамоа намози бекор қилинсин. Ясовулбоши, қулофингизга қуйиб олинг, табиб зоти бирла майитнинг хешларидан бўлак тирик жон қалъага ёвуқ йўламасин. Вассалом, сизларга ижозат.

Аввал аркони дин, кейин аркони давлат бирин-сирин саломхонани тарк этдилар. Султон Санжар муштоқи дийдор эди. Неча кундирки, пири муршид суҳбатларига ноил бўлолмади. Дилда армон қатланиб ётибди. Шукрким, Ҳазрат ўз оёқлари билан кириб келдилар. Санжар пири комил ила танҳо суҳбат қурмоқни жуда истар, лекин бу ниятини устозга айтолмай, истиҳола қилиб ўтирарди. Ўзгалар кўнглида зуҳур этадиган яхша-ёмон аъмолни кўнгли кўзи орқали дарҳол илғайдиган Султон ул-орифин бош буриб, ҳамроҳларига ижозат берди:

— Шоҳ жанобларининг бизга айтар сўзлари борга ўхшайди. Хонақоҳда бўлсинлар, иншооллоҳ, асргача етиб боргаймиз.

Саломхона бўшади.

<sup>1</sup> Нафаси қарбун — одамнинг нафас олиб, нафас чиқариб туриши. Бу ерда вақт ғанимат маъносидда.

Дастурхон ёзилди. Анор суви, олма шарбати, Балх шинниси, буғдой нон қўйилди. шайх нондан бармоқдек узиб еди, шиннидан тотинди. Сўнг нонни қўлига олди, унга узоқ тикилди, ҳидлади ва оҳиста деди:

— Илоҳа, ҳеч кимни мана шундан айирмасин. Ҳар кишининг нони бутун бўлсин. Нони ҳалол бўлсин. Ҳали бир замонлар келади, одамлар бир бурда нонга иймонларини сотадилар. Ота-бола, оға-ини ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилади. Жон дўстингиз саломни учун сиздан ақча сўрайди. Қизи онасига қарз беради, қарзини қистайди. Ул замон қиёмат кунидан дарак бергувчи кун бўлса, ажаб эмас.

Пири комил нонни дастурхонга қўйди. Санжарнинг жовдираб турган ўйчан кўзларига қараб давом этди:

— Шаҳаншоҳ, бўркимизни ерга олиб қўйиб бир мушоҳада қилайлик. Қаранг, халқнинг туф деган туфугида ҳам ҳикмат бор. Буғдой нонинг бўлмаса буғдой сўзинг бўлсин, дейдилар. Сийлагани пулинг бўлмаса, сийпагани тилинг йўқми, э дўст? Сизда ақча ҳам, буғдой нон ҳам бисёр. Эл-улусдин буғдой сўзингизни дариг тутманг, Султон. Буғдой нонингизни аяманг. Билингки, одамларнинг қорни тўқ бўлса, амри маъруф ҳам қулоқларига яхшироқ ўрнашади.

Ҳазрат олма шарбатидан бир хўплади. Қўлрўмоли билан бежирим соқол муртини артди.

— Сизга айтар мухтасар сўзимиз бор, Султон. Буни хоҳ насиҳат деб билинг, хоҳ васият. Жоҳилият деб аталмиш узун бир даврда одамлар тил-забонли ҳайвондек яшади. Тириклайин кўмилди, зино айб саналмади, ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмадилар. Оллоҳга шукр, дини ислом нозил бўлди. Энди Қуръони мажид бор, ҳадиси шариф бор. Вале менинг хавотирим ҳам бор.

Султон таажжуб ила сўради:

— Недин хавотирлари бор, пирим?

— Оят ўқиб, тафсири уқмаган аҳли каломдин. Салласидин отни қўйинг, ароба хуркадиган кўр қорилардин. Авомни Оллоҳ сўзи бирла кўрқитиб, луқма ейдирган уламолардин, ҳадисни калтак қилиб раиятнинг жонига озор берувчи муҳаддислардин хавотирим бор. Оллоҳ таоло ва таборак исломни азоб учун эмас, роҳат учун яратмиш. Дин деб ҳалойиқ жафо тортмасин, билъакс кўнгли сув ичсин, умри зиёда бўлсин. Боқинг, Султон. Тарёк заҳри қотил, арақ дурдаси кўфрони неъмат. Вале ёмон дардага чалинган кишининг дору ўрнида истеъмол этиши гуноҳи азим эрмас. Жоҳил уламо зоти борки, бул ҳақиқатни эшитса, соқолин юлиб галаён кўтаргай. Уларга авомнинг саломатлигидин дастор обрўсини асраб қолмоқ авлороқдир. Бир ажиб замонлар келади ҳали, Султон, мутаассиб муллоларнинг фатвоси билан исломиятта бидъату хурофот унсурлари кўчиб ўтажак. Алал-оқибат мунаввар дини исломга маломату захмат етажак. Бу янглиғ андешалар тунлар уйқунгизни қочирмайдиму, шайх жаноблари?

Султон Санжар пири комилнинг сўзларига таслим бўлиб, тамом ўзини унутган, хаёл уммонида ғарқ эди.

Ҳазрат бир неча сониялик сукутдин кейин ўзига-ўзи деди:

— Менинг уйқум қочадир...

...Ўшал кунни Санжарнинг уйқуси ўчди. Алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Тушида бир тўда уламо масжид устунларини от қилиб миниб юрганмиш... Қозикалон салласини тўлдириб, қора қўйнинг калласини кўтариб кетаётганмиш... Мухтасибнинг қўлида таёқ, ҳайқириб одамларни қувармиш. Калтаги неғадир алифга ўшар эмиш...

Санжар уйғониб такбир айтди. Вазири акбарни чақириб исқот<sup>1</sup> тарқатишни буюрди.

Уч кун ўтиб шаҳарда жаноза намози кўпайиб кетди. Кўчаларда ўқтин-ўқтин тобутлар кўринади: анбар ёпилгани — аёлларники, жойнамозга ўралган норасидалар, ёстиққа кўндаланг ётқизилган гўдаклар...

Салтанатнинг турли бурчакларидан етиб келган табиблар уйма-уй юриб муолажа қиладилар.

Мезаналарда муаззинлар даъвати тинган, ҳарким ўз ёғига ўзи қовурилади, бошларига келган дарду бало билан олишади.

Қалъа дарвозаларидан гурас-гурас туя карвонлари киради. Барчасига исирик юкланган. Шаҳар кўчаларида, хонадонларда, карвонсаройлару мусофирхоналарда бетиним исирик тутайди. Марви жаҳон гўё ҳасрат ўтида тутаб ёнаётгандек эди.

Худонинг берган кунни бир хонадонда йиғи товуши эшитилади. «Вой болам! Вой онажоним! Вой отажоним!» деган нолаю афвондан юраклар пора-пора бўлади.

Кун ўтиб борар, кун ўтган сари шаҳар аҳли сийраклашиб, қабрлар кўпайиб борарди.

Шайхул-машойиҳ ҳужрасидан бир қадам чиқмай муқим ўтирибди. Салот ҳам, саловот ҳам шу ерда. У Қутбиддин билан қошиқ йўнади, маъсура дуолардан ўқийди, ногаҳон эл устига ёғилган фалокатни ўзинг аритгин, дея Оллоҳдан шафоат тилайди.

<sup>1</sup> Исқот — бало-қазони даф этиш учун бериладиган хайр-эҳсон.

Бир куни Сулаймон кирди. У калласини солиб анча ўтирди-ю, ух тортиб, оғиз очди:

— Сафимиздан хато бўлди, пириим.

Шайх ёғочдан бош кўтарди:

— Кимлар экан, билдингизми?

— Ҳовва. Бириси Исфижобдин, иккинчиси Самарқанддин, боз иккиси Соброндин экан.

Шайх юзига фотиҳа тортди.

— Аларнинг ҳажжи бадалини мўйинингизга олинг, — деди кейин, — сабр қилайлик, Сулаймон. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Қозиюл ҳожотдин албатта бир нажот еткусидир.

Ўша куни етти хуфтонгача Ҳазратнинг кўзи илинмади. У асмой ҳуснани<sup>1</sup> қирқ маротаба такрорлаб Яратганга муножот қилди: «Биру борим, бадаларингни дардини йиғиб менга бер. Она сутига тўймаган гўдакларга раҳм қил. Чимилдиқ роҳатини кўрмаган ёшларга шафқат қил. Неки азобинг бўлса, Аҳмад қулингга бер, мен охират яроғини ҳозирлаб қўйибмен. Раббано, бир исминг Раҳмон, бир исминг Қаҳҳор, раҳм қил, раҳм қил, раҳм қил...»

Субҳи содиқда болишга омонат бош қўйди. Кўзи илиниб-илинмаган экан, ғойибдан сас келди: «Аё Аҳмад! Оёққа тур! Сени чилтанлар<sup>2</sup> сўраб турибди...»

Кўзини очди. Шифтда патнисдек зангори нур ўйнарди. Шайх «Бисмиллоҳ!» деб ўрнидан турди. Таҳорат олди. Такбир айтиб кийинди. Шифтдаги нур девор бўйлаб сирғалиб остонага етган, гўё валийнинг йўлини пойлаб тургандек эди.

Султон ул-орифин шаҳд ила ташқарига чиқди. Кун совуқ, ҳаво қоронғу, осмонда сезилар-сезимас юдузлар милтирайди. Шайх қай тарафга юришни билмай иккиланиб турди. Чилтанлар одатда бирон хароба иморатда, қабристон мужовирхонасида ёхуд чиллахоналарда йиғилиб, фано билан бақо олами хусусида суҳбат қурадилар. «Қай манзилда экан бизни чорлаган биродарлар?»

Шу асно изидан нур етиб келди. У авлиёнинг олдига ўтди, зимистон йўлақда кумуш гиламчадек иригилаб қалъа дарвозаси томон йўл бошлади.

Дарвозабон бевақт эшик уриб турган йўловчини ҳушламай қаршилади.

— Хобимизни ҳаром қилдингиз, биродар, — деди ҳомуза тортиб, — не тилагингиз бор?

— Эшикни очинг! — деди Шайх амирона оҳангда. Дарвозабон кўзларини ишқаб мингиллади:

— То бомдодгача мухтасибга ҳам очмасман. Кутвол бўйнимни узадир.

— Очинг! Эмаса ўзимиз очиб чиққаймиз.

Жун чакмон кийиб, одми кўк салла ўраган кичкина жуссали қариянинг пўписаси дарвозабонга бир қадар таъсир қилди. Бирдан у «А-а! Астаъфурулло!» деб юборди. Негаки, Шайхнинг йўлини ёритиб келган нур энди ердан дарвоза ҳалқасига сакраб, Ҳазратнинг оёқларига ўралашиб, тагин дарвозага ишора қиларди. Эшик оғасининг қўли қалтиради, талваса ичида қулфга калит сола бошлади. Қулф очилар-очилмас, эшик гичирлади ва дарвоза ланг очилди. Шайх ўйноқи нур етовиди шитоб билан эшиқдан чиқиб келди. Дарвозабон, қўли ёқасида, оғзини очганча қолаверди.

Шайхул-машойих муқаддас нурга эргашиб работга чиқиб борди. Шаҳарнинг кунботар тарафида ястанган кўҳна бир мазористон эшигига бориб тўхтади. Тонг бўзариб қолган эди. Сорбон-нур ғойиб бўлди. Шайх беихтиёр олға қадам босди. Қабристон ичкарасида тақяхона кўзга ташланди. Ҳазрат ўша томонга юрди.

Тақяхона эшиги тақа-тақ берк эди. Шайх уч қарра қопқани урди. Ичкаридан «Ким?» деган миннатли овоз келди. Шайхнинг хаёлида ривоят жонланди. Дерларки, Расулиллоҳ суфа суҳбатин орзу қилиб, чилтанлар ҳалқасига йўл олдилар. «Мен расулиллоҳман», деди, эшик очилмади, пайғамбармиз, деди — қопқа очилмади. Сўнг «Саййиди-ул қавм, ходим-ул фуқаромон» дедилар. Ҳақ Мустафони суфа суҳбатига қабул қилдилар.

Султон ул-орифин тўртинчи бора қопқани уриб, «Биз шайхул қавм, ҳақирлар ходими, фақирлар чоқари қул Хожа Аҳмаддирмиз» деди. Эшикнинг икки табақаси баробар очилди. Шайх тикка бориб даврага қўшилади. Тўр тарафдан товуш келди:

— Бир кам эдик, қирқта бўлдик.

Шайх товуш эгасини таниди. У пири муршид, устоди соний Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари эди. Эранларнинг қолганлари ҳам Шайх Аҳмад Яссавийга синовчан тикилиб турар, улар Султон ул-орифиннинг салафлари Абдулқодир Гилоний, Боязид Бастомий, Ҳасан Басрий, Абубакр Шиблий, Мансур Ҳаллож, Ҳақим Термизийлар эди. Даврада чурқ этган товуш эшитилмас, чилтанлар робитаи қалбия орқали суҳбат

<sup>1</sup> Асмой ҳусна — Олоҳнинг гўзал исмлари.

<sup>2</sup> Чилтанлар — Олоҳ сайлаган валийлар жамоаси. Уларни эранлар, рижолул ғайб ҳам дейдилар. Чилтанлар насли башарга маънан раҳнамолик қиладилар.

қурардилар. Қирқ қавм—чилтанларнинг бошлари ҳам, гўё улар ўз хаёллари ила банд, вале бир-бирининг кўнглидан кечаётган тафаккурни бақамти англаб, фаҳмлаб, ички нигоҳ туфайли сезиб турардилар.

Анжуман оёқлади. Ғавсул-аъзам мартабасидаги Абдулқодир Гилоний бир оғиз сўз айтиб, фотиҳа қилди:

— Шайх Аҳмад Яссавийнинг мушкулига Оллоҳ таоло ва таборақдин шафоату мағфират тилайдирмиз. Ё Раббил оламин, ўзинг жаббор, ўзинг саттор! Биродаримизнинг мушкулин кушод айла.

Чиллахона расмига кўра энг охир кирган эран биринчи бўлиб такяхонани тарк этиши керак эди. Шайхул-машойих шаҳд билан ўрнидан туриб ташқарига йўл олди.

Бомдоддан бери пири муршидни йўқотиб қўйиб юрак ҳовучлаб юрган халифаю хос ходимлар сулук сардорини соғ-саломат кўриб жонларини чақириб олгандек бўлдилар. Ҳазрат шитоб билан юриб тўғри хужрасига кирди, шошмай ечинди, сала-тўнини Қутбиддиннинг қўлига топшириб ўрнига бориб ўтирди. Мансурхўжа, Сулаймон, Бобо Мочин, Қутбиддин — тўртовлон пир оғзига тикилдилар. Шайхул-машойихдан қайда бўлганлигини сўраш тариқат одобига зид эди. Қай манзилдан келганини айтмоқ эса, валиоллоҳга вожиб эмас, бу ҳам чилтанлар аҳкомига хилоф. Шунинг учун Султон ул-орифин халифаларининг саволомуз нигоҳларини жавобсиз қолдирди.

— Жой ҳозирланг, ўғлим, — деди Қутбиддинга, — бир муддат ором олгимиз келди.

Муридлар оёқ учида чиқиб кетдилар. Шайх тўнини бошига буркаб юпка кўрпа-чага чўзилди. Кўзларини юмди. Бир соат, эҳтимол, икки соат вақт ўтди. Уйку келмади. Хаёли қочди. Чилтанлар суҳбатини ёдлайди, эл-юртни юҳодек ямлаб бораётган ўлатни, эҳром кийишни орзу қилиб дард чекиб ётган муридларини ўйлайди... Эзгин хаёллардан толиқди. Оллоҳга қайта-қайта муножот айтиб ёнбошига ўтирилди. Шу пайт рўпараси чарақлаб кетгандек бўлди. Кўзларини очди. Эшиқда бошдан-оёқ оқ либослик, оппоқ соқоллик басавлат мўйсафид турарди. Шайх ўрнидан туриб ўтиришга улгурмади. Мўйсафид икки оғиз гап айтди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

— Бошинга мушкул савдо тушибдир, аё Аҳмад! Сен қалъани тарк этиб биёбонга чиқ! Ўлатнинг подшоси этагинга илашгай. Қум ичида қуриган якка гужум бор. Тўнингни ечиб ўшал гужумга ёп, кейин Яратганнинг қароматини кўргайсан...

Шайх биддики, бу Ҳазрати Хизр алайҳиссалом. Неча замоңдирки, Хизр бобоси йўқламаган эди, чорасиз, нотавон кунларида боз имдодга келибдир. Шукриллоҳ, шукриллоҳ...

Шайх сафоил-қўнғироқни чалди. Сулаймон пир истироҳатини қўриқлаб даҳлизда ўтириб эди, шошиб кирди.

— Қоғоз келтиринг, — деди Шайх, — шаҳаншоҳга нома битгаймиз.

Сулаймон хома, қоғоз олди, чўк тушиб тиззасига қўйди. Шайх Султон Санжарга тўрт калима мактуб ёздирди.

— Мухримизни босинг, Бобоқулга айтинг, шоҳга элтиб берсин.

Сулаймон бир қўлидаги мактубга, бир Ҳазратнинг севинч зуҳур этиб турган кўзларига боқиб тилга кирди:

— Пирим, куңдуз не ера бордилар, деб сўрамоққа ҳаддимиз сифмайдир. Камина, Сулаймон, қулнинг бўламан, — деди «қул»га урғу бериб, — вале... бул мактубнинг маънисига етолмай ақлим лол...

Пирнинг чехраси тобора ёришиб борарди. У муртидан кулди:

— Бу ишорати ғайб. Номанинг маънисин эртан биёбонда кўзингиз билан кўргайсиз, Сулаймон қулимиз.

...Пири муршиднинг мухтасар мактубини ўқиб, Султон Санжар ҳушини йўқотиб қўйди деди. Ҳазрат яқин маҳрамлари билан бир неча кун шаҳар ташқарисига кўчиб чиқиб, биёбонда истиқомат қиломоқни ихтиёр этибдилар! Қишнинг чирсиллаган чилласида-я? Вабо деган бедаво касофат юзлаб кишиларнинг ёстигини қуритаётган дамда-я? Султон нечук рози бўлади бу хоҳишга? Бироқ пири комилнинг азму қарорига монелик қилишга ҳам журъати йўқ.

Султон икки ўт орасида қолди. Охири Шайх ҳузурига отланишга жазм қилди. Зора пири муршид ҳукмдор илтижоларига қулоқ солса, зора бало-қазо даф бўлгунча қалъада муқим қолсалар...

Эвоҳ! Султон Санжардек шоҳи жаҳоннинг ҳукми бир қатла вожиб бўлса, Хожа Аҳмад Яссавийдек авлиёлар сарварининг азми ўн қатла вожиб эрди!

Эртаси куни сипоҳилар Марвдан ўн чақиримча келадиган чўлда иссиқ ўтовлар, чодирлар тиклашга киришдилар. Султон Санжар пири комилни кимсасиз тақир чўлда танҳо қолдиришни истамади ва Ҳазрат ўтовига ёнма-ён қилиб ўзига ҳам қора уй ўрнаттирди. Бу чоршанба кунги воқеа эди. Пайшанба бомдоддан сўнг Шайхул-машойих маҳрамлари билан биёбон сари отланди. Султон Санжар оқ бедовда, Султон ул-орифин йўрға отида. Икки султон ёнма-ён кетмоқдалар. Иккаласи ўз хаёли ила банд. «Не кор-қол юз берди, пирим? — ўйланади Санжар. — Қишнинг қаҳрли



чилласида иссиқ ўрнингизни тарк этмакка не мажбур этди?» Бу янглиф дилўртар сўроқлар ҳукмдорнинг оромини олган, валекин сўрагани муридлик андешаси йўл бермайди.

Уч-тўрт фарсах юрганларидан кейин сийраккина саксовулар, юлғунлар учради. Ғойибдан от бошини ўнгга бур, деган нидо келди. Ҳазрат ўнг томонга қараб юрди. Яна анча йўл босдилар. Бир замон олисда тарвақайлаган дарахт кўринди. Хизр бобо башорат қилган гужум шу эди.

Шайх Бобо Мочин кўмагида отдан тушди. Санжар ҳам оёқланди. У пири комил не қилар экан, дегандек устодга ҳайрат кўзини тикиб турибди. Султон ул-орифин қовжироқ дарахтга қараб юрди. Гужум олдига бориб тўхтади. Ичида пичирлаб дуо ўқиди. Сўнг шошмай тўннини еча бошлади. Тўнни ечиб тўрт буклади ва бир-бир босиб гужум олдига бордию... уни дарахтга қараб отди. Йигирма чоқли одам олазарақ, талваса, ҳайрат ичра бақрайиб қараб турибди. Шу пайт мўъжиза рўй берди. Гужум аввалига оғир гичирлади Ғўё сирли бир кучдан чайқалгандек бўлди. Тўсатдан тўннинг этагига ўт кетди. Кейин у... ловиллаб ёна бошлади. Одамларнинг кўллари ёқасига югурди, кимдир «Ё қудратингдан!» деб калима келтирди. Бобо Мочин неча бор пирдан танбеҳ эшитганига қарамай беихтиёр сайҳа тортиб юборди.

Шайхул-машойих дунёни унутган, у ичида такбир айтиб, тобора аланга олиб ауди осмонга ўрлаётган гужумга термулганча жим турарди.

Қовжироқ дарахт тамом ёниб адо бўлгач, Шайх чап ёнида лолу карахт бир алпозда қотган Санжарга ўтирилди:

— Вассалом... Марвингиздан бало даф бўлди, иншооллоҳ...

Дарҳақиқат, ўша кундан бошлаб юзлаб одамларнинг ёстигини қуриган вабо тўсатдан узлатга чекинди.

Икки кундан кейин Шайхул-машойих субҳи содиқда сергак тортиб уйғонди. Тепасида Ҳизр бобоси турарди.

— Аё Аҳмад! Биродарим Жаброил мужда келтирди. Мискинларни балодин қутқориб ҳаж савобини олдинг. Байъатинг қабул бўлди. Энди Туркистонга қайт. Туркистонда сени Оллоҳнинг савоби кутади...

Султон Санжар Ҳазратнинг Туркистонга қайтишга аҳд қилганини эшитиб ажабланмади. Унинг кўз олдидан ҳамон ловиллаб ёнаётган гужум кетмасди.

— Начора, пирим, — деди Санжар, — барчамиз Оллоҳнинг ҳукмига бўйсунадирмиз.

— Боракалло! — бош ирғади Шайх.

Ҳазрат қирқ чоғли муриддини ажратиб олди. Қолган зиёратчилар Мансурхўжа раҳнамолигида ҳаж сафарини давом эттирадиган бўдилар.

Орадан тўрт кун ўтди. Султон Санжарнинг яхши қурооланган хос кўриқчилари қуршовида Шайх карвони Туркистон томон йўлга чиқди. Ҳазрат туя устига ўрнатилган чодирли тахтиравонда оҳиста чайқалиб борар экан, кўнғил қуши Сайхун бўйларига учди. Ярим йиллик ҳижрон соғинчи дилини ўйнатди. Дунёдаги энг яқин йўл — ватан сари тушган йўлдир, дейдилар. Шайх ватанга талпинарди. Ширин сувини ичиб, буғдой нонини еб катта бўлган ватанга ошиқарди. Лекин у ота маконнинг сарин шамоллари, аҳли аёлининг иссиқ дийдори, содиқ муридларининг интиқ кўзлари билан бирга тухмату маломат, сирру синоат ва... айрилиқ азоби кутиб турганини билмасди.

## Тафаккур хазинасидан

Самимият ҳам худди ҳусн ва ақлга ўхшаш эҳсондир.


**В. Качалов**

Ташқи гўзаллик шабнам каби ўткинчи.

**Г. Шваб**

Яхши, дилкаш инсонни унинг кўзларидан ҳам билиш мумкин.

**Марк Аврелий**



Эркин Самандар

АРАБМУҲАММАД  
БАҲОДИРХОН

ЎТМИШГА САЁХАТ

Икки қисмдан иборат тарихий фожеа

Қатнашувчилар:

**АРАБМУҲАММАД БАҲОДИРХОН** — Хива хони, 50 ёшларда,  
**АБУЛҒОЗИ СУЛТОН**  
**ИСФАНДИЁР СУЛТОН** } — Унинг ўғиллари, 18–25 ёшларда.  
**ҲАБАШ СУЛТОН**  
**ЭЛБАРС СУЛТОН**  
**ҚУРБОН ҲОЖИ** — Оталиқ (вазир).  
**ШАМСИДДИН ҲОЖА** — Пири аъзам.  
**МАЛИКА ГУЛСИМБОНУ** — 35 ёшларда.  
**ГАВҲАР ХОНИМ** — Исфандиёр Султоннинг аёли, 20 ёшларда.  
**ТОЖИДДИН** — Хон мулозими.  
**КАНИЗАК**  
**ШАЙХ**  
**МУДАРРИС**  
**МУТАВАЛЛИ**  
**САРДОР**

Исфандиёр Султоннинг норасида икки ўғли, аёнлар, дин пешволари, пош-шоблар, навкарлар, оналар, дехқонлар, хизматкорлар. Воқеа 1623 йилда Хоразмда кечади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қорақум этагидаги сайхонлик. Хон чодир, Шаҳзодалар, малика ва бошқаларнинг ўтовлари. Навкарлар, соқчилар. Саваш олди.

ФИҒОН:

ГУРУҲ

Ўзимдан чиққан балога  
Қайга бораё давога?!

ЯККА ОВОЗ

Йўлбарс эдим ўкирик,  
Дарё эдим югурик.

Фалаклар терс айланди,  
Юрар йўллар бойланди.

ГУРУҲ

Ўзимдан чиққан балога

Қайга борай давога?!

**Арабмухаммадхон билан Гулсимбону киради. Улар ичкарида бошлаган мунозараларини давом эттиришади.**

#### ГУЛСИМБОНУ

Ҳали ҳам кеч эмас. Уруш олови  
Ҳали ёнгани йўқ. Муроса қилиб,  
Найман уруғининг шартин бажаринг.  
Ўлган сардорларнинг номларин оқлаб,  
Тайинланг ўрнига ўғилларини.  
Менинг ўғилларим Ҳабаш ва Элбарс  
Лойиқдур энг олий мартабаларга.  
Унутманг, сизнинг-да ўғлингиз улар.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Тўғри, улар менинг ўғилларимдур,  
Пушти камаримдан яралгандурлар.  
Аммо, аёндурки, улар менга ёв,  
Фақат менга эмас, мен қурган маъво,  
Салтанат, давлатга отмоқдалар тош.

#### ГУЛСИМБОНУ

Найманнинг тарафин олурлар улар.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Найманни не учун жазоладим мен,  
Нечун қатл айладим сардорларини.  
Сен буни билурсен, яхши билурсен.

#### ГУЛСИМБОНУ

Ўринли эмасдур шубҳаларингиз,  
Даъвоси йўқ эрур найманнинг тахтга.  
Бироз иззатталаб эди сардорлар,  
Гурурнинг қурбони бўлдилар бари.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Сен ўз уруғингнинг ёнин олурсен,  
Ёнин олиб келдинг уларнинг доим.  
Энди бу ўйинни бас айла.

Айтгил,

Орқага қайтсинлар Ҳабаш ва Элбарс,  
Бекор тўкилмасин одамлар қони.  
Бор, ана, от-улов тайёр.

#### ГУЛСИМБОНУ

Йўқ, бўлмас,

Токим бажарилмас экан шартлари,  
Қўлдан қўймагайлар қиличларини.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Сен билан бош қўйиб битта ёстикқа,  
Дунёга келтириб икки ўғилни  
Саодат топдим деб ўйлаган эдим,  
Қўйнимда ўстирган эканман илон.  
Қаҳру ғазабимга учрамай десанг,  
Кўзимдан нари бўл, кет!

(Ж у н б у ш г а к е л и б)

Кет дедим!

#### ГУЛСИМБОНУ

Демакки, уруш! Ў, қандайин даҳшат,  
Отани маҳв этур ўз ўғиллари?!  
Ишонурсиз бошқа ўғилларингиз —  
Исфандиёр ила Абулғозига.  
Бирин Хазораспга ҳоким этдингиз,  
Бири Кот ҳокими. Иккалови ҳам  
Шундоқ ёнингизда, қанотингизда.  
Аммо менинг икки ўғлимни эса  
Қўйдингиз Урганчда, кўздан йироқда.

## АРАБМУХАММАДХОН

Кўхна қалъамизга ҳокимдур улар,  
Камми бу мартаба, камми ҳокимлик?

(С у к у т)

Энди Найман шартин қўйиб ўртага  
Устимга бостириб келаётирлар.  
Сен бўлсанг...

(Қ ў л с и л т а б)

Уларга ён босиб бунда  
Қоним қайнатишдин лаззат топасен.

ГУЛСИМБОНУ

Мен сизни офатдан огоҳ айладим,  
Майли, не қилсангиз қилинг.  
Сиз... хонсиз...

**Кетади. Ҳарб кийимида Исфандиёр ва Абулғози султонлар киришади.**

ИСФАНДИЁР

Падари бузруквор! Фармони олий  
Жобажо этилди. Бори черигим  
Шай бўлиб амрингиз кутмоқда бунда.

АРАБМУХАММАДХОН

Боракалло, ўғлим. Черик шайлиги  
Паймон шайлигидур ва жон шайлиги.  
Ўғлим Абулғози, сенинг черигинг  
Нечун кўринмайдур, не ҳол юз бермиш?

АБУЛҒОЗИ

Черигим қолдирдим Аму бўйида,  
Аввал айтай дедим Сизга бир ўйим.

АРАБМУХАММАДХОН

Не ўйинг бўлса айт.

АБУЛҒОЗИ

Черигимни мен  
Бунда келтиргунча кетгувчи вақтни  
Олға юрмоқликка сарф айламоқ ва  
Фурсатни бой бермай манзилга етмоқ,  
Ўқдай отилмоққа изн сўрайман.

АРАБМУХАММАДХОН

Якка чопмоқликдин мақсадинг недур?

АБУЛҒОЗИ

Сизга итоатгўй халқ кўп ўбада,  
Амрингиз уларга аён айласам,  
Бори туғ остида бўлур жамулжам.  
Буёқдан то етиб боргунча сизлар  
Халойиқ савашга шай бўлиб тургай.  
Баримиз бир бўлиб кирсак савашга  
Ҳабашлар қочгайлар битта ўқ отмай.  
Сўнг менга ижозат бўлса магарам  
Қувиб етгайман-да нонкўрларни бот  
Бошларин танидан этурман жудо.

АРАБМУХАММАДХОН

Буни ким ўргатди?

АБУЛҒОЗИ

Ўз сўзим эрур.

АРАБМУХАММАДХОН

Бир айтдинг бул сўзни, бошқа демагил,  
Ини, ахир, сенга Ҳабаш ва Элбарс.  
Менга ўғул эрур не қилса улар,  
Ота ўз ўғлини қатл айларми?

## АБУЛҒОЗИ

Ўлдирса майлими отани ўғул?

## ИСФАНДИЁР

Бизни ҳам тайёрлар дорга осмоққа.

## АБУЛҒОЗИ

Отланай йўлга мен, изн айланг, ота!

## АРАБМУҲАММАДХОН

Билурсиз, савашдан қайтмаганман ҳеч,  
Отим тап тортмаган ёғийдан сира.

(С у к у т. А б у л ғ о з и г а)

Сен онанг қорнида ҳомила эдинг,  
Мана-мана сени кутардик ҳамма.  
Айни ёз, юрт обод, эл доруломон,  
Тўйга ҳозирланиб турарди Хива.  
Дафъатан Урганчга ёприлди ёғий,  
Хивадан то Урганч етиб боргунча  
Ўрус казаклари талаб қалъани,  
Қизлар номусига этмиш тажовуз.  
Бир қувват бахш этди Худойим менга,  
Темирни кесгудай қиличим дами,  
Ер тишлар эди ёв беролмайин дош.  
Тирик қолганлари қочғач саҳрога,  
Қувиб қатл айладим битта қолдирмай.  
Сен зафар онидан келдинг дунёга,  
Шундан Абулғози қўйдим исмингни.

(С у к у т)

Ҳозир ҳам қўл чўзса қай ёғий элга,  
Аҳволи шу бўлур, бунга шубҳа йўқ.  
Аммо ёғий эмас Ҳабашу Элбарс.

## ИСФАНДИЁР

Тушуниб турибман. Оғир, қўп оғир,  
Аммо савашмоқдин ўзга чор йўқ.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Орқага қайтиш...  
Йўқ, мумкин эмас,  
Бостириб олдинга юрмоқ ҳам мушкул.  
Яхшиси, шу ерда турайлик пича,  
Шу ерда жам этмоқ лозим кучларни.  
Абулғози ўғлим, дарё сори бор,  
Олиб келгин бунда черигинг буткул.  
Шамсиддин хожа ҳам қайтар ул ёқдин...  
Эҳтимол яхши бир хабар келтирар.

## АБУЛҒОЗИ

Бунга ишонмасмен, яраш ниятин  
Қабул айламаслар ҳабашлар асло.

## ИСФАНДИЁР

Бекор борди асли Шамсиддин хожа,  
Яраш таклиф этмоқ ўзи ғалати.  
Буни кўрқоқликка йўярлар, албат.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Ўлимдан кўрқмоқлик менга бегона,  
Буни билурсанлар, улар ҳам билур.  
Аммо бир кўрқув бор менинг кўнглимда,  
Ўз болам бошини кесмоқ кўрқуви.  
Ака ўз инисин, ини оғасин  
Қатл айлаганини кўрмоқ кўрқуви.  
Буни кўрмоқликдин яхшироқ эрур  
Қора кўзларимнинг оқиб тушгани.

(С у к у т)

Энди сизлар боринг.

ИСФАНДИЁР

Ўғилларимни  
Олиб чиқай девди келинингиз.

АРАБМУҲАММАДХОН

Ҳа,  
Олиб чиқсин бунда ахтиқларимни<sup>1</sup>.  
Яхшиям уларни кўрмоқ бахти бор.

**Шаҳзодалар чиқади. Икки ўғилчасини етаклаб Гавҳар хоним киради. Болалар эркаланиб буваларининг бўйинларига осилади, тиззаларига миниб ўлтиришади. Арабмуҳаммадхонда маъюслиқдан асар ҳам қолмайди.**

АРАБМУҲАММАДХОН

Менинг тойчоқларим, эркатойларим,  
Кўрар кўзларимнинг оқу қораси.  
Полвон бўлибсан-ку сен, а?!

НУРМУҲАММАД

(У к а с и н и к ў р с а т и б)

Мен бун

Курашда йиқаман.

АРАБМУҲАММАДХОН

Сен-чи, полвонча,  
Кучинг етмайдими аканга ҳечам?

ШЕРМУҲАММАД

Мен кураш тушмийман. Мен шеър ёзаман.

АРАБМУҲАММАДХОН

Қани, айт, қулоғим буткул сендадур.  
(Бола гапини йўқотиб, шошиб қолади.)

ГАВҲАР ХОНИМ

Анавини айт-чи, бодом-бодомни.

ШЕРМУҲАММАД

Оқ гулли бодом-бодом,  
Шокила бодом-бодом.  
Қуз момо ҳовуч-ҳовуч  
Обкелди бодом-бодом.

АРАБМУҲАММАДХОН

Боракалло, бун

НУРМУҲАММАД

Билмийди, билмийди. Ойим ёзганлар.

АРАБМУҲАММАДХОН

Ойиси ёзганин айтса ҳам зўр-да.  
Қани, айт-чи сен ҳам.

НУРМУҲАММАД

Шеър билмийман.

Кураш тушаман мен.

(У к а с и г а)

Қани, кел бунда.

ГАВҲАР ХОНИМ

Бўлди, бўлди, тойчоқ. Боринглар энди.

(Болалар эркаланиб буваларининг бўйинларига осилади, тиззаларига миниб ўлтиришади.)

АРАБМУҲАММАДХОН

Болалик яхшидур, борликни улар  
Топ-тоза кўрарлар. Осмон тинигу

<sup>1</sup> Ахтиқ — невара.

Ер чангу ғубордин бегона гўё.  
Оламини бундайин нурафшон кўрмоқ  
Ў, қандай саодат, бекиёс иқбол.  
Афсуслар бўлғайким, бундай ёруғлик  
Кўз очиб-юмгунча бўлар зим-гойиб.  
Бирпасда болалик ўтарда-кетар.  
Кейин инсон кўзи кўради бир-бир  
Олам ва одамнинг ноқисликларин.  
Шундан тоза кўнглин ғуборлар қоплаб,  
Ўзи ҳам ноқислик лойига ботар.

#### ГАВҲАР ХОНИМ

Одам ноқис бўлса айбдорми ҳаёт?

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Сен зукко жувонсан. Отанг улуг шайх,  
Онанинг назмгўйдир. Уларнинг қони  
Оқар, ахир, сенинг томирларингда.  
Сен ила гаплашмоқ ўзи бир неъмат.  
Саволинг ўринли. Одам қусрига  
Ҳаёт айбдор деса кўринур ғалат.  
Аммо шу аёнки, инсон камоли  
Ҳаёт камолидин олур озуқа.  
Лекин ким ҳаётни баркамол этур?  
Равшанки, инсонлар, яхши инсонлар.  
Афсуски, ёмонлар урчимоқда кўп.

#### ГАВҲАР ХОНИМ

Бу яхши оналар камлигидандур,  
Ёмонлик киради одам қонига  
Она сути билан дегансиз бир вақт.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Назарда тутганман Ҳабаш, Элбарсни...

#### ГАВҲАР ХОНИМ

Бир ойча муқаддам... ўғилларимни  
Кўриб боғда Элбарс боқди ғалати  
Ва бирдан қутуриб: «Икки ўғлингни  
Бўғиб ўлдираман яқинда», деди.  
Тинчим йўқ ўшандан бери.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Куюнма,  
Ҳасаддан айтганга ўхшар бу гапни.  
Алами бор чиқар Исфандиёрда  
Ва битта ундамас...

#### ГАВҲАР ХОНИМ

Маили, мен борай.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Бор, қизим, кўнглингни хотиржам туту  
Кўздан қочирмагил ўғилларингни...

**Гавҳар хоним чиқади. Арабмуҳаммадхон чодирига йўл олади.  
Тун чўқади. Машъала ва шамлар ёқилади. Аллақайда ит хуради. Бўри увлай-  
ди. Мушук миёвлайди. Оёқ товуши эшитилгандай бўлади. Бировнинг бўғиқ йўтали,  
қоровулнинг хурраги эшитилади. Арабмуҳаммадхоннинг таҳликали овози келади.**

#### АРАБМУҲАММАДХОН

У, алвасти, у, жодугар!

#### ГУЛСИМБОНУ ОВОЗИ

Бўйнимни қўйиб юборинг, ўлиб қоламан...

#### ЯККА ОВОЗ

Фигон:

Қўйнимдаги илоним,  
Йўлимдаги чаёним.  
Ташна бўлиб қонимга,

Ханжар санчар жонимга.

Гуруҳ

Ўзимдан чиққан балога  
Қайга борай давога?!

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

**Ўша жой. Хон ўз ўрнида. Ёнида Исфандиёр ва Абулғози, Гавҳар хоним, маҳрам, мулозимлар. Қаршида сочлари тўзгиган, қўли боғланган Гулсимбону.**

АРАБМУҲАММАДХОН

Билардим мен сенинг маккорлигингни,  
Қаҳринг қаттиғлигин дағи билардим.  
Менга ёмонликлар тилаб ҳар куни  
Куйиб-ёнишингни айтарди кўзинг.  
Аммоки оқ-оппоқ қўлларинг сенинг  
Қора бўлиб ҳатто зим-зиё тундан  
Қўрғошин куяр деб қулоқларимга  
Уйлаган эмасман...

Билган эмасман

Сенинг қотилликка қодирлигингни.  
Сен чаён экансан.

ГУЛСИМБОНУ

Чаён бўлсам мен,  
Бўлдим олий даргоҳ захрини ютиб,  
Аввал бир гул эдим боғимда ўсган.

АРАБМУҲАММАДХОН

Эй, эси паст аёл, беақл вужуд,  
Ҳеч қачон чаёнга айланарми гул?!  
Чаён чаён бўлиб тугилар.

Аммо

Гоҳи кирар гулнинг қиёфасига.  
Гулга ўхшаб нозу карашма қилиб,  
Қўйнингга кирар-да нишини санчар.  
Кўрган кўзга бир гул, малика элга,  
Аммо барг остида ниши яширин.  
Менга-да у ҳозир кўринди бирдан.  
Энди у ҳар қандай жазога лойиқ.

ГУЛСИМБОНУ

Шундайми? Розимен не жазо бўлса,  
Зиндон яхши менга бул тирикликдин.  
Бундай яшамоқдин ўлим яхшидур.

(Г а в ҳ а р х о н и м н и к ў р с а т и б)

Ҳатто манавилар мендан юқори.  
Эрка ҳам шулардир, тантиқ ҳам шулар.  
Малика гўёки булар.

Мен эсам...

Битта канизакча қадрим йўқ.

ГАВҲАР ХОНИМ

Тавба,

Ким сотиб олибди қадр қимматни?  
Бозорда сотилмас бундайин неъмат.

ГУЛСИМБОНУ

Бир қарич келади буларнинг тили.  
Мен ва менинг оқил ўғилларим-чи?  
Яшармиз кўздан ва дилдан йироқда.  
Менинг ўғилларим тож кийса арзир.

АРАБМУҲАММАДХОН

Сенинг хом хаёлинг кўп разил эрур,  
Мени ўлдирсангу хон бўлса боланг.  
Сўнг ўғлинг гўрлигин айласангу пеш  
Ўзинг салтанатга бўлақолсанг бош



## ИСФАНДИЁР

Иймондин устунми тожу тахт хирси,  
Бул ҳавас ортиқми адлу инсофдин?!

## ГУЛСИМБОНУ

Сен-чи? Тожу тахтни истамасмусен?  
Билурмен, тушингда хон кўриб ўзинг  
Отангинг ўлимин тилаб юрарсен...

## АБУЛҒОЗИ

Ё тавба, шухратли малика шуми?  
Шуни биз ардоқлаб келдикми?

## ГУЛСИМБОНУ

Аввал

Ўзингга боққину сўнг ногора қоқ.  
Менинг ўғилларим сенлардан авло,  
Тахтга ўлтирурлар бугунми-эрта.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Кошки бўлса сенда қувваи салоҳ,  
Болаларингда гар бўлсайди идрок,  
Мен ўзим кўшқўллаб тожу тахтимни  
Топширган бўлардим балки сенларга.  
Бир улкан кемага ўхшар салтанат,  
У сузиб боради тўлқинлар оша,  
Магарам беақл бўлса дарғаси,  
Ё чўкиб йўқ бўлиб кетар бу кема,  
Қирғоққа урилиб ё бўлар ҳалок.  
Сен қайда эрурсен, у кема қайда,  
Қани уммон йўлин билгувчи ўғул?!  
Найманни пеш этиб айрича мавқе,  
Амаллар сўрашдир сенларнинг коринг.

## ГУЛСИМБОНУ

Худо назар солган уруғдир Найман,  
Анинг жасорати азалдан маълум.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Ўзни тарозига солиб бир вақтлар  
Қипчоқлар биз зўрмиз ҳаммадан, деган.  
Қипчоқ Туркон хотун буюк Хоразм  
Шоҳи деб санаган ўзини ўзи.  
Синдирган ўз ўғли Хоразмшоҳни.  
Чингизга ем бўлди шунда Хоразм.  
Энди сен буюклик даъво этурсен,  
Билмассен, сенинг бу телба даъвоинг  
Эркин мамлакатнинг оёқларига  
Қишанлар соладур.

Сенинг ўзингни

Жаҳаннам ўтига ташлар, унутма.

## АБУЛҒОЗИ

(Ў з - ў з и г а)

Бирикмас экан то уруғ-аймоқлар,  
Бари бир оила фарзандларидек  
Аҳил, баҳамжиҳат яшамас экан,  
Ором нималигин билмас салтанат.  
Малика жадали эса...

Тузилган

Рубобнинг торларин узиш деган гап.

## ГУЛСИМБОНУ

Ким ёнар, ким ёнмас дўзах ўтида  
Аёндуру Худонинг ўзига ёлғиз.  
Сен менинг йўлимни тўсма ва менинг  
Иккала ўғлимнинг айтганини қил.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Сени ўлдирганга ёғилур раҳмат,

Аммоки, сени мен қатл этмасмен.  
Банди айлағайман ҳамишаликка,  
Ўзингнинг ёғинга ўзинг қовурилиб,  
Умрингни зиндонда ўтказажаксан.  
Олиб чиқинг бунни.

#### ГУЛСИМБОНУ

Билиб кўйгилки,  
Ким банди бўлару зиндонда чирир,  
Аён бўлажақдур кўз очиб-юммай.  
Кўз очиб юммасдан икки ўғлимнинг  
Бири хон бўлажақ ва бири вазир.  
Ҳа-ҳа, хону вазир.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Олиб чиқинг тез!

#### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

#### Ўша жой.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Қандай хабар олиб келдингиз, хожа?

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Кошки олакелсам эди хушxabар,  
Нияти кўп бузуқ шахзодаларнинг.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Нуфуз тилармилар Найманга ортик?

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Билдикки, уларга Найман баҳона,  
Аслида уларнинг талаби бошқа.  
Талабгор эрурлар тож ила тахтга.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Яъни?

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Топширар эмишсиз уларга тахтни.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Шундай дедиларми?

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Минг афсус, шундай.  
Бунни эшитгандин кўра кулогим  
Кар бўлса қанийди.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Ё Раб! Шайтоннинг  
Алдови сира ҳам ҳад билмас экан.  
Оғзининг сариғи кетмаган бола  
Йўқса пошшоликни даъво этарму?  
Шайтон йўлдан урган буларни, шайтон.

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Тилим бормай турар яна бир гапга.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Айтинг, хожа, айтинг.

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Ўшал ерда мен  
Кўрдим нақ шайтонни. У аврар эди  
Икки шахзодани жангу жадалга.  
Тоҳу тахт сизники дер эди нуқул.  
Гўёки бир думалаб шайтони лаъин  
Кирмиш Қурбон хожи қиёфасига.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Не дерсиз, қулоғим эшитар нени?  
Менинг оталигим, менинг ўнг қўлим,  
Вазир Қурбон ҳожи ўша ердами?

(Шамсиддин хожа надомат ила бош ирғайди).

Маълумингизким, мен уни пойтахтда  
Ўзимнинг ўрнимда қолдириб эдим.  
Хивани сақла, деб эдим кўз янглиғ.  
Ул эса... Ў, сотқин, ў, илон!!

## ШАМСИДДИН ХОЖА

Ўша

Бошлаб борган ўзи Хива черигин,  
Қўшқўллаб топширган шаҳзодаларга.  
Хива калитин ҳам берган.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Водариг!

Мен унга ўзимга ишонган каби  
Ишонар эдим-а! Сизнинг сўзларни  
Олмаган эдим-а ҳеч инобатга.

## ШАМСИДДИН ХОЖА

Ул

Зимдан қазир эди, ахир, Сизга чоҳ.  
Кўзим кўрар эди унинг ичини.  
Сон мингта жаҳолат қуртлари унда  
Гимирлаб ётарди кечаю кундуз.  
Малика ила ул бириктирмиш тил.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Қурбон оталиққа қилмиш хиёнат,  
Сотқинлик қилмишки суянган тоғим,  
Энди мен саройда кимга ишонай,  
Марҳамат кўрсатай қай бир аъёнга?  
Гарчи садоқатдан қасам ичарлар,  
Жонларин беришга турарлар тайёр,  
Аммо пайти келса оталиқ янглиғ  
Жонингни суғириб олмоқ бўларар.  
Қандай разолат бу, қандай жаҳолат,  
Қачон камолотга етур аҳли жоҳ?  
Буёқда... ўз завжам қулоқларимга  
Қўрғошин қуймоқчи бўлар. Ё раббий!

## ШАМСИДДИН ХОЖА

Тоғу тахт ҳаваси бандаларини  
Не қўйга солмайди, нелар қилдирмас.  
Уларга қолса тахт, юрт бўлур вайрон,  
Булбуллар ўрнини эгаллар зоглар.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Мўғул босқинидан кейин бул юртнинг  
Тўрт юз йил устидан кетмади булут,  
Тўрт юз йил бағридан отилди оҳлар.  
Букилган қоматин тикламоқ бўлиб,  
Жон фидо этдилар унга не эрлар.  
Ўлса бири магар унинг ўрнида  
Янгитдан ўн, юзи, минги тортди саф.  
Элнинг ярасига бўлдилар малҳам.  
Гуллар яратдилар жангал ўрнида.

## ШАМСИДДИН ХОЖА

Шукур, шамол тегди элнинг кўксига,  
Кўксин тиклаб олди ўксик Хива ҳам.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Э воҳ, энди унинг кўксига ногоҳ  
Пичоқ урмоқ бўлур бевош ўғуллар.  
Ёғий этолмаган ишни ўз пуштим

Бажо айламоққа қасд этиб турар.  
Бундин ортиқ бўлмас юзи қаролиғ,  
Қасофат йўқ турур бундин ортиқроқ.

ШАМСИДДИН ХОЖА

Улар отга минган, вақт ўтиб борур.

АРАБМУҲАММАДХОН

Мен йўлга чикувдим, урушмоққамас,  
Қўрқув солмоқликка улар кўнглига.

ШАМСИДДИН ХОЖА

Худодан қўрқмаган отадин қўрқмас.

АРАБМУҲАММАДХОН

Шарманда уруш бу. Ў, қандай даҳшат,  
Майдонга от солиб ота-ўғуллар  
Қонини тўксалар бири-бирининг!!!

(М у л о з и м г а.)

Кирсин Абулғози, Исфандиёрлар.

ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

**Ўша жой. Тун. Машъала кўтарган одамлар ундан-бунга югуриб ўта бошлайдилар. Жанг ногоралари чалинади.**

**Ўқ товуши, қилич саси, отларнинг кишнаши, бақирик-чақириклар борлиқни тутади.**

**Машъала ёруғида уруш лаҳзалари акс этади.**

**Хон чодир кулайди. Олов. Тутун. Хотинларнинг, болаларнинг фарёдлари.**

**Ҳарб кийимида Ҳабаш, Элбарс, уларнинг кетидан Қурбон ҳожи шиддат билан кириб келишади.**

**Ён саҳнда мағлуб Арабмуҳаммадхон. Унинг ёнида Шамсиддин хожа.**

ҲАБАШ

Онамиз қайдалар? Ғалаба они  
Нечун чиқмайдилар бизларга пешвоз.

(И ч қ а р и д а н Г у л с и м б о н у н и н г и н г р а г а н и э ш и т и л а д и.)

ҚҮРБОН ҲОЖИ

Волидангиз? Вожаб!

ҲАБАШ

(М у л о з и м л а р г а)

Имдод айланг тез!

ЭЛБАРС

Юз берди не ҳолат?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Суиқасд айлаб.

Ўлдирмоқ бўлди ул падарингизни.

(Қ ў л и г а к и ш а н с о л и н г а н Г у л с и м б о н у н и о л и б ч и қ и ш а д и.)

ГУЛСИМБОНУ

Жўмард ўғилларим, шунқорларим-ей.

ҲАБАШ

Ечинг қўлларини.

ЭЛБАРС

Бахти қаролар,

Онамиз бахтига солишибди чанг.

АРАБМУҲАММАДХОН

Ўз ўғлин эрига қарши қайраган

Хотундан бахтсизроқ хотун бўлурми?

Ҳали оқ-қорани билишдан ожиз  
Ўғулни хон қилмоқ васвасасидан  
Эсини йўқотган она ҳаёти  
Ҳаётлар ичида энг бадбахтидур.  
Элни расво этур чунки бу савдо.

#### ҲАБАШ

Машмаша не ҳожат? Баजारилсин шарт.  
Нени талаб этдик, адо айлансин.

#### ЭЛБАРС

Онамиз мутлақо айбсиз эрурлар,  
Халққа етказулсин ушбу ҳақиқат.

#### ҲАБАШ

Эътироф этулсин Найман нуфузи.  
Қатл айланган ул сардорлар бари  
Оқлансун ва улар тутган маснадлар  
Қайтариб берулсин ўғилларига.

#### ҚУРБОН ҲОЖИ

Бу икки довюрақ султоннинг бири  
Ҳони аъзам дея эълон қилинсин.  
Бирига Ҳазорасп этилсин ҳады.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Ўзунгни унутиб қўйма, яхшимас,  
Не керак, оғзингга сиққанини айт.  
Маснад тарозуга қўйилган дамда  
Доим оғир келган хиёнат тоши.

#### ҲАБАШ

Унга мартабани ўзум берурмен.

#### ЭЛБАРС

Жавоби айтилсун шартларнинг фақат.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Жавоб бермаслигим лозим шартларга,  
Майли, мен айтайин. Сенларнинг онанг  
Суиқасд айлади менинг жонимга.  
Эрининг жонига қасд этган хотун  
Ўлумга лойиқдур, авфга эмас.  
Даги ул Найманни бари уруғлар,  
Барча қавмлардан қўяр-да устун,  
Талаб айлар анга бўлак имтиёз.  
Найманнинг ҳеч кимдан ортиқ жойи йўқ,  
Бари элу элат эрур теппа-тенг.  
Киёту Қипчоғу Қўнғирот, Манғит  
Ва бошқа уруғу аймақлар бари  
Фарзанди эрурлар Одам атонинг.  
Хиёнат этгани учун сардорлар  
Қатл айлаганмен, билур халойиқ.  
Аларни оқламоқ уруғлар ичра  
Адоват уйғотур, уруш қўзғатур.  
Оқланмагай алар қиёматда ҳам.  
Келгуси хон ҳақда эса гап аён,  
Тахтнинг валиаҳди Исфандиёрдур.

#### ҲАБАШ

У мандан энгилиб қочиб кетди-ку.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Қочиб кетди, аммо ўлгани йўқтур.

#### ЭЛБАРС

Ўлмаса ўладур, ўлдириладур.

#### ҲАБАШ

Қочиб кетди, охир Абулғози ҳам,  
Сўярмиз уни-да ҳўкиз мисоли.

## ЭЛБАРС

Эгаси йўқ тахтнинг бизлардан бўлак.

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Турар қаршингизда тахтнинг соҳиби,  
Арабмуҳаммадхон — сарватли тождор.  
Узоғу яқинда маълум шуҳрати,  
Падари бузруквор қўлларин ечиб,  
Уэр сўрамоқлик андин жоиздур.  
Ҳар неки гап бўлса айтилув кейин.

### ҚУРБОН ҲОЖИ

(Т и л ё г л а м а л и к б и л а н)

Пири аъзам айтган гапда жон йўқмас,  
Хонга ҳали ҳам кўп озор етказдик.  
Тили боғлиқ бўлув қўли боғлиқнинг.

### ҲАБАШ

Қўллари ечилсин.

### ГУЛСИМБОНУ

Айни пайтидур  
Йиғилса шу жойга аҳли уламо,  
Ҳамда аҳли аъён. Шамсиддин хожа  
Мақсадни аларга ошкор айласин.

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Не мақсадни айтурсиз, билмам?

### ҚУРБОН ҲОЖИ

Хожа,  
Сиз зукко шайхсиз, пири аъзамсиз,  
Сардори эурсиз уламоларнинг.  
Алар гапингизни икки қилмаслар.

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Ҳануз тушунмадим. Аҳли уламо  
Икки қилмас экан қайси гапимни?

### ГУЛСИМБОНУ

Уларга айтурсиз, мамлакат хони  
Арабмуҳаммадхон ўз хоҳиши-ла  
Тахтидан воз кечур.

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Астағфуруллоҳ,  
Ишонгим келмайдур қулоқларимга.  
Қандоғ шаккоклик бу, қандоғ бедодлик.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Бордию хонлиқдин воз кечар эсам,  
Тахтта ким ўлтирар?

### ҚУРБОН ҲОЖИ

Бу кундай равшан,  
Ёки Ҳабаш султон, ё Элбарс султон.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Аммо андин олдин бор битта юмуш,  
Шу ерда, шу дамда сенинг бижиган  
Бошинг кесилмоғи даркор аввало.

### ҚУРБОН ҲОЖИ

Менингмас, бижиган у сенинг бошинг,  
Шундин қилар ишинг телба-тескари.  
Бошга чиқардинг-ку уламоларни,  
Юртни ҳам, ризқни ҳам шуларга бердинг,  
Иззат ҳам, ҳурмат ҳам шуларникидур.  
Элни боқадурган уламо эмас,

Неси бор уларнинг тилидин бўлак?  
Элни боқар бойлар, мулқдор одамлар,  
Асли эътиборга улар лойиқдур.  
Сен эсанг... Э, сенинг йўлинг тескари,  
Сенинг қанотингда юргандин кўра  
Қирқилгани яхши қанотларимнинг.  
Кўлингдан келса гар чақир жаллодни,  
Иста бошимни ол, иста дорга ос.  
Аммо сен на унга, на бунга қодир,  
Сенинг энди фақат судуринг қолган,  
Ҳа, сен энди куруқ сувратсан, суврат.

#### АРАБМУҲАММАДҲОН

Сен мендин яшириб ичингни, демак,  
Сиртингни силлиқлаб кўрсатибсан-да?!  
Магарам ичингни ошқор айласанг,  
Қаҳримга учрашдин кўрққансен, тулки.  
Сен билмас экансен илм аҳлининг  
Мўъжиза яратиш кучу қувватин.  
Ер ва осмон сири, олам ва одам,  
Ўтмишу ҳозир у эртаги куннинг  
Аслини кўргувчи аҳли уламо.  
Сен айтган бойлару мулқдорларнинг ҳам  
Кўрар кўзларидур, зиёларидур.  
Илм ила маърифат топталган юртда  
Топталмай қолмагай одамнинг қадри.  
Ушбу ҳақиқатни билмаган вазир,  
Аёндин чўлдаги чўпон расодур.

#### ШАМСИДДИН ХОЖА

Оталиқ оғзидин чиққан сўзларга  
Ёқа ушламоқдан ўзга чора йўқ.

#### АРАБМУҲАММАДҲОН

Мен бу қабоҳатдин этмам таажжуб,  
Тўйдирган султонин сотган оталиқ  
Қодирдур бундан-да ортиқ шумликка.  
Таажжуб этамен, икки ўғлимнинг,  
Икки дилбандимнинг тўғри йўл қолиб,  
Шайтонлар изидан юриб баногоҳ,  
Бадбахт бир кўчага кирганларига.  
Таажжуб этамен, кеча бағримда  
Ўйнатиб ўлтирган икки фарзандим  
Бугун мўйлаблари чиқиб-чиқмаёқ  
Менга мушт ўқталиб, тахтга чиқмоқлик  
Қасдида эсларин еганларига.

#### ҚУРБОН ҲОЖИ

Гап эмас, керақдур фармон.

#### ГУЛСИМБОНУ

Ҳа, шул дам  
Бошга тож киймоғи даркор бир ўғлим.

#### АРАБМУҲАММАДҲОН

Тож сенга керақдур ва ана унга.  
Тожни бола кийиб, айшни сен суриб  
Юрмоқни кўзлабсен, эй, ношуд хотун...

#### ЭЛБАРС

Онамга асло тил тегизилмасун.

#### АРАБМУҲАММАДҲОН

(Г у л с и м б о н у г а)

Сўзим эшитиб ол охиригача  
Ва сен ҳам эшитгил, эй сотқин кимса,  
Сенлар мендин фармон кутаяпсанлар.  
Фармонни айтаман ҳозир. Унгача  
Айтар гапларим бор ўғилларимга.  
Холи қолдиринглар бизни.

## ҲАБАШ

Йўқ, ёлғиз

Қолишлик ҳожатмас.

## ЭЛБАРС

Онамиздин ва

Оталиғимиздин асроримиз йўқ.

Неки гап, фармон бор, уларсиз бўлмас.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Демак, дилимдаги дардли гапларим,  
Юрагим тубида қолурлар пинҳон.  
Мен хон можаросин қўйиб бир четга,  
Оддий ота бўлиб оддий ўғулга  
Айтайин деб эдим бир-икки калом.  
Майлига... энди гап эса бундоғдур,  
Розимен, йиғилсин уламолару  
Аъёну кадхудо, хўжа-сайидлар.  
Тахтнинг тақдирини этсинлар ажрим.

## ҚУРБОН ҲОЖИ

Уларнинг олдида тахтдин кечдим деб  
Айта олурмилар ўзлари яккаш?

## ГУЛСИМБОНУ

Эълон этадурми Шамсиддин хожа  
Янги хон номини ўша ондаёқ?

## ШАМСИДДИН ХОЖА

Шукрким, хон тирик, соғу саломат,  
Шуни қўриш бахтдур аҳли мўминга.  
Бошга кўтарурлар олий ҳазратни.

## ГУЛСИМБОНУ

Демак, биз қолурмиз оёқ остида?

## ШАМСИДДИН ХОЖА

Иншооллоҳ, хонум...

## ЭЛБАРС

Аҳли уламо,

Хўжа-сайидларга бало борми?

## ҲАБАШ

Хон ўз қарорини ҳозироқ айтсин.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Қарор. Фармон... Аввал инсофга келиб,  
Қон истар тигларни солинг қинларга.  
Адоват уруғин қурутиб буткул,  
Меҳр уруғини дилларга сочинг.  
Тавба-тазарруни келтиринг тилга.

Гуноҳ қилиб қўйган фарзандга монанд  
Олдимда тиз чўкиб сўранг узрлар.  
Шул эрур сенларга охирги сўзим.

## ҲАБАШ

Э, бўлди, қолмади сабру тоқатим,  
Қуруқ гап, насиҳат тегди жонимга.  
Узр сўранг эмиш...

(Қ а ҳ-қ а ҳ у р и б к у л а д и.)

## ЭЛБАРС

Қачон ғолиблар

Узр сўраганлар енгилганлардан?

Ҳа, биз ғолиблармиз, фармонни умас,  
Энди биз берамиз. Ҳа-ҳа, биз!



ҲАБАШ

Жаллод!

**Жаллод киради.**

ШАМСИДДИН ХОЖА

Охир замон яқин қолганга ўхшар,  
Ўғул тиз чўқтирмоқчи бўлса отани,  
Отани жаҳолат лойига қорса,  
Дарак эрмасму бу охир замондин?  
Хоразм ҳеч қачон, ҳеч бир замонда  
Бундай кўргуликни кўрмаган, кўрмас!

ЭЛБАРС

Ҳукм бундоғ эрур. Музтар ва мағлуб,  
Қайсар хон лойикдур асли ўлимга.

ҲАБАШ

Аmmo тайин этдик унга ўлимдин  
Оғирроқ бир жазо...

Амр этамен,

Мил тортилсин унинг кўзларига тез.

ЭЛБАРС

Кўзлари ҳозироқ ўйиб ташлансин.

ФИФОН:

Гуруҳ

Ўзимдин чиққан балога  
Қайга борай давога?!

Якка овоз

Э воҳ, пушти камарим —  
Бўғзимдаги ханжарим.  
Қўйнимдаги илоним,  
Йўлимдаги чаёним.

Гуруҳ

Ўзимдан чиққан балога  
Қайга борай давога?!

**ИККИНЧИ ҚИСМ**

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

**Хива дарвозаси олди. Бир томонда уламолар, хунармаңдлар, деҳқонлар. Иккинчи томонда Арабмуҳаммадхон, Шамсиддин хожа, хизматкор ва соқчилар.**

**Ўртадаги баландликда янги тайинланган Найман амалдорлари, ясовулбоши ва унинг амалдорлари.**

МУДАРРИС

Бу не бедодликдур, бу не қабоҳат,  
Отасин кўзини ўйса ўғиллар,  
Маън этса Хивага кирмоқлигини?!  
Бундй ўғилларга лаънатлар бўлсин!

МУТАВАЛЛИ

Қалъа дарвозаси очилсин дарҳол,  
Хони аъзам кирсин қароргоҳига.  
Шаккоқ ўғилларга берилсин жазо.

ХАЛОЙИҚ

Дарвоза очилсин. Аркка кирсин хон.

ШАЙХ

Фармон эълон этмиш кеча шаҳзода,  
Унга кўра бори вақф ерлари  
Масжид-мадрасадан олинаркану  
Бўлиб бериларкан бойваччаларга.  
Фармон чиқаришга фақат хон ҳақли,  
Тахтига ўлтирсин хони муаззам.

### ХАЛОЙИҚ

Йўқса, синдирамиз дарвозаларни.

### ЯСОВУЛБОШИ

Сенларнинг қўлингни синдираман мен.

(Ф а л а - ғ о в у р а в ж и г а ч и қ а д и.)

### АРАБМУҲАММАДХОН

Азиз элдошларим, тинчланинг, тўхтанг,  
Мен сизнинг сўзларни эъзоз этурмен.  
Юзингиз кўрмоқдин бўлсам-да маҳрум,  
Сизнинг изтиробли чехрангизни мен  
Қалбим кўзи ила турибмен кўриб.  
Сизнинг дилингизда ловуллаган ўт  
Тафтидин куймақда киприк-қошларим.  
Аммо бардошингиз чиқмасин издан,  
Дарвоза қулфинмас, қабоҳат ва кин,  
Жаҳолат уясин бузмагунча то  
Ором билмас замин, ёришмас осмон,  
Сабр ато этсин Оллоҳ муслимга.

### МУТАВАЛЛИ

Бардошу чидамнинг чегараси бор,  
Тўлиб кетди, ахир, сабр косаси.

### МУДАРРИС

Онасин бағридин юлиб қизларни  
Олиб кетмоқдалар тинмай ҳарамга.  
Оёқ ости бўлди номус, орият.  
Найман сардорлари чиқдилар бошга,  
Сув бошин бурдилар ўзлари томон.  
Сўзлаган одамнинг тилин кесурлар.

### ХАЛОЙИҚ

Йўқолсин Найманнинг кўрнамаклари.

### НАЙМАН САРДОРЛАРИ

Сенларнинг кунларинг битди, муртадлар.

### ШАЙХ

Онҳазрат, изн айланг, Бухоро бориб,  
Имомқулихондин сўрайлик мадад.  
Ахир ёрдам қўлин чўзмоғи тайин.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Имдод сўрамангиз ўзгалардан, йўқ,  
Дард берган берадур чорасини ҳам.

### ХАЛОЙИҚ

Савашмоқдин ўзга қолмади илож.

### ЯСОВУЛБОШИ

Халойиқ, айтурмен такрор, эшитгил,  
Таслим бўлди жангда Арабмуҳаммад,  
Олиб борилур у Қум қалъасига.  
Сенларнинг ғавғою жанжалинг бекор,  
Қани, тез тарқал, бўл, қоним қайнатма.  
Миршаблар, бос милтиқ тепкиларини.

(А р а б м у ҳ а м м а д х о н ҳ а я ж о н и ч и д а ў р т а г а ч и қ а д и.)

### АРАБМУҲАММАДХОН

Ҳаддингдин ошма сен ясовулбоши,  
Бурнин қонатсанг гар битта одамнинг  
Минг-минглаб одамлар кўтаражак бош.

### ЯСОВУЛБОШИ

Кўтариб кўрсин-чи, қириб ташлайман.

АРАБМУҲАММАДХОН

Тўхта, тўхта, каззоб! Амр этамен  
Қайтар миршабларни орқага дарҳол.

ЯСОВУЛБОШИ

Чақача қадри йўқ амрингнинг менга,  
Мен бажо этамен тахтда ўлтирган  
Ҳабаш султонларнинг фармонларини.  
Миршаблар, ақлини кирит буларнинг.

**Одамлар ясовулбоши ва миршаблар устига тош ёғдира бошлайди. Гала-говурни ўқ товушлари босиб кетади. Қуёш сўнади.**

ФИФОН

Ўзимдан чиққан балага  
Қайга борай давога?!

**Тонг ёришганида ён саҳнда Арабмуҳаммадхон ва унинг ёнидагиларгина қолгани аён бўлади.**

ТОЖИДДИН

(Сархумни Арабмуҳаммадхон қўлига яқин олиб боради.)  
Онҳазрат, бир култум муздек сув. Олинг!

(Арабмуҳаммадхон сархумни пайпаслаб олиб сувни узоқ ичади.)

ШАМСИДДИН ХОЖА

Бир дам тин олсангиз, ҳали йўл узоқ,  
Қумқалъа йўллари жуда нотекис.

АРАБМУҲАММАДХОН

Энди тин қайдадур менга, эй хожа,  
Умрим кечар энди ғам бўҳронида.

(Соқчилар сардори турган томонни чамалаб.)

Қалъа дарвозаси очилмас экан,  
Нечун олиб келдинг мени Хивага?

САРДОР

Аввал амр бўлди Хивага, дея,  
Энди бошқа фармон.

АРАБМУҲАММАДХОН

(Ў з-ў з и г а.)

Хивада ўлсам  
Тузуқ бўлур эди. Ўз тўшак-уйим,

(Ш а м с и д д и н х о ж а г а)

Неча одам ўлди ола-тасирда  
Неча бегуноҳнинг кесилди боши?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Ёстиғи қуриди кўпларнинг, э воҳ!

АРАБМУҲАММАДХОН

Аларни ким чорлаб келтирмиш бунда?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Фикри ожизимча, ҳеч ким, онҳазрат,  
Сизни келур дея жам бўлган бари.  
Меҳр изҳор айлаш пайида келиб,  
Ажалнинг домига тушиб қолганлар.

АРАБМУҲАММАДХОН

Ё Раб! Не кунларга қолди салтанат?!  
Айтинг, менга хожа, шайх бошлиқ ўша  
Аҳли уламодин ўлганлар кўпми?  
Кўп нобуд бўлдими хунарманд аҳли?  
Катхудо, улуғлар ҳоли не кечди?

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Э, Худо!.. Мударрис, мутаваллилар  
Ҳақ йўлда жонларин қурбон этдилар.  
Ҳибсга олдилар ҳазрати шайхни.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Эй шўрлик бандалар, эй шўрлик зотлар,  
Қандай савдоларга қолди бошларинг?!  
Сизни ҳимоямга ололмаганим  
Менинг энг охирги бахтсизлигимдур.

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Не ёруғ юлдузлар сўниб битдилар,  
Аларни сўндирган зотлар тоабад  
Иснод ботқоғидан чиқолмагайлар.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Кошки, кошки, хожа, алар ўрнига  
Мени ўлдирсалар эди бир йўла.  
Мен, ахир, кўзлари ўйилган одам,  
Тирик бир мурдага ҳаёт не даркор?!

(Т о ж и д д и н ю м - ю м й и ф л а й д и.)

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Онҳазрат, бундаин сўзга ўрин йўк,  
Умри қисқа эрур макру ҳийланинг.  
Қора булутларнинг чокини йиртиб,  
Қуёш, иншооллоҳ, балқиб чиқажак.  
Сиз улуг салтанат хонисиз ҳамон.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Сиз хон дедингизми мени? Эй хожа,  
Мен хон эмасман, йўк, мен бахти қаро,  
Бечора бир одам.

(Т о ж и д д и н ў з и н и т ў х т а т о л м а й ҳ ў н г - ҳ ў н г й и ф л а й д и.)

Хали ҳалойиқ,

Бегуноҳ одамлар отилган чоғда  
Не кўйга тушганим билдим бир ўзим  
Ва бир Худо билди. Разолатни мен  
Тўхтата олишга ожизлигимдин,  
Товоним ялашга кеча шай турган  
Ясовулбошига тўхта, демоклик  
Қурбидин маҳрумлик захрини ютиб,  
Минг игна санчилди жисму жонимга.  
Худого ёлбордим жонимни ол, деб.  
Ёрилса эди ер, кошки мени ул  
Қаърига олсайди, ютақолсайди!  
Бироқ ютмади ер, ёрилмади ер,  
Бегуноҳ одамлар ўлди, мен қолдим!  
Қолди ер юзида сувратим аммо,  
Хожа, ўлим тиланг сиз энди менга!

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Оллоҳнинг айтгани бўлур, онҳазрат,  
Кам ё кўп бўлмайгай умр ёзғитдин.  
Илоҳи, умрингиз пойдор бўлгаю  
Бузилган бу юртни тузатмоқликни  
Дағи ўзингизга айлагай насиб.  
Анави ясовулбошилар учун  
Шунда сичқон ини бўлгай минг танга.

### АРАБМУҲАММАДХОН

Ким дон берса булар шунинг товуғи,  
Буларда на ор бор, на дину мазҳаб.  
Дарвоқе, айтинг-чи, қай ёнда Хива,  
Қайси тарафдадур Кубро масжиди?

### ШАМСИДДИН ХОЖА

Бу ёқда, Ҳазрати олий, бу ёқда.

#### АРАБМУҲАММАДХОН

Ўзим ҳам ўйловдим шул томонда деб.  
Айни шу тарафдин мен сари тинмай  
Оқиб келар бир сас эрта саҳардин.  
Қулоқ тутиб сира илғай олмайман,  
Не сирли товуш бу, не ҳазин нидо?!  
Кубро масжидининг устида учган  
Ғужгон каптарларнинг қанотларидин  
Оқиб келаётган маҳзун сасми бу?!  
Падари бузруквор Ҳожи Муҳаммад  
Руҳи поклари ё чинқирмоқдами?  
Пойтахтни Хивага кўчириб ул зот  
Кечаю кундуз кўп заҳматлар чекиб,  
Қалъага бахш этган эдилар хусн.  
Оламдин кўз юмар чоғида менга  
Айтган эдиларким: «Арабмухаммад,  
Хивани ўзинга Она деб билгил,  
Токи давлатинг бор, токи бор жонинг,  
Инжитма Хивани, юртни инжитма.  
Оқ ювиб, оқ тара, файзиёб айла.»  
Падари бузруквор ўғитларини  
Жо айлаб қалбимнинг туби-тубига  
Йигитлик кучимни бахш этдим элнинг  
Тинчлиги тўқлиги, озодлигию  
Салтанат равнақи йўлига буткул.  
Йигирма йилдирки, алҳамдулиллох,  
Хиванинг устидин учирмадим қуш.  
Энди-чи? Фалакнинг гардишин қаранг,  
Хива дарвозаси бугун менга берк.  
Бегона одамдай остонада мен  
Турибмен ожизу нотавон. Ё Раб!

(Тепада ясовулбоши пайдо бўлади.)

#### ЯСОВУЛБОШИ

Ҳой, сардор, ивирсиб турма бу ерда,  
Жонинг керак эрса ҳайда отларни.

#### САРДОР

Намунча дағдаға, ясовулбоши,  
Жонинг керак бўлса эмиш-а... Э, бор,  
Буйруғинг бўлса бер миршабларинга.

#### ЯСОВУЛБОШИ

Сен сўз қайтаришга журъат этдингми,  
Бошингни узамен ҳозир сенинг, ит.

**Ясовулбоши ҳамла қилмоқчи бўлганида сардор уни бошидан ошириб ерга уради. Тепада ваҳимали бонг урилади. Миршаблар қиличларини яланғочлайди.**

#### ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

**Гавҳар хоним Арқдаги хонасида. Ёнида ўғилчалари Нурмухаммад ва Шермухаммад.**

**Кўзларида ёш билан болаларига кийим танламоқда. Канизак унга дастёрлик қилиб турибди.**

#### ГАВҲАР ХОНИМ

(Н у р м у х а м м а д г а)

Мана бу ярашар сенга, Нур болам,  
Полвонга ўхшайсан кийсанг жуда ҳам.

(Ш е р м у х а м м а д г а)

Сен эса кийиб ол манов камзулни,  
Сипо бир шоирга ўхшаб кетасан.

#### НУРМУҲАММАД

Киймайман, киймайман. Элбарс амакка  
Бормийман... У мени яхши кўрмийди.

ГАВҲАР ХОНИМ

Қўй, ундай демагил, Элбарс амакинг  
Сени полвон деган, эшитгансан-ку.

НУРМУҲАММАД

Полвон, деб у мени масхара этган.

ГАВҲАР ХОНИМ

Қаёқдан биласан?

НУРМУҲАММАД

Билганман-да.

ГАВҲАР ХОНИМ

Сен  
Ундайин гапларни бошқа гапирма.  
Қошига чорлаган, ахир, сенларни.

ШЕРМУҲАММАД

(К а м з у л н и т о м о ш а қ и л и б.)

Бундай камзулларни кийса шоирлар  
Мен уни, онажон, жон деб кияман.  
Шеър ўқиб бераман Элбарс амакка.  
Сиз ҳам борасиз-а, онажон?

ГАВҲАР ХОНИМ

Мени  
Амакинг қошига чорлаган эмас.  
Кутиб ўлтираман сизларни бунда.

НУРМУҲАММАД

Нечун чорламаган сизни, онажон?

ГАВҲАР ХОНИМ

Сизлар билан ҳоли гаплашмоқчидир...

(Ч е т г а қ а р а б х ў р с и н и б , к ў з л а р и д а н д у в - д у в ё ш т ў к а д и .)

НУРМУҲАММАД

Борарми у ерга полвон болалар?

ГАВҲАР ХОНИМ

Билмадим.

НУРМУҲАММАД

Борсалар агар барини  
Итқитиб ташлайман. Беринг, кўлакни.

КАНИЗАК

Ўзим кийинтириб қўяман, юринг.

(К а н и з а к б о л а л а р н и е т а к л а б и ч к а р и к и р а д и .)

ГАВҲАР ХОНИМ

Нечун керак бўлиб қолди Элбарсга  
Менинг норасида иккала ўғлим?  
Наҳот бир ёзувлик пайида бехос  
Саройга олдирад ўғилларимни?  
Ахир, болаларда не айб? Ё Раббим,  
Ўзинг инсоф бергил ақли ноқисга!  
Эндигина келиб ёруғ оламга  
Қуёшга юзланган болаларимни  
Аларнинг қахридин ўзинг асрагил.  
— Ч от а с и н и н г к ў з и н ў й д и р г а н  
Шаҳзода илгидин келмас бало йўқ.  
Ўзинг асра, Оллох, ўша балодин!!!

(К а н и з а к қ у м ф о н н и к ў т а р и б и ч к а р и д а н ч и қ а д и .)

КАНИЗАК

Шапиллатиб ўйнаб сувни тўкишди,  
Тўлдириб келаман қумғонни ҳозир.

ГАВҲАР ХОНИМ

Тўхта, бирпас тўхта. Болаларимни  
Чўмилтирган эдим ҳали эрталаб.

КАНИЗАК

(К ўз ёшларини яширишга уриниб.)

Ортиқча бўлмас деб ўйловдим бунини...

ГАВҲАР ХОНИМ

Сен ҳам бир нохушлик сезмоқдамисен?

КАНИЗАК

(Ўпкаси тўлиб.)

Йўк, бекам...

ГАВҲАР ХОНИМ

Йўк эрса нечун йиғларсен?

КАНИЗАК

Ўзум шундоқ, бекам, эрта саҳардин  
Кемириб ётибди ичимни қуртлар.

ГАВҲАР ХОНИМ

Маили, бор, ювинтир яна бир қарра.

**Канизак кетади. Гавҳар хоним оғир ўйларга толади. Канизакнинг тескари томондан қайтиб, ичкарига кириб кетганини ҳам пайқамайди.**

Султоним, шунқорим. Исфандиёрим  
Сизга қанот ато этсин-да Оллоҳ,  
Тезда ётиб келиб,

аждар илгидин  
Қутқаринг, қутқаринг полапонларни!  
Дилбандларингизни қаттол инингиз  
Қатл айламоқни этгандур ният...

(Й иғисини босиб.)

Билурмен. Сиз ҳозир кела олмайсиз...  
Бир куни келурсиз, ўғилларимни  
Кўрсат, деб сўрасиз мен нотавондин,  
Аммо ўша пайтда аларни Сизга  
Кўрсата олмамен, сўзлай олмамен,  
Фақат сочларимни юлармен, бегим!

**Кўз ёшлари юзларини ювганича ҳолдан тойиб ўлтирарди. Ювиб таралган, ясан-тирилган болаларни канизак олиб киради. Болалар чопқиллаб оналарининг бўйинларидан қучишади.**

НУРМУҲАММАД

Сиз ҳам юрақолинг.

ШЕРМУҲАММАД

Юринг, онажон,  
Кўрасиз мен қандай шеър ўқийман.

НУРМУҲАММАД

Кураш тушганда мен чалиб оёқдан  
Рақибнинг елкасин тегизиб ерга,  
Бирпасда энгганим кўрасиз. Юринг!

ГАВҲАР ХОНИМ

(Ўзини қўлга олиб.)

Билурмен, зўрсизлар иккалангиз ҳам,  
Менинг шерларимсиз ўтиниб топган.  
Мен Сизни шул ерда кутиб ўлтургум,

Қараб йўлингизга, кўзим тўрт бўлуб.  
Борақолинг энди.

**(Хар бирини узоқ бағрига босиб, жони оғзига келиб хайрлашади. Канизак болаларни олиб чиқади. Гавҳар хоним тиз чўкиб чинқириб юборади.)**

Ў, чархи даввор,  
Ағдарил бошимга, чилпарчин айла!!!  
(Ф олиб бир ал ф о з да Гул сим б ону кир а ди.)

ГУЛСИМБОНУ

Ўтиб бораётсам қулоқларимга  
Йиғига ўхшаган товуш чалинди.  
Не кулфат юз берди, билайин дея  
Кирдим хужрангизга. Не бўлди, хоним?

ГАВҲАР ХОНИМ

(Х о т и р ж а м.)

Сени қулоқларинг адаштирибди,  
Бу эски деворлар пинак бузмаслар.  
Томоша кўрай деб кирган эсанг гар,  
Кўряпсан, ҳеч қандай томоша йўқтур.

ГУЛСИМБОНУ

Бундин ортиқ бўлмас фоже-томоша,  
Эринг Исфандиёр ўғри мушукдек  
Биқиниб юрадур аллақайларда.  
Сен эрса, шу тўртта девор ичра хор  
Ва забун, чорасиз бир гадой янглиғ  
Ўғлим имдодига қараб турурсен.  
Агар берса ерсан, гар бермаса йўқ.

ГАВҲАР ХОНИМ

Сен тагин адашдинг. Иккала ўғлинг  
Биров нари турсин, ҳаттоки сенга,  
Яъни, онасига бир тишлам нонни  
Раво кўришликка қодир эмаслар.  
Ота хазинасин тополмай сарсон —  
Саргардон эрурлар. Томоша дея  
Буни айтса бўлур. Хунук томоша.

ГУЛСИМБОНУ

Бундан чиқадики, анойимассан,  
Хоннинг хазинаси балким сендадур.  
Кўр хоннинг, ахир, сен тантиқ келини.

ГАВҲАР ХОНИМ

Кўр хон, дедингми сен? Аввало билмоқ  
Даркордир ким соғу ва кимлардир кўр,  
Сенинг кўзинг очиқ, аммоки кўрсан,  
Ўз бахти кўзига мил торттирган кўр.

ГУЛСИМБОНУ

Йўқ, бахтим кўзлари энди очилди,  
Энди бўй кўрсатди ҳаёт гуллари.  
Ўн йилча кўзларим бойлатган кўзни  
Ўйдиргач, чарақлаб очилди дийдам.  
Мени кўролмаган барча кўзларни  
Энди мен ўяман битта қолдирмай.  
Ўяман энг аввал сенинг кўзингни.

(Узоқдан фиғон эшитилади. Бора-бора яқинлашади.)

ФИҒОН

Ўзимдан чиққан балога  
Қайга борай давога?!

**Иккала қўлида икки боланинг қалпоғи ва камзулини кўтаргача аранг қадам ташлаб канизак кириб келади.**

ГУЛСИМБОНУ

Вожиб бўлиб Элбарс ўғлимнинг амри



Икки болангинг-да боши қирқилди.

**Гавҳар хоним тош қотиб қолади. Сўнгра беихтиёр равишда қалпоқ ва камзулларни олиб, бир-бир кўзларига суртади, бағрига босганча ҳушдан кетиб йиқилади. Гулсимбону унинг тепасига келиб қаҳ-қаҳ уриб кулади, кулаберади.**

#### ЕТТИНЧИ КҮРИНИШ

**Арк. Саломхона. Ҳабаш тахтда. Ўнг қўлда Элбарс, сўлда Қурбон хожи. Ҳабаш ҳомуш бир ҳолда тахтдан тушади.**

ҲАБАШ

Энди буёғига аралашмайман,  
Шундоқ ҳам бўғзимга тикилди жоним.  
Ўзи кўп ишимиз нотўғри бошдан.

ЭЛБАРС

Неси нотўғридир, айт, неси?

ҲАБАШ

Аввал

Аҳли уламони, аҳли исломни  
Оғдирмоқ шарт эди ўзимиз томон.  
Мен буни айтдимми? Айтдим! Аммоки  
Манави оталиқ нима деди, а?  
Шамол қаён эсса аҳли уламо  
Шу ён эгилади кунгабоқардай  
Дея инобатга олмади сўзни.  
Кўрдикки, уламо кунгабоқармас,  
Эгилмас ва синмас бир пўлат экан.  
Хонни ёқлагани-ёқлаган. Бизни  
Ҳатто олгани йўқ сариқ чақага.  
Бўлди, буёғига мени тинч кўйинг.

ҚУРБОН ҲОЖИ

Беҳуда айбланган, мени онҳазрат.

ҲАБАШ

Онҳазрат эмасман! Ҳабашман! Аввал  
Кандай бўлган эсам, ҳозир ҳам шуман.

ҚУРБОН ҲОЖИ

Соҳиби давлатсиз, аҳли уламо  
Монелик қилолмас сизларга ҳеч вақт.

ҲАБАШ

Соҳиби давлатмиш... Бундай пошшолик  
Итга ҳам керакмас.

Бир хазинабон

Бермай ўтирса-я олтин, кумушни.  
Гўё қайдалигин билмасмиш зарнинг.  
Ўлиб кетди, аммо бермади каззоб.  
Бундайин пошшолик ордона қолсин.  
Элбарс чиқақолсин шип-шийдам тахтга.

ЭЛБАРС

Чикурман. Тожу тахт меники бўлур,  
Олтин, кумушларни топмай қўймасман.  
Кўкларга кўтаргум Найман номини.  
Буткул фориг бўлуб энамиз доғдан  
Бутун Хоразмга эна бўлурлар.

ҲАБАШ

Э, нима қилсанг қил. Менга тегинма.

ЭЛБАРС

Магар керак эмас экан пошшолик,  
Нечун тиг кўтариб чиқдинг майдонга?  
Ота кўзин ўй деб жаллодга нечун  
Амру фармон этдинг, не учун, нега?

## ҲАБАШ

Не қилсам қилдим мен қизикқонликда,  
Бунинг гапларига кирдим, не қилай.  
Айниқса, сен икки гўдақ қонини  
Беҳуда тўққаннинг кўрганимдан сўнг,  
Отимни тўхтатдим. Толдим ўйларга.  
Ахир, гўдақларнинг не эди айби?

## ЭЛБАРС

Шундоқ қиласан деб энамиз айтди.

## ҲАБАШ

Энамиз айтганин қилабер, майли...  
Кўтар-кўтар қил деб Найманни энам  
Ҳоли-жонимизга қўйгани йўқ.

Хўш,

Оқибат не бўлди?

Бошқа элатлар  
Чиқдилар майдонга бўҳрон сингари.  
Бирини ўлдирсанг, юз ва минг одам  
Кўзғалиб, Найманга этмоқда ҳамла.  
Ёнгин қопламоқда бутун маъвони.  
Ман ани ўчирмоқ йўлин билмасмен  
Ва сен ҳам билмассен.

Гар шундоқ экан

Мен кетдим.

## ҚУРБОН ҲОЖИ

Йўқ, кетманг.

## ЭЛБАРС

Қўйинг, оталиқ..

Кетса кетаберсин.

## ҚУРБОН ҲОЖИ

Ахир, бир ёқдан

Келур Исфандиёр қўшини ила,  
Иккинчи томондан эса ҳадемай  
Абулғози султон бостириб келур.

## ҲАБАШ

Не дединг? Дағи бир такрорла сўзинг.

## ҚУРБОН ҲОЖИ

Исфандиёр келур... қўшини лак-лак...

## ҲАБАШ

Нечун сир сақладинг буни сен, каззоб,  
Нечун сайраб қолдинг энди ногаҳон?

## ҚУРБОН ҲОЖИ

Ўзим энди билдим, онҳазрат.

## ҲАБАШ

Йўқ-йўқ,

Ёғий қуш эмаски, учса-да келса,  
Чанг чиқмай қолурми ёв юрган йўлдан.  
Қайда изкувару искавучларинг?  
Етар шу дамгача алдаб келганинг,  
Тупроқ сочганларинг менинг кўзимга.  
Етар. Сен билгансан ёвнинг келишин,  
Ёв ила тилинг бир сенинг, э, сотқин.

## ҚУРБОН ҲОЖИ

Онҳазрат, ўлимдан хабарим бору  
Аmmo...

## ҲАБАШ

Йўқ. Алдама. Сен-чи, илоннинг

Юрганин кўрасан ернинг остида.  
Исфандиёр ила бириктириб тил,  
Бизни йўқотмоқчи бўлгансан асли.  
Заиф билиб бизни, бола деб бизни,  
Ёғий тарафига ўтиб кетгансан.  
Энди кунинг битди сенинг.

#### ЭЛБАРС

Оталиқ  
Сотқинлиқ қилмагай бизга ҳеч қачон.

#### ҲАБАШ

Шундай деб ўйлардим мен ҳам.  
Ва лекин  
Кўзларим очилди ҳозир. Кўрдимки,  
Бу нокас мени-да, сени-да сотган.

#### ҚУРБОН ҲОЖИ

Заррача гуноҳим йўқтур, онҳазрат!

#### ҲАБАШ

Гуноҳдан иборат бошдан-оёғинг.  
Сен менинг отамни сотдинг аввали.  
Энди эса бизга қайрабсан нишинг.  
Э шайтони лаъин... сенга бир жазо  
Тайин айлағум мен.

#### ЭЛБАРС

Ҳабаш?

#### ҲАБАШ

Сўзим — сўз.  
Сенга бердим тахтни Элбарс... Сен эса  
Буни жазолашни менга қўйиб бер.  
Жаллод!

Ж а л л о д к и р а д и !

#### ҚУРБОН ҲОЖИ

Гуноҳим йўқ, авф этинг, авф!

#### ҲАБАШ

Олиб чиқ буни ва отга судрат-да  
Элнинг кўз олдида терисини шил.

#### ҚУРБОН ҲОЖИ

Бир қошиқ қонимдан ўтинг.  
(Ж а л л о д у н и о л и б ч и қ а д и .)

#### ҲАБАШ

Энди кетаман!  
Мен жангга кирганман билибми-билмай,  
Аммо энди билиб ўлурман жангда.

(К е т а д и .)

#### ЭЛБАРС

Тавба... Жинни бўпти. Билиб ўлармиш...  
Майли, сен ўлабер, ўл, менинг эса  
Ҳали киладиган ишларим кўпдур.  
Мулозим, чақир тез саркардаларни.

#### САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Барханлар аро жойлашган Кумқалъа. Кунгуралар унга маҳобат бағишлаб турибди. Хужра сўрасида Арабмухаммадхон ётибди. Унинг пойида Тожиддин мунгайиб ўлтирибди.

Арабмухаммадхон кўзғалиб ўрнидан туради.

АРАБМУҲАММАДХОН

Пешин яқин чоғи?

ТОЖИДДИН

Йўқ, Олий ҳазрат,  
Куёш бош кўтарди энди ёстикдан.

АРАБМУҲАММАДХОН

Куёш чикди, дегин, осмон тозами?

ТОЖИДДИН

Кўкни қоплаб ётар булут дегани.  
Бир чеккасингина ёролган куёш.

АРАБМУҲАММАДХОН

Булутнинг бир чети сўкилса басдур,  
Куёшнинг тафтига бера олмай дош  
Сўнг бир-бир сўкилиб кетар чоклари.  
... Офат булутларин ёра олмасдан  
Қийналиб кетдилар Исфандиёрлар.

ТОЖИДДИН

Ёриб чиқажаклар бир куни, албат,  
Олис йўлнинг кўпдир машаққатлари.

АРАБМУҲАММАДХОН

(Ўз-ўзига)

Анойи эмасдур Шоҳ Аббос мозий,  
Синовдин ўтказар Исфандиёрни.  
Билса қизилбошга биродарлигин,  
Қўшин, қурол берур. Акс ҳолда у  
Ўғлимни тескари миндириб отга.  
Ҳайдаши аниқдур эронзаминдан.  
Бухоро амири Имомқулихон  
Бу бобда қолишмас Шоҳ Аббосдин ҳеч,  
Чангалида ушлар Аблуғозини.  
Фақат Бухорога қулай келган дам  
Панжаси очилур. Ўғлим ўшанда  
Қушдай учиб келур менинг қошимга.  
Иккови келса гар икки томондин  
Менинг кўзларимга нур энгани шу.  
Шунда осмон дағи бўлгай мусаффо.

**Элас-элас сон-саноксиз қушларнинг сайрагани, отларнинг кишнагани эшити-лади.**

АРАБМУҲАММАДХОН

Кўпдин қулоғимга эшитилар бу,  
Қушлар сайрашию отлар кишнаши.  
Сен ҳам илғармисен бу ғалат сасни?

**Тожиддин туйнукка қулоқ тутади. Олис товушлар тинади.**

ТОЖИДДИН

Менинг қулоқларим битганга ўхшар,  
Эшитмас сиз айтган от ва қуш сасин.

**Арабмуҳаммадхон туйнукка қулоқ тутади. Ўша товушларни эшита бошлайди.**

АРАБМУҲАММАДХОН

Мана, эшитиб турибман аниқ,  
Энтикар юрагим эшитган сайин.  
Бу отлар, отлари эрур хойнаҳой  
Ўғлим Исфандиёр, Абулғозининг.  
Бу қушлар аларнинг тепаларида  
Учиб келаётган бахт қушларидур.

(Сукут)

Ё менинг ақлимга заҳм етибдур,  
Ё сенинг қулоғинг чиндан ҳам битган.

ТОЖИДДИН

Балким қулогимнинг бордур ишкали,  
Аммо тинчлик бермас менга бошқа сас.

АРАБМУҲАММАДХОН

Не сасни айтурсен?

ТОЖИДДИН

Анов кунгура  
Ичидан вишиллаб келгувчи сасни.

АРАБМУҲАММАДХОН

Аждар вишиллашин айтадурсен, сен,  
Сезурмен, безовта сунгги пайтда у.

(А ж д а р х о н и н г т а х л и к а л и в и ш и л л а г а н и э ш и т и л а д и.)

ТОЖИДДИН

Ёриб чиқмаса деб кўрқамен тошни.

АРАБМУҲАММАДХОН

Кўрқма, бу кунгура тошлари метин,  
Уни ёра билмас аждаҳо тугул  
Панжаси тигларга айланган дев ҳам.

(Сукут)

Эсингда тургандир Ҳиндистон шоҳи  
Совға этган эди ани фақирга.  
Ҳуштак чалар эди аждаҳо турфа,  
Гоҳ-гоҳ қулоқ тутиб ҳуштакларига  
Кунгура ёнида ўлтириб узоқ  
Англамоқ бўлардим чархи давворнинг  
Сиру асрорини, баланд-пастини.  
Энди турфа ҳуштак чалмай қўйди у,  
Фақат вишиллайди дилни оғритиб,  
Кунгура ичида ётаверишлик  
Жонига теккандир, анга ҳам оғир...  
Аммоки йўл берсанг, захрини сочиб,  
Дуч келган одамни ямламай ютар,  
Ёмон ҳам худдики каммас аждардин...

Оёқ товушлари эшитилади.

ТОЖИДДИН

Биров келди чоғи.

АРАБМУҲАММАДХОН

Қара, ким бўлди?

(Ш а м с и д д и н х о ж а к и р а д и.)

ШАМСИДДИН ХОЖА

Оллоҳга шукрким, ўт-олов ичра  
Сизни омон кўрдим, дағи, онҳазрат!

АРАБМУҲАММАДХОН

Фақат нафас олмоқ омонлик эмас,  
Умр эмас фақат кунни ўткармак.  
Сиз буни жуда ҳам яхши билурсиз.

ШАМСИДДИН ХОЖА

Оллоҳнинг ҳар берган нафаси неъмат,  
Ҳар он ғаниматдур! Аҳли уламо  
Сизга сиҳат тилар. Йўллар саломлар.

АРАБМУҲАММАДХОН

Қийналиб кетди кўп уламо, саййид,  
Аҳли раиятга ундан-да оғир.



Сиз, ахир, отасиз ғамгузор элга  
Сизга умр талаб мен-да ушбу дам  
Ижозат сўрармен фикр айтмоққа.

(Хоннинг этагини кўзига суртади. Арабмухамм адхон унинг елкасига қўлини қўяди.)

АРАБМУҲАММАДХОН

Туринг ўрнингиздин, ҳимматли хожа,  
Не айтмоқ истарсиз?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Айтишдан аввал  
Абулғози султон сизга йўллаган  
Мактубни ўқишга руҳсат этгайсиз.

АРАБМУҲАММАДХОН

Мактуб? Қачон келмиш?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Бугун, онҳазрат!

АРАБМУҲАММАДХОН

Тезроқ ўқисинлар, пайсалга солмай!

АБУЛҒОЗИ СУЛТОН

мактуби

**Киблагоҳ!**

Сизнинг кўзингизга тортилган мил менинг кўзларимга урилса неткай эрди?!  
Сизга еткарилган хорлигу ранжу балоларга менинг кўксим қалқон бўлолса неткай эрди?!

Неткай эрди кулоқларим кар бўлсаю элимиз чекаётган оху ноаларни эшитмас-са?!

Неткай эрди ўз отасига ўзи тош отган падарбезориларнинг қўллари шал бўлса?!  
Алар ила ака-укалик иснодига фақир дохил бўлмасам неткай эрди?!

Кошкийди, озод қушга айлансаму қошингизга учиб борсам, дийдангиз яраси-га, дилингиз жароҳатига малҳам бўлолсам!

Кошкийди, ҳаётбахш шамол янглиғ бошингиз устидаги қора булутларни қувол-сам!

Остимда аргумоғим, илгимда ханжарим, қатимда черигим бўлсаю пойдор сал-танатни таназзулга гирифтор айлаганлар ила юзма-юз туриб олишсам, танларин бошларидин жудо этсам, магарким, толе дағи юз ўгирса, бу оламдин кўз юмиб кетсам, кошкийди!

Ўзингиз, падари бузруквор, кўп айтгучи эрдингизким, Хоразмни ёв ола бил-мас, магарким, Хоразмни хароб этса ўз нонкўр ўғлонлари хароб этурларким, анинг иснодини ҳеч нимарса ила ювиб бўлмағай! Қисмат бу исноду уятни айни бизнинг бошимизга солган эрканким, шул замонда туғилганимдин пушаймондамен, муси-батли дамларда кулаётган салтанат тождорига — Сизга, қиблагоҳ, қанот бўлолма-ганимдин озурда ва армондамен!

Дағи айтур эрдингизким, Хоразм ўз оёғига урилган тушовларни ўзи ечмоққа қодир, андинки, ёмонидин яхшиси кўпдур, ҳаромиси бир-икки эрса, ҳалоли лак-лак, тупроғи офатларга бардошли, эл-улуси сабр-қаноатли, жўмард, тилида Оллоҳ каломи, дилида иймон-эътиқод қуввати бисёрдур.

Иншооллоҳ, падари бузруквор, дағи бахту тахтингиз устувор, дағи элимиз намудор, дағи салтанатимиз пойдор бўлғай! Ани кўрмоқ ва анга етушмак йўлида Оллоҳдин марҳаматлар тилаб, белин қаттуқ боғлаган ўғлунгиз Абулғози.

АРАБМУҲАММАДХОН

Яратган ёр бўлғай Абулғозига!

ШАМСИДДИН ХОЖА

Салтанат пойдор бўлғай деб дағи  
Абулғози султон бежиз айтмамиш.  
Давлат пойдорлиги Сизнинг биландур.  
Сизни асрамоқлик бобида ўйлаб,  
Бир чора изламиш аркони давлат.

АРАБМУҲАММАДХОН

Не чора эркан ул?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Сизни бул ердин  
Бошқа хавфсиз жойга кўчирмоқликни  
Ният айламишдур содиқ аъёнлар.

АРАБМУҲАММАДХОН

Қаёққа кетмоғим лозим?

ШАМСИДДИН ХОЖА

Шайхобод,  
Яъни, менинг ўбам Сизга мунтазир.  
Билурсиз, Шайхобод овлоқ, дахлсиз,  
Ёмон кўздин йироқ, пана бир манзил.  
У ерга етмагай шумлар қадами.  
Рухсат айласангиз бугун оқшомда  
Сизни ул масканга элтгай йигитлар.  
Бир қадам жилмасмен, мен, Сиздин нари.

(Сукут)

Онҳазрат, ижозат айланг, вақт зиқ!

АРАБМУҲАММАДХОН

Аёнки, соқчилар, из қувгувчилар,  
Ҳид олиб юрганлар сероб атрофда.

ШАМСИДДИН ХОЖА

Фафлатда қолдирур барин йигитлар,  
Изн айланг, шоҳим!

АРАБМУҲАММАДХОН

Э, хожа, хожа,  
Мени қувлагувчи қотил ўғлимдин  
Қочиб юрайинми жоним ховучлаб?!

ШАМСИДДИН ХОЖА

Ножоиздур буни қочиш демоқлик,  
Бу ўз элингизда битта ўбадин  
Иккинчи ўбага ўтишлик эрур.

АРАБМУҲАММАДХОН

Ўзни алдамоқлик азалдан бор гап,  
Ўзни алдайберсин кимлар истаса.  
Аммо мен ўзимни алдай олмайман,  
Чалғита олмайман ўзимни-ўзим.  
Мен чап беролмайман барҳақ ўлимга.  
Бошимни олмоқчи бўлган ўғлимдин  
Бош олиб кетмоқлик ўлимдин ёмон.

(Сукут)

Мени ўйлагувчи содиқ аъёнлар,  
Аҳли уламога ташаккур, хожа.  
Мен ҳам кеча-кундуз аларни, элни  
Ўйлаш азоби-ла ўтгум дунёдин.  
Хайр, марҳаматли хожа! Алвидо!

ШАМСИДДИН ХОЖА

Иншооллоҳ, дағи дийдор кўришлик  
Насиб айлагайдур, хайр, онҳазрат!..

АРАБМУҲАММАДХОН

Оллоҳнинг марҳамат нури ёғилсин,  
Дийдор кўришгаймиз рўзи маҳшарда!

**Улар бир-бирини бағрига босиб узоқ туришади.**

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

**Ўша жой. Арабмуҳаммадхон ҳузурига ташвишланиб ошиққан, аммо тўсиққа учраган халойиқнинг гала-говури, бўлаётган воқеаларга муносабати — акс-садоси эшитилиб туради.**



Элбарс ўз соқчилари билан кириб келади. Арабмуҳаммадхоннинг орқа томонида тўхтайти.

АРАБМУҲАММАДХОН

Элбарсмусен?

ЭЛБАРС

Ҳа, мен.

АРАБМУҲАММАДХОН

Нечун келгансен?

ЭЛБАРС

Келишсак деб келдим.

АРАБМУҲАММАДХОН

Келишсак? Нени  
Келишурмиз?

ЭЛБАРС

Сенга неки даркордур,  
Барини муҳайё этиб берурмен.

АРАБМУҲАММАДХОН

Менга ҳеч ниманинг кераги йўқтур.

ЭЛБАРС

Жонинг-чи? Жонинг ҳам керакмайдиму?

АРАБМУҲАММАДХОН

Жоним ҳам керакмас.

ЭЛБАРС

Ёлгон айтасен,  
Кимга жон керакмас, ким ер устида  
Юрмоқлик ва нафас олмақлик, емоқ —  
Ичмоқлик бахтидин воз кечур, ахир?!

АРАБМУҲАММАДХОН

Мен воз кечадурмен айтганларингдин.  
Қадам ташалмоқлик ернинг устида  
Мен учун азобдур!

Қолганлари ҳам  
Азоб-уқубатдин бўлак нарсамас!  
Магар азоб эрса турган-битгани  
Яшамоқ не даркор?

ЭЛБАРС

Бундоқ гапларни  
Сен ҳозир деюрсен. Соғайиб кетгач,  
Роҳат-фароғатда яшагач дағи  
Бошқача сўзларни айтурсен, албат!

АРАБМУҲАММАДХОН

Мендин не истарсен?

ЭЛБАРС

Биргина нарса...

АРАБМУҲАММАДХОН

Хўш?

ЭЛБАРС

Воз кечадурсен тожу тахтингдин,  
Ўзунг топшиурсен хонликни менга!

• АРАБМУҲАММАДХОН

Хонлик — ўт, тентакка бериб бўлмагай!

## ЭЛБАРС

Мени хафа этма, яхши бўлмагай...  
Амр этсам ўйлашга қолмас фурсатинг.

## АРАБМУҲАММАДХОН

Амр этасанму? Бундай ҳақ-ҳуқуқ  
Фақат подшоҳларда бўлур. Сен эсанг  
Подшоҳнинг ўғлисан, норасо ўғил.  
Амр айласам мен айлашим даркор,  
Аммо ҳамон сенга ота эканмен,  
Амр этмоқликни қўйиб бир четга,  
Сенга буюрамен оддий бир ота  
Ўз нобоп ўғлига буюрган каби.  
Юрган йўлингдан қайт! Бу йўл муҳаққақ  
Мени кўзларимдин айирганидек  
Сени жудо айлар охир жонингдин.  
Тавба-тазарру эт, гуноҳларингни  
Кечишни ўтиниб Оллоҳдин сўра.  
Оллоҳ раҳмдилдур, кечиргувчидур!

## ЭЛБАРС

Юрган йўлим тўғри, замон зўрники,  
Мен талаб қилурмен ҳаққимни, холос!  
Подшоҳлик менингдур, фақат менингдур,  
Сен менга қўл очиб, бергил фотиҳа.

**Халойиқнинг норози гала-говури эшитилади. Аждаҳо вишиллайди.**

## АРАБМУҲАММАДХОН

Кўр, эшит, ловулар нафрат ўтлари,  
Элнинг қазабидин кўрқ жилла қурса.

## ЭЛБАРС

Эл ўзи ловулар ва ўзи куяр,  
Одамлар бир қўйдир...

## АРАБМУҲАММАДХОН

Бас, оғзингни юм!

(С у к у т)

Мени одам қилган ва подшоҳ қилган  
Аввало Ҳудодур, қолаверса халқ.  
Меҳр берган сайин одам зотига  
Меҳр кўрабердим узоқ-яқиндин.  
Одамлар кўзига меҳр кўзи-ла  
Боққаним сайин нур инди дилимга,  
Кўзларим равшанроқ кўрди дунёни.  
Қоронғу йўллари нурафшон айлаб,  
Зиёга чулғаган онимда элни  
Менинг кўзларимни ўйдинглар сенлар.  
Бир мени ташласанг зулмат қаърига  
Чидар эдим, биллоҳ, берардим бардош.  
Лекин ташладинглар сенлар зулматга  
Нурга ошно бўлган, нур эмган элни.  
Қачон ёруғликка чиқар энди у,  
Қачон, қачон?!

## ЭЛБАРС

Сен-чи, ўзингни ўйла,  
Ҳозир жаллод десам, тамом!

## АРАБМУҲАММАДХОН

Бўл, қақир,  
Сен ила рўбарў тургандин кўра  
Ажалга рўбарў бўлган яхшироқ.  
Аммо яширмаймен, сўнги онимда  
Бағримни тиг каби кесар бир армон.  
Сенинг ва сенларнинг бадбахтликларинг  
Юкини кўтариб кетмоқ армони.

Сенлар тугилганда нечун қувондим,  
Нечун қувондим мен бўйларинг кўриб,  
Шулар кўзларимни ўярлар дебми,  
Жаллодга топширар дебми бир куни!

(Сукут)

Мабодо мен сенинг ўрнингда агар  
Бир кучук боқсайдим, улғайганда ул  
Менинг кўзларимга урмас эди чанг,  
Билъакс, вафолар кўргузиб менга,  
Мадад берур эди кўнглимга шаксиз.  
Бири кам дунё бу, бири кам дунё!

ЭЛБАРС

(Кинояомуз)

Армонинг дағи не?

АРАБМУҲАММАДХОН

Оддий қишлоқда  
Ўз ўғли узатган чойни хўплаб ва  
Фарзандин мазали сўзини тинглаб  
Ўлтирган оддий бир одам ўрнида  
Бўлсайдим... Аслида пошшолик ўша!  
Сен буни англашга қодир эмассен,  
Ноқис сенинг ақлинг.

Менинг нутфимдин —  
Йирингдин дунёга келган эдинг сен.  
Демакки, ўзимнинг йирингимга мен  
Булғаниб ўлурумен.

Аммоки сени  
Оқ этмоқ азоби бундин огирроқ.

ЭЛБАРС

Оқ этсанг, оқ эт-ей!

(Халойиқ акс-садоси)

АРАБМУҲАММАДХОН

Шундоқ де... Демак,  
Сенларни қарғамоқ, оқ қилмоқликдин  
Бўлак имкон йўқтур ихтиёримда.  
Сўнги ўқимдур бу илгимда қолган.  
Бу ўқнинг заҳмидин жон берган фарзанд  
Тоабад ёнгайдур дўзах ўтида.  
Тинмай айланадур фалакнинг чархи,  
Асрлар кетидин келур асрлар,  
Аммоки ўчмагай бу ўқ товуши,  
Хушёр айлаб тургай бани одамни.  
Оталар, оналар, боболарни у  
Ҳар дам уйғоқликка чақириб тургай.  
Даъват айлагайдур фарзандларни у  
Инсофу идрокка, меҳру шафқатга.  
Сенларнинг номларинг эшитганида  
Жирканур авлодлар, замин-замонлар.  
Сенларнинг руҳингга отиладурган  
Нафрат тошларининг сўнги бўлмагай.  
Омин, Оллоху Акбар!

**Элбарс бир қадам орқага тисарилади. Кўллари қалтираб кетади. Сўнг ўзини  
тутиб олдинга силжийди.**

ЭЛБАРС

Йўқ, кўркмасмен!  
Соқчилар тез элтинг Хивага буни.  
Танини бошидин жудо эт, жаллод!

**Аждаҳо вишиллайди. Халойиқнинг газабли акс-садоси борлиқни тутати. Шуъ-  
ла сўнади.**

ФИФОН

Ўзимдан чиққан балага  
Қайга бораё давога?!

## ЯККА ОВОЗ

Ёрил дилим — вайронам,  
Бўғзимда қотди нолам!  
Бошим олур ўз болам,  
Алвидо, маҳзун олам!

### ФИФОН

Ўзимдан чиққан балога  
Қайга борай давога?!

### ХОТИМА

Арабмуҳаммадхон қатл майдонида. Қаршисида кунда ва болта.

### АРАБМУҲАММАДХОН

(Муножот)

Парвардигоро, ўзунг тилимга сўз, кўзимга нур, жисмимга қувват, илгимга ақлу заковат машъаласини бериб, марҳамат айладингким, ожиз банданг шукронасин ижобат қилгайсен, ҳар неки қадам кўйдим, саҳв қилдим, журму гуноҳларимни мағфират этгайсен!

Парвардигоро, тилим сени зикр этмаган бадбахт дамларни, қулоғим сени эшитмаган, кўзим шуълангни, ақлим марҳаматингни илғамаган шўрийда онларни умрим дафтаридида қора айлаб, ёлғиз сен бирла, сенинг муборақ ёдинг бирла кечирган саодатли кунларим савобини то рўзи маҳшар ўзумга раво кўргайсен, нотавон жисмимни фано азобларидин фориғ айлаб, бақо оғушига олгайсен, меҳру шафқатингга ноил этгайсен!

Парвардигоро, ношукур ўғулларимни разолат ботқоғидин чиқариб, диёнат йўлига бошлагайсен, алар жаҳолати ва жабридин пароканда бўлгон юртимизни якқадам айлаб, жароҳатларига шифо бергайсен, саодатга ёр этгайсен!

Парвардигоро, кимга жабру ситам, озор ва уқубат етказган эрсам, авф айлаб, жабрдийдаларни ғам-аламдин халос этгайсен, ўзунг берган умрим интиҳосида ўзунгга етишмоқ иштиёгимни мустажоб, илтижоимни қабул айлагайсен! Омин!!!

Арабмуҳаммадхон ўрнидан туради. Қаддини ростлаб, салобат ва виқор касб этади, сабр ва бардошнинг, ақл ва заковатнинг жонли ҳайкалига айланиб қолади.

Узоқдан отларнинг кишнагани эшитилиб, тобора яқинлашиб келади. Сон-саноксиз қушларнинг ҳаётбахш сайрашлари борликни тутати.

## *Адабиёт абадий*

---

\* \* \*

Бундан қирқ йил муқаддам таниқли адиб Раҳмат Файзий асари асосида «Сен етим эмассан» бадиий фильми суратга олинган эди. Фафур Фуломнинг машҳур шеъри номи шундай янги бир шакл ҳам касб этиб, ўз ҳаётини давом эттирди.

\* \* \*

Ўзбек адабиётида уруш мавзусини ўзига хос йўсинда ёритиб, игна билан машҳур «Вафодор» романини ёзган Вали Фафуров туғилганига 80 йил тўлди.



## АСРЛАР, АСАРЛАР

Алишер Махсум

### Икки ҳикоя

#### Оталиқ

Ҳижрий 1282, зулҳижжа ойининг йигирма олтисида<sup>1</sup> Қўқон хонлигининг оталиғи, амири лашкар мулла Олимкул 10 мингга яқин қўшин билан Тошкентга кириб келди.

Тонг ҳали ёришмаган, ҳар тарафдан эшитилаётган муаззинлар овози одамларни бомдод намозига чорларди.

Мулла Олимкул Ниёзбек қалъаси қўлдан кетганлиги, душман шаҳарга жуда яқин турганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, шошқин равишда йўлга тушганди. Оталиқ шаҳарга киришдан аввал Мингўрик мавзеида шошилинч ҳарбий кенгаш ўтказди, сўнгра қўрғон деворларини кўздан кечиргани отланди. Амири лашкарнинг Самарқанд дарвозасига яқинлашгани хабарини эшитган Ўрда аъёнлари унинг истиқболига чиқдилар.

Оталиқни Тошкент қушбегиси Қўшдодҳо, қозикалон Ҳакимхўжа, шайхулислом Абулқосим эшон, уламолардан Солиҳбек охунд, мулла Мирзаолим охунд, кўрбоши Абдусаттор Қорабош ва яна бир қанча нуфузли кишилар кутиб олдилар.

Ланг очиқ Самарқанд дарвозадан мулла Олимкул оқ саман отда, кетидан оталиқнинг шиғовули Ёдгорбек, тилла жабдуғли қизил айғир устида мудраб қолган ёш хонзода Султон Сайидхон, кетидан Мирза Аҳмад қушбеги, Солиҳ тўра Кенесар ўғли (буларга оталиқ мактуб йўллаб, вилоятлардан чақиртирган эди) ва яна бир қанча отлиқлар кириб келишди.

Қўқондаги юлдузлар сўниши олдидан гира-шира милтиллаб, осмон уфқ тарафдан кўкимтир тус ола бошлаганди.

Мулла Олимкул бомдод намозига шошилди. Намозни Хиёбондаги Хўжа Аъламбардор масжидида ўқишга қарор қилинди. Олимкул аста қамчи босиб тезлатди. Узоқ йўлда толиққан от эгасининг шошилишини сезган шекилли, жойидан бир ирғиди-да, тезлаб кетди.

Олимкул масжид остонасига қадам қўйганида сўфи такбир тушираётган эди. Имомликка оталиқнинг ўзи ўтди. Намоз сўнгида узундан-узоқ дуо ўқилди: бостириб келаётган ёв устидан зафар қозонишни, кофирларнинг жазосини Оллоҳнинг ўзи беришини сўраб, душман дуоибад қилинди.

---

Ватаннинг энг яхши фарзандлари иззат-обрў, шон-шўҳратни ўйламайди, ўзини ҳар даврга, ҳар суҳбатга уравермайди. Аммо ватан ҳақида баландпарвоз ва кўп гапиралганларга нисбатан, буларнинг ватанга меҳр-муҳаббати теранроқ. Анча йиллардан бери ўзбек адабиётида ҳеч кимга кўринмай юрган, иймон-эътиқодли йигитлардан бири тошкентлик ёзувчи Алишер Махсум ҳам ўз ҳаётида ҳали ёруғлик кўрмаса-да, ўксинмай, кучи етганича, ватанга меҳрини заҳматкаш қаламига тўкиб келмоқда.

МАҲКАМ АНДИЖОНИЙ

Намоздан сўнг жамоа тарқалмай, масжид ховлисида тўпланиб қолди. Мулла Олимқулни кутаётган эдилар. Олимқул хонақоҳдан чиққач, йиғилганлар билан бирма-бир қўл бериб сўрашишди, сўнгра масжид имоми ҳамда аъёнлари билан биргаллашиб қабристонга ўтиб, Хўжа Аъламбардор мақбарасини зиёрат қилди. Марҳум авлиё зотнинг ҳаққига дуо ўқилди, бўлажак жангда унинг руҳидан мадад сўралди.

— Амир жаноблари, — деди кушбеги, ҳамма билан кўчага чиқиб отига минар экан. — Маҳалла аъёнларидан бири хонадонига нонуштага марҳамат қилишингизни сўрамоқда. — Кушбеги қамчиси учи билан ўрта ёшлардаги кишини кўрсатди. У эса икки қўли кўксига «Пирим! Пирим!» деб таъзим қилганича отига минмай турар эди.

— Маъқул, — деди оталиқ, — фақат кўп ушланиб қолмайлик.

\* \* \*

Тонг сахар бўлишига қарамай, Ақрамхўжа бойнинг хонадони гавжум. Аёллар ичкарида елиб-югиришар, хизматкорлар ташқари ховлида дастурхонлар ёзган, саватларда иссик нонлар, пиёлаларда қаймоқ, ликопчаларда турли ширинликларни тузаб, патнисларда меҳмонларга ташишарди. Ҳаракат қизғин бўлишига қарамай, ҳеч қандай шовқин ва шовур эшитилмас, ҳамма ўз ишини билиб бажарарди. Фақат кумғон ёнида турган чойхоначи билан ошпаз бир-бири билан шивирлашиб қолишганди.

— Бой отамга ҳам ҳайронман, сурункасига меҳмон кутишдан сира чарчамас эканларда. Кечаги куни қозикалон, тунов куни кушбеги, бугун эса... айтганча, бугунги меҳмонлар қаердан экан, билмадингизми? — сўради чойхоначи.

— Ҳўқанддан! — жавоб қилди ошпаз, дамлаб қўйган қозонига кўз ташлаб. — Билишимча, онҳазрат амирул умаронинг ўзлари эмиш!

— Йўғ-эй?! — ҳайратланди чойхоначи.

— Яна амири лашкар ҳам бирга ташриф буюришар эмиш!

— Мулла Олимқул денг-а?!

— Худди шундай! Тунов куни Ўрдадан келган меҳмонлар суҳбатини эшитиб қолдим.

Бултур кузда душманни бурнини қонатган ана шу зот бўладилар! Бой отамнинг айтишларича, ул олий зот ўзaro жанжалларда келишмай тарқаб кетган уруғларни фаросат ва ақл билан иложи борича қайтадан бирлаштириб, урушга лаёқатли қилиб тарбиялаган эмишлар. Худо хоҳласа бу сафар ҳам...

Шу пайт кўчадан отлар дупури эшитилиб, суҳбат бўлинди.

\* \* \*

Нонуштадан сўнг Олий кўмондон ҳамда Султон Сайидхон бошчилигидаги аъёнлар биргаллашиб Ўрда томон жўнадилар.

Тонг аллақачон ёришган, аммо куёш ҳали чикмаганди. Атрофда баҳор. Томларда лолақизғалдоқлар қийғос очилган, гўё кип-қизил гилам тўшалгандек кўзни қамаштиради. Кенг йўлнинг икки чеккаси зич экилган тераклар, дов-дарахтлар яшил новдалари тебранишида аллақандай сирли куй оҳанглари яширингандек, гўё бу барглар қадим-қадимдан бери халқнинг юрагида сақланиб ётган дарду аламларни қуйлаётгандек, олам нақадар гўзал, ҳаёт ширин эканлигини одамларга яна бир бор эслатмоқчи бўлаётгандек туюларди.

Олимқул ёши ўрталаб қолган бўлишига қарамай, истаксиз ҳиссиётларга берилди. Тонг сахарда ухламай кўча-кўйда тентираб, отликлар кетидан ҳайрат ила эргашиб келаётган бир қанча чурвақалар унга болагини эслатдию ўйлари янаям чуқурлашди. Хонадонларда сокинлик, ким ҳали уйкуда, кимлар аллақачон ўрндан туриб нонушта қилмоқда, ҳамма турмуш тарзи билан яшамокда, гўёки урушнинг уларга ҳеч қандай дахли йўқдай. Зеро, уруш дахшати уларнинг хонадонига ҳали чанг солиб улгурмаган эди. Кўчани шошиб супураётган ёш келинчакни кузатар экан, оталиқ ўзича фикр қилди: «Вақтли туролмай ухлаб қолган кўринади, бояқиш. Қайнонасидан гап эшитмай, деб шовилганидан эркаклардан қочишни ҳам унуттаёзган». Шу онда келинчак оталиқнинг фикрини гўё эшитгандек, бирдан бошини кўтарди, кенг кўчани тўлдириб келаётган отликларни кўрдию кўрқанидан уйига қараб қочди. Аёл дарвоза орқасига беркиниб, эшик тирқишидан отликларни кузата бошлади. Олимқул аёлнинг оғироёқлигини сезиб, «Худо берса, яқин кунларда она бўлади», деб ҳаёлидан ўтказди.

Ногаҳон унинг ҳаёлига совуқ ўй урилди. «Худо кўрсатмасин, агар ёв кўрғонни ёриб, шаҳарга киргудек бўлса, бу келинчакнинг қисмати не кечаркин? Унинг бўлажак фарзандичи? Анали бегуноҳ чурвақаларнинг-чи? Кўз ўнгида қиргинбарот жанг манзаралари пайдо бўлдию вужуди музлаб кетди. «Ё, Рабий! Ўзинг асрагин! Сендан бошқа халоскоримиз йўқ!» деб юборди.

Бошини ҳам қилиб, ҳаёлларга берилган олий кўмондонни кўрган кушбеги ҳушёр тортиб, сўради:

— Амир жаноблари, ташвишли кўринадурсиз, тобингиз дурустми?

Оталиқ дарров ўзига келди.

— Худого минг қатла шукр! — деди у жиддий оҳангда. — Сихатим дуруст. Йўлда хийла толиқдим шекилли. Чирчиқ суви тошқон сабабли кўшиннинг бир қисми ўтолмай, нариги қирғоқда ушланиб қолган. Учта тўп дарё сувиға ғарқ бўлди. Шул мушкулот кўнглимни андак хира қилди. Тўпларни дарёдан чиқариб олиш амримаҳол кўринадур.

— Амирим, аксига олиб, бу йили тоғларга кўп қор тушди, баҳор ҳам эрта келди, — деди кушбеги. — Шул сабабдан дарёларда сув серобдир.

Олимқул ҳаёлларга берилгани учун ўзини ўзи қойиб, кушбеги томон ўгирилди:

— Дарвоқе, тунни билан кўрғон атрофини айланиб, шаҳар мудофаасини кўздан кечирдим, — деди.

Кушбеги дарров сергакланди. Олимқул сўзларига атайлаб урғу бериб давом этди:

— Деворнинг бир неча жойларида ёриқлар арава сигадиган даражада очилиб қолгон. Яна бир қанча жойлари ўпирилиб, ёш бола ҳам бир сакрашда устига миниб оладиргон даражада пастлаб қолгон. Ҳандақнинг кўп жойлари тупроқ билан тўлгон.

Бу сўзлар тўппа-тўғри қушбегининг юрагига санчиларди. Қушбегининг ҳаяжонланганлигини ҳатто остидаги аргумоғи ҳам сезгандек безовталана бошлади.

— Амирим, — деди у титроқ овозда. — Ўқ-дори тайёрлаш билан машғул бўлиб, бу масалага унча аҳамият бермай қўйибмиз. Бунинг устига, баҳорнинг эрта келиши режамизни орқага суриб юборди. — У ўзини оқлаш учун яна бошқа баҳона топмоқчи бўлгандию оталиқнинг унга ўқрайиб қараганини кўргач: — Шу бугуноқ мудофаа ишларига одамларни жалб қилурмиз, — деди.

— Шундоғ бўлсин, тақсир, — деди оталиқ энди бироз юмшоқ оҳангда. — Устимизга бостириб келаётган ёғий тиш-тирноғига-ча қуроллангандир. Оғир замбараклари-ю, тезотар милтиқларининг зарбалари Оврупо мамлакатларини ҳам ларзага келтиргон. Тагин армонда қолмайлик, қушбеги!

Қушбеги индамади. Нимаям дерди. Ахир, душман Тошкент устига бостириб келиши янгилик эмасди. Бир йил ичида Авлиёота, Чимкент олинганидан сўнг, босқинчилар бултур куздан бери Тошкентга кўз тикиб турибди. Куни кеча Ниёзбек қалъасини қўлга киритганди. Эндиги навбатда Тошкент нишонга олинган. Буларни у тушунмайдими? Лекин саройдаги доимий базмлар, меҳмондорчиликлар, кимор ўйинлари, сурунка-сига овга чиқишлар, ҳарамдаги канизаклар билан айшу ишратлар, маишатлар... Э, нимасини айтсин, ахир?! Энди буларнинг ҳаммасини у тушунганди, афсуски, энди кеч эди. Бу ёғига нима кўрса, Худодан.

\* \* \*

Зангиота маҳалласига яқин жойда Хўжа Нуриддин макбараси ёнидан ўтишаётганда оталиқ марҳумга дуои фотиҳа ўқиб, кафтлари билан кичкина юзини силаб қўйди-да, бировикки қадам орқада келаётган шаҳра Солиҳбек охундга мурожаат қилди:

— Бек, мактубингизда шуларда фитначилар гуруҳи душманга дарвозаларни очиб беришмоқчи дебсиз, кимлар экан ул муртадлар?!

— Абдурахмонбек бошчилигида ўрисга сотилгон бир нечта савдогарлар. Ана ўшалар жиноий гуруҳ тузишиб, ғаламислик билан шугулланмоқда.

— Абдурахмонбек шу йили қишда қочиб кетган эди-ку?! Уй-жойи мусодара этилиб, бола-чақаси бадарга қилингон, қандай қилиб яна пайдо бўлиб қолди? — савол берди оталиқ.

— Абдурахмонбек душман тарафига қочиб ўтиб, ҳозирги кунда Чимкентдан шаҳарга жосуслар жўнатиш, аҳоли орасида ёлгон миш-мишлар тарқатиб, ваҳима уйғотиш каби ғаламис ишлар билан шугулланиб келмоқда.

— Амир Музаффарга мурожаат қилишингиз мумкин, деб ёзибсиз. Таажжуб! — кинояли оҳангда сўради оталиқ.

— Шаҳарда Бухоро тасарруфига ўтиш ниятида юрган кишилар ҳам йўқ эмас, тақсир. Мен хатимда, ... агар зудлик билан етиб келмас экансиз, шаҳар Бухоро амирлиги тасарруфига ўтиб кетиш хавфи ҳам бор, деб ёзгандим, — жавоб берди мулла Солиҳбек. — Оллоҳга шукрим, Сиз жанобларининг ташрифингиздан сўнг бу хавф-хатарларнинг ҳаммаси барҳам топажак, иншооллоҳ!

— Маъкул, — деди Олимкул. Шундан сўнг иккиси ҳам жим қолдилар.

— Тақсир, — мурожаат қилди қушбеги. — Эшитишимча, Қаноатшоҳ душман тарафига ўтиб, бизга қарши иттифоқ тузгон эмиш, шу ростми?

— Ушал малъунни Бойзоқбий сотқин билан бирга тўпга қўйиб отмоқ даркор эди, қочиб қолди, тулки, — деди аламли оҳангда Олимкул. Сўнгра бир оз сукут сақлаб, чуқур хўрсинди. — Ҳамма фалокат беғамлик ва худбинлигимиздан. Душман ғалаба қилиб тургон вақтда ноиттифоқлик, шахсий адоват, фитна-фасод, тожу тахтга хиёнат қилмоқ, заволимиз ва харобатимизга ссабаб бўлур. Хўканд хони Худоёр салтанатимизга кўп путур еткарди. Халқни бирлаштириш ўрнига қипчоғу қорачопонларга ажратиб, озмунча қон тўкдимиз? Оқибатда Дашти қипчоқ элатлари адоват ва душманлик қилиб, Русиянинг олдига бориб, аларга йўлбошчи, ёрдамчи бўлди, Чимкандни, Авлиётани душман олмоғига сабаб бўлди!..

Оталиқ дард ила сўзларкан, қушбеги унинг ярасига билмасдан туз сепаиб қўйганидан хижолат тортиб борарди...



Чақарнинг тубсиз жарлиги ёқасига етишганида Олимкул жар устидан кўрғон девори узилиб қолганига ишора қилди.

— Чақарнинг устига кўрғон тиклаш зарурлиги тўғрисида аввалги сафар ҳам сўзлағон эдим, барибир шундоғлигича қолаверибди-да! — Оталиқ норози қиёфада қушбегига қаради. Қушбеги ичидан зил кетсам тушунтирмоқчи бўлди:

— Тақсирим, жарнинг нариги томони тепалик, ўнг биқини Чақар суви билан, сўл тарафи эса Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралғон. Бу тепа кўрғонсиз ҳам душманнинг хужумига ўнғайсиздир.

— Шундоғ бўлғондаям тепа устига сипоҳ тайинлангиз, кунчиқар тарафига қаратиб, уч томонлама тўп ўрнатмак зарур. Душмандан ҳар нарса кутиш мумкин, бу тепа устида доим тўпчи ва қоровул сипоҳлари туриши лозимдур.

Қушбеги қўлини кўксига қўйиб, «хўп бўлади» деган маънода бош эгди.

Отлиқлар Чорсуга етиб келганларида Кўқалдош мадрасаси олдидаги майдонда тумонат халойиқ тўпланиб қолганди. Самарқанддарвоза қўчасидан оқ саман отда майдонга кириб келаётган амири лашкарни кўришлари билан одамлар унга талпинар, ўз ҳалоскорини кўргандай, танига сиғмай қичқирар, уни олқишлар эди.

Мулла Олимкул отидан тушиб, мадраса зинасидан тепага кўтарилди. Шу онда уфқдан юксалган қуёш аτροφни ёриштириб юборди. Гўё қуёш нурлари одамлар чехрасидаги ташвишли губорларни ювиб юборгандек эди.

Оталиқ иложи борича баланд овозда гапиришга уринардию, аммо кўпчилик унинг сўзларини яхши эшитолмасди, шунга қарамай одамлар унинг сўзларини юраклари билан ҳис этишарди.

— Мана, ярим йилдирки, Тошкент аҳли гўё қиличга суяниб ухлаб, қиличга суяниб уйғониб келмоқда, — давом этди оталиқ. — Уточар қуролларимиз ҳам бор. Юртнинг бошига оғир кунлар келди. Устимизга бостириб келаётган ёғий ниҳоятда катта кучга эга, тиш-тирноғигача қуролланган. Душман шафқатсиз ва қонжўрдир. У на хотин-халажни, на қарию ёшни аяйди... — Олимкул хиёл нафасини ростлаш учун бир зум тўхтаб, сўзида яна давом этди: — Ниёзбек қальъаси Тошканд тасарруфида эди. Акбарали додхо бошчилигида қалъа аҳолиси бирлашиб қалъани Садди Исқандарга айлантирдилар. Афсуски, аҳли куффор устун келиб, Худованди Карим амри била қалъани забт этишга эришдилар. Душман қалъа ахлининг ҳаммасини қириб ташлади. Қалъа ҳимоясида шахид бўлғон ёру биродарларимизни «Оллоҳ раҳмат этган бўлсин» деб дуо қилайлик. Омин!

Ҳамма юзига фотиҳа тортди. Бироз жимликдан сўнг Олимкул сўзида давом этди:

— Устига устак, Бухоро амири Музаффар фурсатдан фойдаланиб, Хўқандга яна юриш тайёрлаётган эмиш. Баттол Худоев эса шу кунда Қашгарда кўшин йиғиб, устимизга бостириб келмоқчи. Бу ит эмғонлар оч бўрилардек ҳар тарафдан ташланиб, салтанатимизни таламоқчи бўладилар. Бундан ташқари, аҳли куффор ила тил бириктирғон шаҳардаги сотқинлар душманга дарвозаларни очиб бермоқчи ҳам бўлғонлар. Бу қандай разиллик?! — хитоб қилди оталиқ.

— Сотқинларга ўлим! — деб бақирди халойиқ.

Шовқин-сурон тингандан сўнг Олимкул сўзида давом этди:

— Шундай оғир кунларда бир-биримиз билан ака-укадек иноқ бўлайлик, ота-ўғилдек бир тану бир жон бўлайлик! Биродарлар! — У халойиққа қаради, йиғилганларнинг кўзлари умид ва ишонч билан унга тикилиб қолганини кўргач, яна сўзида давом этди: — Кофирларнинг дабдабали тарзда келаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, камина хузурингизга етиб келдим! — У яна халойиққа тикилди. Одамлар юзида жиддий ифода муҳрланиб қолганди. — Мусулмонлар! Наҳотки фарзандларимизни, бола-чақаларимизни қулликка бериб қўямиз! Наҳотки она-сингилларимизни шармандаи шармисор қилиб чўриликка топширамиз? Наҳотки она тупроғимизни душманга оёқости қилдириб қўямиз? Қани, гапиринг!..

Ғала-ғовур кўтарилди. Одамлар орасидан бир неча киши бараварига «Бир томчи қонимиз қолгунча жанг қилурмиз!» деб бақирди. Кимдир тўда ичидан отилиб чиқиб, зинадан кўтарилди.

— Тошкент аҳли Сиз жанобнинг ташрифингизни интизорлик билан кутиб турибдилар,— деб Олимкулга мурожаат қилди. — Аҳли ислом ҳаммамизни омонсиз жангга киришимизга Сиз бошчилик қилишингизни талаб қилурлар! Ижозат айлангиз, Оталиқ! Бор куч-қудратимиз билан ватанимиз душманларига қарши урушайлик ва зарба берайлик, кофирларга кимлигимизни кўрсатайлик! — деб йиғилганларга қараб мурожаат қилди.

— Халойиқ, душман билан урушмакка бўйин товлаган эркакнинг хотини талоқ, ўзи эса кофир! — деб қичқирди.

«Ҳақ гап! Ҳақ гап!» деган хитоблар янгради.

Мулла Олимкулнинг ичидан аллақандай тўлқин ғолиб келиб, томоғига қадалди. Ҳаяжони ошгандан кўзлари ёшланди.

— Жигарларим... — Унинг овози ҳам титраб кетди. — Ташаккур, ташаккур, азизларим! Кўнгилдан айтган сўзларингиз маним занг босган хотирамга сайқал бериб, мусаффо қилди, азизларим!

Бир муддат давом этган ғала-ғовурдан сўнг халойиқ тинчланди.

— Демак... — деди оталиқ ҳаяжонини босолмай, — душман билан охириги қонимиз қолгунча жанг қиламиз! Босқинчиларни она тупроғимиздан ҳаммамиз биргаллашиб қувиб чиқарамиз! Оллоҳнинг ўзи бизга мадақкор бўлсин! Омин! — деб мулла Олимкул кўлларини дуога очди.



— Оллоху акбар!!! — кенг майдон халойикнинг олқишли хитобларига тўлиб кетди. Шундан сўнг оталиқ минбардан тушиб, халқнинг гурлаган олқиши остида отига минди. У то Ўрдага етгунича ҳам олқишлар тинмади. Халқ унга эргашиб келаверди.

\* \* \*

Ўрда дарвозаси олдида шаҳар беклари, уламою ашрафлар, зодагонлар саф тортиб туришарди. Оталиқ яқинлашиши билан уларнинг ҳаммаси барабарига таъзим қилишди. Амири лашкар йиғилганлар орасидан ўтиб борар экан, иложи борица уларнинг ҳар бирининг кўзига тикилиб, ниманидир илғаб олмоқчи бўларди. Афсуски, унинг икки ёнидан лип-лип ўтиб бораётган нигоҳларда хавотир, шубҳа ифодалари муҳрланиб қолганди. Бу нигоҳлар ўз эгалари кўнглини фош этиб турарди.

Карнай-сурнай садолари остида Ўрда остонасига қадам қўяр экан, оталиқ хўрсиниб қўйди. Шу ерда унинг оёғи остига семиз кўчқорни қурбонликка келтирдилар. Жониворнинг бўғзига тортилган пичоқ остидан тиркираб отилган қонни кўрган Олимкул ўйга толди.

— Амир жаноблари! — деди оғзи қулоғига етган қушбеги. — Келганингиз хабарини эшитган шаҳар беклари кечадан бери йўлингизга мунтазирлар! — Аммо оталиқнинг авзо-йини кўргач, юзидаги мамнунлик ифодаси дарров йўқолди.

— Зиёфатни ўрни эмасди, қушбеги, — дея кесатди Олимкул. — Бу каби илтифотни душман устидан ғалаба қозонганимиздан кейинга сақлаб қўйишса бўларди. Яқин атрофда душман отлари дупури эшитилиб турсаю базм қилишга қандай ҳаддилари сиғадуру?

Ўсал бўлган қушбеги «ҳеч бўлмаса тушлик қилиб олсангиз, демоқчи эдим», деб гўлдиради.

\* \* \*

Пешин намози Ўрдада ўқилгач, тушлик қилиш учун сарой меҳмонхонасига кирилди. Тушлик вақти Олимкул биронта сўз қотмади. Таомлардан номига бир-икки чўқилаб қўйди. Бошқалар ҳаммаси емак билан овора. Бўм-бўш патнису товоқларнинг ташқарига кетма-кет ва шошқин қайтиб чиқишидан бу ерда ҳозир бўлганлар эртага дарё-дарё қон тўкилишини сезмас эдилар.

«Худо кўрсатмасин, агар мабодо ёв кўргонни ёриб кирса, биринчи бўлиб ана шу беклар уларнинг оёғи остига йиқилиб берадилар», деб ўйларди оталиқ алам билан.

Зиёфат чўзилди. Ниҳоят қорни тўйган беклар кекириб-кекириб, бир-бири билан суҳбатга тушиб кетдилар. Дунёвий ишлар, ўзларининг кундалик ташвишлари, тўй-ҳашамлари, иморат қуриш ҳақида гапиришардию аммо биронтаси уруш ҳақида сўз очмасди, гўё Тошкентдан бир неча чақирим жойда ниҳоятда кучли душман қўшни ҳужумга шай бўлиб турганидан, эртами-кечми албатта шаҳарга ҳамла қилажигидан бутунлай беҳабардек ўтиришарди.

Зиёфат охирлаб қолганида Олимкул ўртага кўз ташлади.

— Мажлисга душманинг сўнги ҳаракатлари ҳақида хабар берсангиз, кўрбоши, — деб Абдусаттор Қорабошга қаради. Кутилмаганда сўровдан кўрбоши эсанкираб қолди, оғзидаги лўкмани чала ютиб, муштумига йўталиб олди-да, сўз бошлади.

— Душман куни кеча Ниёзбек қалъасини олганидан сўнг, шаҳардан ўн бир чақирим масофадаги Шўртепага ўрнашиб олди. Тўпларини тепаликка ўрнаштирган, аскарлари жанговар ҳолатда. Тўплар сони ўн иккитадан ортиқ эмас, қўшин сони икки-икки ярим минг атрофида. Отлиқлари мингга яқин...

— Бизнинг қўшин қай йўсинда? — савол тушди мажлисан.

— Айни пайтда, агар Ниёзбек қалъасида душман қўлида қолган тўпларимизни ҳисобга олмасак, 20 та замбарак, 10 мингга яқин қўшин, беш мингга отлиқ. Жами 15 минг қўшин йиғилган.

Кўрбошининг бу сўзларидан кейин мажлисда жонланиш сезилди. Ҳамма ичида «Ҳайтовур куч-қудратимиз бор экан!» деб хурсанд бўлиб қараб олишди. Кўрбоши яна давом этди:

— Ханузгача Андижон, Фарғона, Марғилон, Ўшдан ёрдам кучлари етиб келмоқда. Ундан ташқари, қозоқ султони Кенасарининг ўғли Султон Содиктўра, қирғизларнинг саруруғидан Абилбий понсод ўз йигитлари билан, Бекмуҳаммад кўрбоши ҳамда Дўсамбий додхо бошчилигида беш мингга яқин қипчоқ қўшни шу бугун кечга довуру етиб келишлари кутилмоқда. Иншаоллоҳ!

Кўрбоши маълумот беришни тугатиб, яна чойдан хўплади. Мажлисга ғалати суқунат чўмди. Ҳамма зимдан Олимкулга термуларди. Олимкул Мингўрик Чақарида ўтказилган ҳарбий кенгашда бор тафсилотни эшитган, вазиятдан воқиф эди. Бироқ унинг мақсади мажлисда индамай ўтирган сарой аъёнларининг фикрини билмоқ эди.

Шундан сўнг:

— Тепаликка ҳужумнинг мушкул томони шундан иборатки, — деди Солиҳбек охунд, — теваарак-атроф кенг адирлик, кафтдек очиқ текисликдан иборат, ушбу вазият душманга янаям қулайлик яратади. Душманин тепаликка ўрнатилган тўплари отлиқларимизни тутдек тўкиб юбориши ҳеч гап эмас, — деб мулла Солиҳбек оталикка қаради.

Олимкул яна мажлисга ўгирилиб, даврандан бирор таклиф кутарди. Мажлис яна жим. Йиғилганлар нуқудай аҳволда қолишганидан чой хўллашдан бошқа илож тополмадилар. Мирзо Олим охунд душман билан замбараклар орқали жанг олиб бориш, лашкарни кўрган ичкарасига жойлаштириб, мудофаада туриш тўғрисида гапирмоқчи бўлдию, бироқ бултур

Чимкентда ўтказилган ҳарбий кенгашда Отабек додхо худди шундай мазмундаги тадбирни ошкора қилганда, ҳужум ўрнига мудофаа маслаҳати бергани учун, уни сотқинликда айблаб, тўпга боғлаб отганлари эсига тушди.

Мажлисда жимлик чўзилди. Ноқулай аҳволни йўқотиш учун мулла Солиҳбек:

— Бирор тадбир ўйлаб топиш даркор, — деди. Кейин саволига ўзи жавоб берди: — Агар ҳужум эрта сахар, субҳидамда бошланса, гира-ширада душман тўпчиларининг кўриш қобилияти сусайгон бўлур. Ўқ отиш тартиби, нишонга олиш бузулур! — Солиҳбек шундай дегандан сўнг мажлисда хиёл жонланиш сезилди.

— Тўри сўзлайсиз, бек, — деди Абдусаттор кўрбоши. — Отлиқларимиз шиддат билан тепаликка ҳужум қилгонда душман тўпчилари саросимага тушадурлар. Ўқлаб отишга улгуролмай, отлиқларимиз унғача тепаликни ишғол қиладур, — деб мажлисга қаради. Бу сўзлардан мажлис яна жонланиб кетди. Ҳар тарафдан энди маслаҳатли сўзлар эшитиларди: «Ўн беш минг аскарга бас келиб бўлурми!», «Иигитларимиз отларда ўқданам тез учадур, ёғий дош беролмай, тўпларини ташлаб қочадур», «Пала-партиш отилгон ўқлари унча катта талафот қилмаслиғига имоним комил» каби баландпарвоз сўзлар бошланди. Ҳақимхўжа ҳам гапирди:

— Қирқ йил қиргин бўлса, ажали етган ўлади. Ризқли-рўзли бандасини парвардигорнинг ўзи асрайди. «Ол, кулим», деса, ажаб эмас, замбаракнинг ўрнини қамчи босиб кетиши ҳеч гап эмас, — деди қозикалон.

Мулло Олимкул шу вақт мобайнида сукут сақлаб, мажлисдагиларнинг фикрларини диққат билан тинглаб ўтирди. Ва охирида:

— Ҳар ҳолда уруш қурбонсиз бўлмас, — деб сўз бошлади. Сўнгра: — Ҳужумни эрта тонгда бошлаймиз! — деб мажлисга яқун ясади.

Азон эшитилди. Муаззин хуфтон намозига даъват этарди. Мажлис кўзғалди.

\* \* \*

Хуфтондан сўнг мулло Олимкул сарой меҳмонхонасига кириб, ўзини ёлғиз қолдиришларини сўради. Танҳоликда амири лашкарни нохуш хаёллар ўровга олди. Эртанги жанг ҳақида ўйларди. Қипчоқ ва қирғиз аймоқлари уни ташвишга соларди. Эҳтимол жангдан бош тортиб, ўз элатларига қайтиб кетишар, дея хавотирланарди у. «Нахотки шундай вазиятда... Йўқ, йўқ!» у бу оғир хаёлни ҳайдамоқчи бўлди. «Қандай бўлмасин, кўп қурбон беришга тўғри келади!» деди ўзига ўзи. Кўз ўнгида отлиқларнинг яшин тезлигида учиб-келиб бориши, душман тўпларининг кетма-кет, тартибли отиши, отлиқларнинг тутдек тўкилиши, ўликларга тўлган майдон пайдо бўлди. У чуқур «уф» тортиб юборди... Юртни қора халқдан бошқа ҳеч кимнинг ҳимоя қилолмалиги, ҳимоячилар анави беклар, олим уфузало эмас, балки оддий қора халқ эканлигини у яхши биларди-ю, бироқ юрагининг бир чеккасида бекларга озгина бўлса ҳам умид боғлаган эди. Аммо бугунги мажлисдан кейин унинг ҳафсаласи тамом пир бўлди. Уларнинг нақадар тажрибасизлиги, масалани чуқур таҳлил қилолмай, худди гўдаклардай жўн ҳал этишлари, ҳеч нарсани менсимай, ҳар нарсага такаббурлик билан қарашлари уларнинг асл башараларини кўрсатиб қўйганди. Олимкул удайчи олиб кирган чилимни чуқур тортди, шу йўсинда бир неча қайтаргач, хаёллари бир оз ёзилди. У эрта тонгда кўргани кўча супураётган ёш келинчакни эслади. Эшик тирқишидан унга термулиб қолган ёш аёлнинг қорачиқларида гўё бутун халқнинг умидлари жамлангандек эди. Гўё бу қора кўзлар: «Отажон, охириги умидимиз сиздан, бизни бу даҳшатли ёвдан асраб қолингиз, сиздан бошқа ҳалоскоримиз, суянадиган тоғимиз йўқ. Маишатга муккасидан кетган бу беклар бизнинг дардларимизга тушунармиди, оғир яраларимизга малҳам бўлармидилар», демоқчи бўларди. «Ё Парвардигор! Ўзинг мадад бергин!» деб оталиқ яна чуқур ўйга толди.

\* \* \*

Эрта сахарда бошланган жанг узоққа чўзилмади. Қулай ўрнатилган душман тўплари тепаликка интилган отлиқларни тартибли ўқ узиб, тезда пароканда қилиб юборди.

Майдон ўлиқлар билан тўлди. Қаердандир узилган ўқ Олимкулнинг кўксига тегиб, машўм вазифасини бажарди. Оталиқ ўлиш олдидан бир зумга тиниқ осмонга тикилиб қолди. Кўз ўнгида қир-адирлар, ям-яшил ўтлоқ, томларда очилган қип-қизил лолақизғалдоқлар, отлиқлар кетидан эргшиб келаётган майда чурвақалар, умид билан кўз тиккан ёш келинчак, майдонга йиғилган халойиқни бир зумга кўргандек бўлди-ю, сўнгра ҳаммаси ғойиб бўлди...

... Лашкар тушкунликка тушмаслиги учун, «Оталиқ тирик, оталиқ ўлмаган!» деган мақсадда Олимкулнинг жасадини қайтадан отига миндирдилар. Оқ оти устида ўтирган мулла Олимкулнинг жонсиз жасади, ҳалиям тепаликка пала-партиш интилаётган тарқоқ отлиқларга қарата:

— Ҳа ол! Олға! Ол! Бос! Олға! Чироқларим, олға! — дея хитоб қилаётгандек эди гўё...

## Саратон

— Қизик, — деди эр қўлидаги китобини ором курсига қўйиб. — Хиёнат қилган аёлларни илгари Шарқда тошбўрон қилишар экан.

Эрнинг нима сабабдан бундай деганига хотини тушунди, индамай дазмол босишда давом этаверди.

— Ақл бовар қилиши қийин! — деди эр. Хотини яна индамади. Эр жавоб кутганди, аммо хотинининг сукути уни ноқулай аҳволга солиб қўйди.

— Ўрта аср ваҳшийлиги бу! — дея сўзларига хулоса ясаб ўрнидан турмоқчи эдики, шу пайт хотин:

— Сиз нима қилган бўлардиз? — деб қолди, дазмол босишини тўхтатмасдан. Бундай саволни сираям кутмаган эр туришга шайланган жойида қотиб қолди.

— Бу гапингни қандай тушуниш мумкин? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да, — деди хотин бепарво.

Эр бу мавзунини тўхтатса бўларди-ю, ammo ҳалиги гап нафсониятига тегди.

— Бу нима деганинг?

— Мунча ҳаяжонланмасангиз? Ўзиз шу мавзунини бошладиз, мен ҳеч нарса деганим йўқ-ку, — деди у жудаям оҳиста овозда.

Чорасиз қолган эр гап тополмай қолди.

— Ха... энди... сен нима дер экансан деб гапиргандим, — деди у дудуқланиб.

— Мен ҳам сизни фикризни билмоқчи эдим, — деди хотин ўта босиқлик билан.

— Яхши биласан-ку, рашк қиладиган эркакларни ўтакетган аҳмоқ деб ҳисоблашимини.

Бундай кейин ҳам ўз фикримда қоламан!

Хотин билинар-билинмас кинояли кулиб қўйди. Буни кўриб эрнинг ранги ўзгарди, икки чаккасидаги томирлари бўртди.

— Мен яна қайтараман, рашкчи эркаклар ўтакетган аҳмоқ! — деди у асабий овозда. — Мен ҳеч қачон рашк қилмаганман, қилмайман ҳам!

— Мениям рашк қилмайсизми? — деди хотин кулгисини яшириб.

У хиёл довдираб қолди.

— Сени... сен... Йўқ, рашк қилмайман! — деди у чиранган овозда.

Хотин индамади.

— Сен бир нима демоқчи бўлдинг шекилли? — гўлдирди эр. Хотинининг лаб буриши унинг жаҳлини чиқарди. — Нега индамайсан? — овозини баландратди у. — Гапирсанг-чи!

Шундан сўнг хотин дазмолни қўйди-да, эрига тик қаради.

— Агар мен сиз айтган ўша ўрта асрдаги аёлга ўхшаган бўлсам, сиз нима қилган бўлардиз?!

— Нима-а-а! Нима дединг, қайтар?! — эр овозида ҳатто ҳансираган овоз сезилди. Хотини яна маъноли жилмайди.

— Йўқ, ўзим, — деди у майин овозда кўзларини пастга қаратиб. — Нима дер экансиз деган маънода қизикқандим. — Ором курсига худди михланиб қўйилгандек ўтирган эрнинг кўзларидан ўт чакнаётганини кўриб: — Кўркманг! — деди ўта жиддий.

— Кўркманг деганинг нима? Тушунтириб гапир!

— Секинрок, болаларни уйғотиб юборасиз! — деди хотин эрнинг жаҳли чиқаётганини сезиб. Хотин уни чалғитиш мақсадида дазмоллаган нарсаларини йғиштириб, хонадан чиқиб кетди.

Ҳеч нарсага тушунолмай, эр ғалати ҳолатда хонада ёлғиз ўзи қолди.

Ўша оқшомги суҳбат анча вақтгача эрнинг хотирасида муҳрланиб қолди. Юрагига оғир гашлик тушди, гашлик гумонга айланди. Ўша кундан бошлаб аллақандай хавотир икковининг атрофида шарпадек кезинар, иккиси ҳам бу ҳақда сўзлашга журъат этолмас, гўё бир оғиз гап ҳаммасини чилпарчин қилиб юборишга кифоя эди.

Ерда сочилиб ётган қора домино доначаларига тикилиб қолган эр, фақат иккови тушунадиган маънода, хотинига қараб қўйди. Ҳар куни кечки пайт ўғли билан қизи хона ўртасида ўша домино доначаларини териб уй ясахар, уй битгач, ўғил бир туртишда уни қуларди, иккови яна теришар ва яна ўғил бир туртишда қуларди. Доначаларни териш қанчалик узоқ чўзилса, уйни қулатиш шунчалик тез — бир зумда содир бўларди...

Ўша куни эрнинг берган саволи худди томдан тараша тушгандек бўлди. Қандай қилиб гапириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Аслида шунча вақтдан бери дилида сақлаб келган дарди беихтиёр ўзига бўйсунмаган ҳолда ташқарига савол тариқасида отилиб чиққанди ва бу турмушларида кескин бурилиш ясади.

Ҳар кунгидек кечки овқатдан сўнг аёл идиш-товоқларни йғиштириб, ошхонага чиқиб, ювишга киришди, эр эса телевизор рўпарасидаги оромкурсига ўтириб, хоккей томоша қила бошлади. Ошхонани саранжом-саришта қилиб бўлган хотин болаларни чўмилириб ўрнига ётқизди. Бунгача хоккей ҳам тугади. Соат анча кеч бўлишига қарамай на хотин ва на эрнинг ухлагиси келарди. Балки ҳаво иссиқлиги, хона димлиги бунга сабабдир? Кўнгиллари ниманидир кўмсарди-ю, ammo ўша нарса нима эканлигини икковиям билмасди. Эр фикри-ёдини ўша мулоқот тинимсиз пармалаб, ҳаловатини буткул эгаллаганди. Айниқса бу беҳаловатлик кечга бориб кучайгандан кучаяр, хотинини ҳайратга солиш истагида берган саволи нақадар қимматга тушганидан ўзини тинимсиз койирди. Вазият бу даражада ўзгарishi, хотини ўз оғзи билан иқрор бўлиши, дадиллик билан бемалол жавоб қилиши эрни довдиратиб қўйган эди. Ўша кундан бошлаб ҳаммаси равшанлашди: шу пайтгача орадаги муносабат сохта эканлиги, барчаси шунчаки тирикчилик учунгина кечаётганлиги маълум бўлди.

Эр хотиннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатини зимдан кузатар, босган қадами бежодай, муомалалари носамимий туюлар, гашига тегар, ammo ўзига лом-мим дея олмай, ноилоҳ дардини ичига ютарди. Назарида хотини бутунлай бошқача, ўйлаганидек содда ва кўнгилчан эмас, агар доимий назорат остига олмаса, уни биров тортиб оладигандек эди. У ўзи билмаган ҳолда хотинини ҳаммадан қизғонар, ер-кўкка ишонмас эди. Кундан-кунга газак олиб бораётган дарди машъум шубҳани аниқлантиришга, тубига етиб, бу борада нимаики имкон бўлса ишга солишга ундарди. Таассуфки, имкон дегани унда деярли йўқ ҳисоби. Негаки бунинг учун яна ўша аввалги мулоқотга қайтмоғи, хотинига яна ўша мавзу юзасидан гапирмоғи керак эди. Бу албатта шу пайтгача муқаддас саналган турмушига дарз етказмоғи кундай аён. Ammo юрагининг бир четида сассиқ алафдек ўрнашиб олган шубҳа вақт ўтган сайин шу қадар бажғир эдики, оила отлиқ олий тушунчани-да, ҳечлигини исботлаб берарди. Шубҳани таркатмагунча бошқа ҳеч қандай улғур нарсанинг қадри бўлмаслиги аниқ-равшан кўринди. Демак, инсоннинг юраги беҳад нозикки, қолган неки бори олдидан ўтаверсин экан. У чорасизлиги, нотавонлиги боис, нақадар оғир бўлишига қарамай, ўша мавзудан яна хотинига гап очди:

— Ўтмишда одамларнинг тушунчаси анча қолоқ бўлган-да...  
— Назаримда қолоқ бўлмаган, ҳар нарсанинг чорасини топишган. Ҳозир эркалар чорасиз...

У ўзини ноқулай сезди. Сўхбатни давом этказмасликдан бошқа иложи йўқ эди. Бошлади-ми, охирига етказиши керак.

— Аёллар-чи?

— Улар ўзгармаган. Мана мен, ўша пайтдаги аёллардан нима фарқим бор?

— Сени анча ақлли ҳисоблаб юрардим.

— Йўқ, мен ўша аёлларга ўхшаб қолганман.

— Нахотки?

— ... Ҳа рост, шунақа бўлган...

\* \* \*

Эрнинг ўша кундаги бачкана, бемаъни текшируви хотиннинг кўнглига жуда қаттиқ ботди. У эрини жуда ақлли деб ҳурмат қилар, худбинлиги ва асабийлигини ана шу фазилатини қадрлагани боис кечирарди. У эрининг ақлига ҳаваси, ҳатто ҳасади ҳам келарди. Шунинг учун яширинча иложи борича ақлан эри билан тенг бўлишга тиришарди. Бу истак анча вақтдан бери уни ўз ҳолига қўймас, имконияти борича ҳар доим эридан устун чиқишга уринар, агар бир мартаба орзуи ушласа-да ич-ичидан хурсанд бўларди. Шунинг учун ҳам эри ўша оқшом «ўрта аср» ҳақидаги гапни кино билан айтганди. Бу билан у хотинининг ички ғурурига теккан эди. Хотинда эса ўша кундан бошлаб ўч олиш алами юрагида ўтириб қолганди. Эри нима сабабдан бунга гапирганини у дарров англаб олди. Бирдан эри кўзларига жудаям ожиз кўринди, руҳи тушиб кетди. Чунки эри бу саволни уни синаш учун бергани, аслида бу синовнинг мақсади нимадан иборат эканлигини эрининг ўзиям аниқ билмаслигини, балки ўзидан ўзи кўрққани учун берганини англаб етди. Хотин эри саволини ўша оқшомдаги сўхбатнинг натижаси деб топди, аниқроғи давоми деб билди. У эридан аламини олмоқчи бўлди.

— Ҳа, рост, шунақа бўлган, — давом этди хотин ва негадир энди эрига қараб ғалати кулиб қўйди. Эрининг қорачиғлари борган сари кенгайиб бораётганини кўриб хотин яна кулди. Анча вақтдан бери ўйлаб юрган орзусига ниҳоят эришиш фурсати етди, агар шу фурсатни ҳозир қўлдан чиқарса, ҳамма ўйлагани барбод бўлишини яққол сезган ҳолда ғалабага интилди.

— Ишга кеч қолаётган эдим, аксига юриб ҳеч қандай транспорт келмасди. Шу пайт оқ рангли «Жигули» олдимга келиб тўхтади. Эшиги очилиб эгаси «ўтиринг» деди, — бу сўзларни хотин атайлаб ҳаяжон билан гапирар эди, сўнг эрининг аҳволи сезиларли даражада ўзгараётганини кўриб бир оз жим қолди. Агар у давом этса, эри ўзидан кетиб қолиши мумкинлигини ўйлади. — Утирмайман, деб жеркиб бердим. У машинасидан тушди, айланиб ўтиб ёнимга келди. — Хотин ҳар бир гапидан эри қандай ўзгараётганини кўриб завқланарди. — Нима, кўрқяписизми, деди у менга кесатиб... — Шу пайт аёл эрининг ичидан ингроқ эшитгандек бўлди. У янаям шиддатлироқ ҳужум қила бошлади. — Ия, нега кўрқар эканман, дедим-да, шартта ўтирдим!..

Бу сўзлардан сўнг аёл эрининг кўзига кўксига ханжар урилган одам ҳолатини кўргандек бўлди. Шундан кейин у жим қолди. Ҳаммаси шунчалик шиддат билан юз берганидан эр лом-мим деёлмай шамдек қотиб қолганди. Орага мудҳиш жимлик тушди. Бу дақиқалар улар келажигини ҳал қиладиган дақиқа эди. Бунақа вазият инсон умрида атиги бир мартаба келиши мумкинлигини биринчи бўлиб хотини тушуниб етди, аниқроғи ҳис этди. У фурсатни қўлдан бой бермаслик учун ҳиқоясини давом эттирди.

— Кейин у мени ишхонам олдига ташлаб кетди. Пул берсам олмади. Пулларим кўплигидан қаёққа қўйишимни билмай қийналиб юрибман-ку, тагин сиз пул бермоқчисиз-а! — деди менга қараб.

Аёл гапиришдан тўхтаб эрига қаради. Эрининг кўзлари худди шафқат сўраётгандек жавдирарди.

— Ишдан нечада чиқасиз, деб сўради сўнг, — хотин эрининг кўзларига ўткир тикилди. — Қовоғимни солдим. Ишдан чиқишингизга етиб келсам нима дейсиз, деди яна уялмасдан.

Аёлнинг бу сўзлари нахотга мустарим турган эрга охири зарба бўлди шекилли, афти қийшайди.

— Бўлган воқеа мана шу, холос, — деб аёл ҳиқоясини якунлади.

Орага ғалати жимлик чўқди. Эр жуда қийналиб ютинди. «Култ» этган товуш шу даражада баланд эшитилдики, хонадаги жимлик нақадар мудҳиш эканлигини яққол билдиргандек туюлди. Дарҳақиқат аёл эрини биринчи мартаба бундай аянчли аҳволда кўриб туриши эди. У эрига ҳам ачинди, ҳам ундан нафратланди.

— Сизга бунчалик таъсир қилади деб сира ўйламаган эдим. Агар билганимда бу воқеани сизга ҳечам гапирмаган бўлардим. Худо урсин агар!

Шундан сўнг эр хиёл ўзига келди. Мана шу озгина вақт ичида бўздек оқарган юзига қон югурди. Лабларининг титраши босилди. Шундан сўнг ўзини қўлга олмоқчи бўлди. Узини сўхбат ҳеч қандай таъсир қилмагандек кўрсатмоққа уринди.

— Нега унақа дейсан?! Йўқ, ростини гапириб сен жудаям тўғри йўл тутдинг, — деди у мажбуран илжайиб. Аммо унинг юзи қулса ҳам кўзлари шишага ўхшаб совуқ кўринарди. У хотинига кулгили кўринмасликка тиришсаям, аҳволи жуда ачинарли эди.

Аёл кулмасди. У эрига катта ҳайрат билан тикилиб қолганди. Унинг ўта синчковлик билан тикилиши эрининг ҳаяжонини кучайтирар, ноқулайликдан қутилмоқчи бўлиши янаям кулгули туюларди. Эр ҳамма нарсага тушуниб етгандай кўриниши аянчли ва хунук эканлигини ўзиям яққол тасаввур қилар, бироқ бу аҳволдан тезроқ қутила олмаётганидан азоб чекар, ноқулай ҳатти-ҳаракатлари билан чорасизлигини янада ошқора этарди. Ғурури синганлигини, ўзи хотини олдида батамом мағлуб бўлганлигини яққол тушунган бўлсаям, бунга сира тан олгиси келмасди.

Аёл бирдан ҳаммасини англади. Мана шу сирли олишувда ғолиб чиққанди. У энгганини билар, аммо бу ҳол ўзига татимаётганди.

Эри нақадар ожиз одамлигини аёл бугун яхшироқ билганди. У ҳар доим эрини жуда олижаноб, қаттиқ иродалик деб билар, унга суяниб яшаб келганди. Энди бўлса ҳаммаси бирданига остин-устун бўлиб кетди. У эрига тикилар экан, хаёлига: «Наҳотки мана шу одам менинг эрим, иккита боламнинг отаси бўлса?» деган фикр келди.

Эр ўзининг охириги кучларини йиғиб:

— Ҳа, нима, машинага ўтирган бўлсанг, ўтирибсан-де! — деди-ю, аммо, барибир, ўзи истаганича гаражсиз гапир олмаганини яққол сезди ва сувдан қуруқ чиқиш учун бирдан хохлаб қулиб юборди. Унинг қулгуси ўта ясама бўлганлигидан жудаям хунук ва ҳатто кўрқинчли эди. Эр қулгидан тўхтаганидан сўнг, орага мудҳиш жимлик чўкди.

Шу пайт эркак тўсатдан титрай бошлади, титроқ қалтироққа айланди, қалтироқ шунчалик зўр эдики, ҳатто у ичидан чиқаётган ғалати овозиням босолмас, юзидан, пешонасидан донадона тер қуюлар эди.

Аёл ўрнидан турди, сўнгра секин хонадан чиқиб кетди. У эри тинчигунча ёнига қайтиб йўламади.

Анча вақт ўтгач эр ўзига келди. Фикрлари хиёл бўлса-да тиниклашди, узоқ вақт хаёл суриб ўтирди. Охири у ҳам ўрнидан туриб, ётоқхона томон юрди.

Аёл кўзлари юмуқ, оппоқ тўшақда ётарди. Эркакнинг назарида у ухламаётганга ўхшаб кўринди.

— Сен жуда тўғри қилдинг, менга ростини айтиб, — деди у яна бояги сўзларини қайтариб. Хотини жавоб бермади.

— Ҳмм... шу... у сенга яна бирор нима дедими? Нега индамайсан?!

Ҳанузгача жим ётган хотин тўсатдан эрига ўқрайиб қаради ва бирданига баланд овозда:

— Ҳа, гапирди! — деб бақирди. — Гапирди!

— Нима деди?

— Учрашайлик, деди.

Эр иложи борича ўзини босишга уринди. Бу гапни эшитиш қанчалик оғирлигини фақат ўзи биларди, холос. Саволни эзи бергани учун чидашга мажбур эди.

— Сен-чи? Сен нима дединг?

— Мен «йўқ» дедим.

— У яна нима деди?

— У-ми, у... у нега унақа дейсиз, ахир мен тўғри маънода сизга гапирдим, деганди, «Вой, нега унақа демас эканман, ахир эрим бор, иккита болам бор», дедим.

Хотин бундай олишувдан жудаям чарчаганди. У бирдан нима қилаётганлигини тушуниб, оқибати нима билан тугагини яққол ҳис қилди. У ачинганча эрига қараб:

— Ўшанинг машинасига ўтирганимга минг-минг пушаймон едим! Сиз ўйлайвериб, ичингизни тирнаманг. Энди бировларни машинасига йўламайман. Илтимос, куйинаверманг, ахир мен ўзим иқдор бўлдим-ку. Сиздан беркитмадим-ку, ёлгон айтмадим-ку. Ҳатто... ҳатто ишхонамга «мени биров машинада олиб келиб қўйди», деб мақтандим ҳам.

Хотини қайси маънода бундай деганини эр тушунмади, аммо яна аввалгисидан баттарроқ ижирганди. У бир қўлини мушт қилиб пешонасига қўйганча шипга қараб ётарди. У ётган жойида бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо яна титроқ бошланганидан оғиз очолмади. Эри аҳволини кўриши билан аёл саросимага тушиб қолди.

— Вой, нимага сизга бу сўзларни айтдим-а? Энди бировни машинасига ўтирсам ўлим ўша машинадан чиқсин. Энди ўтирмайман, ишонинг, — деди у ваҳимали овозда. Ҳар бир сўзи эрига қанчалик азоб бераётганлигини, юрагига ханжар уриш билан баробар таъсир қилаётганини жуда яхши сезиб турарди ва ачинарди.

Хиёл вақт ўтиб эр титроғи тўхтади. Узоқ вақт жим ётди. Хотин ҳам ҳеч нима демас, кўрпага бурканиб, кўзларини юмиб олган эди.

Шу аҳволда тонгга яқин ухлаб қолишди.

\* \* \*

Эрталаб оғир аҳволда уйғонишди. Хаёлларига кечаги воқеа келди, аммо икковиям бу ҳақда бир-бирига чурқ этмади. Ҳар галгидек икковиям шоша пиша болаларини етаклаганча ишларига жўнашди. Икковиям ўзини кечаси ҳеч нима бўлмагандек тутмоққа тиришар, аммо икковининг ҳам хаёлидан тунги воқеа сираям кетмасди. Улар бир-бирига билдирмай бу воқеани унутишга уринишди.

Кечаги воқеа қандай оқибатга олиб келишини эр жуда яхши тушуниб турарди. У ишхонасида кун бўйи шу ҳақда ўйлади. Охири ўзини ҳеч нарса бўлмагандек туттишга қарор қилди.

Ҳар кунгидек эр-хотин ишдан сўнг учрашиб, биргалашиб болаларни боғчадан олишди. Ҳар кунгидек хотини ўғлини, эри эса қизини етаклаб, фаввора ёнига келишганида ака-сингил сачраётган сув томчиларига юзларини туттишди. Сув сачрашидан улар қийқиришиб, қувониб кулишди. Болаларга қўшилиб эр-хотин ҳам кулишди. Салқинлаб олгандан сўнг уйлари томон раवона бўлишди.

Аммо болалар негадир ота-оналари ғалати, ўзларига ўхшамаганларидан хайрон бўлишар, улар орасида яхши бир нарса йўқолганини, унинг ўрнига бошқа, кўз билан илғаб бўлмас, қулоқ билан эшитиб бўлмас, қўл билан ушлаб бўлмас ёмон бир нарса пайдо бўлганини яққол сезишганди.

Уйга киришгач, ҳар галгидек онаси болаларнинг кийимларини алмаштирди. Биттадан печенье олиб, болалар кўчага ўйнагани чиқиб кетишди. Эр келган заҳотиёқ душхонага кирди. У узоқ чўмилди. Хотин хоналарни енгил йиғиштирган бўлди-ю, дарров овқатга уннади. Эр ювиниб чиққач, ўзининг хонасига кириб кетди ва ёзув-чизувга берилди.

Овқатдан сўнг ётиш ҳаракатига тушишди.

Эр-хотин ичларидаги тугённи бир-бирдан яширган ҳолда ўринга кириб ётишди. Икковиям жим. Одатда бу дам эр ҳар гал хотинини эркаларди, сўнгра ухлаб қолишарди. Бу гал ҳам шуни кутиб хотин эри томон ўгирилганди, бақрайиб ётган эрини кўрди. У ҳатто чўчиб тушди. Нияти пучга чиқди. Эр-хотин ўзи билан ўзи бўлиб жим ётар, иккови ҳам ухламасди. Хотин

кўнглига кўрқув тушди. У эрига қаради. Эрининг кўзлари қизарган, чаккасидаги йўғон томирлари кўкимтир рангда бўриб чиққан эди. У энди эрига яқинлашганиди, аста-секин уни титроқ босаётганини сездди. У кўриб кетди. Бирдан эрининг титроғи кескин тус олди. Худди кечагига ўхшаб тиши-тишига тегмасди.

— Вой, худойим-ей! Нима бало урди сизни?! — деб бақириб юборди хотин. Ўзи билмаган ҳолда ўрнидан ирғиб турди, ички кўйлақда ошхонага югурди. Пиёлага сув тўлдириб, ярмини йўлда тўкиб, эрининг олдига югуриб келди. Эри, шунча уринса-да, бир култур ҳам сув ичолмади, ҳаммаси ўринга тўкилди.

«Тез ёрдам» келганида эрининг титроғи бирмунча босилганиди. Уколдан сўнг анча тинчланиб, кўп ўтмай ухлаб қолди. Тинка-мадори қуриган хотин ҳам бошини ёстиққа қўйгани заҳоти кўзлари ўз-ўзидан юмилиб, қаттиқ уйкуга кетди...

... Бирдан хонани қоронғулик қоплади. Деразадан катта қора махлуқ хонага мўралди. Унинг кўриниши жуда даҳшатли эди. Болалар йиғлаб юборишди кўрқанидан. Хотин иккала боласини маҳкам кучоқлаб, уларни яширмоқчи бўлди. Эр ўрнидан сапчиб туриб, дераза томон отилди. Қора махлуқ қанотларини кенг ёйиб хонага кирмоқчи бўларди. Эр кўлига таёқ олиб махлуқ йўлини тўсишга уринди, ammo кучи етмади. Хотин болаларини кўтаргача қочмоқчи бўлди, ammo эшик очилмади. Охири қора махлуқ деразанинг ромини кўчириб ташлади, эркакни бир уришда ерга қулатди ва хонага бостириб кирди. Аёл болалари билан чинқириб юборди...

... Хотин ўзининг чинқирғидан уйғониб кетди. Эри ёнида тинч ухлаб ётарди. Нариги хонадан қизчасининг йиғиси эшитиларди. Хотин ўрнидан туриб, кўшни хонага отилди. Қизи уйкуси аралаш йиғларди. Қизини тинчлантириш учун хотин анча уннади, юзларидан силаб юпатди. Қўлида кўтариб юрди ҳам бир оз. Ниҳоят, уни тинчлантириб ётқизди, бир амаллаб яна ухлатди, жуда толиққан ҳолда хонасига кирди.

Хонага кириши билан чинқириб юборди. Унга даҳшат билан эри қараб турарди.

— Вой, янами?! — деди хотин ҳолсизланиб. Эрининг бутун танасини титроқ камраб олганди.

— У н-ни-мма д-дедди??? — даҳани қалтираётгани боис тиши тишига тегмас, зўрға кучаниб гапирарди.

— Вой дооод!!! — деб бақирди хотин. — Ҳеч ним демади у! Уни кўрмадим! Ҳеч қандай оқ «Жигули»га ўтирганим йўқ! Ҳаммасини тўқигандим! Ахир, ишонсангиз-чи! Одамни пичоксиз сўйиб хит қилдингиз-ку! Вой ойижон! — деб ўкириб йиғларди у. — Э, Худо! Қайси гуноҳларим учун менга шунча азоб берасан? — деди у ерга ўтириб. — Ҳеч қандай оқ «Жигули» йўқ! Ишонинг.

— Ёл-лго-о-н-н! — деди эр ғазабланиб, унинг титроғи тобора кучайиб борарди. — Гапир-р!

— Хўп, хўп, яхши, сизнингча бўлақолсин, — деди хотин шошиб.

— Г-г-га-пир-р-р-р!!! — деди эри жуда даҳшатли товушда.

— Хўп, хўп, ҳозир айтаман, — хотин саросимага тушиб, бир жойда гир-гир айланарди. — Ҳозир айтаман, ҳозир. «Учрашайлик» деди!

Уша заҳоти эр титроғи таққа тўхтади. Худди биров унинг ичидаги титроғини таг-томири билан суғириб олгандек бўлди. Гўё онадан бошқатдан туғилгандек кўзлари равшан чарақлар, энди хотинига меҳр билан боқиб, ўрнида тинч ётарди. У ҳатто илҳаярди ҳам. Жуда галати илжайиш эди бу. Хотин сираям эрининг бундай кулганини кўрмаганди.

— Кейин-чи? — деб сўради эр, энди жуда майин ва оҳиста овозда.

Хотин хангу манг бўлиб, эрига бақрайиб қолганди.

— Кейинми? Кейин-чи... Ҳалиги... У билагимдан ушлади! Йўқ-эй, нима деяпман ўзи, кўлимдан демоқчи эдим. Бу сўзлардан эр кўзлари яна галати чақнаб қўйди. Танасига ичидан аллақандай бир чираниш келди. У яна майин ва юмшоқ оҳангда гапирди:

— Давом эт!

— Нимани давом этай? — ҳайрон бўлиб сўради хотин.

— У ўзи ким экан? Нима билан шуғулланаркан?

— Уми? — хотини бир дақиқа ўйланиб, кейин тилига келган сўзларни гапирверарди. —

Ўзи ёш йиғит экан, марказий универмагда омбор мудирини бўлиб ишларкан.

— Яна нималарни гапирди? — яна сўради эр. Хотиннинг кўрқуви ҳали кетмаганди, эрининг титроғи яна бошланиб қолса, энди бу ёғига бардош беролмаслигини яхши тушунгани учун ҳикоясини давом этишга мажбур бўлди.

— Омборида тафтиш бўлган, озгина етишмовчилик чиққан, — деди хотин хавотирланиб эрига қарар экан. — Юраги сиқилиб кўчани бир айланиб, кўнглини ёзгани чиққан. Омадим келиб, мени учратган. Жуда гўзал экансиз, деб яна кўлимдан ушлади. — Хотини бу сўзлардан эрининг қорачиғлари кескин кенгайиб, кейин кичрайганини кўрди, кўрқуви янада ортиб, ҳикоясини давом эттирарверди. — Яхшиям сизни учратдим, кўнглим анча ёзилди. Сиз одамларга шодлик бағишлар экансиз. Раҳмат сизга! Энди мен ҳеч нарсадан кўрқмайман, дегани ҳам эсимда. Бор гап шу!

Аёл энди ўзига кела бошлаганди ва бир нарсадан жуда галати бўларди. Кўрқув бутун вужудини камраб олганига қарамай, ўзи тўқиган ҳикоясидан юрагига аллақандай ёқимли илиқлик югурганини сезганди. Ҳатто юзини мароқли шарпа сезилар-сезилмас силаб ўтгандек бўлди.

Эр хануз индамай тепага қараб ётарди.

— Бўлди, мен чарчадим, — деди у жуда оғир, вазмин овозда. Хотин эрининг маҳзун овозини эшитиб эзилиб кетди. У эрига жудаям ачиниб қаради.

— Ухлайлик, — деди эр мадорсиз овозда. Бир оздан сўнг у ухлаб қолди.

Хотин анча вақтгача ухлаёлмай ётди. У овоз чиқармай юм-юм йиғларди. Шу кеча у эридан умрбод айрилганини тушунди...



Эшқобил Вали

## Эртак, туш, саниқ хотиралар

ҲИКОЯ

Ҳар биримизнинг ҳаётимиз кундан-кун  
кўпаювчи кунлардан иборат.  
Ўзлимизни яшар эканмиз, кўпларни ва  
доим... ўзимизни учратамиз.

Жейме ЖОЙС

Ўтин бурқсиб ёнади. Аччиқ тутун димоғимни ачитади. Китобдан бир лаҳзага кўзимни оламан. Кейин туриб чопонимга ёпишган хашакларни териб ташлайман.

Намозгар бўлибди. Қуёш аллақачон уфқ ортига ботган... Китобни очиб ўқишни давом эттирмакчи бўламан, лекин энди ҳафсалам келмайди. Атрофимдагилар ва гулхан мени ўз таъсирига олади.

Олов авжига чиқади. Болаларни кузатаман: тўртталаси ҳам қишлоқча кийинган. Бирови қалпоқ, иккинчиси телпак кийган; қолган иккаласи бошьяланг. Устларида чопон. Болалар ўзаро шивирлашади. Болалардан четроқда, бир уюм хашак устида Чўпон ота ўтирибди. Кўзини гулханнынг бир нуқтасига қадаб олган. Хаёл сураяпти. Устида кигиз чакмон. Бошида чўгирма, шоп мўйловли, қўлида таёқ... Эртакдаги паҳлавонга ўхшайди. Ёши олтмишга борган бўлса ҳам Чўпон ота соқол қўймаган. Бир қарашда ёшини аниқлаш амри маҳол. Даштда, шамолу бўронларда юравериб қорайиб, ажин боса бошлаган юзи киши нигоҳини алдайди. Мана, у болаларга қараб сирли жилмайиб қўйди.

Чўпон ота қўшиқларни кийиб қўяди, эртак-маталга устаси фаранг.

Шундай пайтларда жуда эртак эшитгим келиб кетади. Секин туриб ўтираман: яқинимдаги болага «Чўпон отага айт, эртак айтиб берсин» дейман. Бола мендан уч-тўрт ёш кичкина, у менга ҳайрон боқиб туради-да, гапимни рад қилолмасдан, шерикларига шивирлайди. Кимдир шартта «Чўпон ота! Матал айтиб беринг!» деб юборади. Сукунат бузилиб, майин шамол ҳам болалар сўровига шерик бўлади.

Чўпон ота ўзи ҳам шу таклифни кутиб ўтиргандай «Сурувга бир қараб кел-чи!» деб гапирган болани турғазади. Қорни тўйган қўйлар аллақачон даврамизни ўраб гулханни «томоша» қилишяпти. Турган бола ўтиради. Ота «хап саними» дегандай мийиғида кулиб менга тикилади. Мен кўзимни олиб қочаман. Чўпон отани беш йилдан бери биламан, болалар эса уни яхши билишмайди. У розилик маъносида йўталиб олиб, «қанақасини айтмай», деб сўрайди. «Қулоқбой ҳақидагисини», дейман. Болалар мени қўллашади. «Майли, лекин кулманглар!» дейди Чўпон ота менга қарата. Мен жиддийлашаман.

Мен бутун вужудим билан унга сингиб кетаман. Гулхандан тутун аралаш тарқаётган ҳид. Чўпон отанинг сўзлари оҳанги билан қўшилиб дилимда англаб бўлмас ҳислар уйғотади. У ҳис очликданми ёки қайтмас бўлиб ўтмиш қаърига сингиб кетган болаликни қўмаш туфайлими, билолмай фикримни йиғиб, ҳузур қилиб матал тинглай бошлайман.

«... Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қирғовул қизил экан, думлари узун экан... Қадим замонда Қўрғонтепа томонда бир чол билан кампир яшаб ўтган экан. Фарзандлари йўқ, улар жуда камбағал экан, чол ўтин йиғиб, кампири тут шохидан сават тўқиб кун кўришаркан...»

Чўпон ота эртак айтишдан тўхтади, болаларни кўз қири билан кузатиб, яна мийиғида жилмаяди-да, бутун вужуди билан Қулоқбой ҳақидаги эртагини давом эттиради. Болалар ҳам эртак дунёсига шўнғиб кетишади. Мени эса хаёл хотираларим оғушига чорлайди...

## II

— Халман, қўйингни оёғи нечта?

— Бешта.

— Тўртта эмасми?

— Думини ҳисобламайсанми?

Халман кирза этиги билан кесак эзар экан, чап кўзини қисиб, ботаётган офтобга қараб қўяди.

— Халман!

— Нима дейсан?

— Қачон уйланасан?

— Акам ўлгандан кейин.

— Эй, нимага?

— Мени ҳозир уйлантирса, қўйини боқадиган одам қолмас эмиш...

— Нима учун?

— Хотиним мени айнитади-да, қўйини боқма деб...

— Акангизни қизлари қарашса бўлади-ку?

— Ўғли йўқ-да. Қизларини ўқитиши керак эмиш, бўлмаса эрга теголмас экан-ку...

— Боймана сақовнинг қизига уйланиб олсанг бўлмайdimи?

— Сен уйлана қол!

— Меники шаҳарда бор-да. Сен олсанг бўлади...

— Мана!!! Бор!.. Бор!.. Бор! — дея Халман ўрнидан туриб кетади. Ўта катта кирза этиклари товонидан чанг кўтарилади. У бораётган томонда қош қорайиб келади...

... Хаёлимни чўпонкучук ҳурган томонга югуриб кетган боланинг шарпаси бўлади. Бошимни кўтарсам, Чўпон ота боладан нима гаплигини сўраётган экан. «Аз, товушқон югуриб кетди», — деди бола қўл силтаб. «Ҳа, майли, ёнтоқдан ташла!» — деб Чўпон ота чуқур хўрсиниб, сўнгра бир майдон тин олади. «Кейин-чи бува?» — қистайди, эртақнинг давомини интиқ кутаётган болаларнинг энг сабрсизи. Чўпон ота кулиб, шоп мўйловини бураб қўяди. Касби бир умр маталчи ўтгандек, яна бироз сукут сақлайди-да, эртақни давом эттиради: «Кейинми... Кейин кампир чолига етита ўғил туғиб берибди. Аммо болалари шундай майда эканки, катталиги гўё одам қулоғидай келаркан... Уларни биринчи марта кўрган чол қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборибди...»

## III

... У тушларимга киради. Қизил қашқа! Ҳатто ҳовурини ҳис қиламан. Вужудимда жангари аждодлар қони гупиради.

Ҳам ҳаяжонли, ҳам дардли ўйлар оғушида кезаман...

Қашқа афсонавий эмас. Оддийгина бедов — йўрғалашни ҳам яхши билмайди: югурик бўлиб қолган. Уни ҳар куни оқова сувдан пайдо бўлган қўлмақда ялонғоч чўмилтираман. Вужуди титрайди. Сағрисига шапатилайман — қулоқларини динг қилиб, пишқириб кишнайди. Бирам чиройли бўлиб кетадими! Кейин эгарлайман:

### ҲАЙРАТНИНГ РАНГИН ОЛАМИ

Самарқанд адабий мактаби жуда кўп салоҳиятли ижодкорлар етиштириб берганини яхши биласиз. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда назм ва насрнинг бир қанча жонқуярлари қалам тебратаётгани кувончли ҳодир. Шулардан бири ҳам шоир, ҳам носир сифатида танилган Эшқобил Валидир.

У билан адабий учрашувлардан бирида танишдим ва ижоди билан қизиқиб қолдим. Шеърлари ёрқин поэтик бўёқлари, маъжозий образларга бойлиги билан кўнглимда илиқ таассурот уйғотди, насрига хос романтик жозибадорлик, қайноқ кечинмалар билан омухта фалсафий ифода усули айниқса, эътиборимни тортди.


Амин бўлдимки, Эшқобил Вали — ҳайратланишга мойил ижодкор, у ҳаётга иложи борича зийрак нигоҳ билан қарайди, воқеалар моҳиятини ифодалаш билан бирга, персонаж маънавий-руҳий дунёсига назар ташлаб, бадий тадқиқотлар ўтказади. Бу жиҳатдан айниқса ўқувчи эътиборига ҳавола этилаётган «Эртақ, туш, синиқ хотиралар» ҳикояси алоҳида ажралиб туради. Муаллиф унда болалик хотиралари билан юзлашади ҳамда маърифий жиҳатдан ғоят ибратли умумлашма, эстетик хулосалар чиқаришга эришади.

Шубҳасиз, Эшқобил Валининг тасвир йўли ўзига хосдир, у Фарб ва Шарқ адабий мактаблари анъаналарини пухта ўзлаштиргани сезилади. Аини пайтда, у, машаққатлардан чўчимамай, яна ҳам самаралироқ изланишини, сўзни теранроқ идрок этиб, ўз устида жиддий меҳнат қилишини истардим.

Эшқобил Вали, Сизга ижоднинг сермашаққат йўлида омад ва илҳом, сабр-тоқат тилаб қоламан.

АСАД ДИЛМУРОД





битта-битта. Бунинг ҳам гашти бор. Камчи билан офтобда қуритилган чургиларини қоқиштираман.

Чўмилиб енгил тортган Қашқанинг завқи келади — ўйноқлай бошлайди. Сувлиғини қўйиб юбораман... То пахтазорлар тугагунча эркин югуради. Мен аллақачон эгарга ўрганиб кетганман — бамайлихотир ўтираман. Янтоқзор-қўриқ ерлар бошлангач, Қашқани секинлатиб, совутаман. Фақат сойлаб ҳайдайман. Қўй боқайтган отам чоптирганимни кўрса сўқади...

Хансираб қолган Қашқа аста-секинлик билан ўпқасини босиб олади. Жиловни маҳкамроқ тутаман — бирдан авж қилиб чопиб кетиши мумкин. Арғумоқ гоҳ йўртиб, гоҳ қарға юриш қилиб боради. Сурувга етгач, Қашқани узокроққа қозиклайман. Сағриси тердан нам. Отам кўрса, чопдирганимни сезиши мумкин.

Пешин ҳангини миниб уйга қайтаман. Буёғи мактаб. Қашқани кеч кузда, даштдан уйга қайтсагина минаман.

... Кейин бирдан Қашқа чопиб кетади. Сурувнинг ўртасини кесиб, ногирон отам бечора ёлғиз чап қўли билан боши узра чўпон таёғини айлантириб югуради. Қашқа анча узоклашган. Поезд кўринади. Қашқа темир йўлни кесиб ўтмоқчи бўлади. Узокда қийқириб югураётган чўпон қоқилиб йиғилади. Қозик темир йўлга илашиб қолади.

Чўпоннинг уруш кўрган юраги сезгир: йиқилган еридан бир майдон бош кўтармайди. Барибир отнинг даҳшатли кишнаши, поезд чинқириғи билан бир бўлиб юракка ўқдек санчилади. Унинг йўқ қўлининг қолган сўнгаги санчади...

Сесканиб кетаман. Юрагим тез-тез уради.

... Кейин чўпон узокдан поезд садосини эшитса, сўкиниб ҳангисини уриб қолади. Тўнг бўлиб олади.

Чарчасам, Қашқани эслайман. Отамнинг ўлганига беш йил бўлди. Унинг хотирамда сақланган қиёфаси тунд. Қашқа сеvimли. Ҳеч бир-биридан ажралишмайди. Толиқсам, тушларимга киришар улар!

... Осмонда юлдузлар пайдо бўлибди. Пешиндаги тиниқ ҳавони ва ёқимсиз гармсел ҳидини янтоқ тутуни билан хаёлан солиштирдим. Кавул ва исириқнинг димоққа ҳуш ёқувчи аралаш тутуни кўзларимни ачиштиради. Қалпоқли бола пуфлаб гулханни алангалантиради. Яқинда инига кеч қолган зарғалдоқнинг ҳадикли сайрагани эшитилади. Тепалик ортидан чигиртка ва қурбақаларнинг байрамона жўр овозлари янграйди.

Ўжар зарғалдоқ сайрайди. Ини шу яқин атрофда бўлса керак. Бечора тирранчалари ҳолидан хавотир олаётганлиги аниқ. Ё биз ини яқинида ўтириб қолганмиз, ёки кундуз биров инини бузган.

Матал тинглашга берилиб кетган чўлиқ болалар зарғалдоққа эътибор беришмайди. Бошқа пайт бўлганда қашқалдоқ билан қувлашиб, инининг тит-питини чиқаришарди. Чўпон ота гапидан тўхтаб, кўз қири билан қушчани қузатаркан, нос отиб олди ва телпак кийган болага «Шалпанг, тур! Олақашқанг энаяпти, бир жийириб кел!» деб буюради. Шалпанг маталнинг давомидан бебаҳра қолмаслик учун шитоб югуриб кетади. Қоронғуликдан боланинг сўқиниши билан ҳуштаги эшитилади. У ҳарсиллаб югурганича дарров қайтиб келади-да, гурсиллаб менинг ўнг томонимга ёнбошлайди. Чўпон отанинг «Шалпанг, тур! Чўпон таёқдан ҳатладинг!» деб огоҳлантириши билан сакраб туриб, чўпон таёқдан қайтиб ўтади ва уни четга олиб ташлайди — чўпон таёқдан ҳатлаш ҳосиятсиз эмиш. Чўлиқлар буни яхши билишади... Чўпон ота носини туфлаб, эртагини давом эттиради: «Бир кун Қулоқбой қаррак барги соясида ухлаб қолибди. Саратон пайти экан, уйку зўрлик қилиб кўзларини элитибди. Шу атрофда юрган Нортуя Қулоқбой ухлаётган қаррак баргини ямламай ютиб юборибди, кейин қаттиқ пишқирибди. Унинг пишқирганини эшитган чол, бир нарсани сезиб, Қулоқбойни ахтариб қолибди...»

#### IV

Йўлбарс сиртлонли бўрибосар зотидан эди. У ёшлигидан чўпонлар билан юрган. Бўрилар билан кўп олишган. Асли кучуклигида кесилган қулогининг биттаси узунасига ҳам «шарра» қирқилганлиги, терисининг айрим жунсиз чандиқлари, ўнг орқа оёғидаги билинар-билинмас оқсоқлик ана шу аёвсиз курашлар оқибати эди.

Ит кўзи сўник, нурсиз бўлади. Диққат билан қарасангиз, жонивор нигоҳида ҳаёти акс этгандек туюлади. Маҳзун нигоҳдан дилингиз хун бўлади. Ит кулишни билмайди...

У пайтлар ҳали мактабда ўқирдим. Отам худораҳматлик Қоратоғнинг Анжирли, Мевали, Саргил қишлоқлари атрофида қўй боқарди. Қишлоқ оқсоқоли — ўта ақлли, саводли уруш ногиронининг ёз — олти ой даштга чиқиб кетиши сабабларини эндиликда тушунгандай бўламан. Бобом бечора қатағонга учраган қишлоқ беги экан. Колхозда қулоқ боласига иш топилмаган. Балким паст келгиси, кимларгадир бўйсунгиси келмагандир. Шундан умри улугвор тоғлар қўйнида ўтган бўлса, эҳтимол...

Отам тоққа Йўлбарсиз бормасди. Ит — садоқат. Одатда отам олма гуллағач сафарга отланарди. Ҳафта олдин сурувни тайин бир манзилга ҳайдаб, чўлиқ-чўпонга топшириб, заруратлар учун уйга келиб кетарди. Онам бир ойлик егуликни қуроқ хуржунга жойлар экан — қурт, майиз, қанд солинган халталарни отамга кўрсатгач, оғзини боғларди. Отам халталарга қараб асаби бузиларди...

Туз ва қуроқ чой катта ароқ шишаларга солинарди. Отам эшагини эгарлагани чиққанда, онам кўрпа тахланган тахмонни жадал ағдариб, гўшт қоврилиб солинган сариёғли мойғулчани хуржун тагига тиқиштарди. Укам иккаламиз хуржунни эшак олдиғача судраб борардик, юклашда отамга ёрдамлашардик. Отам онамга қора моллар тўғрисида кўрсатмалар бериб, болалари ҳақида ҳам нималарнидир тайинларди...

Одатда оғир, босиқ бўлган Йўларс ҳам сафар ҳидини олгач, ирғишлаб қоларди: келиб бизга суйкалар, биз билан «ачомлашарди». Хўшлашган отам, қора хангини халалаб даштга йўл оларди. У доим шошилиб юрарди. Қора ханги четан ҳовлидан чиққач ханграрди. Бу пайт Йўлбарс биз билан ирғишлаб ўйнаётган бўларди. Итни четан деворгача қузатиб қўярдик. Ит девордан ўтиш олдидан хурарди. Шундан кейин отамнинг изидан югурарди...

Уйимиз қишлоқ этагида жойлашганди. Ҳозирда баъзан шундай кўзимни юмсам, ёнтоқзорлар оралаб даштга ўрмалаган йўл, эшак минган, бир қўли йўқлигидан елкаси кичрайиб, бошини ҳам қилиб олгандек кўринадиган одам тасвирини кўраман. Ҳатто эшак туёқларидан кўтарилган чангни ҳис этаман. Орқароқда катта бароқ ит сал оқсаб йўртиб боради...

Кейин Йўлбарс ҳақда ярим тўқима, эртаксимон ҳикояларни эшитаман. Кўпроқ Жуманчўлоқ қўшиб-чатиб айтиб юради. Мендан икки ёш катта бўлган бу гажир кўзли бола, мактабни ташлаб чўлиқликка чиққан. У отамнинг ишонган ёрдамчиси эди. Лекин ўзи ҳам лoфни урарди. У кўпроқ Йўлбарс бўри билан олишгани, ўзи ёрдам берганидан гапирарди. Бўриларнинг номи бўларди. Жуман ҳафта сайин уйига келиб бизниқидан хабар олиб кетарди. Онам тайёрлаган чалобни ютоқиб

симиаркан, ҳар ҳафта ўтган сафарги ҳикоясидаги бўрисини лақабини кўшиб, Йўлбарс ҳақида янги афсона тарқатарди. Гапи исботи учун бўри тирноғи ва тишидан асалган туморларни кўрсатарди. Шундан сўнг ишонмай бўлармиди... Биз итимиз билан мағрурдандик.

Йўлбарс ҳақида бутун қишлоқ ваҳима билан гапирарди. Энг ҳайратлиси, баъзан Йўлбарснинг ўзи келиб кетарди. Отам чўпонлик қилган ерларга енгил машинада икки соатдан мўл юрилади, сўнгра яна икки-уч соат мобайнида тоққа яёв кўтарилиш керак. Йўлбарс отам ва онам, бизлар ҳамда отамиз ўртасида боғловчи ип бўлганлигини англайман.

Ит келган кунлари онам уни овқатлантириб қолар, устларини супириб, чангини қоққан бўларди. Аммо эртаси кун тонгдан яна итни даштга ҳайдарди. Йўлбарс ҳуриб-ҳуриб йўлга тушарди.

Йўлбарс пайдо бўлганини эшитган ҳамқишлоқлар бир кўча наридан ўтишарди. Аслида фақат унинг башарасидан кўркқулик эди: бошқа ёмон тарафи бўлмаган. Ҳаётда Йўлбарс икки кишини ёқтирмасди: бири отамнинг укаси — амаким, иккинчиси ёрдамчи чўпонларнинг бири — Ҳуши бува. Ит амаким қулоғини кесганлигини унутолмаган бўлса керак. Унга кўрган заҳоти ташланарди. Сўнг амаким доим ароқ ичиб юрарди. Йўлбарс эҳтимол сассиқ хидни ёқтирмагандир. Амакимда яна аллақандай жиккакликми, ярашмаган бачканаликми бор эди, ит буни ҳам сезган, балким. Ҳуши бува эса ёши ўтганлигига қарамай китмир одам эди. Даштда кўйларни ҳуркитасан деб Йўлбарсни қувар, отам йўқ бўлса, егуликдан ҳам кийнардир. Шу сабабли Йўлбарс у билан келишмасди: Ҳуши бува айтганини бажармай кетар, унга сира бўйсунмасди. Бўлмасам, отамнинг сўзи тугул, ишорасига ҳам тушунарди.

Отам Ҳуши бува ва Йўлбарс ўртасида содир бўлган воқеаларни узун қиш тунлари бизга айтиб бериб, кулдиради.

... Кунлардан бир куни Ҳуши бува кўйган қопқонга тулки тушади. У тулкини Жума бозоридан сотиб олган, янги арқонга нўхталанган эшаги эгарига боғлайди. Отам тулки айёр жонивор, эҳтиёт бўлинг, деб уни огоҳлантирибди. Аммо у, салқин тушса терисини шилиб оламан, деб маслаҳатга унамабди. Ким кўй боққан бўлса саратон куни қанчалар узунлигини билади. Тоғ иссиғида эшак устида мудраб, сурув ортидан юрган Ҳуши бува пешин номозини ўқийганида тулкини эслаб қолади. Намозни чала қилиб эшагига интилади. Аммо тулки бўйнидаги арқони билан қочиб улгурган бўлади. Отам ҳикоясининг шу ерига келганида кулгудан ўзини тўхтатолмайди...

Отамнинг кулгуси... Кўп кулармиди? Эслолмайман. Ҳар қалай сержаҳл одам эмасди: ҳеч қачон бизларни урмаган. Танбехларини ҳам эслолмайман. Даштдаги шўхликлари ҳақида жуда кўп эшитганман, аммо барчаси жуда илгари, болалиқда бўлган. Мурғак болалик хотираси эса ҳовлимиз каби четан девор қуршовида — кўп нарса ундиролмайсан. Унинг ҳазилларида Йўлбарс — қора ҳанги, қора ҳанги — Йўлбарс тасвири бўлиши керак...

... Ҳуши бува шапкўрлиги туфайли кундузи кўй боқарди. Баъзан қуёш шунчалик авжига олардики, тоғ-тошнинг қизишидан кундузи Ҳуши бувага иш қолмасди: фақат кун ботгач, сурувни ўтлатиш мумкин эди. Оқшом туши бошлагач, сурув ҳайдалади. Сурув ёйилиб кетгач, Йўлбарс эринчоқлик қилиб ётаверарди. Шўхлиги турган отам «товуқкўр» Ҳуши бувани ётиб қолган «кўйни» турғазишга ундайди. Ҳайдаганда турмаган «кўй» — итни, бува таёқлаб тушириб қолади. Уни кузатиб турган Йўлбарс, овоз чиқармасдан, сакраб эшагидан ағдарарди, Ҳуши бува шунда ҳам ҳеч нарсани тушунмайди. Отам ва Жуман кулгудан юмалаб қолишади...

Отам шунда Йўлбарс кулганини кўрган экан...

... Кейин мен тобут олдиға тушиб бораман. Йўлда фотиҳага қўл очиб турган бува, ҳеч нарса кўрмайди шекилли, марҳум чиқарилдимми, деб сўраб улгуради...


«... Шунда отдан тушган Қулоқбой Сирли дарага энибди. Дара анча қия экан. Эҳтиёткорлик билан тушаётган Қулоқбойни тўсатдан шамол учуриб кетибди. Сирли дарадан шамол йўли ўтган экан. Хашақдай учаётган Қулоқбой Мингтолнинг шохларидан бирига ёпишибди. Шамол тўхтабди. Қулоқбой дарахтдан тушаётганда йиқилиб, юмалаб кетибди. У ҳар юмалаганда бир қарич улғайибди. Дара тубида Қулоқбой суксурдек йигитга айланибди. Уни кузатиб турган чол отаси ҳайратдан ёқа ушлабди. Ота-бола омонлашибди. Аммо Қулоқбойнинг улғайиш сирини қанча ахтарсалар ҳам билишолмабди...»

Шалпанг ўчиб бўлган гулханга бир даста янтоғни чўпон таёғига илдириб, олиб келиб ташлайди. Кулга айланган гулханнинг сўнги учқунидан алангаланган ёнтоқ, жаҳл билан кўкка сапчиди. Ҳовуридан юзларимиз қизиб, четга қочамиз. Чўпон бува Шалпангни сўкади. Қолган болалар тезкорлик билан уст кийимларини йиғиштиришади. Улар маърашиб кетаётган кўйлар ортидан кетишади. Мен анча вақт гулхан қошида қоламан.

Шамол туради.

Кўзларимга кул аралаш учқун сачрайди...

Уйғониб кетаман. Деразаларни очиб юбораман.



Садриддин  
Салим Бухорий

\* \* \*

Қалб зулмати — жаҳолат,  
Қалб зулмати кўрликдир.  
Икки дунёси барбод  
Қалби кўрлар шўрликдир.

Қалбимизни ёруғ эт,  
Ё Раб! Ўзинг бўл ҳодий!  
Тун зулмати — муваққат,  
Қалб зулмати — абадий!

\* \* \*

Кўларим йиғлаб бўлди,  
Юзларим йиғлаб бўлди,  
Сўзларим йиғлаб бўлди,  
Дийдоринг кўрсатмадинг.

Тахтлар бор эди — кечдим,  
Бахтлар бор эди — кечдим,  
Аҳдлар бор эди — кечдим,  
Дийдоринг кўрсатмадинг.

Фам, алам келди — ютдим,  
Азобларни унутдим,  
Кутдим, кутдим, ох, кутдим,  
Дийдоринг кўрсатмадинг.

Жабринг — роҳат деб билдим,  
Дардинг — сихат деб билдим,  
Ишқинг — қисмат деб билдим,  
Дийдоринг кўрсатмадинг.

Булбуллар гулзор талаб,  
Бедиллар дилдор талаб,  
Садриддин дийдор талаб,  
Дийдоринг кўрсатмадинг.

\* \* \*

Қалбимда бир султон яшайди,  
Кийимлари асл, шоҳона.  
Эгнимдаги кийим ўхшайди  
Фақирларга, эмас афсона.

Қалбимда бир султон яшайди,  
У ҳеч қачон бўлмади гадо.  
Нафсни забт этганга ўхшайди,  
Бутун олам фармонида жо.

Қалбимда бир султон яшайди,  
Зериктирмас уни бу шоҳлик,  
Олтин тахтга кўрпам ўхшайди,  
Гарчи ўзи асли ямоқлик...

\* \* \*

Сенга қўл кўтарганинг

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Кўллари қуримасми?  
Сенга хиёнат этган  
Аслида бўримасми?

Сени кўролмаган кўз  
Кўр бўлмасми оқибат?!

Сен валийлар маскани  
Сенда бор руҳий қудрат!

Юзингга оёқ босган  
Юзлар қораяр шу дам,  
Авлиёларнинг юзи  
Сенинг юзингдир, Ватан!

\* \* \*

Дам ўтди — ғам ўтди,  
Шодлик кам-кам ўтди.  
Сен озор бердинг, оҳ,  
Озоринг ҳам ўтди...

Юрагим синикдур,  
Кўзёшим тиникдур,  
Оҳларим ёникдур,  
Оҳу нолам ўтди.

Ким этди сенга жабр,  
Ани ҳам ютди қабр,  
Қабр ичи тўла сабр,  
Аза-мотам ўтди.

Садриддин, бўл хушёр,  
Яшагил беозор,  
Ҳисоб бор — китоб бор,  
Дема қалам ўтди!

\* \* \*

Арзу додим бор қоши пайвастага,  
Сен гулу мен — хор, тараҳҳум хастага.  
Гул билан бир новдада бўлгани-чун  
Хорни кўрки, қўшдилар гулдастага.

\* \* \*

У сенга яқиндур, сен эса йироқ,  
У висол истайди, сен эса фиरोқ.  
У боқий дунёни сенга бағишлар,  
Сен фоний дунёнинг дўстисан, бироқ.

\* \* \*

Гуноҳим кўп, шундан қадди камонман,  
Тавба этмай юраяпман ҳамон, ман.  
Аё, дўстлар, ғафлатдаман, водариф,  
Ёмонликни билмайдиган ёмонман.

\* \* \*

Ичу тошимни бир айла,  
Бардошимни сабр айла.  
Бегонадан бегона эт,  
Йўлдошимни Ҳизр айла!

\* \* \*

Ҳар асрнинг бордир ўз куйи,  
Ҳар асрнинг ўз рангу рўйи.  
Ҳар асрнинг ўз дуоси бор,  
Ҳар асрнинг ўз дуогўйи.





Сен бугун, фариштам, айтгин, қайдасан,  
Ҳаётдаги энг пок ва маъсум туйғу?

## Ирода

Ҳаёт, мени бериб қўйма ғамларга,  
Ҳали бахтдан олар улушларим бор.  
Ширин-ширин кечган яхши дамларда  
Хандон отиб шўх-шўх кулишларим бор.

Гарчи менга омад кулиб боқмади,  
Ҳисларим қайғуга кетди қоришиб.  
Кўнглимга гарчи бахт чироқ ёқмади,  
Гарчи умрим ўтди дард-ла олишиб.

Бой бериб қўйдимми шўхликларимни,  
Бемажол суздимми аччиқ кўнглингда?  
Бемаврид унутдим ёшликларимни,  
Аччиқ қисматимни кўриб қўлингда.

Бойлигини бой берган қиморбоздайин,  
Мен ҳам балки энди пушаймондирман.  
Бу йўлларга борсам йиғлашим тайин,  
Ҳаёт, қара, ҳали мен омондирман.

Гарчанд мағлуб этиб қўйиб жисмимни,  
Санчдинг унга минглаб дард аталмиш ўқ.  
Дардманд атаганинг билан исмимни,  
Сен ҳали руҳимни эголганинг йўқ.

Ҳали менинг руҳим кенгликлариди  
Умид қушчалари қилмоқда парвоз.  
Ишончу орзумда, бари-бариди  
Бордир келажакка чорловчи овоз.

Ҳаёт, ҳали сенинг номингни куйлаб,  
Ўтли мисраларда шеърлар битаман.  
Фақат дардни эмас, бахтни ҳам ўйлаб,  
Юракни яшашга даъват этаман.

## Ҳолат

Барг узилди ночор, шамол юлқиғач,  
Ахир, бу ҳаётга ким ҳам тўйибди?  
Куз буюк ва улуғ мусаввир экан,  
Қалбим манзарасин чизиб қўйибди.

Ургут

### ИРОДА ВА ИҚТИДОР ҚУДРАТИ

Ургутни ижодкорлар юрти деб бежиз айтишмади. Эҳтимол, тумандаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигидаги Қулқишлоқда ўсган Гулсара Хуррамовага ҳам бу масканинг ўзига хос табиати илҳом бергандир. Қолаверса, унда Худо берган иқтидор, шоирона руҳ бор. Туйғуларини чиройли сатрларда айта билади.


Гулсара Хуррамова 1985 йилда оғир дардга чалиниб, тўшакка михланиб қолди. Лекин хасталик унинг иродасини буколмади. Шеър ишқи, мутолаа иқтидори, бардоши далда бўлди ва яхшигина шеърлар ёзди.

Туман ҳокимлиги Гулсарадаги шижоат, сабр, ирода ва истеъдодни ҳисобга олиб, унинг илк шеърый тўпламини чиқаришга ёрдам берди.

Шеърпараст сингилимизга янада мустаҳкам ирода, ўзи тилагандай жўнгина соғлиқ ҳамда ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

**Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ,**

Ургут тумани ҳокими,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.



# ТУРКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА

Мустафо Чўқай

## ХУҚАНД МУХТОРИЯТИ

(10 декабр 1917—1937)

Бу мақолани йигирма йиллигига атадигимиз Хўқанд Мухторияти ҳукумати бутуниси икки ой тўрт кунгина яшамишдир. У 1917 нчи йили, 10-инчи декабринда қурулуб, 1918 инчи йил 13 февралинда тарқалмишдир. Хўқанд ҳукумати қурулдиғи замон на бир зобити, на бир аскари ва на-да бир тийин ақчаси бор эди. Ҳеч бўлмағонда унинг техник жиҳатдан ҳозирланмиш кадрўси-да йўқ эди. Пўста, телеграф, темирйўллари бутуниси душман кўлинда эди. Бу шароит ичинда қурулуб, бу қадар қисқа муддат давом эта билган Хўқанд ҳукуматининг Туркистон халқи миллий магнофеи (манфаати — Т. Қ.) талаби йўлинда кўзга кўрунарлик ҳеч бир иш ишлай олмағонлиғи-да ғоятда табиий ва қулай англашиларлиқ бир масаладир. Ҳатто бу шароит ичинда ўртага чиққан бир ҳукуматнинг 64 кун яшай олғонлиғи-да хориқуллода бир ҳолдир.

Табиий, Хўқанд Мухторияти Туркистон масаласининг ешилувинда сўнг мақсад ва шаклни ифода этмас эди. Фақат у Туркистон қуртулуш ҳаракати йўлунда у замонги вазият ва шароит ичинда отилуви мумкин бўлгон биргина одим эди. Агарда у замон Туркистон учун-да, Укроина ва Қофқосиё учун бўлғони каби, ташқи сиёсий шароит уйғунлиғи кўруна бошлағон бўлсайди, у замонги Туркистон мухториятчиларидан кимса Туркистон истиқлолини эълон этувда бир дақиқалиқ-да тараллуд кўрсатмас эди. Фақат биз, тарихнинг мисоли кўп учратилмайдурғон бир давринда, ёрдамини умуб (умид этиб — Т.Қ.), бу умидга таяниб ҳаракат эта билажагимиз бир кўмшудан (кўшнидан — Т.Қ.) маҳрум эдик. Бунга рағман, бир муҳим нуқтани очиқ қайд этиб кетишимиз керакки, эски Русияга тобе ўлкалардан совет Русия асоратина тушуб қолғонлари ичинда миллий давлатчилик йўлини Туркистон бошлаб солиб ўтурадир.

Хўқанд Мухториятининг бир хусусияти-да унинг у замонги шароит кўламинда «Туркистон Миллий Бирлиги»нинг ҳақиқий шаклини бера билганлигидир. Хўқанд Мухториятининг мана шу хусусияти бизнинг миллий қуртулуш ҳаракатимиз тарихинда чуқур бир из қолдирмишдир. Бўлшавикларнинг ўз турмушлари 20 нчи йилдан-да тинмай Хўқанд Мухторияти ҳақинда ёзмокда давом этувларина диққат этингиз. Бу кун «миллий буржуа» деб айблаб қўйуб, жазоландириб юриклари кишиларнинг бутунисини Хўқанд Мухторияти билан боғлайдилар. Бу айбланувчиларнинг кўпчилиги қизил Мўсқванинг ўз мактабиндан етишган ўқтубр инқилобининг етиштирмаларидир. Бу: эмдигача қизил Мўсқванинг кўксини қабартиб келган «ўқтубр инқилоби мактаби» талабаларининг-да Хўқанд Мухторияти билан маънан боғли чиқувлари ҳар нарсадан аввал у ҳаракатда тамсил этилган миллий мафқуранинг кучини, таъсирини кўрсатадир. Шу ерда бир нуқтада изоҳ этиб кетиш керак. Акмал Икром, Абдулла Раҳимбой ва бошқалари каби «ўқтубр инқилоби» маҳсулларининг Хўқанд Мухториятина боғлиликларини, табиий, Хўқанд Мухторияти ҳукуматининг қайтиб келуви умиди маъносинда эмасдир. Бу кун на Туркистоннинг ичинда ва на-да ташинда бундай ўйлайдурғон биргина бўлса-да Туркистонли топилмайдир. Хўқанд Мухторияти билан маънавий боғ-



лилик демак Хўқанд Мухторияти замонинда ярангон Туркистон Миллий Бирлигини қайтадан тургузуб, яшатиб, кучайтув демакдир.

Акмал Икром ва бошқалар рус прўлетари диктатўрлиги хизматиндаги тажрибала-риндан «шаклча миллий мафҳумча прўлетар» деган йўлдан миллати учун ҳеч бир нарса чиқмадигини, ҳақиқий миллий инқилобга эришув учун шаклча-да, мафҳумча-да миллий бўлуви кераклигини жуда яхши англайдир. **Ҳақиқий истиқлолни истаган ҳар бир киши ҳам шакли, ҳам мафҳуми билан миллий бўлувини истамак мажбуриятиндадир. Бунинг хорижинда миллий истиқлол бўлмайди.**

Акмал Икром, Абдулла Раҳимбой, Ойтоқўғели Нодирбой, Исоқбойўғели, Қулум-бетўғели Узоқбой ва бошқаларнинг шундай ўйлаб-ўйламадиқларини биз билмаймиз. Асосда бу жиҳат муҳим-да эмасдир. Муҳим тараф Мўсқва «байналмилал маъносиз-лиги» учун ҳақиқий таҳлика демак бўлгон бу кўрушни уларга Мўсқва ҳукумати томониндан юклатилмақда бўлгонлиғидир. У бундай бир таҳлиқанинг қандай бир йўли билан бир тарафдан чиқиб қолувини сезмақдир. Англашилгон таҳлика яқинлаб қол-гон, ҳатто кўруна-да бошлагон. Йўқса Мўсқва ўзининг Туркистондаги кичиккина бўлса-да мустақил тушуна билув эҳтимоли бўлгон бутун агентларини бошдан-оёқ супуруб отув каби қатъий тадбирларга киришмас эди. Мўсқванинг буларни бизнинг мамлакат тишиндаги миллий ташкилотимиз, «Ёш Туркистон», ҳатто шахсан собиқ Хўқанд ҳукумати бошлигидан таълимот олиб турганлиқ билан айблови, миллий таш-килотимизнинг аҳамияти ва таъсирини бир қат даҳа исбот этган бўладир.

Хўқанд Мухториятининг 20 нчи йили муносабати-ла биз туркистонлилар, бизни ҳақиқий истиқлолга олиб боратургон миллий бирлигимизни ва қуртулиш курашига етарлик куч беражак миллий бирликнинг аҳамиятини эслаб, уни кўнгилларимизда маҳкамлаб олишимиз керак<sup>1</sup>.

## МИЛЛИЙ ЗИЁЛИ

Миллиф зиёли на демакдир?

Илк қарашда бу масала қулай кўрунса-да, ҳақиқатда бу сўроққа тўғри жавоб бера билиш ўнғай бир нарса эмасдир.

Ҳар ўқуғон, таҳсил кўрган одамни зиёли деб аташ ва уни мансуб бўлгон милла-тининг «миллий зиёли» (си — Т. Қ.) сифатинда санаш мумкинми? Табиий, бу мум-кин эмас. **Биз ёлғиз бир белгили гоё орқасиндан юрган ва бу белгили гоё теварагинда тўпланган ўқумушлиларнигина зиёли деб атай оламиз. Миллий зиёлилар синфига эса ўз халқига сиёсий, ижтимоий ва ҳуррияти йўлида хизмат этмакчи бўлгон зиёлиларгина кира оладирлар.**

Зиёлиларнинг вазифаси юксак ва муқаддас бўлғони каби пек (қўп — Т. Қ.), оғирдир.

## ЁРУҒЛИККА ЧИҚИШ

Зиндондан бўшатишган киши, табиийки, ташқарига вужуди билан бирга чиқиб кетади. Бироқ жаҳолат, билимсизликнинг кўринмас турмасида ётган инсонга, энди эркинсан, қаёққа борсанг боравер, деб кўринг, у бир одим ҳам кўзголомас. Чунки унинг руҳи, онги зиндондадир.

Мустахлакка бир зиндон эди, мустақиллик бизга бу чуқурликдан ҳам вужудимизни, моддий борлиқларимизни, ҳам онгимизни ёруғликларга олиб чиқиш учун йўл очди. Бироқ бу йўлдан қуруқ орзу-истак билан, қуруқ бақир-чақир билан юриб бўлмайди; бу йўлдан ўша машъум чорлик босқинидан, Туркистон мустахлакка этилгандан кейинги йиллардан бошлаб эрксеавар ота-боболаримиз ёруғликка қараб одим отишган, яъни, юртимиз ва миллатимизнинг том озодликка чиқиши учун курашишган. Бу — кураш йўли. Фитрат кўзда тутган «чин севги»сиз, Мунавварқо-ри, Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдуллахўжа, Авлоний, Сидқий, Тавалло, Қодирий ва Чўлпонлар халққа тарқатишга интилган миллий билимсиз, онгли журъатсиз, ўзини келажакка бағишламас-дан туриб бу йўлга тушиш мумкин эмас. Миллий зиёлиларимиз бу кураш йўлида юз йиллардир машъала кўтариб бормоқдалар. Ўтмишга боқсангиз, ёвнинг тўплари аждардай ўт пурқаётган очлик йилларида қилич ё пичоқларини озгин қўлларида қўтлуғ китобдай тутиб шаҳид тушаётган-ларни, Ташкент, Қўқон, Бухоро, Кўктепа ва Мингтепалару Турктепаларда ёвнинг қуролли кучлари қатл этган қуролсиз юз минглаб туркистонликларни кўраимиз. Бугунга ва келажакка кўз ташласак, у курашчи ота-боболаримизнинг ҳамон эрк машъаласини бугунги Ўзбекистон, Қозо-ғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, яъни, эски она Туркистондан юксак Тангри-тоғларнинг чўққиларига йўналган руҳларини кўраимиз...

Биз ҳам улар каби йўлдамиз. Қўтлуғ бир йўлдамиз.

Ватанимиз ҳуррияти учун курашганларни эслаш, уларнинг ҳаётини ва ижодини ўрганиш хайрли бўлиши билан бирга, бизнинг бурчимиз ҳам. Янги очилаётган «Туркистон йўлларида» рубрикасида илк ўлароқ Мустафо Чўқай ўғлининг ижодидан намуналар берилётгани ҳам бежиз эмас. Чунки у бундан тўқсон йилча аввал ватанимиз эрки учун қўтлуғ кураш йўлига кирди, умрининг сўнгги кунларигача оғмади, синмади, ҳалол яшаб, ҳалол курашди. Муҳожирликда

<sup>1</sup> «Ёш Туркистон» журналининг 1937 йил № 97, 3861—3863 бетларида босилган. Мақодалар матни ўзгартиришсиз, айрим изоҳлар билан берилмоқда (Т. Қ.)

Халқни миллат ҳолига етиштириш, яъни сўй (миллий ўзлик — Т. Қ.), ирим (инонч, тушунча — Т. Қ.) ва анъана, тил ва динча бир бўлгон инсон китлаларини (тўпларини — Т. Қ.) бирлаштириб, сиёсий-ижтимоий онгли бир бирлик ҳолига келтиришга ўхшаш юксак ва тарихий вазифанинг муҳим бир қисми-да «миллий зиёли»-лар синфи устига тушади<sup>1</sup>.

Биз бу ерда зиёли синфининг тарихига киришмакчи эмасмиз. Чунки бу масала мажмуамизнинг гоёяси бўлгон «бу кунги амалий масала»дан узоқлаштириб юборади.

Дунёда зиёллар тўдаси томонидан бошланилмагон бир миллат, яъни сиёсий, ижтимоий халқ китласи бирлиги ҳеч бўлмагондир. Иккинчи томондан, халқ тарафиндан таянчиғи бўлмагон тағдирда ёлғуз зиёли табааси-да ҳеч бир нарса қила олмайди. Халқни миллат ҳолига айлантириш, яъни уни ёт ҳокимиятларнинг амри остиндаги тобеликдан қутқариб, ўз иродасига эга, мустақил бир шахсият ҳолига қўя билиш каби асос гоёяга эришмак учун мия — миллий зиёли табақаси билан тан — халқ китласи орасинда бир оҳанг бўлиши керак. Мана бу оҳангни (магнитни, боғловчи кучни — Т. Қ.) белгилаш, яъни халқ тилагини тўғри ва ойдин бир шаклда ўртага чиқариш, отилгон (ўртага ташланган — Т. Қ.) гоёяга эришув учун иш ва фаолият прўграмми тузуш зиёллар вазифасидир.

Эмди зиёллар синфининг ўз тарихий вазифасини бажара олиши учун нима керак?

Ёлғуз вазифани бажара олиш тилаги етишмайди. Бу тилакнинг орқасиндан ўз халқига қандай йўллар билан хизмат эта билиш ва халқ билан **англашадургон** ёлпи **бир тилни** белгилаш каби янада муҳимроқ қуроллар топа билиш керак.

«Ёш Туркистон»нинг ўтган сонлариндан биринда (15нчи сонда) рус (ғарб) мактабларинда таҳсил кўрмиш зиёлларимизнинг фожеъ вазиятлари ҳақинда ёзгон эдик. Биз уларнинг **миллий таҳсил**лариндаги нуқсон юзундан халқга кетира оладиргон ва халқнинг-да ҳақли ўлароқ улардан кутдиги фойдаларининг ярмисини-да кетира олмадиқларини таассуфлар-да ёзгон эдик.

Бурада (бу ерда — Т. Қ.) биз шу нуқтаи назаримизни бир оз-да теранлаштирмак истаймиз. **Ғарб таҳсили** кўрган зиёлларимизнинг энг ачинарлиқ нуқталари руҳан халқдан айри қолгонларинда эди. Ғарб таҳсили кўпгина тувгонларимизни (туғишганларимиз, ирқдошларимиз — Т. Қ.) халқимизнинг томирларига қадар сингган ва бутун миллий тарихимизни тўйдирган «шарқ зеҳни»ндан айируб ташлагон эди. Мана бу юздан бизнинг ғарб таҳсили кўрган тувгонларимиз шиддатли орзуларига рағман (қарамай — Т. Қ.) ўз куч ва билгиларини халқ руҳи (шарқ зеҳнияти) билан бирлаштира олмагонлар эди.

Табиий, биз бурада бу «шарқ руҳи» деган нарсанинг илмий ва фалсафий изоҳи билан урунуб ўтура олмаймиз. Бизнинг бу кунги курашимиз **учун шу «шарқ руҳи»нинг «миллий руҳимиз», халқимизнинг руҳи бўлгонлигини** ва бизим хизмат этмак истадигимиз ва тиладигимиз халқнинг у руҳ билан яшамоқда бўлгонлигини билишимизгина етадир.

яшаркан, Туркистоннинг том озодлигига бир оз терс келаётгани учун эски сиёсатчи йўлдошларидан, турли жамиятларнинг кўмакларидан воз кечди; кундузи ишлаб (кундалик яшамини ўзи таъминлаб), тунлари Туркистонни қутқариш учун мақоалар ёзди. Унинг бош мақсади — Туркистонни мустамлака бўйинтуруғидан озод этиш учун кураш эди (қачондир, қаердадир ҳукуматни эгаллаш эмас). Унинг самимий, тозақонли Туркистонлик (Мустафо Чўқай ота ва она томонидан ҳам қозоқ беклари, ҳам Хива хонлари сулоласига мансубдир — Т. Қ.) бўлганини қуйидаги мисолдан ҳам билиб олиш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида олмонлар туркистонлик асирлардан бир ёлланма кўшин (легион) тузишни режалаштиргач, муҳожирликдаги туркистонлик сиёсатчилар лидери саналган Мустафо Чўқайни Париждан Берлинга шошилинич олиб келишади. Асирлар ётган турмаларни кездиришади. Мустафобек ўз ватанида асир бўлган туркистонликларни ёвнинг ёвига яна асир тушганини кўриб, тил билмаслиги боис кимлигини, дардини англатолмай ўлиб кетаётганини эшитиб, кўп эзилади, кўз ёшлари дув-дув оқади... Олмонлар унга курилажак легионга бошчилик этишни таклиф қилишади (аслида буюришади). Чўқай ўли бу масалани чуқурроқ ўйлаб кўрай, дея изн истайди. Сўнгра бу таклифини рад этади, бир туркистонликнинг бошқа бир тарафда турган туркистонликка қараб ўқ отишига бошчилик қилолмайман, дейди.

Мустафо Чўқайни ана шу асир лагерларида касаллик юқтириб, ўлиб қолди деб ёзилади кўп китобларда. Ўша даврдаги олмон, инглиз ва америкалик дипломатлар, махфий хизмат ходимларининг нашр этилган ёзувларига, Чўқай ўгли сафдошларининг тадқиқотлари ва хотираларига кўра, уни ўлдирган «юқумли тиф» эмас, балки қаҳрамонларча туриб олмонлар таклифини рад этганидир, ўз кураш йўлига, туркистонлик ватандошларига содиқ қолганидир (насиб этса, келажакда журнализмизнинг бирор сониди бу улуг инсоннинг ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот бериш ниягимиз бор).

Мустафо Чўқай 1925—1990 йилларгача фақат қораланиб, бир томонлама талқин этилди:

<sup>1</sup>. Отоқли олмон файласуфлариндан Кант ва Фихтеларча, «халқ» — ўз ерида шахсиятига эга бўлмасдан бошқаларнинг қарамоғинда бўлгон инсон тўдаси демакдир. Миллат эса бошқаларга тобе бўлмасдан ўз идорасига эга ва шахсиятига молик бўлгон халқ демакдир. Фалсафа таъбиринча, халқ бир объект, миллат бир субъектдир. (муал. изоҳи).

Шу фурсатда ўз тарихимизнинг рус истилоси остиндаги давриндан шоёни диққат бир мисол эсимга тушиди.

Бунда Чўқон Валихон жожеасини эслатиб ўтмоқчиман. Чўқон ўтган асрнинг ўрталаринда, Туркистон руслар томонидан истило этилар экан ёшоғондир. Бу киши сўнг даражада қобилиятли, доҳий деярли даражада бўлган сахро боласи сирф рус (ғарб) таъсири остинда ўсган. У ўз давриндаги машҳур руслар билан, масалан, Дўсто-евский билан яқин муносабатда эди.

Чўқоннинг ғарбчилиги шу даражага борган эдики, у рус миссийўнерларининг қозоқ-қирғизлар ичиндаги фаолиятини ёқлар эди. Чўқон рус ҳукуматининг яширин агенти сифатинда (1856 инчи йилда) Шарқий Туркистонга борди. Бир қанча вақт Туркистон сафари (босқини — Т. Қ.)га йўнаб бораётган қонхўр генерал Чернойеф қўл остинда хизматга таъйин этилди. Фақат узун сурмади. «Ғарб»чилиги уни пек ғариб бир вазиятга учратди. У Чернойефдан айрилди. Рус муҳитини ташлаб, Патрасбургга боришдан ҳам бош тортуб, сахрога, овулга қайтуб кетди ва бир қозоқ қизи билан уйланди. Кўп узун сурмасдан (кўп ўтмасдан — Т. Қ.) Чўқон 1865 инчи йили ўттуз ёшларинда ўлди.

Чўқон ҳақинда хотира ёзган бир рус муҳаррири (муаллифи — Т. Қ.): «Бу бир ғайрируснинг бундай кўз қамаштирарлик пориллашдан сўнг ўз халқининг муқаддари-ти ҳақинда кўрқуб, чекинуб қолиши, унинг **ёт бир ҳирсга** (майлга — Т. Қ.) **инонмаслигини**, ундан кўрқуғонлигини ва ўз-ўзини сақлаш туйғусининг тўсатдан юзага чиқиб қолгонлигини кўрсатадир» дейдир.

Биз бу Чўқон ҳақинда хотира ёзган муҳаррирнинг фикрига қўшула олмаймиз. Бизча, Чўқон жожеасининг манбаи унинг **ёт бир ҳирсга инонмаслигинда эмас, билакс, унинг ёт бир ҳирсга ўлчовчсиз даражада, ҳатто кўрчасига ишонисинда эди.**

Чўқон ёт бир ҳирсли (ғарб) халқининг руҳи билан ўз халқини бахтли эта билиш имконини ўйлаган эди. **Ёт ҳирсга ишончсизлик Чўқонда бу ачи (аччиқ — Т. Қ.) тажриба, жожеасиндан сўнгра уйғонди.**

Ҳарчанд бизнинг ғарб таҳсили кўрган кишиларимиз ичиндан ҳеч кимнинг «ғарб-чилиги» Чўқон даражасига борган бўлмаса-да, унинг ҳаёти дарслари ҳар доим кўз олдимизда жонлануб туриши керак.

Асримиз Чўқон даврига қараганда бусбутун бошқадир. Чўқон ёлғиз эди ва унинг қаршисинда **халқини миллат** ҳолига келтириш каби муҳим вазифа кўндаланг бўлуб турмас эди. Табиий, бу масалани биз ўзимиз ўйлаб чиқармадиқ. Тарих, ҳаётий эҳтиёж, уйғонган халқнинг **менлик** туйғуси бу муҳим вазифани қаршумизга чиқаруб қўйди.

Энди бизна-да, бу мақоланинг бошинда изоҳ этдимиз мафҳумда, миллий зиё-лилар синфи ўсуб келмақдадир. Унинг инкишофи уч йўл билан бормоқдадир. Келажак Туркистонни қурувчи ёш кучларимизнинг кўпчилиги миллий йўлбошчиликдан маҳ-рум бир ҳолда Мўсқва прўлетарийси зулми остинда юртимизда ўсмақдадирлар. Бу

---

дарсликлар, бадиий асарлар бунга мисол. Сўнгра, истиқлол шарофати билан, бирин-кетин Мустафо Чўқай ҳақида тўғри сўзлар ўртага чиқа бошлади, унинг «1917 йил хотира парчалари» эълон қилинди (М. Чўқайўели, «Истиқлол жаллодлари» номи билан; нашрга тайёрлаган ва сўзбоши муаллифи профессор Бегали Қосимов, Ғ. Фулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, Тошкент — 1992), ҳаёти ва ижоди ҳақида мақолалар босилди (О. Шарафидинов, Т. Қаҳҳор ва б.). Бугунда халқимиз Мустафо Чўқайдай асл курашчи, Туркистон йўлида борлигини бахш этган фарзанди борлигини яқиндан ўрганмоқда. У ҳақда Қозогистонда (русча ва қозоқчада) ўнлаб китоблар босилаётгани, Туркияда ҳам 1950 йиллардан бошлаб у ҳақда ўнлаб асарлар нашр этишгани, илмий ишлар қилинаётгани бизни қувонтиради. Чўқай — бугунда нафақат ўзбеклар ва қозоқларнинг, балки бутун туркий халқларнинг сеvimли сиймосига айланаётган, қардош эллар орасида маънавий кўприк бўла бораётган шахсдир. Шу маънода унинг ижодидан айрим намуна-ларни ўқувчиларга ҳавола этаётганимиз дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаши билан бир қаторда, халқимизга ўз тарихини янада чуқурроқ англашига ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Мустафо Чўқай ўн йилдан ортиқ «Ёш Туркистон» журналининг бош муҳаррири бўлди, ҳар ойда чиққан бу мажмуада доим бош мақолалари, Туркистондаги аҳволга, байналмилал ҳаётга оид асарлари билан қатнашиб турди. Яқинда туркиялик дўстим Умар Ўзжон (у Туркия жумҳурия-ти Вазирлар Маҳкамасида маориф мусташари бўлиб ишлайди, Чўқай ҳақида тадқиқотлари бор) менга янги бир китоб юборибди. «Мустафо Чўқайнинг ҳаёти, фаолияти ва фикрлари» деган бу илмий асарни Дархан Хидиралиев ёзган. 2001 йилда Анқарада, «Иени Аврасйа» (янги Овроссиё) нашриётида мустақил Қозогистон жумҳуриятининг ўн йиллигига бағишлаб нашр этилган. Китоб охирида Мустафо Чўқайга оид 170 дан ортиқ мақоланинг номи берилган. Менимча, Чўқайнинг мақолалари бундан ҳам ортиқдир. У ўз асарларини русча ва ўзбекча нашр эттирган.

Мен Анқарада ишлаган пайтимида Миллий кутубхонадан, Аҳмад Шакур Турон ва Умар Ўзжоннинг қўлларида сақланаётган «Ёш Туркистон» журналининг айрим сонларидан М. Чўқай мақолаларининг ҳам нусхасини олгандим. Бир нечасини нашрга тайёрлагандим. Мана бугун сеvimли журналимиз «Шарқ юлдузи»да уларнинг эълон этилаётганидан мамнунман ва уларни бизгача сақлаб, нухсаларини олишимда кўмак берганларга миннатдорлик билдираман.

юртимиздаги ёшлик асосинда бутун миллий тарбияларга душман бўлгон «синфий тарбия» оладир. Фақат биз бу заҳматларга рағман Туркистон ёшлик кўпчилигининг миллий руҳда етишмакда бўлгонини пек яхши биламиз. Шурада (шу ерда — Т. Қ.) юртдаги совет мактабиндан етишмакда бўлгон ёшларимизнинг миллий руҳни у ерда эски «шарқ руҳи»инда тарбия кўрган «шарқ зеҳниятли» зиёлиларимиз билан тамасда (муносабатда — Т. Қ.) олмоқда бўлгонларини айрича қайд этишни лозим топамиз.

**Яшанг, эй чекист тўпначалари қаршисинда ичингизда ёнмоқда бўлгон миллий руҳимиз оташи билан ёш наслни тарбия эта билмакда бўлган қаҳрамон тувгонлар! Битма-туганмас хурматлар сизга, эй номусли юртдошлар!**

Озроқ бўлса ҳам ёшлигимизнинг иккинчи бир қисми қардош Туркияда етишмакдадир. Биз бугун фарб билгисининг, «шарқ руҳининг кўплигиндан хаста» деб саналгон Туркияда халқ ичинда муваффақият билан татбиқ этилмакда бўлгонини кўрамыз.

«Фарб билгиси»ни «шарқ руҳи» билан бирлаштириш устиндаги Туркия тажрибаси биз учун жуда яхши бир дарсликдир. Бизча, дунё тарихинда мисли кўрилмаган муваффақиятнинг асл сабаби «Туркия миллий кучлари»-«куввайи миллия»нинг Оврупо таҳсили кўрган турк зиёлилари билан шарқ зеҳниятли зиёли табақаси орасиндаги оҳангни, яъни Оврупо техникасини туркнинг шарқ зеҳнияти-ла (менталитет — М. Ч.) бирлаштира билганларидандир.

Биз-да қардош Туркияда етишмакда бўлгон ўз зиёлиларимиздан ҳақли ўлароқ кўп нарсалар кута оламиз ва бу умидимизнинг кутулганидан ҳам ортигроқ чиқишига инонамиз.

Сони эътибори-ла жуда оз бўлса ҳам бир қанча ёш туркистонлилар фарб мактабларинда — Олмониёда таҳсил кўрдилар. Бу ёшлик бу кунга қадар юртиндан кетирдиги миллий руҳнинг таъсири билан яшаб келмакдадир. «Ёш Туркистон»нинг ўтган сонинда ёш туркистонли Тўхтамишўғлининг мақоласи бу ёшлиқнинг-да миллий ғояга эришув йўлларини белгилашни ойдин англагонлигини кўрсатадир. Бу фарб таҳсили кўрган ёшларимиз-да миллий руҳнинг маҳкам ва сарсилмас бир моҳиятда бўлгонинигина эмас, ўз билгисини халқимизнинг руҳига уйар (мос. — Т. Қ.) бир шаклда миллий иш майдонинда ишлатишни ҳам билганлигини кўрсатадир.

Хулосаси — бизнинг уч муҳитда яшамакда бўлгон ёш зиёлиларимизнинг ҳаммаси-да «миллий зиёли» мафҳумига лойиқдирлар.

Жўғрофий вазият эътибори-ла уч айри муҳитда емишмакда бўлгон бу миллий зиёлиларимизнинг сиқи (сиқик, маҳкам — Т. Қ.) суратда бирлашув ишлашлари ва бир-бирларига ёрдамчи бўлушлари халқимиз ва улуг Туркистонимизнинг келажагини таъмин этадирган энг муҳим амалларнинг биридир.

Агар биз ёш зиёли наслимизга бу умидни боғламасак ва бу умидимизнинг таҳаққиқ этмакда бўлгонини ҳаёти далиллар, мисоллар билан кўрмасайдик, яшаб, ишлаб ўтиришнинг маъноси ҳам қолмагон бўлур эди<sup>1</sup>.

## МИЛЛИЙ ЭРКИНЛИК ВА ҚУРТУЛУШ ЙЎЛИ

Ўтган ой Русия инқилобина 20 йил тўлди. 1917 нчи йилнинг 12—16 март кунларинда эски режимнинг қулаб, янги тартибнинг киришини севинча қарши олгон бизлар бу янги тартиб халқ бошига бурунғидан даҳа (кўра — Т. Қ.) шиддатли бир асорат бўлуб чиқар деб ўйламагон эдик. Табиий, янги асоратни чорлиқнинг йиқилуви ила боғлов, чорлиқнинг йиқилувини унинг сабаби этиб кўрсатув тарихий боқиш ва ҳақиқатга қарши буюк бир ҳақсизлик, янглишлиқ бўлур эди. Йўқ, бизнинг бошимизга бу янги асорат фалокатини эски чорлиқ режимининг йиқилуви келтирмади. Терсинча, угурсиз, маълун чор режими бизнинг янги асоратимиз заминини ҳозирлаб қолдирди. Русия империямининг фарбий Оврупо ва Оврупонинг Болтиқ денгизи бўйига ёношгон чеккаларингдаги ўлка ва халқлардан ёлғиз култур жиҳатиндан доимо руслиқдан устун бўлуб келган 30 миллиўндан ортиқ аҳолиси бор Лаҳистон (Пўлша — Т. Қ.) ва сонча у қадар кўп бўлмаса-да, миллий мафкураси соғлом ва сиёсий тарбияси юксак Фин халқиғина эмас, ҳатто кичик Эстўниё, Латвиё ва Литваниё халқлари-да истиқлолларини қозониб, давлат турмуши қуруб, маҳкамланиб олдилар. Эски режимнинг қулови бу халқларнинг бутунисина «миллатлар зиндони»ндан қуртулуб чиқишига ёрдам этган бўлса, иккинчи тарафдан, мувофиқ байналмилал сиёсий шароит, билхосса, сўнгу уч кичик миллатга қайтадан асорат зидонина кириб қолувдан сақланишига кўмак этди.

Инқилобдан сўнграки асоратимизнинг чорлиқ сиёсатининг натижаси бўлмагонлигини мана шу Латвиё, Эстўниё ва Литваниё тажрибалари очик-ойдин кўрсатиб турадир.

У бир тарафларда, билхосса бизнинг Туркистонда ҳодисот бошқачароқ жараён этди ва натижада биз қайтадан чорлиқнинг вориси рус прўлетар диктатурлиги панжа-

<sup>1</sup> «Ёш Туркистон» журнали, 1931 йил. № 18. 3—9 бетларда босилган (Т. Қ.).

сина асир тушуб қолдиқ... Бунинг бош айбиси чорлиқ режими ва унинг мустамлака сиёсатидир. Шунда-да айтиб ўтиш керакки, бу чорлиқ Русияси қонли мустамлака сиёсатида ҳеч бир ерда Туркистондағидай бўлмагон. Рус чоризми бизнинг халқни қоронғилиқ, билимсизлиқ ичинда тутувга бутун кучини сарф этди, уни ҳам моддий, ҳам маънавий юртдан кучсизлантирувга урунди. Туркистонни рус муҳожирлари билан тўлдурди. Эртимизнинг энг яхши ерларини рус муҳожирлари қўлуна ўтказиб юборди. Асри маорифга кирув йўлига кечилмас (ўтиб бўлма — Т.Қ.) деярлик даражада оғирлиқлар чиқарди, идора ишларина қатнашув йўли эса бизнинг халқ учун бутунлай қапаталиб (беркитилиб — Т.Қ.) қўйилгон эди. Биз бу вазият ичинда экан, «миллатлар зиндони» эшиклари очилди. Фақат биз ярангон вазиятдан керагинча фойдалана олмай қолдиқ. Зиндондан ёриқ дунёга чиқар-чиқмас биз ўз ички заъфимиз (кучсизликларимиз — Т.Қ.) ва тарқоқлигимизни англадиқ ва саккиз ой (март-ноябр — М.Ч.) бир қон, хўжалик ва тарихий боқимлардан бир бўлгон халқимизни ичидан чурутган тарқоқлик, қоронғилиқ ва сиёсий онгсизлиқ каби оғир хасталиқларга қарши курашув билангина машғул бўлдуқ. Бу кун икки карра икки тўрт дегандай очиқ бир ҳақиқат бўлуб кўрунуб тургон масалаларни англаиш учун кураш юрутув мажбуриятинда қолгонларнинг вазиятиндаги жожеотни кўрув-да қийин бўлмаса керак.

Йигирма йил кечди. Юртимизнинг ҳар тарафина ўз болалари қонли сув каби оқди.

Бу кечмишга қайтиб ўтиришимиздан мақсад жожеалар сабабини ва халқимизни миллий истиқлолига олиб борувчи, уни ўз муқаддаротина эга бўлуб саодатина эриштирувчи биргина тўғру йўлни бир оз-да ойдин қилиб кўрсатувдан иборатдир.

Бизнинг кечирган жожеамизнинг сабаби, биринчидан, қаҳр ўлмиш чорлиқ Русияси мустамлака сиёсатидир. Иккинчидан, яна шу чорлиқ Русияси сиёсати асари (натижаси — Т.Қ.) бўлгон ўзимизнинг заъфимиздир. Энди чорлиқ Русияси йўқ ва қайтиб келмаяжакдир. Фақат унинг қолдирдиғи мерос — бизнинг заъфимиз, билим, ҳунар ва бошқа жиҳатлардан етишмай қолгонлигимиз эса, истадигимиз қадар тезликда етатургон нарсалар эмасдир. Бу оралиқда кечган йиллар бўшга кечмади. Умумхалқ кўзголонлари, кундалик турмуш ва билим учун оғир меҳнат ва қонли тортишма тажрибалари халқимизнинг «мўъжиза»ларга инониб юрив соддалигини қисман бўлса-да битира билди. Душманамиз матбуоти юртимизда, ҳатто фирқалилар (бўлшавиклар — Т.Қ.) орасинда миллатчилик оқимининг, ёлғиз советларгагина эмас, умумият-ла Русияга қарши ҳаракатниг кучайиб бораётганини кўрсатмақдadir. Бу бир-да эски зеҳниятдан қуртула бошлагонликни кўрсатадир. Бу эса халқимизнинг миллий қуртулушнинг тўғру йўлига тушуб олгонлигини ифода этадир.

Фақат тўғру йўлга тушиб олгонликнинг ўзгинаси муваффақият учун керакли бутун воситани қўлга киритиб олгонлиқ бўлолмайдир. Бизнинг халқ ичинда, билҳосса муҳожирларимиз орасинда ўзини ҳеч бир нарсда янглишмайтургон ва халқни ҳар балодан қуртарувчи деб билувчи «маслаҳатчилар» кўпдир. Бу «маслаҳатчилар»ни тинглаб кўрсангиз, халқни бу кунги давр ва бизнинг шароитимизда энг таҳликали бўлгон йўл билан сурукламакчи бўлгонлиқлари англашиладир. Араб эллари, Ҳиндистон ва бошқа ерлардаги юртдошларимизнинг бизга ёзгонларидан билдигимиз бу «йўллар»ни бу ерда атамоқчи бўлмаймиз. Ёлғиз шу қадарини айтилиқки, биз миллий ҳаракатимизни юрутишда ота-бобларимизнинг «олисдан арабалагунча яқиндан тўрбала» деган маънодор сўзини унутмайлиқ. Яъни, ҳар нарсдан аввал ўз жабҳамизни, ўз Туркистон бирлигимизни кучайтирайлик. Бу кучлу қурулгон Туркистон Миллий Бирлиги жабҳасини бошқа совет душмани, Русиядан айрилмоқ истаган халқларнинг кураш жабҳаларини бирлаштириб, улар-ла бирликда рус империализминга қарши кураш юрутайлик. Биз бу рус империализминга қарши кураш жабҳасинда бизим-ла бир сафда туруб курашувчи халқларнинг қайси дин ва қандай ирқ, фирқага мансуб бўлгонлиқларини текшириб-да ўтурмайлиқ. Ёлғиз бу йўлгина бизни миллий қуртулушимизга эриштира олажакдир... Бундан бошқа йўллар, истаса қандай бўлсун, алдамчи йўллардир... Ўз ички бирлигини қуруб, уни мукамал билган миллатларгина ўз истиқлолларини олиб, сақлай билажаклардир. Ҳеч қандай ташқи куч, қандай ёқимли исми бўлсун, қандай бир байроққа бурунгон бўлсун, миллий ирода бирлиги, миллий куч бирлиги бўлмагон бир мамлакатни қуртара олмаяжакдир.

Тўрт юз миллиён аҳолиси бўлгон Хитой ҳар истаган кучга ем бўлуб этадир. Кичиккина Белжиқо (Белгия — Т.Қ.), ундан-да кичик Пўртакиз (Португалия — Т.Қ.) мамлакатни ўзларини Хитой устинда ҳоким деб ҳис этадилар ва бу бир даражага қадар тўғру-да. Мана, кичкинагина, уч миллиёнлик Финландиёга қарангиз-чи: уни чорлиқ Русияси бутунлай бўйсундириб ололмади.

Бу икки порлоқ мисол ҳар замон туркистонлиларнинг кўзи олдида жонланиб турмалидир (туриши керак — Т.Қ.).

Русияда шундай ва ё бундай бир режимнинг атроф ўлкалар учун, табиий, у жумладан биз туркистонлилар учун яхши бўлувини... шибирлаб юрувчи кишилар ҳоланда (ҳозир ҳам — Т.Қ.) битган эмас.

Машхур франсуз инқилоби танқидчиси Сент-Бев (Сент-Бьёв — Т. Қ.)дан «Франса тахтина бурбун, ўрлеан ва Бонапарт хонадониндан қайсисини муносиб» кўрдигини сўрғонларида, у ҳеч ўйлаб турмасдан: «Меним учун кимнинг устимга миниб юрувини сайлов эмас, устимга ҳеч кимсанинг миниб ўтирмаслиги керак» деб жавоб қайтарғон эди.

Бизнинг жавобимиз-да шундай бўлуви керак. Бизга ҳеч қандай бир Русия ва ҳеч қандай бир рус режимининг бизнинг устумизга келиб ўтируви керак эмас. Биз ўз-ўзимизга ҳур ва мустақил турмуш қуруб яшамоқчи бўламиз.

Бизни бу қуртулуш ва мустақил турмушга элтатурғон энг тўғру ва энг қисқа йўл, биринчидан, Туркистон Миллий Бирлиги жабҳасиндаги сарсилмас, кучлу бир вазиятга қўйулуви ва бу Туркистон Миллий Бирлиги жабҳасининг бошқа жабҳадош халқлар миллий марказлари ила самимий ва сиқи (мустаҳкам — Т. Қ.) боғланиб, бир жабҳа ҳолинда кураш юрутувидир. Бунинг тишинда на қуртулуш ва на-да ҳуррият бордир.

Инқилобнинг 20 нчи йилинда бу икки ҳақиқатни биз даҳа эслаб, уни зеҳнларимизга яхши ўрнаштирайлиқ.<sup>1</sup>

Париж, 1937

Нашрга тайёрловчи Тоҳир ҚАҲҲОР

---

<sup>1</sup> «Ёш Туркистон» журналида, 1937 йил № 89, 3547—3551 бетларда босилган.

## *Адабиёт абадий*

---

\* \* \*


Сарвар Азимовнинг «Оппоқ тонг қўшиғи» асари 40 йил бурун (1962 йилда) эълон қилинган.

\* \* \*

Ўтнафас шоир Султон Акбарийнинг кўркем асарларидан бири — «Қатағон» дostonи 10 йил бурун босилган эди.

\* \* \*

Болалар адиби Сафар Барнонинг «Биринчи табассум» китоби бундан 30 йил бурун, «Оқ лайлақлар» китоби эса 20 йил бурун нашр этилган.



# УНУТМАС МЕНИ БОФИМ

Абдулҳамид Холмуродов,  
филология фанлари номзоди.

## ЭСКИРМАС САБОҚЛАР

Ўзбек адабиётида тарихий мавзу шаклланишида Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров сингари адибларнинг хизмати беқиёсдир. Шулар қаторида Миркарим Осим ҳам Ватанимизнинг узоқ ўтмишига бағишланган асарлари билан адабиётимиз тарихида ёрқин из қолдирди. «Тўмарис», «Широқ», «Жайхун устида булутлар», «Ибн Сино қиссаси», «Темур Малик», «Зулмат ичра нур», «Синган сетор» каби қиссалари насримизнинг тарихий мавзудаги дурдоналари, десак янглишмаймиз. Зеро, атоқли ёзувчимиз салкам қирқ йиллик ижоди давомида халқимиз ўтмишини синчиклаб ўрганиб, авлодлар қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини алангалатадиган асарлар яратиб кетди.

Истиклолимиз шарофати билан тарихий ҳақиқат ва миллий қадриятлар тикланаётган бир пайтда Миркарим Осим ижодига мурожаат этиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Чунки адиб мураккаб бир даврда яшаб ижод қилди. Лекин шунга қарамай, ўз халқи тарихини ёзишдан чўчимади. Атоқли адибимиз ижодини тадқиқ этган адабиётшунос Маҳмуд Сатторов шундай ёзган эди: «Миркарим Осимни халқимизнинг бир неча авлоди яхши танийди. Унинг асарлари-

### Ватанни танитган адиб

Миркарим Осимнинг тарихий асарлари домла ҳаёти интиҳосидан кейин ҳам кенг жамоатчилик орасида севиб ўқилади. У киши нафақат ёзувчи, балки ҳар қандай тарихшунос олим билан (албатта, тарихий воқеалар ҳақида гап кетганда) беллаша оладиган, тарихини беш қўлдек биладиган зукко эди. Шу боисдан, оддий китобхонлар қатори тарихшунос олимларимиз ҳам унинг асарларини ўқиб ўрганадилар.

Камина бир неча йил Фафур Ғулом номидаги нашриётда домла билан ёнма-ён ишлаганман. Домла муҳаррирлардан бири бўлсалар-да, унча-мунча муҳаррирнинг тиши ўтмайдиغان асарлар, айниқса тарихий асарларни у кишига таҳриргга берар эдик. «Улуғбек хазинаси» романини ёзганимда, уни домлага тақризга топширгандик. Домла қўлёзмани ўқиб чиқиб, бир қанча ноаниқликлар, чалкашликлар, хатоларни чизиб кўрсатган эдилар. Кейин, агар маъқул топсангиз, мен асарингизни жон-дилим билан таҳрир қилардим, Одилжон, деган эдилар. Асар таҳририни моҳир таржимон, марҳум Мирзиёд Мирзоҳидов олдинроқ бошлаб юборгани учун бу иш амалга ошмади. Мен қўлёзмани Мирзиёддан олиб, унга озор етказишни истамадим. Лекин ундан, домла берган маслаҳатлардан фойдаланишни сўрадим. Бу фикр домлага ҳам, Мирзиёдга ҳам хуш келди.

Миркарим Осим шундай маслаҳатларни ҳеч бир ижодкордан аямасди. Бирор асардан хато топса, муаллифга ҳурмат билан, писанда қилмай гапирарди. Бағри кенг, одамоҳун, ўта билимдон адиблардан эди. Мен ҳар сафар бу улуғ инсон ҳақида ўйлаганимда, Оллоҳ таолога, ўз жаннатингдан унга жой ажраттайсан, деб илтижо қиламан.

Одил Ёқубов



дан энг яхшилари қарийб ярим асрдан буён ўрта мактаб дарсликларидан ўрин олиб, янги-янги авлодлар билан она тарихимиз, бой ўтмиш маданиятимиз, нурга, зиёга интилган ватанпарвар аждодларимиз ўртасида мустақкам кўприк бўлиб, тарих билан ҳозирги кунларимизни боғлаб турибди».

Яқин ўтмишда тарихий шахсларни ўрганиш жаҳолатни қўмсаш, деб нотўғри баҳолаб келинди. Шу боис тарихий мавзуда қалам тебратган ёзувчилар ижоди камситиларди. Истиқлол туфайли биз тарихий ўзликка қайта бошладик. Қадим дунёдаги улуғ сиймолар ижодини ўрганишга кенг имкониятлар очилди.

Бугун тарихий ҳақиқатни тиклаш жараёни бошида Миркарим Осимдек адиб ижоди турганлигини алоҳида эътироф этиш керак. Унинг «Тўмарис» қиссаси неча йиллардан бери авлодларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда. Ушбу асар Ўрта Осиё тарихини ўрганишда ҳам алоҳида ўрин тутди. Унда аждодимиз Тўмариснинг

мардлиги ва жасорати қаламга олинган.

Фарзанди душман қўлида мардларча ҳалок бўлган Тўмарис халқини ёвга қарши дадил туриб курашга чорлайди. У жанг олдидан шундай дейди:

«Опа-сингиллар, ака-укалар, қаерга кетаётганингизни ҳаммангиз биласиз. Шу кетганимизча ё ҳаммамиз битта қолгунча қирилиб, ўз қонимиз билан шаънимизга тушган доғни ювиб ташлаймиз ёки душманни қириб юбориб, ғалаба билан қайтамыз. Ишонаман, орамизда Эрон шоҳи олдида тиз чўкадиган номард йўк. Биз албатта енгамиз!»

Ана шундай ғоялар билан яшаш Тўмарис каби мард аёлларнинг кўнгил нидосига айланган. Улар бу шиорни сўзда эмас, амалда исбот этишган, ўз ғояларига содиқ қолишган ва душман устидан ғалаба қозонишган.

Тўмарис образи адабиётимизнинг барқарор сиймоларидан бирига айланди.

## Ватанни танитган адиб

\* \* \*

Миркарим Осим ўзбек тилининг забардаст билгичларидан эди. У саводли муҳаррир эди. Назаримда, унинг қалами теккан матн ярқ этиб очилиб кетарди ва ажиб бир тароват, табиийлик қасб этарди. Бунинг устига, Миркарим ака тарихимизнинг ҳам билимдони эди. У ўтмишдаги жами алломалар, мутафаккирлар ва ёрқин шахсларни яхши билар, бир неча асрлар олдин ҳам, яқин ўтмишда ҳам ўзбеклар ичидан кўплаб буюк сиймолар етишиб чиққанидан фахрланарди. Бу туйғуни ҳамма билан баҳам кўришни орзу қиларди. Унда миллий ғурур кучли эди. Лекин у яшаган шўро даври айни шуни ёмон кўрарди, одамларда миллий ғурур бўлишини истамасди; бунинг намоян бўлишига йўл ҳам қўймасди.

Миркарим Осим ўтмиш мавзусига бағишланган қатор қиссалар эълон қилган. Улар ўзи-ўзича яхши асарлар. Шу билан бирга, уларда битилмай қолган, ёзувчи (шароит тақозоси билан) айта олмаган фикрлар ҳам борлиги сезилади. Лекин Миркарим ака нисбатан оз ижод қилган бўлса-да, унинг асарлари бугунги кунда ҳам Мустақиллигимизни мустақкамлаш йўлида ўз самарали хизматини бажармоқда.

Озод Шарафиддинов.



Зотан, ёзувчи Тўмарис ҳақидаги бизгача етиб келган афсона ва ривоятларни умумлаштириб, уларни бадиий ҳақиқат даражасига кўтарди.

Заҳматкаш санъаткор Тўмарис образини яратишда жуда кўплаб манбаларга мурожаат қилгани шубҳасиз. Ёзувчи ҳар қандай вазиятда ҳам тарихий ҳақиқатдан чекинмай, бизга ва келгуси авлодга ибрат бўла оладиган образни қолдирди. Тарихийлик, тарихий мавзуда асар ёзиш — бу мозий билан юзма-юз туриш демакдир. Миркарим Осим ана шундай улкан масъулиятни зиммасига олиб, халқимизнинг меҳрига сазовор асарлар ярата олди.

«Широқ» қиссаси ҳам катта шухрат қозонди. Қисса ўтган асрнинг 50-йилларида ёзилган. Уша давр нуқтаи назаридан қараганда, «Широқ»дай қиссани ёзиш катта жасорат эди. Чунки унда Ватан, халқ ва миллий гурур туйғулари юксак даражага олиб чиқилган. Широқнинг ватанпарварлиги, халқи учун жонини фидо этиши чин маънодаги фидойилиқдир.

Широқ — тарихий шахс. У ҳақидаги афсона ва ривоятлар муайян даврнинг кечмишидан далолат беради. Муаллиф Широқ образи орқали гурур ва ифтихор билан халқ жасоратини улуғлайди, ўқувчи ҳукмига ҳавола этади.

## Ватанни танитган адиб

\* \* \*

1947 йил. Уруш тугаса ҳам, таъсири ҳамон сезиларди. Нон топиш қийин. Дафтар, қалам етишмайди. Лекин биз ўқий бошлаган мактаб муаллимлари бу қийинчиликларни сездирмасликка ҳаракат қилишарди.

Отасиз ўсганимни билибми, менга дафтар, қалам беришди. Тезда ўқув-ёзувни ўрганиб олдим.

Алишер Навоий боғи қаршисидаги Оқ уй гузари растасини айланиб, рус ва ўзбек тилидаги барча китобларнинг сарлавҳаларини бемалол ўқий бошладим. «Низомий Ганжавий, Гуландом, «Гулдаста», Миркарим Осим, Ўтрор...» Муқоваси юпқа, лекин чиройли. Ўтрор қалъасининг ёнаётган расми. Кўрган одамни ҳаяжонга солади. Онамдан олган шалди роқ бир сўмни тўлаб, китобни олиб, уйга етгунча чидамай ўқий бошладим. Умримда саводим чиқиб биринчи ўқиган китобим шу эди.

Ватан — муқаддас. Уни ҳимоя қилиш учун жондан кечиш — қаҳрамонлик. Мурғак қалбларимизга илк бор Ватан ҳақида олий тушунчалар кириб келди. Ватанни ҳимоя қилиш учун от минишни, қилич чопишни, камон отишни билиш керак. Янглишмасам, Миркарим Осимнинг бу асари ўзбек болаларининг бир неча авлодини ватанпарвар қилиб улғайтирди.

«Китобга ихлос», «Зулмат ичра нур», «Жайхун устида булутлар», «Алжабрнинг туғилиши» асарлари ҳамон севиб ўқилади.

Миркарим Осим «Ўзадабийнашр»да муҳаррир эди, таҳрир ва таржима санъатида энг катта усталардан саналарди. Лекин ўзлари ўта камтарин бўлиб, йўлақда бошқа одамларга йўл бўшатар, натижада камзули деворга сурқалиб, оқариб қоларди.

Миркарим Осим 1907 йилда Тошкентда туғилган. Ёшлигида «Шамсул-урфон» номли мактабда, сўнг 1921 йилдан Навоий номли ўзбек билим юртида Ойбек ва Ҳомил Ёқубов билан бирга ўқиган. 1926—30-йилларда Москва Давлат педагогика институтида ўқиб, Самарқандда ўқитувчилар институтида, Маориф халқ нозирлигида, Педагогика илмий-тадқиқот институтида ишлайди.

Камина Миркарим Осим асарларини ўқиб, чиқарган амалий хулосам — Ватан тарихини билиш ва бу ҳақда ёзиш учун тарихий манбаларни кўп ўрганиш керак. Домла адабий давралардан ўзини четга олиб юргани учун мунаққидлар ҳам у кишининг ижоди-га унчалик эътибор бермас экан. Менга бу ўта адолатсизлик бўлиб кўринди.

Нашриётда Мумтоз шеърят ва адабиётшунослик бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб юрганимда Наим Норкуловга, шогирдим Маҳмуд Сатторга ижодий таклиф айтдим. «Миркарим Осим» адабий сиймосини ёзиш лозим эди. Бу топшириқни улар ихлос билан бажардилар. Домла билан кўп марта суҳбатлашдилар. Асар босилиб чиқди. Табиий, домла хурсанд бўлдилар. Маҳмуд Сатторов шу мавзуда диссертация ёқлади.

Камина фантастик ҳикоя ва қиссалар билан бирга, Ватанимиз тарихидаги буюк воқеалар ҳақида бадеалар ва ҳикоялар, илмий асарлар ёзар эканман, бу устоз Миркарим Осимнинг ҳам ижодий таъсири экани аниқ. У киши илк тарихий ҳикояларимни ўқиб, маъқуллаб, рағбатлантирган эдилар. Аммо мен шогирд сифатида устоз руҳи олдида кўп қарздорман.

Маҳкам Андижоний

Миркарим Осим адабий мероси бой ва ранг-баранг. Адабиётшунослар этироф этишганидек, ёзувчиларимиздан ҳеч ким тарихий материални бу адибчалик синчковлик билан ўрганиб, ўзиники қилиб олиб, ишлатмаган. Адиб нафақат халқ қахрамонлари ҳақида, балки Беруний, Ибн Сино, Машраб сингари тарихий шахслар ҳақида ҳам қиссалар яратиб, маънавиятимиз илдизлари теран эканлигини амалда исбот эта олди. «Зулмат ичра нур», «Жайхун устида булутлар», «Синган сетор» каби асарлари улуғ алломаларимиз ҳаётига бағишлангани билан ҳам бугунги китобхон учун ғоятда қадрлидир.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижоди ва ҳаёти ҳақида кўп асарлар ёзилган. Бу ўринда устоз Ойбекнинг «Навоий» романини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Албатта, буюк шоир ҳақида яратилган бу каби асарларни инкор этмаган ҳолда, айтиш жоизки, Миркарим Осимнинг «Зулмат ичра нур» тарихий-бадиий қиссаси тарихий мавзуда ёзилган энг сара асарлардан биридир. Адиб Навоий ижодини, у яшаган даврни чуқур билгани учун ҳам буюк шоир ҳаётининг шу пайтгача номаълум бўлган қирраларини очиб берган.

Қисса кичик-кичик боблардан иборат. Бу боблар шоир ҳаётининг муайян даврларини қамраб олади. Муҳими, биз буюк шоирнинг кенг дунёси билан танишамиз, руҳий кечинмалари билан ошно бўламиз. Улуғ ижодкорнинг нақадар бағрикенг ва адолатли бўлганлигини қуйидаги сатрлар орқали ҳам билиш мумкин: «Ҳей, Алишер, — деб ҳаёлан ўз-ўзига хитоб қилди шоир. — Нафсинг ақлингдан голиб келмасин! Сен ножўя бир қадам ташласанг, ҳозир мустаҳкам бир қўл остида яшаб турган мамлакат парчаланиб кетгусидир. Ўз вилоятларида ҳукмдор бўлмоқни истаган ҳокимлар бир-бирлари билан уришмоққа бошлайдилар. Халқнинг бошига минг хил кулфатлар келадур. Яна шаҳарлар вайрон, экинзорлар пайҳон бўлур! Қўй, Алишер, бу ниятингдан воз кеч! Алам ва ўчнинг аччиқ мевалари бўлган бу фикрларни, бошингдан ҳайда!»

Ёзувчи Алишер Навоийга хос фазилатларни мана шундай руҳий кечинмалар орқали очиб беради. Мароқли ҳикоятлар билан тўлдирилган бу қиссадаги барча тасвирлар тарихий ва ҳаётий ҳақиқатга жуда мос тушади. Ҳокисор ёзувчимиз аллома шоиримиз ижодини чуқур билгани учун ҳам тарихий ҳақиқатдан чекинмайди. Шу боис Навоий ва унинг замондошларининг бетакрор сиймоларини яратади.

Тарихий мавзуларда асар яратиш олижаноб вазифа ва айни пайтда бениҳоя масъулиятлидир. Албатта, тарихни баҳолаш вақтнинг зиммасида. Миркарим Осим шу юртнинг фарзанди сифатида тарихимизнинг очилмаган саҳифаларини бирма-бир варақлаб, унга мурожаат этди, халқимизга бебаҳо маънавий бойлиги, маданий илдизлари нақадар теранлигини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Бетакрор адибимизнинг тенгсиз хизматлари Истиқлолдан кейин ўз қадрқимматини топди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб Миркарим Осим «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Ёзувчининг бетакрор истеъдоди, ўлмас ижодий мероси ҳали бир неча авлодларга ватанпарварлик ва юксак инсоний ахлоқдан сабоқ беражак.





Асил Рашидов,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи,  
Давлат мукофоти совриндори, таржимон, доцент.

## Эзгуликка бахшида умр

Бу дунё ичра йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.

Навоий

«Акам ҳақида» ёзаётган хотира эсдаликни ҳисобга олмаганда, ҳозиргача бошқа ҳеч ким ҳақида хотира ёзганим йўқ ва ёзишни ҳаёлимга келтирмаган ҳам эканман. Ўтмишга қайтиб иш кўриш, марҳумларни ёд этиб, тирикларни шод қилиш хайри, дейдилар. Биз уларни ҳамиша ёдлаймиз... Азизлар руҳи биз билан, эзгу ишларию қолдирган изларига содиқмиз, ижоду ихти-роларига ҳамдам ва ҳамкормиз. Агар уларни унутсак, шубҳасиз, кўр бўламиз, инсон қадрини билмайдиган нобакор манфуру манқуртга айланиб қоламиз.

Тақдирни қўл билан яратур одам,  
Ғойибдан келажак бахт бир афсона.  
Саодат инсоннинг ўз ҳунаридир,  
Тақдирнинг қудрати эмас баҳона, —

деган эди донишманд шоиримиз Ғафур Фулом. Мазкур мисраларни мутолаа қилар эканман, кўз ўнгимда беихтиёр беназир инсон — дўстим Ғайбуллажоннинг нури сиймоси намоян бўла бошлайди. Дўстим хушсурат, кичик жусса, ёш болалардек беғубор, юмшоқ табиат, ҳазилкаш, ўта мулозиматли, юз-кўзларидан доимо нур ёғилиб турарди. Дорилфунундаги домлар орасида, дўстларию шоғирлари даврасида унга ҳавас билан қараган ва унга ўхшашни орзу қилганлар кўп эди.

Ҳар гал дўстимни эсласам, Шарқ машойихларининг тўғри яша, ҳаром луқмадан парҳез қил, ҳалол ва ҳалим бўл, бировларга, ҳатто аҳли байтингга ҳам қаттиқ гапирма, одамларга меҳру мурувватли бўл, эътиқодда собит қадам бўл, илмингга амал қил, қўлингга бойлик келганда ҳам, мартабанг ошганда ҳам такаббурликка йўл берма, касбингга фидойи, билганингни бошқаларга ўргатадиган, шукронали, ризо ва қаноатли бўл, сингари пандалари ёдимга келади. Узун гапнинг қисқаси, дўстимни хотирлаб қўлимга қалам олар эканман, ранг-баранг ҳаёт лавҳалари кўз ўнгимдан турна қатор ўта бошлади.

Маданиятимиз ва маърифатимизнинг улкан намояндаси, адабиётшунослик ва таржимашунослик фанлари соҳасида теран тадқиқотлар муаллифи, жумҳуриятимиз назарий таржимашунослик фанининг асосчиси, ўнлаб салмоқли мақолалар, ўнлаб китоблар ёзган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, халқаро Бобур мукофоти совриндори, профессор, раҳматлик Ғайбулла Саломов ноёб истеъдод соҳиби, жонқуяр устоз эди. Унинг бир ўзи бир неча забардаст кишилар бажарадиган ишни, бир тўда азаматлар кўтарадиган салмоқли юкни елкаларига кўтариб, халқимиз ҳада этди.

«Русчадан ўзбекчага бадий таржиманинг баъзи назарий масалалари хусусида» (1957), «Мақол-матал ва идеомалар таржимаси» (1961), «Бадий таржиманинг лексика-фразеология масалалари» (1964), «Тил ва таржима» (1966), «Бадий таржима ва адабий таҳрир проблемалари» (1973), «Таржима асослари» (1976), «Таржима назариясига кириш» (1978), «Таржима маҳорати» (1979), «Дўстлик кўриклари» (1979), «Адабий анъана ва бадий таржима» (1980), «Адабий анъаналар ва бадий таржима проблемалари» (1980), «Таржима ташвишлари» (1983) сингари таржима назарияси, амалиёти, умуман таржима санъатига бағишланган кўплаб сермазмун, гўзал тадқиқотларию рус, ўзбек, тожик, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, татар ва бошқа тилларга қилинган таржималарни қийёсий ўрганишга бағишланган қатор илмий-назарий мақолалари билан замонавий ўзбек миллий таржимашунослик мактабини янги босқичга кўтарди. Дарҳақиқат, бу тадқиқотлар нутқимиз маданиятини оширишда, тилимиз софлигию ўткирлигини таъминлашда, қўйингки, ўзбек миллий таржимачилик мактабини юксалтиришда муҳим ҳужжатдир. Шунингдек, «Мен сув ичган дарёлар» (1990), «Ваҳийдан келур бир садо...» (1992), «Армон», «Толибнома» (1996), «Эй умри азиз» (1997), «Эзгуликка чоғлан, одамзод», «Ҳалоллик бозорда сотилмайди» (1998) каби кейинги йилларда чоп этилган китоблар...

Лоақал, унинг асарлари хусусида айtilган кўплаб юксак баҳолардан бирини келтиришни лозим кўрдим. Чунончи, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Қўчқор Хоназаров шундай ёзади: «Бутун «Таржима назариясига кириш» деган китобингизни ўқиб тутатдим. Бирор дарслик мени бу қадар мафтун этмаган эди. Сизнинг дарслигингиз бошқа ҳар қандай дарслик учун эталон бўлиши керак деб ўйлайман. Чуқур илмийлик, баённинг сода ва мароқли-лиги, услубнинг ойдинлиги, тилининг ширалилиги, баланд эҳтирос... Хуллас фазилатларини

санаб адо қилолмайман. Умрим давомида сизнингдақа битта китоб ёзганимда, ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблаган бўлардим».

Бу ўринда яна шуни айтиш жоизки, у ўзининг қарийб элик йиллик ижодий фаолияти давомида кўплаб илмий-назарий дарсликлар яратди. Ундан ортиқ ўқув-услубий кўлланма ва дастурлар тузди. Кўплаб китоблар, тўпламлар, луғатлар нашрида илмий ва адабий муҳаррир сифатида қатнашди. Элик босма табоқ ҳажмида бадий, илмий, публицистик асарларни (Чехов, Достоевский, Ушинский, Дорнеман ва бошқаларнинг асарларини) ўзбекчага ўтирди ва бу ишнинг нақадар оғир, масъулиятли, шарафли эканлигини қалбдан туйди. Зукко олимнинг илмий мақола ва тақризлари сонининг ўзи икки юздан ошади.

Аллома охирги китобларидан бирининг сўзбошисида: «Ушбу куллиётим моҳият эътибори билан менинг тақриримгина эмас, балки давоим, бинобарин, ҳаётимдир», деганда юз чандон ҳақ эди. Китоб жавонларимизни безаб турган ушбу асарлар, эндиликда, қадрдон дўстимнинг иккинчи умр дафтари бўлиб яшамоқда. Бу китобларни варақлар эканман: «Қиёматли дўстим Асилжонга», «Қадрдон биродар ва маслақдош дўстимга», «Ҳаётимнинг энг оғир дамларида ёрдамга келган оқибатли инсон, қалбан саҳий ва садоқатли дўстим Асилжон Рашидовга муаллифдан бир ёдгор», «Яхши кунларда ёнма-ён турдик, оғир кунларда мададкор бўлдик. Вақт синовларидан ўтиб бормоқдамиз... Илоҳим садоқатимизга дарз кетмасин», «Дўстлик иншоотларининг толмас бунёдкори, тоғдай таянчимиз, улуғ инсон Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси доим йўлимизни ёритиб туради». «Буюк Чингизнинг мўъжизакор сўзини ўзбек халқига оқизмай-томизмай, тўқис етказиш йўлида тер тўкаётган асл инсон, фидойи таржимон, вафоли дўстим Асилжонга камоли садоқат ва чуқур ҳурмат туйғуси ила Ғайбулла Саломов» каби самимий, илиқ сўзлар, ҳамиша қулоғим остида жаранглаб туради.

Айрим ибораларнинг «пилиги» бир оз кўнралиброқ айтилгандир. Мен бу сўзлар учун дўстим Ғайбулла Саломовдан бир умр қарздорман. Ҳар ҳолда, унинг қисқа ва сермазмун ҳаёт йўлида, шундай нурли қалб эгаси билан ҳамқадам ва ҳамнафас дўст бўлганимдан беҳад фахрланаман.

Ғайбулла Саломовни зуқко, забардаст олим, дедик. Бунга у осонликча эришмади, албатта. Илмга чанқоқ бола сабот билан тинимсиз ўқиди, ўрганди, илм сўқмоқларидан собит қадам билан ўтди. Бу жиҳатдан унинг «Ўзим билан суҳбат» саргузашт-очерки жуда характерлидир. Мазкур очеркда ёш Ғайбулланинг болалик йиллари хотираларини эртак тинлагандай, саргузашт қисса ўқигандай мароқ билан берилиб ўқиймиз. Бу воқеаларнинг фақат гаройиблигинигина эмас, балки муаллифнинг самимий ҳикоя услуби ўзига оҳанрабодай тортади. «Бешинчи синфда ўқиётганимда нима бўлдию, — ҳикоя қилади муаллиф, — дадам мени бирдан ўзбек мактабидан олиб рус мактабига ўтказмоқчи бўлиб қолдилар...» «Тожи ака, бола ўзбек мактабидан ўқиб ҳам русчани ўрганиб олади, захни ёмон эмас», — эътироз билдиришади муаллимлар... Лекин «қайсар» Тожи ака бир тараф, бутун мактаб бир тараф.

Узинг нима дединг ўшанда?

Меъдан биров сўраб ўтирибдими, дейсан, «худди сотилаётган қул» боладай, гоҳ дадамга, гоҳ чувиллаётган муаллимларимга қарайман... Дадамнинг шаштлари балад эди. Чоғимда, бирон-бир бообрў киши қаттикроқ уқтирган бўлса керак «бўш келманг деб». Ниҳоят, мурсою мадорага келишди, бир йўла икки мактабда — русча ва ўзбекчада ўқийдиган бўлдим. Куннинг биринчи ярмида — ўзбекча бешинчи синфда, пешиндан то кечкача — русча учинчи синфда ўқийман. Уззуқун ўқишдан бўшамайман...»

Тил меҳри, тил дарди, тил сеҳри — Ғайбуллажоннинг бутун онгли ҳаётининг йўлдоши бўлиб, мақсад йўлига айлади десам хато бўлмас керак. Тил ошғига айланган ёш Ғайбулла тил ўрганиш учун «икки мактабнинг этагидан тутиб» уззуқун мактаб партасига қадалиб ўтирганда ҳам, Пушкин номи мактабни тугаллаб, Самарқанд дорилфунунида Пушкин стипендияси соҳиби бўлганида ҳам, Пушкин (ҳозирги Алишер Навоий) номидаги Тил ва адабиёт институтида аспирантлик йилларида ҳам уни одинга етаклаган куч — асида тилга бўлган меҳру муҳаббат эди. Рус мактабидиғи синфдош дўстлари — Женя Озеров, Эдик Баласанов, Наташа Боевалар билан рус тилида «чуғур»лашганида, ўн йил рус грамматикасини ёдлагандан кўра, уч ой руслар орасида эркин мулоқотда бўлиш тил ўрганишда афзал эканлигини фаҳмлаб етганида, бир жойини тушуниб, бир жойини тушунмай Виктор Хугонинг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» асарини мукка тушиб ўқиганда ва, ниҳоят, рус тили орқали ҳали мактаб боласи йилларидаёқ жаҳон маданияти тирқишидан илк бор мўралаш насиб этганигини шундай ифодалайди:

«...Уйга кириб олиб, худди қорилардай, тушунмасам ҳам шаррос ўқиганим-ўқиган. Бир кун, ўн кун... юз кун деганда сўзларни гира-шира тусмоллаб бўлсам тушуна бошладим... Ёпирай, нима бўлди, де? Шундоқ кўз ўнгимда бутунлай янги бир руҳий олам ястана бошлади, маънолар жилава қилди, образлар жонлашди...» Бу эса, ўз навбатида, уни таржимачилик оламига чорлади. Талабалик йилларидаёқ «А. П. Чехов асарларининг ўзбек тилига таржимаси» мавзуда диплом иши ёзиб, бу борада таржимашунослик ишига илк гишт қўйган мунаққид бутун умрини республикада таржимашунослик мактаби сарчашмасини яратишдек эзгу мақсадга сарфлади.

Таржимашунослик илми ва санъати бобида дўстим қолдирган мерос чин маънода улкан тадқиқотлар ва диссертациялар мавзун бўлишига шубҳам йўқ. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида 1969 йилда унинг саъй-ҳаракати билан очилган «Таржима назарияси кафедраси» қанотида ўнлаб, юзлаб кўзга кўринган ёш авлод (эндиликда уларни ёш деб бўлмайди) етишиб чиқди. Рус тилини чуқур ўрганган, туркий тилларни мукамал билган, немис, француз, форс ва араб тилларини яхши англаган олим нафақат ҳаётда, балки илм майдонида ҳам чин маънодаги байналминал, саховатли қалб эгаси эди. Бу ўринда ҳам муаллифнинг ўз эътирофи ҳар қандай таърифдан устундир:

«Одамларни уларнинг хатти-ҳаракатларига қараб ҳар хил «тоифа»ларга ажратадилар. «Шо-винист», «миллатчи», «маҳаллийчи». Яна алламбало... Камина одамларни миллат-пиллатидан қатъи

назар, олижаноб инсонлар ва тубан шахсларга ажратаман. Тубан одамларни эса миллати, имони ва мазҳаби бўлмайди... Менинг, олайлик, ўзбеклар орасида жиним суймайдиган кишилар бор. Аини вақтда, бошқа миллат вакиллари — татарлар, тожиклар, адигей, рус, белорус, қумик, озарбайжон, арман, яҳудийлардан қалин дўстларим, сирдош, оқибатли, энг оғир дамларда ёрдамга келадиган биродарларим, устоз ва шогирдларим кўп...»

Олим тил масалалари, тил ўрганиш муаммолари ва таржимашунослик илми устида бош қотирар экан, тил — миллатнинг сўзлашув қуролигина эмас, миллатнинг яшаш тарзи, маданият ва маърифат бешиги эканлигини чуқур англашга чорлайди. Уни англаш ва англатиш учун чақирик ва бақириқлар билан эмас, ғоятда майин ва нафис оҳанглар, баъзан замондошларнинг гўзал бисотию бетакрор назм дафтарларини varaқлаш усулини қўллайди. Чунончи, тил орқали дунё маданияти калитларини эгаллашга чорлаш билан бир қаторда, Ғарбнинг буюк деб тан олинган дурдоналарининг иддизи аслида Шарқдан бошланганига ишора қилиб, муаллиф эслатади:

«...Араб ва форс тилларини олайлик. Ўзбек халқи араб ва форс маданияти билан минг йиллик тарих йўриғидан боғлиқ. Бу тилларда бизнинг маданиятимиз, фанимиз, адабиётимизга вобаста ғоят ноёб манбалар бор... Беруний, Сино, Форобий, Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Нодира асарлари... Фан ва маданиятда оврупомарказчилик ғоясини қанчалик рад этган бўлсак, амада бу шунчалик изчиллик билан жорий этилди... Ўйлайманки, содир бўлган аҳволни олмон тили мутахассиси, ҳассос шоир Садриддин Салимовдан ошириб таърифлаш қийин:

Қолиб Румий, Навоий, Ҳаллоҷ,  
Ўрганмасдан Бедилни,  
Сингдирибман онгга, ажабо  
Фейербах, Кант, Гегелни.  
Гегелдан мен Румийга келдим,  
Келдим Нақшбандияга.  
Ваҳоланки, Румийдан Гегель  
Озиқ олган мияга.  
Бошим тегди Ғарб деворига.  
Нени излаб елибман?  
Мен машриқлик Шарқдан Ғарбгамас,  
Ғарбдан Шарққа келибман.»

Ғайбулла Саломов қайси соҳага, қандай юмушга ва қай бир муаммога қўл урмасин, бунинг сидқидилдан қиёмига етказиб ҳалол, покиза бажарарди. Ҳа, кўп нарса қилишга улгурди. Бир ибратли воқеани эслашга тўғри келади. Тошкент дорилфунунининг илмий кенгашида ҳисобот бераётган чоғида унга раҳматлик профессор Ғулум Каримов шундай савол беради:

— Сиз кафедра мудирисиз. Айтингчи, қандай қилиб катта илм, муаллимлик ва ташкилотчилик ташвишларидан ортиб, шунча аспирантга раҳбарлик қиласиз? Масалан, иккита шогирдга раҳбарлик қилишга ҳам менинг ҳолим келишмайди. Сиз билан тажриба алмашмоқчи эдим...

— Албатта осон эмас. Аммо бунинг ўзига хос бир ўнғайлиги ҳам бор. Биласизми, камболали ёки умуман ўз шахсий фароғатини ўйлаб бефарзанд қолиб кетган кичик оила жўжабирдай катта хонадоннинг аҳволини ҳеч қачон тушуна олмайди. Ўзбекда ўнта ёки ўн бешта болабақраси бор оилалар кам эмас. Уларни вояга етказишнинг ўзи бўлмайди! Аслида эса, фарзандлар қанча кўп ва ҳў бўлса, шунча яхши. Негаки, тарбияда фақат ота-онагина масъул эмас. Укалари ва сингилларини олд фарзандлар: опаларию акалари етаклаб, орқасига опичтириб кетаверади. Вақтида қарайди, овқатлантиради, ухлатади. Қобил фарзанд ота-онанинг жони. Бизнинг кафедра ҳам уюшган бир оила. Ҳамма ўқитувчилар ўз шогирдларим. Улар ҳам мени аяшади. Кафедранинг ўз нуфузли тамғаси бор. Тўнғич шогирдларим кенжаларига қараб, уларни назорат қилиб боради. Аксарият, диссертация, илмий маъруза, китоб ёки мақоалалар менинг қўлимга анча қиёмига етган ҳолда келади. Мен мавзуга диққат қиламан, ишга шакл бераман, ёзилиш услубига қарайман, муаммоларни чуқурлаштираман, масалага аниқлик киритаман ва ҳоказо. Вассалом! (Профессор Ғайбулла Саломовнинг илмий ва ижодий фаолиятига оид маълумотномадан олинди. Самарқанд, 1992 йил, 3-бет.)

Ғайбуллажон билан ўлкамизнинг Жиззаҳу Хатирчи, Бахмалу Ургут, Водилу Қува, Шоҳимардон Бўстонлик, Пискенту Паркент, шунингдек, Қирғизистоннинг Арслонбобу Саричелақ каби энг гўзал, об-ҳавоси ёқимли ажойиб-ғаройиб, жаннатмакон гўшаларида, дурри-ғавҳар тўла тоғларию боғ-роғларида ширин суҳбату ижодий мулоқотлар қуриб, шатранж ўйнаб, дўстлик гаштини сурдик. Ушбу сайру саёҳатларнинг ҳар бири бир ҳикоя бўлиб, улар дўсту аҳиллигимиздан нишона бўлиб қолгусидир.

Мана, улардан бир шингил. 1980 йил август ойининг бошлари. Шоҳимардон қишлоғидамиз. Майин эсган шабада тоғлар нафасини, гуллар атрини таратади. Қишлоқ ёз саховати билан кўркам манзарага бурканган. Шўх Кўксой билан Оқсойнинг сирли оҳанглари олисларга таралади.

Қишлоқ атрофини ўраб олган Ҳиндикўл, Сартош, Бомбир, Лочин, Избосар, Қирққўрғон, Маланг, Сандал каби кўлаб афсонавий ривоятлар манбаи бўлган тоғлар кўм-кўк арчазорлари билан савлат тўкиб турибди. Тоғларнинг қишлоқ билан туташган қуйи этаклари эса гўё яшил духоба тўшалгандек гўзалик касб этган.

— Қаранг-а? — деди дўстим майин овоз билан сеҳрлаб қўйилгандек хаёл оғушида. — «Худонинг қудратини кўрмоқчи бўлсанг тоққа чиқ», деганлар. Буларнинг ҳар бири табиатнинг ҳассос қўли билан яратилган ўзига хос бир мўъжиза. У мени икки сой бирлашган жойга бошлаб келди-да, яна сўзида давом этди: Мана булар Кўксой билан Оқсой шалолалари.

Оғайнимиш икки шалола,  
Қизик эмиш сирлари ғоят.  
Бу иккиси ҳақида ҳамон  
Юрар эмиш ғалат ривоят.

Тоғу тошлар бағрини ёриб чиқаётган Кўксой ўз манбаини баянлаб тоғлар тўшида макон қуриб, биқирлаб қайнаётган ва мовий осмон билан сўйлашган Кўлиқубоқдан олар эмиш. Тиниқ сутни эслатувчи мана бу Оксой эса, ўз оқимини она тоғлар чўққисидаги музликлару оппоқ қорлардан олар эмиш. Уларнинг Оксой, Кўксой деб юритилиши ҳам шундан экан. Хуллас, бир-бирини кўрмакка ошиққан шалолалар гўё ошиқ-маъшуқлар сингари қовушгач, ризқ-рўз улашиб, оби-ҳаёт таратиш орзусида боғ-роғлару дала-даштар сари елиб югурармиш.

Мазкур сюжет иккинчи бир ривоятда бир-бирларини дилдан севишиб, турмуш қуришган ва эл-юртта хизмат қилишга қатъий аҳду паймон этишган паҳлавон йигит билан тенги йўқ гўзал қиз тимсолларида ғоятда жозибали тасвир этилган... — Шу ўринга келганда, ҳамроҳим ногаҳон бир ух тортди-да, «буёғини кейин» дедию сўзини тўхтатди. Демокчиманки, дўстим этнограф мутахассислар сингари жонажон ўлкамизни, унинг барча шаҳар ва қишлоқлари тарихини, турмуш тарзину маданиятини, улар хусусида халқ орасида яратилган кўплаб афсонаю ривоятларни шунчалар яхши билар эдики, бу ҳам унинг Ватаннинг ҳар қаричига бўлган садоқат рамзининг ифодаси эди, аслида.

Дўстим ўзи айтиб, ўзи ёзиб кетганидек, биримиз назарийетчи, биримиз амалиётчи бўлиб, Чингиз Айтматов асарларини ўзбекнинг ўз мулкига айлантиришни тақдир бизга насиб этди, бу ижодий ишда ҳамкорлик қилдик ва бу борадаги эзгу ниятларимизни ҳарқалай амалга оширдик. Таржимани дўстлик кўприги, дўстлик элчиси, дейдилар. Кўпам узоққа бормайлик. Шу биргина таржимачилик соҳасидаги ҳақиқий, самимий ҳамкорлигимизнинг ўзиёқ биз дўстлар ўртасида мустаҳкам кўприк ясади, меҳру муҳаббатимизни, том маънодаги дўстлик ришталарини мустаҳкам боғлади. Бунинг отини ҳақиқий, чинакам ҳамкорлик деса бўлар. Бу ҳақда «Асл инсон» номли мақолада (Сайди Умиров билан ҳамкорликда ёзилиб, «Ёзувчи» газетасининг 2000 йил 9 феврал сониде эълон қилинган) ўзлари айтганлар: «Назаримда, мен учун дўстим қанчалик адабиётшунос олим бўлса, ундан ўн, юз баробар зиёд таржимонга айланади. Шундай бўлдики, у менинг қиёфамда қанчалик ўзини кашф этган бўлса, мен ҳам унинг сиймосида ўзимни танидим, билдим... Бошқача айтганда, унинг яратувчилик фаолияти ҳам ўзига хос, интиқойи менбоп «илмий-ижодий лаборатория» эди. Ўзбек тилига ўтирилган қирғиз адаби китобларини биринчи бўлиб мен ўқир эдим. Таржимон менинг самимиятимга заррача шубҳаланмас, ўзига ишонгандай ишонарди». Дарҳақиқат, бошқа жабҳаларда бўлгани каби таржимачиликда ҳам бир-биримизга кўшқанот бўлиб яшадик десам янглишмасман.

Яхшидан боғ қолади деганларидек, Ғайбуллажон таржимашунослик фанининг равнақи, истиқболи ҳақида қайғуриб, бу соҳада ўсиб келаётган қанчадан-қанча илм толибларига сабоқ бериш билан бирга, юзлаб навқирон тадқиқотчиларга мураббийлик қилди ва эзгу ишлар билан ўзига ҳайкал қўйиб кетди, у яратган мактаб, экиб кетган ниҳоллар вояга етиб, ҳали неча йиллар давомида ўз меваларини беражак.

Гарчи таржимачилик ишига менда илк бор ҳавасни раҳматли Шароф акам, сўнгра ҳурматли раҳбарим Воҳид Зоҳидов уйғотиб, «оқ йўл» тилаб, фотиҳа берган бўлсалар-да, бадий таржиманинг — бадий ижод эканлигини, унинг пасти-балаңдликларини сир-асрорларини ечишда қиёматли дўстим билан елкама-елка туриб, игна билан қудуқ қазигандек машаққатли йўллардан ўтдик. Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, Чингиз Айтматовнинг қирғизча, русча нашрдаги айрим ноёб асарларини, шунингдек, машҳур луватшунос олим К. Юдахиннинг «Қирғизча-русча», «Русча-қирғизча» луватларини топишимда кўмак қўлини чўзганини унутолмайман.

Қирғиз адабиёти оламига дабудурустан кириб қолишимга балки буюк Чингиз оғанинг ижоди ва, хусусан, унинг «Жаҳонда энг гўзал севиғ қиссаси» (Луи Арагон) «Жамила» оҳанрабодек тортган бўлса, лекин бу йўлдаги сўқмоқларда илк бор беминнат шамчироқ тутган саховатпеша Ғайбулла Саломов бўлганлигини афсуски, мен унинг тирикчилигида англага олмаган бўлсам, эзгуликнинг кечи йўқ деганларидек, бугун миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтишим лозим, деб ўйлайман.

Бу ўринда (1960 йилда Шота Руставели, ҳозирги Усмон Носир кўчаси, 49 уйда яшар эдим) «Жамила» қиссасининг таржимаси устиде тонг отгириб ўтирганларимиз ёки «Сарвқомат дилбарим» у «Авидо, Гулсари» қиссалари таржимаси юзасидан бўлиб ўтган қизғин мунозарали суҳбатларимиз ҳақида гапирсамми ёки бўлмаса «Оқ кема» қиссасию «Асрга тагиғулик кун» романи хусусидаги қизғин баҳсларимиз ҳақида сўз юритсамми? Буларнинг ҳар бири ўзи бир лавҳани ташкил этади. Хуллас, ўтирилаётган қиссалардаги сўзларнинг маъно эврилишлариға лат бериб қўймасдан улардаги нозик мақол, матал ҳамда қайроқи сўзларнинг бирон муқобили топилганда ёш гўдақлардай қувониб, ич-ичимиздан яйраб, ҳузур қилишу ахтарилган сўз топилмаганда, кўз ўнгимиз қоронғилашиб, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб кетганларини яхши эслаيمان.

Айрим мисоллар келтирай. Бир сафар «Жамила» қиссаси хусусида сўз кетди. Асарнинг қирғизчада чоп этилган биринчи наشري «Обон» (русчада «Мелодия») деб номланарди. Мен уни аслиятта ривоя қилмоқчи бўлиб, «Наво» деб таржима қилдим. Лекин у ҳали эълон қилингангича йўқ эди. Бу борада асарнинг рус ва бошқа қардош тилларига ағдарилган таржимаси «Жамила» номи билан эълон қилинган эди. Чунки асарға қўйилган биринчи ном анча мавҳум бўлиб, ундан асарнинг мазмун ва моҳиятини англаб олиш қийин эди. Маълум бўлишича, асарнинг номи муаллифнинг таржимонларидан бири А. Дмитриеванинг маслаҳатига кўра «Жамила» деб ўзгартирилади. Мен бундан дўстимни хабардор қилиб, асарнинг ўзбекча номини ҳам шундай дейишни маслаҳатлашганимда, у буни маъкул топди, рози бўлди.

Ёки «Топлек мой в красной косынке» асарини таржима қилар эканман яна ўз эътиқодимга

содиқ қолиб «Қизил дуррачали сарвқоматим» деб айнан ағдардим. Асар иккинчи бор кўздан кечирилганда, дурра ўзи кичик нарса бўлса, яна унга «ча» қўшимчасини қўшишнинг на ҳожати бор деган мулоҳаза билан «Қизил дуррали сарвқоматим» тарзида ўзгартирдим. Асарнинг учинчи бор нашр этилишида эса дўстимнинг маслаҳати билан унинг номини янада соддалаштириб, ихчамлаштириб «Сарвқомат дилбарим» деб номланишини лозим кўрдик. Хуллас, асар шу номлигича қолди.

Худди шунга ўхшаш яна бир гап. «И дольше века длится день» романи биринчи бор рус тилида нашр этилган эди. Умуман олганда, муаллиф асарларининг аксарияти, айниқса, ижодининг иккинчи фаслида ёзган йирик асарлари биринчи бор рус тилида нашр этиларди. Мен бу сафар ҳам яна аслиятга риоя қилган бўлиб асарни «Асрга татигулик кун» деб таржима қилдим. Орадан вақт ўтиб романнинг қирғизча нашри «Кылым карытар бир кун» номи билан чоп этилди. Мен дўстимга бу асарнинг ҳам номини ўзгартирмаймизми, жуда яхши жарангдор ном кўйишибди, дедим. У ҳақиқатан ҳам чиройли ном кўйишибди, гапингизга қўшиламан, деди ва бу гал рози бўлмади ва яна гапида давом этиб, энди бўлар иш бўлди, асар шу ном билан ўз мухлисларини топди, кенг китобхонлар оммаси орасида шуҳрат қозонди, энди уни ўзгартирмайлик, деди. Бу гап менга ҳам маъқул тушди. Демак, мен, гапнинг индаллосини айтганда, аслият матнига суяниб, уни муқаддас билсам, дўстим мумкин қадар эркинроқ, кенгроқ, ижодийроқ ёндашишни хуш кўрарди. Шуни ҳам айтиш керакки, таржима жараёнида аслиятга суяниб қолиб, айрим қусурларга ҳам йўл қўйганман. Маълумки, бизга рус тилидан кўра қирғиз тили яқин. Ўзбек қирғизни ҳатто таржимасиз ҳам тушунади. Улар минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб, дили-дилига, тили-тиliga туташиб кетган. Талаффуз этилишини ҳисобга олмаганда, ҳатто иккала халқ тилидаги кўпгина сўзлар ҳам айнан бир хил шаклда ёзилади. Масалан, **бош** деб ёзилган сўзни қирғиз **бўш** деб тушунади. Шунингдек, қирғиз тилида **зор** деб ёзилган сўз **зўр**, **той** — **тўй**, **бой** — **бўй** деб тушунилади.

Демак, сиртдан қараганда, рус тилидан кўра қирғиз тилидан таржима қилиш оsonдай туюлади. Тўғри, анча-мунча қулай томонлари бор деб ҳам фараз қилайлик. Илло, қирғизчадан ўтиришнинг «қулайлиги» ҳар қандай моҳир таржимонни ҳам ўсал қилиб кўядиган талай жумбоқлари ҳам топилади. Алдамчи «қулайлик чизиги»дан ўтгандан сўнг, нариги ёғи тубсиз бир лисоний-ифодавий жарликнинг устидан чиқиб қоласан киши... Кўпам узоққа бормаи ўзимдан мисол келтира қолай. «Жамила» ҳиссасини таржима қилишда «жаз» сўзига дуч келдим. Бу ўзимизнинг «ёз»да деб ўйладим ва шундай ўтирдим. Бироқ, ўтиришга ўтирдиму сўз ҳечам матнга сифмади. Ахир, киш фасли ҳақида гап кетяпти-ку, бирданига ёз келиб қолмайди-ку, деб хуноб



бўламан. Ёки мазкур асардаги «бата» сўзини таржима қилишим керак, худди олдинги сўз сингари пешонамни танғиб ҳар қанча ўйласам-да бу... ўзимизнинг «фотиҳа» экани хаёлимга ҳам келмайди. Шунда лугатни варақламоқчи бўлиб турган ҳам эдим, «ишинг ўнгидан келса хариждори йўлдан чиқар», деганларидек, дўстимнинг ўзи иш билан кўнғирок қилиб қолди. Саломалашдик. Гапимиз тутагандан сўнг, кутилмаганда жумбоққа дуч келиб қолганимни айтдим. Қани матнини бир ўқинг-чи, деди дўстим. Матнини ўқидим. Шунда дўстим ногаҳон хандон уриб кулиб юборди. Эй биродари азиз, шахматда адданиб қолгандай адданиб қолибсиз, қирғизларнинг «жаз»и бу ўзбекларнинг баҳори, «бата»си эса «фотиҳа»си бўлади, деганча яна завқланиб кулди. Ушанда шошган ўрдакнинг ҳолига тушиб қолгандай бўлганман. Хуллас, дўстим айтган «машваратлари-миз», баҳсимиз шундай ажиб «жумбоқ»лар хусусида бўларди. «Ёнингда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деганларидек, узун гапнинг қисқаси, бундай «жумбоқ»ларни ечиб, қусурлардан холи этишда ҳам дўстимнинг хизматлари беқиёс эди.

Худди шундай ижодий жараёнлардан яна бири «Акам ҳақида» рисолам таҳрири устида кечган унутилмас дамларни эслайман.

Гайбуллажоннинг уйдаамиз. Қаҳратон қиш. Мазкур рисолаани бирга кўздан кечиришимиз керак. Гайбуллажон бошида беретка, оёғига эса махси кийиб олган. Мени эса ҳоли-жонимга қўймай кигиз этик-валенкани ва илғақдаги теллагимни кийиб олишга ундади. Камина умрида биринчи бор кигиз этик кийишим эди.

Ана, энди Тарас Бульбанинг айни ўзи бўлдингиз-қолдингиз, деган эди кулиб. Мен эса валенка ҳақида тўқилган ашулани чала-ярим айта туриб, сиз Ориф ўрчисинг худди ўзгинаси бўлиб қолдингиз, дедим. Иккаламиз ҳам диддан мириқиб кулишиб олган эдик. Телефон ўчирилди. Дўстимнинг рафиқаси Шаҳрибону бизлардан хабар олиб, меҳрибончилик қилиб, чой ташиб нималар биландир сийлаб турди.

Ниҳоят, қоралаб келган икки табоқ ҳажмдаги материалмни кўздан кечири бошладик. Таҳрир жараёнига мен ҳам аралашиб турибман. Дўстим сўз сеҳрлари аввал 4—5 саҳифали материалга сайқал бериб, шунчалик тез ва соз ишлар эдики, гўё кўз ўнгимда катта бир агрегат машина шитиб билан ишлаётгандай, ақлим шошиб ҳавас қилардим.

Александр Фадеев «Ёзувчи меҳнати» мақоласида ёзган эди: «Жумлаларнинг мускуллари бўлиши керак. Шу маънода асарни бакуват физикултурачининг гавдаси билан қиёс қилса бўлади. Инсон танасида турли хил мускуллар мавжуд бўлиб, уларни ўстириш учун турли хил машқлар талаб қилинади, лекин улар умуман узвий бир бутунликни ташкил қилади. Санъаткорнинг услуби ҳам ана шундай мускулларга эга бўлмоғи керак. Бу мускулларни ўстириш учун санъаткор доимий равишда ўзига хос «гимнастика» билан шуғулланиб, хилма-хил жумла тузилишларини машқ қилиши керак».

Дўстимнинг қаламидан чиққан жумлалар ҳам ана шундай мускулларга эга эди, у ортиқча сўзлар ишлатиш у ёқда турсин, керакларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам унинг жумлаалари гўё узукка кўз қўйгандай ифода воситаларининг гоятда ихчамлиги, гўзаллиги, бадий мантиқ кучи билан ўқувчини ўзига ром этарди. Бошқача айтганда, дўстим ҳар бир сўзга, иборага, жумлага жозибаво жило бағишлаб жон киритар эди. Ниҳоят, шундан сўнг қўлдан чиққан саҳифаларни машинкага оларди. Унинг бир неча хил сиёҳда ёздиган рўқчалари, фломасстерлари бўлгани сингари қора, қизил, яшил рангда ёздиган хилма-хил машинкалари ҳам ёнгинамизда шай бўлиб турарди. Иш шу зайлда давом этарди. Икки соатлар чамаси ишлаганимиздан сўнг, энди танафбус қиламиз, деди дўстим ва шахмат хусусида сўз очди: «Ахир, Навоий ва Пушкин, Хайёму Фирдавсийлар шатранжни илҳом париси деганлар. Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам жангдан олдин фикр тигини қайраб олиш учун шатранж ўйнар эканлар. Хуллас, унинг шайдосию мажнунни бисёр. Қани биз ҳам бир икки қўл суришайлик, сўнг яна сўзлар билан суҳбат қуришга киришамиз. Шахмат ҳам сўз сингари шундай бир ноёб санъатки, у ҳақиқатан ҳам ақлни пешлайди, узукка кўз қўйгандай сўзларни топиб ишлатишга, уларни янада нурлантиришга кўмаклашади. Шахматни ақл гимнастикаси деб бежиз айтмаганлар. Сиз буну биласизми?»

Яна ишга киришдик. Иш яна шу зайлда давом этарди. Кўрибсизки, бир-икки қўл шахмат ўйнаганимизни ҳисобга олмаганда, икки табоқ ҳажмдаги иш ана-мана дегунча тайёр бўлди-қолди. Хуллас, дўстим ўзига хос услубига, юксак лисоний маданиятга эга эдики, сўзларга жило беришда ундан ҳар қанча сабоқ олса арзирди.

Бугина эмас, дўстим тилшунослик, услубшунослик илмининг зўр билимдони бўлибгина қолмай, ҳатто, таттотлик санъати соҳасида ҳам унга тенглашадиганлар камдан-кам топиларди. Ҳар бир ҳарфнинг ўзига хос майда ва мураккаб унсурларига шакл бериб, ҳусну безак бериб, аниқ ва тиниқ ёзар эди. Бу ноёб хислат, айниқса, ҳозирги кунда кўпчилигимизга етишмай турибди. Демак, ҳақиқий таттотлик санъати бобида ҳам Гайбуллажондан кўп нарса ўрганса бўларди. Айтишларича, бир аспирантини Гуржистонга, таниқли таржимашунос профессор ҳузурига икки энлик хат, яъни, китобига дастхат ёзиб оппонент бўлишни илтимос қилиб сўраганда, олим Гайбуллажоннинг чиройли дастхатю дил сўзларига маҳлиё бўлиб, завқи келиб: «Саломовни эшитганману шахсан таниш эмасман, лекин мана шу ҳуснихатига, самимий сўзларига қараганда, билими пухта, саранжом-саришта инсонлиги кўриниб турибди. Майли, мен розиман», деган экан.

Олимнинг саранжомлиги ҳақида гап кетар экан, яна қуйидаги сўзлар эътиборлидир. Рўзнома муҳрири: «Муаллиф деганда, Гайбулла акадай серҳафсала саришта бўлса. Олиб келган нарсаларини кўриб, баҳри-дилнинг очилади, ўзлари машинкада топ-тоза қилиб кўчирадилар, фломас-терда таттотлардек чиройли қилиб сарлавҳалар қўядилар. Ёзганлари дегарли таҳрирсиз ўтади. Ҳар бир ишда дид, саранжомлик, юксак маданият бор», деб фикр юритади.

И. Слущкий фикри: «Ярим асрча бўлди, ёзув машинкаси тузатаман, шрифтларини ўзгартираман. Лекин Ф. Саломовдай машинка шайдосини кўрмаганман. Олтига машинкаси бор: ўзбекча,



русча, лотинча, арабча... Ҳаммаси эгарланган отдек. Вақтида кўриқдан ўтказиб, созлатиб, мойла-тиб туради».

Инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Дарёлар бор гоҳ ҳайқириб, тошиб оқади, гоҳ эса камайиб сёзлашиб қолади. Файбулла Саломов фан оламида, олий таълим тизмида, куңдалик турмуш сўқмоқларида ҳар доим ҳам анвойи гуллар теришга муяссар бўлган эмас. Гул тикансиз бўлмайди, деганларидек, ҳаёт ҳам паст-баландликлардан иборат. Бошқача айтганда, ҳаётнинг ҳам ўз ибтидоси, чарагон авж пардаси, ўпқонларию инқироzi, ғам-андуҳларию интиҳоси бор. Агар ҳар бир киши ўзи истаганидай яшаш имкониятига эга бўлганда, буни ҳаёт деб бўлмасди. Шундай кезларда темир иродали, бағри кенг дўстим доимо вазмин, ҳаётга умид-ишонч билан боқар эди.

1969 йил дўстим учун ниҳоятда оғир келганди. Унинг бошидаги «қора булутлар» тобора қуюқлашади. Ўзи айтгандай, «бутун фронт бўйлаб ҳужум бошланган эди». Фанлар академиясида, Қомус бош тахририятида унинг саъй-ҳаракати билан ниманки эзгу ишларга қўл урган бўлса, хизматта тўхмат қайта бошлади. «Партиянинг қозонида қайнамаган», деган таъна-дашномлар гирдобда ўралашиб қолди. Натижада, машҳур олим бола-чақалари билан шаҳарма-шаҳар дарбадар кезишга мажбур бўлганди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади. Чунки бу биз учун янгилик эмас. Адолатсизлик, оқибатсизлик, оқибатсизлик, ноаҳиллик... Зулм ва зўравонликка асосланган ёвуз салтанатнинг яшаш тарзи, иш усули ўзи шундай эди-ку. Худди шу иллат туфайли ўз киндик қони тўкилган она юртидан этак силкиб, бош олиб чиқиб кетганларни, қанчадан-қанча диёнати зиёдилару илм-урфон ва маърифат арбобларининг қисматини айтмайсизми. Барибир олим эртанги кунга умид, ишонч билан яшади. Дўстлар, шоғирдларнинг юкони энги қилиб, уларга яқиндан кўмаклашгани баробарида, ўзига билиб-билмай тош отган афёрларига ҳам кўлидан келганча холиқ хизмат қилди, уларнинг номини тилга олиб ўтирмайман. Уларга, уларнинг номатлуб хатти-ҳаракатлари ҳар жиҳатдан ошириб жавоб қилишга дўстимнинг қурби етар эди. Ўшанда мен: «Файбулла, неча марталаб одамлар ҳақида ёздангиз, радиода жуада кўп чиқишлар қилдингиз. Барини тинглаб, ўқиб бораман, оғайни... Ахир, сиз кўзда ёш, меҳр-муҳаббат, бутун қалб билан кўкларга кўтариб таърифлаётган ўша кимсалар эмасмики инсоний нафсониятингизни топган, татқиб этган, хизматларингизни йўққа чиқазган? Бола-чақангиз билан Тошкент шаҳрини тарк этишга, беҳонумон бўлишга мажбур этган? Мен ҳамма гаплардан воқифман-ку, азиз биродарим. Ўзим орага тушиб, уларни инсофга чақиришга ҳаракат қилганман. «Бу афандини тинч қўйинглар. У ҳеч ҳам сиз ўйлаган одам эмас», деганман. Хабарингиз бор-ку. Энди нега уларнинг соясига бу қадар қулуқ қиласиз? Нима гап ўзи», деган эдим. (Ўша сўхбат-мақоладан.) Хуллас, дўстим ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни лозим кўрмади. Аксинча, «билса холиқ, билмаса балиқ» қабилада иш тутиб, улар ҳақида қатор-қатор мақтов мақолаларини битишда давом этди. Олимнинг тафаккури, саъй-ҳаракатлари, аъмоли, сабр-тоқати вақт синовларига бардош берди. Уни таҳликага солмоқчи бўлган муҳолифларнинг ўзлари эса, бирин-кетингина бошлади. Аслини олганда, Бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлаб, эндиликда, улкан хазинамиз ва маданиятимиз кўзгуси бўлиб қолган Қомусимизнинг тамал тошини қўйиб, бешигини тебратган, умрининг энг яхши давларини, кучи-қуввати, билим-ғайрати ва соғлигини бахшида этган ташкилотчилардан бири ҳам иқтидорли олим Файбулла Саломов эди.

Ўша кезларда Файбуллажонни «сурғун»га дучор этган энциклопедия раҳбариятидаги айрим кимсалар сингари университет раҳбариятидаги баъзи бир «даҳо»лар ҳам Тошкентга келганда уйининг тўрида меҳмон бўлиб, туз-намагини тотиб, мунофиқона тилеғамалик қилиб, «Файбуллажондан Файбуллажонга олиб», тулпорим деб эъзозлаган бўларди. Тошкентдан бадарга бўлиб Самарқандга, уларнинг ҳузурига борганда эса, улар рўйхуш беришмай, аксинча, ўтай болани турткилашгандай тайин бир иш ҳам беришмаган эди.

«Эҳ-ҳе, илгарилари, амал кишиси эканман, Тошкентдаги хонадоним доим самарқандлик дўстларим билан лиқ тўла, ўзим уёққа борсам — жанобингиз гўё осмондан тушардим, улар ерда кўтариб олишарди. Мен, ишонинг-ишонманг, худди энг зукко, нодир, ақли расоларнинг ҳам расоси эдим... Билмаган эканман, ўша етмишинчи йилларда Бош муҳаррирнинг одамлари бу ерда жуада кўп экан. Улар ўзларича бичиб-тўқиб, домлага «яхши иш қилмаганим» (ёпирай), тавба-тазарру қилишим кераклигию буёғига энди ўзимни мулла минган эшақдай мўмин, сипо тутишим кераклигини маслаҳат беришарди. «Бу ер сенга Тошкент эмас, эркалигинг кетмайди», деб дағдага қиладиганлар ҳам топилиб қолди.

Гоҳо алифни калтак дёлмайдиган айрим нодонлар, илм-маърифатни маишаттоҳга айлан-тирганлар мен нотавонга ақд ўргатадиган, «қомус илмидан дарс» берадиган бўлди...

Эй онагинам, неча бор ўлимлардан омон қолган мен якка-ёлғиз фарзандингни нега бундай қилиб турдинг? Тошкентдай шаҳри азимга сиғмасам, қомус ва академия менга торлик қилса, мана энди Самарқанд билан қадрдон дорилфунуним ҳам бундай қилиб ўтирибди...

Уч ой давомида менга ўрин топилади. Факультетга борсам, декан қабулхонасида соатлаб қолиб кетаман. Уйга қайтиб, хонамни устимдан бекитаману тўйганимча гоҳида уввос тортиб йиғлаган вақтларим бўлган...

Ўзим ҳам битта-яримта одамни кўриб қолсам бекинадиган бўлдим ёки ғирт ўхшовсиз, телбанамо «ралати» қилиқдар қила бошладим» (Файбулла ас-Салом. «Ҳалоллик бозорда сотилмайди», «Адолат» нашриёти, 1998 йил, 56—57-бетлар).

Улар қанчалик вафосизлик қилишган бўлса, дўстим уларга шунчалик вафодорлик қилишдан чарчамади, инсонийлик рутбасини баланд тутди. Эсимда, ўшанда биз дўстимиз, қадрдонимиз Тўхта Бобо ўгли билан Самарқандга ташриф буюрганлик ва «етар энди» деб уни Тошкент сари етаклагандик. Юқорида номи тилга олинган сўхбат-мақоладан яна сўзни ўзларига берайлик: «Ўзим жон деб турибману нархимни кўтариш учун «Қандоқ бўларкин?», «Самарқандга ўрганиб қолувдим», «Бу ернинг об-ҳавоси менга яхшийди...» деб «важ» айтган бўламан...

Хуллас, икки дўстимнинг қистови, астойдил даъвати билан, жонажон пойтахтимга қайт-дим...»

Самарқанд «сурғун»идин Тошкентга қайтиб келганидан сўнг дўстимни янги ташкил этила- жак «Таржима назарияси» кафедрасига мудир қилишмоқчи бўлдилар. Бунинг учун эса комфир- қа аъзоси бўлиш кераклигини айтишди. Биз, яқин дўстлари ҳам унинг комфирқа аъзоллигига ўтишини маълаҳат бериб, бир неча маротаба ҳоли-жонига қўймадик. «Қайсар» дўстимиз эса, комфирқа аъзоллигига ўтиб, кафедра мудир бўлгандан кўра бўлмай қўя қолай» деб ўз сўзида қатъий туриб олди. Биз уни ўшанда тўла англаб етмаган эдик.

«Домла Иброҳим Мўмин, — деб ёзган эди олим «Ҳалоллик бозорда сотилмайди» китоби- да,— мени фирқага киришга даъват эта бошлади. Худди шу вазиятда мен партиясизлик боис ўзимни-ўзим кераксиз азоб-уқубатларга маҳкум этардим. Фирқага кира қолайин десам, нафсо- ниятим йўл қўймасди... Бундай олганда, холисаниллоҳ, ўшандай қалтис кезларда партия менга тоғдай таянч бўлар эди-ку. Шунинг учун ҳам менинг қайсарлигим Бош муҳаррирга сира тушу- нарли эмас, ҳойнаҳой, нодонлик, ҳатто гумроҳлик бўлиб туюлган бўлса керак». «Тинчлик шўрро- ни» — шўролар тузумини ва «давримизнинг ақл-идроки» деб аталган комфирқа сиёсатини жини ёқтирмаслигини умуман билар эдим, аммо вақти-соати келиб уларнинг чок-чокидан сўкилиб парчаланиб кетишини буюк алломалар-устозларимиз — М. Бехбудий, А. Фитрат, А. Қодирий, А. Чўпонлар башорат қилиб айтганларидек, дўстим ҳам оқдидан сезган кўринади. Хуллас, дўстим умрининг охиригача маслак ва эътиқодидан қайтмади, барчага бирдек меҳрибон мураббий, собитқадам инсонлигича қолди.

Ўз вазифасига виждонан, покдомонлик билан қараш, ўзгалар қувончию изтиробини баҳам кўриш, иложи борича яхшилик қилишга интилмоқ, обрўси, мансабини суистеъмол қилмаслик, ҳаммага ширинсухан бўлмоқ, касбдошлар, шогирдлар қадрини эъзозламоқ, камсукумлик комил- ликнинг бандаларида зуҳур этадиган хислатларидир. Файбуллажон — ана шундай аксарий яхши фазилатлар мужассами эди. Олоҳнинг бу тонфадаги бандалари жисман орамидан кетган бўлса- лар ҳам яхши амаллари билан руҳан тирикдилар. Зероки, унинг сафдошлари, минглаб шогирд- лари номини яхшилик билан зикр этиб, ўзларига ҳамдам олиб юрадилар. Дунё шеърятининг даҳо санъаткорларидан бири Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ана шу фикрни қуйидаги байтда мужассамлаштирган:

Зиндаи жовид монд ҳарки накўном зист,  
К-аз акибаш зикри хайр зинда кунад номро.

Мазмуни: Яхшилик билан умргузаронлик қилган одам мангу тирикдир,  
зероки, кишилар унинг номини яхшилик-ла зикр этиб юрадилар.

Донишманд айтганидек, «Меҳр инсон қалбини ёритиб турувчи сўнмас қуёшдир». Дўстим саховатли, меҳридарё инсон эди. Унинг меҳр қуёшидан баҳраманда бўлганлар ҳамиша унга ишонарди, уни кўришга, у билан суҳбат қуришга ошиқарди. Дарҳақиқат, меҳр-камолот ўлчови бўлиб, инсон умрини зийнатлайди. Меҳрли инсон қалбида ҳасадага, худбинликка, гаразғўйликка, мақтанчоқликка, ёлгончиликка ўрин қолмайди. Шунинг учун ҳам теварак-атрофиндагилар ҳамиша яхши инсонларга талпинадилар. Сув ўтни ўчиргани каби меҳр нохушликни ўчиради. Қалбингни тоғдек кўтариб, битмас-туганмас куч бағишлаб эзгуликка қорлайди.

Бу ҳақда узоққа бормасдан, ана ўзимдан бир шингила мисол келтирай. 2000 йилда 70 ёшни уриб қўйганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Университетимизнинг катта илмий кенгашида таваллудим муносабати билан каминани «Олий таълим фидойиси» нишони билан тақдирлаган- ларидан хабар топиб қолган дўстим мен билан маслаҳатлашиб ўтирмасдан (чунки у мен бунни маъкул кўрмаслигимни яхши билар эди) муҳтарам биродаримиз Сайди Умировни ёнига олиб, умрининг сўнги кунларида кетма-кет йўқотишлар, хасталиклар натижасида ўта қарчаб қолган- лигига қарамай, бу ишларга ўзича бош-қош бўлиб юрганлигидан хабар топдим. Аниқроғи, Ёзувчилар уюшмаси, радио қўмитаси ва бир қанча газета ва журнал редакцияларига бориб, мақола-суҳбатлар уюштириб юрганлигини билиб қолдим. Мана ундаги дўсту биродарларга бўлган меҳр, садоқат, саховатпешалик.

Меҳр ҳақида гап кетганда яна бир нарсани айтиб ўтишни лозим кўраман. У ҳам бўлса Файбуллажоннинг акам Шароф Рашидовга, унинг ижодига бўлган самимий юксак ихлосидир. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳиңд афсонаси асосида ёзилган «Кашмир қўшиғи» севги қиссаси таҳлилига бағишланган «Эй умри азиз» номли тадқиқоти хусусида. Жуда қуюнчақлик ва хайри- хоҳлик билан ёзилган ишбу китобда, умуман, Файбуллажон табиатига хос дўстларга меҳр-муҳаб- бат, самимий садоқат, ихлосу эътиқод, серҳафсалалигу сабр-қаноат каби олийжаноб фазилатлар ўз тажассумини топган.

Икки юз элик саҳифали мазкур китоб Шароф Рашидовдан кейин собиқ «аъёну аҳкомла- ри», сафдошларию шогирдларидан кўпчилиги, ўз бошини сақлаб қолиш учун, акамнинг шаънига янги атамалар тўқиб, ўта бўлмағур гапларни айтиб, таъна тошларини ёғдираётган ўша кезларда, яъни, «рашидовчилик» айни авжига чиққан ўша машъум йилларда ёзилганлиги билан ҳам жуда қимматлидир.

Муаллиф китобда асар воқеалари билан узвий боғлиқ ҳолда дўст ҳиңд халқи ва унинг тарихига экскурс қилди. Асар таҳлилига киришмасдан шуни муҳтасар қилиб айтиш керакки, китобда қисса қаҳрамонлари рамзий тимсолларининг ранг-баранглиги дейсизми, сюжет ва ком- по:ициянинг ихчамлиги-ю, конфликтнинг ўткирлиги дейсизми, муаллиф ва персонажлар тили- нинг жозибадорлигию нафислиги дейсизми — бир сўз билан айтганда, асарнинг бутун таркибий қисмлари ипидан-игнасигача, худди қиссанинг ўзидагидек, гоята чиройли таҳлили ва талқин этилганки, бундай ноёб тадқиқотлар камдан-кам учрайди.

Қиссанинг ижодий ёзилиш тарихию тадқиқотнинг тақдирини ҳақида сўз юритиб муаллиф ёзади:

«Кашмир қўшиғи» қиссаси ҳақида ва ундан илҳомланиб бир китоб ёзган эдим. 225 саҳифа,

машинкадан чиқариб, муқовалатиб қўйганман. Айрим нарсаларга аниқлик киритиб, далиллари текшириб кўришга зарурат сезиб, муаллиф ҳузурига кирган эдим. «Демак, сизга шу асарим кўпроқ маъқул келибди-да, — дедилар Шароф Рашидов мулоим ва айна чоғда синчков боқиб.— Асар яхши, уни бир неча бор қайта ишлаганингиз, ҳар сафар янги лавҳа, деталлар қўшганингиз, сайқал берганингиз эътиборимни тортди». Кейин бу мўъжаз қисса ҳинд-ўзбек адабий, маданий алоқалари тарихи, ҳозирги аҳволи ва истиқболи ҳақида кенг фикр юритишга асос ва материал беради, — дедим мен ва китобим муңдарижаси, муаммоларини, таржима назарияси кафедрасининг режаларини қисқагина баён этдим, саволларимга муфассал жавоб олдим. «Асарим манзур бўлган, ҳатто бир тадқиқот ёзишга туртки берган экан, муаллиф сифатида миннат-дорман, катта меҳнат қилибсиз, — дедилар охирида. — Фақат уни эълон қилишга шошилимай турсангиз, бир вақти келиб қолар. Бизга қандай топшириқ, илтимослар бор?» «Раҳмат, илтимосим йўқ. Аниқлайдиган нарсаларим бор эди, тўлиқ жавоб олдим. Вақтингизни олганим учун узр».

«Шароф Рашидов дераза ёнига бордилар-да, бир-икки дақиқа ташқарига ўйчан қараб турдилар. Шу тобада хаёлларидан нималар кечди, билмайман, лекин менинг кўнглимдан: «Шу одам ҳам балки ёлғиздир. Атрофда қўл қовуштириб, ҳар бир гапини маъқуллаб турган одамларнинг қанчаси дўст, қанчаси Хоруд, ҳозир билиб бўлмайди», — деган фикр ўтди. Сўнг ўтирилиб, қандайдир миннатдор боқдилар-да: «Эларни, дилларни бир-бирига яқинлаштиришда таржиманинг аҳамияти беқийёс, ишингизга муваффақият тилайман, бизни ҳар доим мадаҳдор деб билинг», дедилар. Энг охирида овозларини секинлатиб яна бир, умрбод ёдимдан чиқмайдиган гап айтдилар: «Асиларим ҳар доим сиз ҳақингизда оғзидан бол томиб гапиради».

Шароф Рашидов билан биринчи ва охириги юзма-юз учрашувим, гаплашишим шу бўлди. Кўп ўтмай бидимки, бу «Дўстликни қадрланглар, бир-бирларингга суянчиқ бўлинглар», — деб қилган васиятлари экан. Яна китобни ҳозирча чиқаришга маслаҳат бермай, мени кўнгилсизликлар, шаънимга ёғилиши мумкин бўлган маломатлардан сақлаб қолган эканлар. Кўнгиллари ниманидир сезиб юрган бўлса керак-да».

Муаллиф тадқиқотнинг иккинчи бир ўрнида яна шундай деган эди: «...Мен-ку ўтиб кетяман. Яқин қолади... Меңдан кейин қиймат кўнади. Атрофларда номардликлар кўп. Аммо бир-бировингдан эҳтиёт бўлинглар. Бир саф бўлиб туринг. Ҳар хил эҳтиросу жазаваларга берилмангиз. Мен ўз халқимга асло хилоф иш қилганим йўқ. Худо шоҳид!» демоқчи бўлган эканми дейман.

Худди шундай бўлди ҳам. Худого беадад шукур, ўша катагон, қирғин йилларда бу улут инсоннинг жасади ҳатто ўз лаҳадига сиймай қолган ўша муҳдиш кунларда ҳам, камина дўстим Асил Рашидов билан ёнма-ён турдим. Уни ёлғизлатиб қўйган эмасман.»

Олим ижодий фаолиятининг яна бир қирраси унинг — ҳаётбахш публицистикаси ёрқин жилваланиб туради. Лекин бу серкирралик турли оҳангларга «йўрғалаш» эмас, балки билим ва зукколик иқтидорининг ҳаёт сарчасмалари билан чуқур ҳамоҳанглиги мақсулидир.

Олимаик, таржимонлик, луғатшунослик, комусчилик фаолияти билан кенг танилган дўстимиз публицистик иқтидорини, салоҳиятини узоқ йиллар қуйма олтиндек авайлаб, таъбир жоиз бўлса, унга сайқал бериб, пиштиб келди гўё. Ниҳоят, 60 ёши арафасида ҳаётини кузатишларини жамлаб, «Мен сув ичган дарёлар» номи билан эълон қилинган китобнинг муайян бир қисмини публицистика ташкил этади.

Ушбу тўпламда муаллиф, аввало, тадқиқот доираси, кузатув манзаралари фавқулодда кенглиги билан кўзга ташланади. Инсон характерининг чуқур тадқиқи билан бир қаторда ҳаёт муаммоларининг ранг-баранглиги, теша тегмаган мавзу ва ўзига хос ажойиб-ғаройиб, айна пайтда, адолатга ташналик руҳи ўқувчини маҳлиё этиб, чуқур ўйга толдиради. Бу жиҳатдан китобнинг, айниқса, «Ўйлар ва мушоҳадалар», «Одамлар ва муносабатлар», «Мантқиқ барчага баробар», «Муҳаббат фарзанди», «Тафаккур ва тил», «Жилғалар ва дарёлар» деб номланган фасллари диққатга сазовордир.

Бу борада адибнинг «Ўзим билан суҳбат» тадқиқот очерки композицияси нуқтаи назаридан содда, жўнгина — ёзувчи ўзи билан ўзи суҳбат қуриш жараёнида юрагига яқин саволларга жавоб ахтаради ёки айрим муаммоларни ечишда китобхонни ҳам «ёрдамга чақиради». «Хурматли ўқувчим, деб бошланади суҳбат, — мен бу сатрларни фарз қилингки, «ўзим учун» ёзаяпман. Эҳтимолики, сатрларим силлиқ, суфта эмасдир... Аслида, бу ерда ажабмаски, сиз учун қандайдир фавқулодда янгилик ёки бировлардан сир сақлаб яшириб юрадиган гап ҳам йўқдир. Лекин, барибир, кимларнингдир номларини тилга оларман, қандайдир нохуш воқеаларни эсларман, одамлар меңдан хафа бўлмасинлар... Ниятим — сизга фақат яхшилик эди...»

«Ўзим билан суҳбат»да нима бору нима йўқ? Қайси мавзулар тилга олингану қайбири йўқ? Тадқиқот манзараси шу даражада ранг-баранглик, бу борада боридан кўра йўқларини санаш осонроқ кўчар десам муболага бўлмас. Унда Ўзбекистонда таржима мактабининг туғилишидан тортиб, ноёб таржима асарларининг хилма-хил муаллифларию то уларнинг турли йиллардаги таржима нусхаларини солиштирма қисий таҳлилига қадар ўз аксини топган. Ёки улут бобокалонларимиз Беруний, Ибн Сино, ал-Фаробий, ал-Фарроний, ал-Хоразмий, Аҳмад Яссавий бутун Ўрта Осиё халқларининг ўқ илдизини бирлаштириб турувчи муборак зотлар бўлиб, уларнинг бўлар-бўлмасга «паспорт»ларини титкилаб, улар «ўзбекмиди, тожикмиди, қозоқмиди» каби мантқиқ саволлар билан бош қотиришдан кўра, уларнинг буюк даҳосидан, бебаҳо меросидан унумлироқ ва самаралироқ фойдаланиш устида ўйлаш каби жиддий масалалар ўртага ташланади.

Файбулла Саломовнинг публицистик асарлари мавзуларининг ранг-баранглиги, фикрларининг кенглиги, деталларининг расолиги, таъриф ва тасвирларининг жозибадорлиги, тили ва услубининг тиниқлиги билан ажралиб туради. Улар турмушдан олинган конкрет фактрлар, мисоллар билан йўғрилган. Файбулла Саломов публицистикасининг такрорланмас ўзига хос характерли хусусияти яна шундан иборатки, муаллиф масалаларни жуда аниқ ва равшан қилиб

кўяди, уларни ечишда ўз назарий ҳиссасини қўшади, ҳар бир сўзда унинг ҳаяжонли муносабати, эҳтиросли эътиқоди, янги шакллар қўллаши намоён бўлади.

Яна бир учрашувимиз хусусида. Файбуллажон бутунги ишни эртага қўймаслик нари турсин, аксинча, эртанги ва индинги ишни ҳам бутун бажаришга умр бўйи интилди ва бунга маълум маънода улгурди ҳам. Бир куни дўстимни соғиниб, боришимни айтиб, дийдор кўришишга аҳд қилдик. Саратоннинг жазирама кунлари эди. Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб борсам, мўъжазгина болохонасида майкачан қоғозлар ичида кўмилиб, терга ботиб ишлаб ўтирибди. Салом-алиқдан сўнг, дўстим, ўзингиз бир эмас, иккинчи марта инфарктни орттириб олгансиз, мунча жонингизни жабборга бермасангиз, аста-секин бўлар бу дунёнинг ишлари, дедим. «Эй, биродари азиз, ёзадиган юмушларим тўлиб-тошиб кетган. Вақт кутиб турмаса, улгурмаяпман», деди ва давом эттиб: «Китоб, меҳнат бирдан-бир овунчоғим. Улар менга куч-қувват бағишлаяпти таскин бераяпти. Уларсиз бирон-бир ерга сиғмаяпман», деди. Бу кезларда фарзанд соғинчи билан ичкиб яшаётган эди. Ўша минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йилнинг 11 декабрида дўстимнинг 60 йиллиги нишонланди. 18 декабрда эса бошига оғир мусибат тушди, ёлғиз ўғлидан жудо бўлди. Дўстим ўзини иш билан овутиди. Тунларни кунларга улаб, ўзидан кечиб ишлади, аламини меҳнатдан олди. Ҳатто, «Сизга ярашмайди», деганимга қарамай, ўзини овутиш учун маълум муддат «Ўтган кунлар» романи қаҳрамони Отабек сингари захри қотилга ружу қўйган кунлари ҳам бўлди. Тинимсиз меҳнат эса, ўзи айтгандай унга таскин берди, куч-қуввати сурур бахш этди, юксакликка кўтариб, чексиз шон-шарафга буркади. Бироқ, ҳар нарсанинг ҳам ўз ибтидо-си ва интиҳоси бор деганларидек, ҳаётнинг чексиз, чегарасиз зарбалари охир-оқибатда толмас куч ва метин иродани маҳв этди. Азим чинорни юзтубан қулатди. Йўқотиш, ниҳоятда, оғир нарса. Айниқса, бағри кенг буюк инсонлардан ажралиш минг чандон оғир.

Эй қадрдоним, ҳамиша юзингиздан нур ёғиб, оғзингиздан мой томиб, «Асилжон, Асилжон» деб қанчалар эъзозлаб, ардоқлар эдингиз. Бунинг боиси, бир томони ўртамиздаги ҳақиқий, самимий, том маънодаги дўстликдан яхши хабардор бўлган раҳматлик акамнинг (ўша суҳбат-мақолада айтганингиздек) «умрининг сўнгги фаслида, бир гал учрашган чоғларингизда, жуда нозик ишора ва юмор билан, ишонч ва самимий матлаб юзасидан» мени сизга васият қилиб «топириб» кетгани ҳурмати бўлса керак. Мана энди бўлса ётганда ҳам, турганда ҳам кўз ўнгимдан нари кетмайсиз. Ёш болалардек сиз умри азизни қўмайман.

Файбулла Саломов серқирра ижодкор эди. Уни ўрганувчилар учун бу инсон гоҳ педагог, гоҳ мутаржим, гоҳ публицист, гоҳ мураббий, гоҳ муҳаррир, гоҳ нотик, гоҳ ношир, гоҳ шоир сифатида ўз фазилатларини намоён этади.

Файбуллажон, шаксиз икки дунё саодатига мушарраф бўлган зоти шарифдирлар. У кишининг номи ёру биродарлари, кўплаб шогирдлари, минг-минглаб талабалари ва умуман у зоти муборакни таниган, билганлар ёдида порлоқ хотира бўлиб қолгусидир.

## Тафаккур хазинасидан

Мен ўзини кўз-кўз қилишга муҳтож бўлмаган, ўзида қалб кўркини намоён этадиган гўзалликни афзал деб биламан.

**Р. Тағор**

Мафтун этиш — ҳаракатдаги, жонли гўзаллик.

**Г. Лессинг**

Жимжимадор либос хусни бузади.


**П. Буаст**

Ҳурматга лойиқ бошга доим ҳам гўзал қалпоқ буюравермайди.

**Т. Фуллер**

Эзгулик — илм эмас, фаолият.

**Р. Роллан**



Дилмурод Куронов,  
филология фанлари доктори

## Ҳамид Олимжонни биламизми?

Тарих — инсонни шахс сифатида шакллантирувчи муҳим омиллардан бири. Тарихни ўрганган сари, кечмиш воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаган сари кишининг дунёга назари теранлашиб, атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятига яқинлашиб боради. Табиийки, бундай одам кимнингдир етовиди бўлиши мумкин эмас, чунки у ўз қарашига, ўзининг англаган ижтимоий мақоми ва мавқеига эга бўлади. Шундан бўлса керакки, босқинчиларнинг деярли барчаси ўзлари забт этган юртларда халқ хотирасидан ўтмишни ўчиришга интилган.

Ўзини «озод қилувчи» деган даъво билан чиққан шўро ҳам сиёсатда босқинчилардан қолишмади. Шўро ўтмишни қора рангда кўрсатиш, шу асосда ўз сиёсатининг мутлақ тўғрилигига ишонтириш йўлидан борди ва ўн беш йиллар ичида бу мақсадига қисман эришди. Негаки, бу вақт мобайнида шўро шароитида тарбияланган, «шўрочасига» кўрадиган янги авлод етишди. Янги авлод нигоҳини фақат келажакка қаратиш, ўтмишни тамомила нигилистик инкор қилдиришга интилиш шўронинг онгдаги бузғунчилиги эдики, бу — тоталитар жамиятни барпо этишнинг зарур шарты бўлди. Зеро, «ердаги жаннат»ни куриш хаёлига андармон «манкурт»лар жамиятидагини шахс тушунчасини емириш, барчани бирдек ўйлайдиган «вингча»ларга айлантириш имкони туғилди. Онгдаги бузғунчилик натижаси ўлароқ, ўтган асрнинг 20—30-йилларида ўзининг жамиятдаги ўрни ва мақомини белгилашга фаол киришган ёш бўғин башарият тарихини октябр тўнтаришидан ҳисоблашга мойиллашган, шўронинг ўз мудҳиш мақсадига етиши аниқдай бўлиб қолган эди... Шукрки, миллатимизнинг тарихи минг йилликлар билан ўлчанади, бой тарихий хотира ўчиб кетмади, унинг уйғониши, ўзига келиши учун эса кичкина бир туртки кифоя...

Иккинчи жаҳон уруши даврида, фашистлар Германияси қизил империя остонасига келган паллада, бу офатни миллионлаб жонларни қурбон қилишнинг ўзи билангина даф этиш душворлиги аён бўлиб қолди. Зеро, қуллик асоратига тушмаслик, қулликдан ҳазар қила билиш учун жоннинг ўзи кифоя эмас, руҳ ҳам керак! Руҳки, ўзининг кимлигини билган, теран томирлардан озиқланган ҳолда «олий ирқ» даввосига қарши тура оладиган руҳ керак эди. Айни шу паллада шўро ҳукумати адабиёт ва санъатнинг тарихга мурожаатига рағбат билдирди: шўро адабиёти ва санъатида ўнлаб тарихий асарлар дунёга келдики, улар халққа руҳий мадал бўлди, унинг галабага ишончини мустаҳкамлади, курашга руҳлантирди. Оралдан маълум вақт ўтгач эса, музаффар шўронинг адабий сиёсатига шошилиш тахирлар киритилди: бу асарлар сассизгина эътибордан қолдирилди, саҳналардан олинди, киноленталар архивларнинг узокроқ тоқчаларига тиқилди. Уларни имкон қадар эсламай қўйилди, эслаганда ҳам умумий санокда айтиб ўтиш билан чекланила бошланди... Қизиқ ҳолат, сирли ҳолат... Биз бу хил адабий сиёсатнинг моҳиятини англаш учун ўша даврда яратилган Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмасини кўздан кечиришни ният қилдик...

Кейинги йилларда Ҳамид Олимжон шахси, ижодий меросига муносабат бироз совиброқ қолгани сир эмас. Сабаби, биз узок йиллар давомида Ҳамид Олимжон тимсолида шўро тузумининг маддоҳинигина кўриб ўргандик. Аниқроғи, бизга шундай уқдирилди. Шоирнинг дилбар шеърларини бир ён қўйиб, айни шу қиёфани гавдалантирадиган асарлари ўрганилди, зўр бериб ташвиқ қилинди. Ҳолбуки, Ҳамид Олимжон XX аср ўзбек миллий маданият заминиде етишган энг ёрқин истеъодлардан бири эди. Афсуски, бу истеъод кўпроқ нокерак нарсаларга сарф бўлди... Начора, аслида, бу ҳам шоирнинг қисмати: мурғак ёшиданоқ шўро таъсирида шаклланган, ўзига сингдиргани ёлгон ҳақиқатларга чин ҳақиқат дея юракдан ишонган ва ўсмирларга хос ўжар фидойилик билан даврнинг зиддиятли ғоявий курашлар майдонига кирган фаол шахс ҳаёти, ижоди, фаолияти тенденциоз бўлмаслиги маҳол эди. Зеро, истеъоднинг чинакам санъат асарига дўниши учун ижодкор ҳаётни гўё «четдан» эстетик мушоҳада қила олиши, бошқача айтсак, руҳан «узлат» ҳолатида бўлиши даркор.

Тақдир Ҳамид Олимжонга қисқа ижодий умри давомида бир бора руҳан «узлат» ҳолатида бўлиш учун катта имконият яратди ҳам. Биз шоирнинг тарихга мурожаат этиб, «Муқанна»га қўл урганини назарда тутмоқдамиз. Албатта, бунга эътироз бўлиши мумкин: «Муқанна»нинг яратилишида ҳам «ижтимоий заказ» бор эди-ку?! Ҳа, бироқ, бизнингча, «Муқанна»ни шоирнинг уруш давридаги бошқа асарлари сирасидагина кўриш хато бўлур эди. Зеро, асарга мавзунинг ўтмишдан олинганиёқ ижод жараёнига муайян ўзгаришлар киритади. **Биринчиси:** агар бунга қадар Ҳамид Олимжон ўзи ичида қайнаб ётгани ҳаёт ҳақида ундан узилолмаган ҳолда ёзган бўлса, «Муқанна»даги тасвир предмети — ўтмишдан автоматик тарзда узилган, яъни, ўтмиш учун биринчи галда эстетик мушоҳада объекти. **Иккинчиси:** биз одатланган «тарихга мурожаат қилди» деган жумла аслида моҳиятга унчалик мос келмайди. Негаки, тарих жонсиз фактлар мажмуигина эмас. Шахс онги тарих билан тўқинганда ўша фактлар жонланади. Шуниси ҳам борки, бир томондан, фактлар шахс орқали, яъни, унинг кайфияти, ҳолати, қарашларига боғлиқ ва уларга мос ҳолда жонланади; иккинчи томондан, жонланган тарих шахснинг ҳолати, кайфияти, қарашларига зарур таҳрирлар киритади. Демак, шахснинг тарихга «мурожаат»и моҳиятан иккиёқлама жараён — мулоқот экан. Шахс онгида жонланган фактлар фаоллашгач, унинг ўзини руҳий фаолликка — ўхшашилик асосида (метафорик тарзда) замонасини мушоҳада қилишга ундайди, ўз даврини теранроқ англашига асос бўлади. Бизнингча, «Муқанна»ни ёзиш давомида Ҳамид Олимжон руҳиятида ҳам шундай жараён кечганки, эндиги муддаомиз буни имконимиз доирасида асослаш бўлади.

Маълумки, драматик асарда муаллиф шахси билвосита намоён бўлади — қаҳрамонларга драматик ҳолатларга сингдириб юборилади. Шу жиҳатдан қаралса, «Муқанна»да, айниқса, унинг дастлабки саҳналарида муаллиф шахси, фикримизча, Гулойин образида ўз аксини топади. Асарнинг илк кўринишида Гулойин ҳақида ота-онасининг қисқасига гап алмашишидан унинг баҳорни, гулларни, умуман, гўзалликни севувчи ҳассос қалб эгаси эканлиги англашилади. Гулойин саҳнада илк бор «соатлаб дала айлангач», энди «гулга ботиб келаётган» ҳолда пайдо бўлади. Онаси Гулобод наздида қизи — бахтиёр, хушвақт, негаки, гўзалликка ошурфта кўнгил учун бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасдек. Бироқ она, бола орасидаги диалог бу тасаввурни йўққа чиқаради:

#### ГУЛОБОД

*Ёлғизим,  
Лола каби очилибсин ўзинг ҳам.*

#### ГУЛОЙИН

*Лола каби юзим қизил, ичим ғам.*

Шу ўринда иккита муҳим нуқтага эътиборни тортгимиз келади: биринчиси — Гулойин ўзи истаган нарсага эришгандегу лекин ундан қониқмайди, кўнгли таскин топган эмас; иккинчиси — атрофидагилар, ҳатто туққан онаси унинг ичидагидан беҳабар, уни бахтли деб тасаввур этишади. Она қизини бахтиёр кўришни, лоақал шундай инончида қолишни истайди, ўзини ҳам, қизини ҳам шунга ишонтиргиси келади:

#### ГУЛОБОД

*Нега даркор, қизим, ахир, шу гаплар,  
Хурсандсан-ку, қўлларингда чечаклар.*

#### ГУЛОЙИН

*Чечак билан хурсанд бўлса гар одам,  
Ер юзида бўлмас эди қайғу-ғам.  
Ҳамма унда ёлғиз бир гул терарди,  
На хоҳиши, на озори, на дарди...*

Сиртдан қараганда, бахтли кўринган Гулойиннинг ичи тўла ғам, кўнглида «хоҳиш, озор, дард» борлиги бежиз эмас. Бу, бизнингча, «шодлик ва бахт куйчиси» сифатида танилган Ҳамид Олимжоннинг, тарих билан тўқинганида у орқала замонасини ва замонадаги ўзини «четдан» мушоҳада қилаётган шоирнинг «Муқанна»ни яратиш жараёнидаги ҳолати. Айтмоқчимизки, «Муқанна»га қадар кечган ҳаёти, ўзи шоҳиди ёки иштирокчиси бўлган воқеаларни тарих кўзгусига солиб кўраётган, унинг тош-торозусида тортиб кўраётган ижодкор ҳолати, руҳияти Гулойинда ифода топгандек кўринади. Шу эҳтимолни назарга олайлик-да, асарнинг кейинги сатрларини ўзгачароқ, яъни, шунга мувофиқ тарзда талқин қилиб кўрайлик. Гулойин юқоридаги фикрини давом эттириб айтади:

*Мана баҳор, бутун атроф лола, гул,  
Ҳамма одам терганда ҳам ётар мўл.  
Гул очилган қояларнинг бошида,  
Лолалар бор булоқларнинг тошида.  
Аммо ҳеч ким шоду хуррам эмас-ку?*

*(Л о л а н и к ў р с а т и б)*

*Бахтиёрлик аломати эмас бу,  
Баҳор ўзи яхши нарса, шубҳасиз...*

#### ОТАШ

*Ичинг тўла мабно сенинг, доно қиз.*

Келтирилган парчада ҳам диққатга молик иккита нуқта мавжуд: бири муаллиф ремаркаси бўлса, иккинчиси Оташнинг репликаси. Бизнингча, бу ўринда ҳар иккиси ҳам муаллиф кўзлаган тублик маънога ишора сифатида муҳим. Энди шу ишораларга таяниб, парчани қайта бошдан кўриб чиқайлик, Фикримизча, парчада тублик маънони тутиб турган куйидаги таянч нуқталар мавжуд:

Мана баҳор...

... ҳеч ким шоду хуррам эмас...

Баҳор ўзи яхши нарса, шубҳасиз...

Парчани ўтган асрнинг 20—30-йиллар адабиёти контекстида олиб қарайлик. Хусусан, Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим» шеърида «ижтимоий баҳор» соғинчи ифодаланган эдики, ундан кейинги авлод вакили бўлмиш Ҳамид Олимжон «ижтимоий баҳор»ни ўзгача тушунгани аниқ. Энди, айтиш мумкин, одам теранроқ мушоҳада қилади-да: «Мана баҳор... (биз ўзимиз орзулаган нарсага эришдик — Д.К.) аммо ҳеч ким шоду хуррам эмас», нега шундай, дея ўйга толади. Йўқ, ҳали у тузумни, социалистик ғояни инкор этаётганича йўқ; «Баҳор ўзи яхши нарса, шубҳасиз...» дея ишонади, фақат унинг мавжуд амалиётидан қониқмайди. Нега? Буни тушунишга муаллиф ремаркаси ёрдам беради:

(Лолани кўрсатиб)

*Бахтиёрлик аломати эмас бу,*

*Баҳор ўзи яхши нарса, шубҳасиз...*

Кўрамикки, парчадаги сатрлар ўзаро зидлик ҳосил қилади: «баҳор ўзи яхши нарса», лекин «лола бахтиёрлик аломати эмас». Парча сўнггидаги кўп нуқта ҳам, Оташнинг қизига қарата «ичинг тўла маъно сенинг» дегани ҳам сатрлар орасидан ўқиш лозимлигига ишора қилади. Ўқишга уриниб кўрамикки: бу ўринда «лола» — рамз, жамиятни, жамият аъзолари онгини чуллаган қизиллик рамзи. Биргина лоланинг ўзи баҳор бўлмаганидек, «қизиллик»нинг ўзи Ҳамид Олимжон орзулаган нарса эмас. Яъни, Гулойиннинг айтиши пайтдаги ҳолатида социалистик инқилоб ғоясига юракдан ишонган, эндиликда унинг натижаларидан қониқмай турган муаллиф руҳияти суратланади.

Эътиборли жиҳати шуки, Гулойин руҳиятини чуллаган мавжуд ҳолатдан қониқмаслик туйғуси унинг юрт ўтмиши ҳақидаги ўйловлари ҳосиласидир:

Юртимизда, ҳатто яқин замонда,  
Кўп байрамлар бўлар экан баҳорда.  
Жуда хуррам ўтар экан у дамлар,  
Уйнар экан, қулар экан одамлар.  
Қани ўша байрамлардан бир нишон?

Кўриб турганимиздек, Гулойиннинг ўтмиш ҳақидаги ўйлари уни беихтиёр замонасига қайтарди. Қиёслашга, фикрлашга ундайди. Иккинчи томондан, қизнинг гапларида барқ уриб турган ўтмиш соғинчи замонасидан қониқмаслик натижасидирки, бу туйғу ўтмишнинг қиз тасавурида айтиш мумкин (идиллически) «жонланиши»ни таъминлайди. Сираси, бу умуман инсон руҳияти, тафаккур тарзига хос ҳодисадир. Зеро, инсон ўтмиш ҳақида «шунчаки», абстракт фикрлай олмади: у ўтмишни замон орқали кўради, замонани ўтмиш орқали баҳолайди.

Ўтмиш соғинчи инсонни фаолликка, биринчи галда, руҳий фаолликка ундайди. Гулойин айтиши дама руҳий фаолликка яшаётган шахс, шу боис ҳам у: «Далаларда лола териб юраркан, **Кўп ажойиб фикрларга** тушдим ман», дея эътироф этади. Унинг ақлий-руҳий фаоллиги муайян хулосаларга олиб келганки, онасига:

*Ўзинг айтган эртақларни эсладим,*

*(Пауза)*

*Эртақ бошқа, ҳаёт бошқа... қолдим жим, —*

дейди. Бизнингча, келтирилган парча Гулойин билан «Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда, Кўп эртақ эшитгандим, Сўйлаб берарди бувим», деган машҳур сатрлар муаллифи Ҳамид Олимжон орасидаги руҳий яқинликни очикроқ намоён этади. Усмир ёшидаёқ кураш майдонига кирган Ҳамид Олимжон «романтик» эди, зеро, у бувиси айтган эртақлар олампан «большевик эртақлар» оламига кўчиб улгурганди, холос. Энди, маълум вақт ҳаёт қозонида қайнаб, замонасини ва ўзини четдан мушоҳада қилиш имконига эга бўлгач, ишонч ҳосил қилаётганки, «эртақ бошқа, ҳаёт бошқа» экан. Бу атрофида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисалар большевикларнинг ваъдаю даъволарига мувофиқ келмаётганини, тил бошқаю дил бошқалигини кўрган, англаган одам хулосаси, ҳукмидир. Модомики «Муқанна»ни ёзиш жараёнида муаллиф шундай руҳий ҳолатда экан, асар персонажларининг ўз замонаси ҳақидаги фикрларини айтиш чоғда Ҳамид Олимжоннинг ўз даври ҳақидаги фикрлари деб тушунишга ҳақликдекмиз. Зеро, персонажларнинг тарихий нуқтаи назардан асарда тасвирланган даврга тааллуқли гаплари метафорик тарзда асар ёзилган даврга тааллуқли бўла олади. Бунга адабиёт тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзимизни шунга ишонтирган ҳолда асарни ўқишда давом қиламиз:

ГУЛОЙИН

*... Ҳозир агар сен бўлмасанг мусулмон,  
Душман бермас емоқ учун парча нон.*

*(Гулларни кўрсатиб)*

*Бу кўрганинг лола эмас, ёлғиз қул,*

## ОТАШ

*Биз қул эдик, ҳозир бутун ўлка қул,  
Ҳозир гап шул: ким мусулмон, ким кофир.*

Ўйлаймизки, асар персонажларининг мавжуд аҳвол ҳақидаги фикрлари муаллиф мансуб воқеликка нечоғли мослигини илғаб олиш қийин эмас. Аввало, араб фотиҳлари сингари большевиклар ҳам юртга янги мафкура олиб келдилар, барчани унга топинтиришга интилдилар ва ички сиёсатда «ё биз билан, ё бизга душман» ақидасига таяндилар. Шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ, қоқ бўлинган юртнинг большевиклар томонида турган, шу сиёсат тегирмонига сув бўлиб қуйилган «Ўлим ёвга» сингари шеърӣй айбномалар ёзган Ҳамид Олимжон энди ўша сиёсатни ҳам, ундаги ўз иштирокини ҳам ўзгача тушунади, ўзгача баҳолайди. Хўш, қандай тушунадию қандай баҳолайди? Бизнингча, муаллифнинг тубдан ўзгарган қарашлари Оташнинг «Биз қул эдик, энди бутун ўлка қул» деган гапида ўз ифодасини топади. Маълумки, большевиклар «эзилувчиларни озод қилиш» даъвоси билан майдонга чиқди, эзилганларни гўё озод қилди-ю, бутун ўлкани «қизил империя» мустамлакаси — қулига айлантирди. Ҳаётӣй тажрибаси ортган, бу тажрибасини ўтмиш тажрибаси билан бойитган Ҳамид Олимжон ўзи учун муҳим бир ҳақиқатни кашф этди: **озод бўлмаган юртда шахс озод бўлолмайди, шахс озод бўлмаган юрт озод бўлолмайди.** Шу маънода Гулоӣннинг: «(Гулларни кўрсатиб) Бу кўрғанинг лола эмас, ёлғиз қул» дейиши ҳам бежиз эмас. Юқоридаги парчага диққат қилинса, Гулоӣннинг охириги гапи олдингиларига унчалик боғлиқ эмасдек кўринади. Боз устига, сиртдан қараганда, гапнинг ички мантиқӣй-мазмунӣй боғланиши ҳам дуруст эмас: «лола — қул». Шундай эса-да, муаллиф уни ремарка ёрдамида алоҳида ажратади, таъкидлайди гўё. Шунӣ эътиборга олсак, «лола»нинг бу ўринда ҳам рамзӣй маънода қўллангани ва шу маъно муаллиф учун муҳимроқ эканлиги ҳақиқатга яқинроқ. Бизнингча, рамзни драматик ҳолатнинг умумӣй руҳида тушунсак, ҳатто шўро томонида турганлар («лолалар» — «қизиллар») ҳам моҳиятан қулдир, деган маъно англашилади. Гулоӣннинг даври ҳақидаги изтироб тўла мулоҳазаларини якунловчи тубандаги сўзлари ҳам шу фикрни қувватлайди:

*Эркак-аёл ўз юртида мусофир.  
Мана сенга керак бўлса гулбаҳор,  
Баҳор эмас, устимизга ёғар қор.*

Гулоӣн тилидан юртида мусофир мақомида яшайтган, юртига эгалик ҳуқуқидан тамомла маҳрум одамларни қул деб атаркан, муаллиф ўзининг замондошларини ҳам назарда тутди. Тан олиш керакки, замонаси ва замонасидаги ўзини идрок қилишга интилайтган Ҳамид Олимжон баҳода охиригача холис бўлишга, ўйидагиларни тўла иқдор қилишга ўзида журъат топади.

Гулоӣн — аввалги эътиқодидан кўнгли тамомла совиган, изланишдаги шахс ва шу жиҳати билан муаллиф руҳиятига яқин. Қиз эътироф этадики: «Оташ десанг кўнглим тушар бир гашга». Ўзи топинган эътиқодни тафтиш этиб қониқмаган қизнинг бу иқдориди муаллиф руҳияти ўзининг ёрқин ифодасини топади. Табиӣйки, кишининг эътиқодидан кечиши муайян руҳӣй изтироблар билан эш бўлади, зеро, эътиқод шиппак эмаски, эскисини ташлаб, янгисини кийиб кетаверсанг. Эътиқодида алданган шахс қаршисида «Нега мен бу эътиқодни қабул қилдим? энди ундан кечаётирман? Негача унга шунчалар ишонгандим? Шунча вақт унга топиниб келдим?» қабилдаги ўртовчи саволлар кўндаланг бўлиши тайин. Шу сингари саволлар Ҳамид Олимжонни ҳам ўртаган бўлиши, уларга жавоб излаши табиӣй эди. Муаллифнинг айни шу изланишлари натижаси, бизнингча, тубандаги парчада акс этади:

## ОТАШ

*Биз ҳали ҳам топинамиз оташга.  
Сен-чи, қизим?*

## ГУЛОЙИН

*Нима қила олар эдим мен ўзим?  
Қанча баланд учса ҳамки чумчуқ қуш  
Уясида ўргангани ўқирмиш.  
Ёш чоғимдан утга томон сен тортдинг,  
Сен оташга топинмоқни ўргатдинг.  
Нима қилай? Мен нимани билардим?  
Ёш болани йўлга бошлар аввал ким?  
Ота-она. Шундаймасми? Ўзинг айт!*

## ОТАШ

*Ёшлик ўзи бўлар экан қизиқ пайт.  
Бола ёлғиз ўрганишни биларкан.*

Сираси, болалик чоғларидан шўро таъсирида, шўро муҳити ва ғоявий қарашлар майдонида шаклланган шоир, Оташнинг «бола ёлғиз ўрганишни биларкан» деган гаплари орқали ўзининг эътиқоди анланмаган, кўр-кўрона, оддийгина тақлиддан иборат бўлганини эътироф этади. Гулоӣннинг «Шунча йиллар оташгоҳга топиндим ва билмадим илоҳим ким, тангрим ким?» деган гапида эса, бу эътироф янада қатъӣйроқ, очикроқ ифода этилади. Гулоӣн муаллиф сингари, айрилишда турган, онгли равишда ўз йўлини танлаш эҳтиёжини туйган одам. Мавжуд йўллардан биттасигина қизнинг кўнглига яқин, эркак ташна қалб шунгагина мойил:



Гулойиннинг бу хитобида эрксизликдан зада бўлган, юрти ва ўзининг қуллигини тамом англаган муаллифнинг қалб исёни зуҳур қилади. Холислик ҳаққи тан олиш керакки, йигит ёшидаёқ (асар 1942—43 йилларда ёзилган) ўз руҳиятида, дунёқарашида бу қадар кескин бурилиш ясаш учун теран ақл-идрокнинг ўзи камлик қилади — улкан жасорат ҳам керак. Ҳамид Олимжон ўзида шундай жасорат топа билди: ўзини алдаб овутиш ва хотиржам яшаш йўлини эмас, ўзини бешафқат тафтиш этиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш йўлини таллади.

«Муқанна»нинг бадиий воқелиги, унда гавдаланувчи ҳаётий ҳолатлар кўпинча асар яратилган давр воқелигини ёдга солади. Бу бежиз эмас, албатта. Юқорида айтдикки, тарихий мавзуга қўл урган ижодкор замонасини ўтмиш орқали идрок этади. Бироқ — бу танганинг бир томони, холос; иккинчи томони шуки, ижодкор ўтмишни замонаси орқали идрок этади, ўтмиш замона призмаси орқали гавдаланади. Модомики, бадиий образнинг материали реаллик ва ижодкор шахсияти экан, бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бундан ўзгача йўл, айтайлик, тайёр гоёвий қолиплар асосидаги талқин ижод эмас. Демак, чинакам ижодий — руҳий жараён маҳсули бўлмиш тарихий мавзудаги асарда образнинг метафориклик хусусияти юксак даражада намоеён бўлиши қонуният мақомададир. Зеро, бу нарса аввалбошдан, яъни, ижодий ниятдаёқ таъмин этилган бўлади. Табиийки, замона призмаси орқали гавдаланган ўтмиш асарни ўқиш (томоша қилиш) жараёнида ўқувчи (томошабин)ни яна замонасига қайтаради: ўқувчи (томошабин) онгида «ўтмиш — ҳозир» параллели мунтазам мавжуд бўлади. Демак, тарихий асар воқелигининг асар ёзилган давр воқелигини ёдга солиб туриши ҳам қонуният мақомидаги ҳодиса экан.

Шу жиҳатдан қарасак, Оташ араб босқинчиларининг юртга кириб келиши ҳақида айтган гаплар:

*Бу ерларга улар янги келганда,  
Зўр қаршилиқ кўрган экан Пайкандда.  
Босқинчига қарши чиқиб бутун халқ,  
Барчасини қилган экан қонга гарқ,  
Минган оти тизза бўйи қон кечиб,  
Сўнг Қутойба келган экан қон ичиб.  
Саройларни оловларга у тутган,  
Қилич тутган ҳар бир жонни қуритган...—*

ўша давр ўқувчиси (томошабини) тасаввурида ўзига яқин ўтмишни, Россиянинг Туркистонни забт этиш тарихини жонлантириши табиий кўринади. Зеро, қадим ўтмишдаги монанд, муаллиф ва ўқувчига яқин ўтмишда ҳам юртимиз иккита қонли босқин кўрган: чор ва шўро босқинини. Боз устига, буларнинг биринчисини давр ўқувчиларининг ёши улуғлари, болалик хотираларида сақлаган, ёшроқлари эса улардан эшитиб билган; шўро босқини, хусусан, Куйбишев ва Фрунзенинг қонли хатти-ҳаракатлари етказган жароҳатлардан эса ҳали қон силқиб турган пайт эди унда.

Болалик хотираларида, Жиззах қўзғолони ва унинг даҳшатли оқибатлари муҳрланган Ҳамид Олимжон йигит ёшида «қулоқлаштириш» сиёсати, мудҳиш 30-йиллар қатағонини кўрганида бу ҳодисалар орасида мантиқий алоқа борлигини ҳис этади. Тарихни мушоҳада этиб, унинг тажриб-баларини ўзлаштиргач эса, қўрқув ва қўрқитишга таянган шўро сиёсати моҳият эътибори билан мустамлакачилик сиёсати эканлигини англайди. Шу боис ҳам, бизнингча, «Муқанна»да персонажлар араб босқинчилари юритаётган сиёсатни муҳокама этувчи саҳналар яратилган. Бу, бир томондан, муаллиф ўз замонаси ҳақида юритаётган мушоҳадаларнинг метафорик ифодаси бўлса, иккинчи томондан, ўқувчининг замонаси ҳақида ўхшашлик асосида фикрлашига турткидир. Масалан, ҳалифаликдан келган Пайкандни ер билан яқсон қилиш ҳақидаги фармоннинг мақсад-моҳиятини қизи Гулойинга тушунтираркан, Оташ айтади:

*Сен билмайсан, бунда катта ҳикмат бор.  
Халқ янгидан кўзгалмоқда. Душманлар  
Кўрсатмоқчи шунинг учун бир ҳунар:  
Одамларнинг юрагини олмоқчи,  
Бўғизларга яна чангал солмоқчи...—*

Табиийки, юртимиздаги истиқлолчилик ҳаракати, Туркистон мухториятининг қонга ботирилгани, истиқлол курашчиларининг бадном этилгани 30-йиллар адоғига етмасданоқ битта-битта «териб ташлангани»дан хабардор давр китобхони Оташнинг гапларини фақат араб босқинчиларигагина тегишли деб билмайди. Боз устига, шўро «чўпчак»ларига ишониб яшаётган ёш бугун вакилларининг ҳам кўз олдиларида гавдаланган ўтмиш таъсирида Гулойин мисоли «эртак бошқа — ҳаёт бошқа» қабилидаги хулосага келиб қолишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ёки, шўро ўзининг мудҳиш сиёсати билан «одамларнинг юрагини олиб» бўлган, «бўғизларига чангал солиб» турган бир пайтда:

*Ер юзидан бир шаҳарни йўқотмоқ  
Билан улар халқнинг кўзин кўрқитмоқ  
Фикридалар. Мудҳиш бир иш. Ҳам исён  
Кўзгалмасмиш шундай қилса бегумон...—*

деган сатрлар кўрқув салтанати фуқароларига араб босқинчилари юритган сиёсат билан шўро сиёсати моҳиятан бир нарса эканлигини англашмаслиги мумкинми?! Бизнингча, йўқ. Зеро, асарни ўқиш (томоша қилиш) давомида хоҳ онгли ва хоҳ англашмаган тарзда шу хил фикр тугилиши ҳақиқатга яқинроқ. Албатта, англашмаган тарзда деганимиз шўро таъсирида шаклланган, уни

башарият тарихидаги энг адолатли тузум дея инониб яшаётган авлодга мансуб ўқувчи (томоша-бин)га тааллуқли. Эртами-кечми унингда ҳаётий тажрибаси ортиб, воқеликни ўзгача мушоҳада қила бошлар — бунда «Муқанна»нинг хиссаси, шубҳасиз, бўлади.

«Муқанна»нинг иккинчи кўриниши бугунги ўқувчига бирмунча эриш туюлиши, ўқувчи ундан дахрийлик нафасини сезиб ўнғайсизланиши, эҳтимол. Бироқ биз масаланинг бу жиҳатини бир ён қўйиб, ундаги саҳналарга бадиий образ — муаллифнинг воқеликни англаш ва англашиш воситаси — сифатидагина қарамоқчимиз. Маҳаллий зодагон Феруз томонидан қурдирилган мас-жиднинг очилиш маросимида араб руҳонийси Жалойир Оташнинг оиласини, хусусан, Гулойин-ни исломга даъват қилади. Гулойин ўздан нимага эътиқод қилиш талаб этилаётганини билгиси, англагиси келади. Бунга жавобан Жалойир «Қуръон сўзин туркча айтиш мумкинмас» дея эътироз қилганида, Гулойин айтадики:

*Эса бизни қийнамоқни қилгил бас.  
Тушунмаган йўлга бизни бошлайсан,  
Жабрлайсан, бағримизни ёшлайсан.  
Қийнаш нега одамларнинг виждонин?  
Дарё-дарё тўкиш нечун эл қонин?..*

Бу — ўз руҳиятига ёт, ўзи кўп-да тушунмаган шўро мафкурасини зуғум остида қабул қилаётган, бу йўлда неча минглаб қўрбонлар берган халқ вакили, фақат бир талзда ўйлашга мажбурлигидан «виждони қийналаётган» муаллиф хитобидир, аслида... Ноилож қолган Жалойир Қуръон сўзларини туркча айтиб тушунтиргач, Гулойинда бир қадар иккиланиш кўрилади: «Қай-га борай, раҳбар қилай мен кимни?» Қиз «Нима қилай?» дея ота-онасига мурожаат қилганида, Оташнинг берган жавоби диққатга молик:

*Имон келтир, ўз виждонинг бўлсин соф,  
Хурсанд бўлсин шу Жалойир ноинсоф.  
Имон келтир, эҳтиёт бўл, сен шошма,  
Ўзинг севган ҳурриятдан адашма.*

Кўрамызки, Оташ ҳамон ўз эътиқодида собит, фақат Жалойирдан қутулиш учунгина қизи-ни имон келтиришга ундаркан, ўзи севган ҳурриятдан адашмаслигини сўрайди. Бироқ, ташвиқотнинг гипнотик таъсиридаги Гулойинда иккиланиш шу даражадаки, у энди имон келтириш арафасида... Албатта, Жалойирнинг кўпроқ Гулойинни ташвиқ этиши бежиз эмас: ҳар қандай мафкура, аввало, ёшлар онгию қалбини эгаллашга интилади, бу — унинг учун яшаб қолиш, яшовчан бўлиш шартидир. Айри пайтда, шу нуқтада Жалойир мустамлакачилик сиёсатининг асоси бўлмиш «бўлиб ташла-да ҳукмронлик қил» ақидасича иш тутаётгани, авлодларни мафкуравий асосда бир-бирдан ажратаётгани ҳам равшан. Табиийки, Ҳамид Олимжон бу саҳнани яратишда ҳам ўзининг ҳаётий тажрибасига таянган, ўз даври воқелигидан андоза олган. Зеро, миллатни «эзувчи ва эзилувчиларга» ажратиш ҳисобига ҳоқимиятни қўлга олган шўро бу даврга келиб жамиятни «бизники — бизники эмас» тарзидagi тоифаларга ажратди, гўё халқнинг истиқболдаги саодати дея «ёт унсур»ларни қирғинбарот қилди — ҳақиқатда эса ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилди ва бунга эришди. Иш шу даражага етдики, ота билан бола, ака билан ука, эр билан хотин бошқа-бошқа жабҳаларда туриб қолди. Оталаридан тонганларини митингларда баралла эълон қилган фарзандларни, бир-бирини душман тутган жигарларни, ғоявий асосдагина барбод бўлган гулдек оилаларни кўрган Ҳамид Олимжон бу аянч ҳодисанинг илдиизига назар солади, унда мустамлакачилик сиёсатининг машъум мақсадлари ётганига амин бўлади...

Шўро мафкурасининг омма онгига сингиши — англаганликдан эмас, кўпроқ уни ташувчиларнинг мутаассибларча эътиқоди, шу эътиқодини ўзгаларга юқтира олганларида бўлса, эҳтимол. Сираси, шўро адабиёти ўзи дуруст англаб етмаган эътиқодни беадад ишончи билангина ташвиқ этолган «фанат»ларнинг кўплаб тимсолларини яратган: Фурмановнинг Чапаеви, Шолоховнинг Давидови ва уларнинг ўзбек, қирғиз, қозоқ... эгизлари. Жалойир тимсолида ҳам шу нав ташвиқотчини кўрамыз. Гулойиндаги иккиланишни сезган Жалойир ташвиқни янада кучайтиради: Аллоҳ оламни олти кунда яратганини ёниб баён қилади, араблар унга жўр бўлиб қувватлаб туришади. Табиийки, Жалойирдаги беадад ишонч ўз ишини қилади. Гулойин руҳан синиш даражасига етади: «Нима қилдим, энди бошим ҳам кетди?» Ва айни шу дамда саҳнага Муқанна чиқади, унинг:

*Тушунмадим, менга англат, улуг зот,  
У қайси кун қулликни қилди ижод?—*

деган савол билан якунланувчи ўтли хитоби янграйди. Жалойир — жўнгина мутаассиб, унинг наздида фақат битта ҳақ ва тўқис ғоя мавжуд. Бундай одам мафкуравий баҳс юритишга қодир эмас, шу боис ҳам у Муқанна билан баҳслашмайди, овозини ўчиришга ҳаракат қилади, холос. Бизнингча, мазкур эпизод ортига ҳам замона соя ташлаб турганини сезиб олиш қийин эмас. Зеро, Муқанна сингари Ҳамид Олимжон ҳам «ҳуррият», «эрк», «тенглик», «биродарлик» каби шиорларни байроқ қилиб кўтарган шўронинг амалдаги сиёсати моҳиятини англагач, «У қайси кун қулликни қилди ижод?» дея қалбидан исён кўтариши, ўқувчисини-да уйғотишга интилиши табиий. Муқаннанинг Жалойирга айтган мустамлака сиёсатиға айбнома сифатида янговчи қуйидаги сўзлари ҳам, бизнингча, бу фикримизни қувватлайди:

*Ўз йилларким сўзлайсан лошлоҳдан.  
Жуда оддий бир нарсага ҳайронман:  
Нима учун юрт чиқмайди оловдан?  
Нима учун эл қутулмас таловдан?  
Нима учун элни босган ҳашарот?*

*Дин, хирож деб ўз-ўзига қўйди от?  
Нега қилди элли бунча гадой, хор?  
Нега бўлди ҳамма сенга отбоқар?  
Қиз онадан, хотин эрдан ажралди,  
Косиб уйдан, деҳқон ердан ажралди.  
Нима учун?*

Кўрамизки, Муқанна араб босқинчилари юригаётган сиёсат билан ислом ақидалари мос эмаслигини, Аллоҳ номи билан қилинаётган ишлар аксар унинг буюрганларига зидлигини таъкидлайди. Умид қиламизки, зукко ўқувчи «нима учун» билан бошланувчи ҳар бир сатр ортида аксланувчи муаллиф замонаси, унга яқин ўтмишни шарҳсиз ҳам фаҳмлаб олади. Боз устига, ушбу сатрларни ўқиганда у беихтиёр Чўлпоннинг машҳур «Бузилган ўлкага» шеърини эслайди, унинг дардию оҳангини ҳис қилади. Табиий бир савол туғилади: хўш, нима учун Ҳамид Олимжон — яқиндагина «адабиётимиздаги миллатчилик кўриinishлари»га қарши курашган, «Бузилган ўлкага» қарши ўлароқ «Тузалган ўлкага»ни ёзган авлод вакили — «Муқанна»да Чўлпон оҳанглари тиклади? Тасодифми, миллий-адабий анъаналарнинг ғайришуурий таъсирими? Бизнингча, бугина эмас. Модомики, Ҳамид Олимжон «Муқанна»ни ёзган пайтларида Чўлпонга руҳан яқинлигини яширмай ифода этибди, демак, бундан аниқ бир мақсадни кўзлаган — ўқувчисини-да шу руҳга ошно этишни ният қилган...

Халқининг, шу халқ вакили сифатида ўзининг қуллигини англаган инсон вужудида миллий ғурур жунбушга келиши, қалбда аламли изтироб кўзгаси табиий. Бунақа пайтда киши мустамлакачиларнинг, мустамлакачи халқ вакилларининг ўз халқига, ўзига қандай муносабатда эканини мушоҳада этишга мойил бўлади ва, айтиш керакки, изтироблари янада кучаяди. Чўлпон, Фитрат, Қодирий...лар асарларида кузатилган бу нав кайфият «Муқанна»ни ёзаётган палла Ҳамид Олимжонга ҳам ёт эмас эди. Муқанна тилидан айтилган тубандаги сўзлар, бизнингча, фикри-мизни далиллай олади:

*Душманларинг, ожиз бўлсанг сен агар,  
Меҳмон бўлиб келиб сенинг уйингга,  
Кўкрагингга тепиб кирар тўйингга.  
Ҳақоратга кўмар сени у тоза...*

Равшанки, бу сўзлар юртга энди босиб келиши мумкин бўлганлар (дейлик, немис фашистлари) ҳақида бўлолмайди, улар кўпроқ юртга ростмана эгалик қилиб турганлар ҳақидадир. Бу — миллатининг ўзлигига тажовуз бошлангани, миллий қадриятларини топталаётганига амин бўлган муаллифнинг қалб исёни. «Йўлини қилиб» урган бонгидир. Араб саркардаси Баттолнинг Гулоинга қарата айтган «Сен асирсан, қайдан сенга бахт бўлсин, Шодликка ҳам керак, ахир, — уй, ватан» деган ҳақоратли таънаси (ўзингда мавжуд камчиликини юзга солиб қилинган ҳақоратдан оғирроқ ҳақорат бўлиши мумкинми?!) ҳам, аввало, ўз юртида сиғинди, ватанида беватан бўлган муаллифнинг ўзига, юртдошларига қаратилган. Курол кучи билан ўзга бир халқни бўйсундирган Баттол «Қилич билан кирдим мен бу тупроққа, Яна қилич чиқаради қирғоққа» дея ишонади, бу ишонч уни ҳаволантирган, ўзидан кетказган. Шунинг натижаси ўлароқ, Баттол ўзини бу ўлкада истаган нарсасини қилишга ҳақли деб билади. Ёлғиз кучга ишонган, унгагина топинган бу одам, табиийки, юртнинг асл эгаларига беписанд муносабатда бўлади.

*Шуни билки, халқ мисоли бир пода,  
Хоҳи отда, хоҳи бўлсанг пиёда  
Ҳайдай олиш келса агар қўлингдан  
Пода юрар сен бошлаган йўлингдан...*

Албатта, бу ҳақоратомуз гаплар ўқилганда ва ё сахнадан янграганда ўқувчининг, томошбининг миллий ғурурига тегиши, «наҳотки пода бўлсак?» тарзидаги ўйга толдириши табиий. Муаллифни ҳам шу ўй қийнаганки, бунинг зидди сифатида «тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлмоқ»ни афзал билган қаҳрамонларни, шу хулоса бўриб турадиган сахналарни яратади. Хусусан, Гулоин ўлар чоғи «Бир неча кун ҳавас билан яшадим. Ҳатто эркин нафас билан яшадим» деркан, фақат шу эркинликдаги «бир неча кун»нигина яшаш деб билди. Зеро, унинг учун қулликда кечган умр—ҳаёт эмас. Сўзининг, санъатнинг соҳир кучи таъсирида ҳаёт билан видолашаётган қизнинг: «Армомим шу: кўролмадим элли шод, Кўролмадим ватанни ёвдан овоз» деган армони ўқувчига, томошабинга мерос бўлиб қолади...

Юқорида айтганимиздек, «Муқанна»да бевосита ўзи яратилган пайт — уруш даврининг ижтимоий-сиёсий ҳолатига қаратилган актуал мазмун юзадаёқ қалқиб туради. Бу ҳақда кўп фикр билдирилгани, иккинчи томони, мақсадимизга кирмагани боис бунга тўхталмадик. Аксинча, биз уни фикран олиб ташлаб, асарнинг чуқурроқ қатламларига назар солишга, шу орқали муаллифнинг ижод онларидаги руҳиятини тасаввур қилишга, ўй-фикрларини ўқиш, ҳис-туйғуларини кўнгилдан кечириб кўришга интилдик. Маълумки, конкрет ижодкор томонидан яратилган асарларнинг бари бир текис яхши, бари ҳам санъат ҳодисаси бўлолмайди. Фақат яратилишига шахсий ёки ростмана шахсийланган ижтимоий дарднинг ҳосиласи бўлмиш маънавий-руҳий эҳтиёж туртки бўлган, чинакам ижодий-руҳий фаолият маҳсули ўлароқ дунёга келган асарларгина санъат ҳодисаси саналиши мумкин. Бундай асарларнинг ҳар бири — ижодкорнинг идеалга (Ҳаққа, ҳақиқатга) яқинлашувидagi тугал бир босқич. Демакки, «Муқанна»ни ёзган Ҳамид Олимжон «Муқанна»гача бўлган Ҳамид Олимжон эмас. Зеро, ўтмиш орқали замонаси ва замонасидаги ўзини англаган Ҳамид Олимжон қарашларини янгидан тизим сифатида бутунлаб олган, энди шунга мос мақом тутиши мумкин бўлган шахсдир. Яъни, энди у «бахт ва шодлик» куйчиси бўлолмайди, аксинча, узоқ ва ўзига яқин ўтмишдан келаётган эрк куйига қўшилиб хиргойи қилиши табиийроқ. «Муқанна» билан Ҳамид Олимжон миллатнинг асл фарзандлари куйлаган эрк куйига жўр бўла олдики, тўла асос билан: «Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк деганнинг тилагида яшайман», дейишга ҳақли эди.



## Тилнинг суяги йўқ

### АНТИҚА СУҲБАТЛАР

- Орқасига тепиб, ҳайдаб юбордим.
- Кимни?!
- Пашшани...

...

- Оёғим оғрияпти.
- Нима бўлди?!
- Иш юришмаяпти...

...

- Кечирасиз. Билмай уриб юборибман.
- Қачон?!
- Хаёлимда...

### РЕКЛАМАДАН

- Ҳеч кимга ишонма, чанқоғингга ишон...
- Севимли сақичим...
- Исталган байрам туйғуси...

### ФУТБОЛ ШАРҲИДАН

- У тўпга тегди...
- Сен урмасанг, сенга уришади, деган нақл бор...
- Мураббий уйнашини кўрсатди...
- Тўпни боши билан тепди...
- Ўйинчи дарвозага орқадан ҳужум қилди...

### ҚИЗИҚ ВОҚЕА (Пул ва гул)

- Тўй бўлаётган эди.
- Мен юз минг ёрдам бераман, — деди бир оғайним.
- Мен икки юз минг, — деди иккинчиси.
- Мен уч юз минг, — деди учинчиси.
- Улар тўй куни гул кўтариб келишди...

Байрам Ботир

## Ҳазиллар

### Гул чўзгин

Севиб қолганинг қизга авваламбор гул чўзгин,  
Этай десанг ниятга, гулинг камдир, пул чўзгин.

Чидаганга чиқарган ҳамма яхши нарсани,  
Канда қилма чўзишни, пулни ойу йил чўзгин.

Очиқ бўлса айвони, ёмғир, қорда қолмасин,  
Шифер топгунга қадар етарлича тўл чўзгин.

Чиқиб қолиб рақибинг, «Дилбар меники» дея,  
Тил тиймаса, сўкинса, сен ҳам кўркмай тил чўзгин.

Севгилингнинг кўнглини нуқсонсиз овлаб, сўнгра  
Истаганча бўса ол, керагича қўл чўзгин.

### Ўзбекнинг гапи қизик

Акам деди: «Куёвимнинг бир тераги учиб кетди»,  
Хайрон боқдим, шунда у дер: «Томиридан кўчиб кетди».

Шамол синдирди дегани, ҳа, гапимиз шундай ҳар хил,  
Аввал тушунмай сўзига, менда юрак чўчиб кетди.

«Йўлдан адашган», «хом калла» каби ибора анчадир,  
Дўст кўринмай қолса дейман: «Нега ошнам ўчиб кетди».

Ўғри илиб кетса молни, айтадиган гапимиз шу:  
«Кеча кўшним сигирини молхонадан ечиб кетди».

Баъзи бир қиз дугонага мақтанади шундай дея:  
«Менга хуштор йигит кеча қатъий қасам ичиб кетди».

Ўзбек гапи ғоят қизик, бошлиқ мени койиса дер:  
«Раҳбар кеча Тўра Жуман кафанини бичиб кетди».

### Ишонмайсан

Эй ёр, ўнта анор сувин ичишимга ишонмайсан,  
Ғазалларни шоирлардек битишимга ишонмайсан.

Тол, теракни қаламчадан ўстирганман йўлин топиб,  
Уч туп кўчатни тўрт кунда экишимга ишонмайсан.

Яёв юришни машқ қилдим, беш чақирим масофага,  
Эрталабдан то кечгача етишимга ишонмайсан.

Кичик ариқча дарёдан чиқиб қолса катта балиқ,  
Ёрдамчисиз уни ўзим тутишимга ишонмайсан.

Бер деганимни бермаса, тўн кийдирган бўлса ҳамки,  
Ундай дўстандан бир зумдаёқ кечишимга ишонмайсан.

Айрилмайман сендан, лекин, текин путёвка келтирсанг,  
Бир ой муҳлатга узоққа кетишимга ишонмайсан.

## Улуғ инсон бўлолмайти

*Бир газета муҳаррири ичи қора, пилдириқ,  
Баланд чоғлайди ўзини, демак калласи қуруқ.*

*Сўзни топиб гапирмасдан, қопиб қўпол гапирар,  
Ўзига йўл топмай туриб, кўрсатади йўл-йўриқ.*

Битта шеърни ўқиб, юзлаб шеърни шундай бўшдир дер,  
Унинг виждони ўлгандир, ўзи юрса-да тирик.

Ўринбосари бошлиқнинг гапини маъқуллайди,  
Оқни қора деганидан бўлиб қолган қилтириқ.

Юзларига тупуришдан ўзни сақлади Тўра,  
Улуғ инсон бўлолмайти қилтириқ ва пилдириқ.

## Эчкижон

(Бир ношуднинг эчкисига ҳасрати)

Умид билан сотиб олдим,  
Тонг елида қотиб қолдим.  
Гапнинг рости, эй эчкижон,  
Сени қарзга ботиб олдим.

Ой ўтса ҳам семирмайсан,  
Хасни яхши кемирмайсан.  
Кундан-кунга озмоқдасан,  
Ушлаб кўрсам, теридайсан.

Аввал сал-пал ердинг арпа,  
Типирлардинг бўлса шарпа.

Ўйноқламайсан, эчкижон,  
Эндиликда бирор марта.

Оёқларинг ўхшар чўпга,  
Мени қулги қилдинг кўпга.  
Сенга не бўлди, эчкижон,  
Соғми ўзи жигар, ўпка?

Соқолларинг селкиллайти,  
Икки кўзинг милтиллайти.  
Хабар билдиргин, эчкижон,  
Этинг қачон билқиллайти?

Комила Боймуродова

## ҲАЖВИЯЛАР

### Уйқучи

Сиз мунажжимлар нашр этадиган башоратномаларда инсон феъл-атвори қанчалик тўғри айтиб берилишига ишонасизми? Мен ишонаман. Уларда кўп ижобий хислатларим билан бирга ўлгудек қайсар, бунинг устига, сусткаш, хаёлпараст, боқибегам эканлигим кўрсатилган. Бундай таърифга мос воқеалар, уларнинг олдини олишга доим тиришсам ҳамки, ҳаётимда учраб туради. Масалан, бир ойлик чиптани шундоқ дераза токчасига қўйиб, кейин куни бўйи қидириб юраман. Ёки иш билан бошқа хонага чиқиб, орқага қайтганимдан сўнггина, нега у ёққа борганим эсимга тушади. Ана, шу кунлар рўй берган воқеани эшитинг.

Навоий шаҳрида яшайдиган қариндошларни кўриб келмоқчи эдим. Кечки пайтда жўнайдиган автобусга чиқсам, эрталаб Навоийда бўламан! Шуни ўйлаб отчопарга қараб кетдим.

Тизилиб турган автобусларни томоша қилиб турган эдим, бир ҳайдовчи хоразмча шевада:

— Ай, галинг. Галинг! Ҳозир гатамиз! — деб сайраб, мени автобусга тез чиқмаса бўлмайдиган ҳолатга солиб қўйди. Хоразм шевасини аввалдан эшитсам маза қиламан. Шу сабаб, манзилга етгунча зерикмас эканман, деган хаёл билан олдинроқ бир қатордан жой олдим. Автобусда негадир одам кам эди.

Кўп ўтмай автобус ўрнидан жилди. Лекин куни бўйи ҳар ёққа югуриб чарчаган эканман, тез орада кўзим илинибди. Тахминан бир соатми, икки соатдан кейин ярим-ёрти уйғониб, қаерга етдик экан, деб ойнага қарадим...

Қарасам, отчопардагига ўхшаш от ҳайкали ёнида автобус буриляпти. Сал нарида трамвайга ҳам кўзим тушди. Уйкум чала бўлганидан, аввалига ҳали уйқидаман шекилли, деб ўйладим. Сал туриб, тавба, от ҳайкали бу яна қаерда экан, трамвай юрадиган қайси вилоятга етиб келдик, деган хаёлга бордим.

Шу пайт орқадан бир аёлнинг шанғиллагани эшитилди:  
— Устларингдан ёзаман. Пул олгунча тузатсанг, ўласанми?!  
Уч-тўрт киши автобусдан тушиб, бошқа автобусга миндик.  
Яна йўлга тушдик.  
Мана энди, рўй берган воқеани тушундим.  
Бояги автобус Чинозга етганда бузилиб, орқага қайтган экан...

## Шиша идиш

Дунёни сув босса, тўпигига чиқмайди, деган гап бор.

Тупкада теккан касал.

Талабалик йилларида ҳам шунақа бепарволигим бор эди.

Бир шанба куни қишда қишлоққа кетмоқчи эдим. Тонг сахарда ўзимни мажбурлаб ўрнимдан турдим. Юз-қўлимни чайиб, чой кўйиш учун шиша идишда ҳовлидан сув олиб келдим.

Хонада қайнатгич билан чой қайнатардик. Хонадош ўртоғимни уйғотиб юборишдан кўрқиб, чироқни ёқмадим, шундоқ қайнатгични идишга солиб қўяқолдим. Каллам пишмаган эди. Уйку билан ҳеч хайрлашгим келмасди. Чой қайнагунча бир дақиқа бўлса ҳам мизғиб олай, деб ўринга яна чўзилдим.

Қанча вақт ўтди, билмайман, пақ-парақ этган товуш чиқса бўладими? Сапчиб туриб кетдим. Ўртоғим ҳам уйғониб кетган эди:

— Нима бало қиялсиз кечаси?!

— Мен ҳеч нарса. Лекин, Шахло, галати бир овоз чиқяпти!

Чироқни ёқиб қарасам, қоронғида кўрмаган эканман... сувли идиш қолиб, қайнатгични ёнида турган сувсиз идишга солиб қўйибман!

Биринчи бора кўз олдимда, шиша идиш кукун ҳолига келиб, сочилиб кетган эди. Ўт чиқмаганига шукр қилишим керак!

Ўша пайтдан бери Шахло билан қачон кўришиб қолсак, кулиб ҳазиллашади:

— Ҳа, шиша идишлар ҳали ҳам портлаб турибдими?!

## Шошманглар!

Энг аввало, айтмоқчиман. Қишлоғимиз дарё яқинида эди. Сал нарида сув омбори ҳам бўларди. Бундан ташқари, баъзан баҳорда осмон тешилиб, челақлаб ёмғир қуярди. Мен дераза ёнида ўтириб, дарахтлар, баргдан-баргга сизиб, ип тортиб тушаётган томчиларни томоша қилишни ёқтирадим. Ушанда, беш-олти ёшларда эдим. Демак, бу воқеага камидан йигирма йилдан ошди.

Қишлоқда Сора буви деган аёл бор. Кимнинг сигири нима туққани-ю, кимнинг томи шамолда қандай кўчганидан фақат биз эмас, ҳатто қўшни қишлоқдаги қайси хонадонда кимга ёрдам, кимга дакки кераклигича беш қўлдай биларди. Шу сабабли, у Аҳборот Маркази деб ном олган эди. Кампир бир лаҳза тинч ўтирмайди. Гоҳ уйда одам йиғилган, гоҳ у бирон қўшнинг уйида одам йиққан. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи... бунга чидашга тўғри келади.

Хуллас, бир куни қишлоқда, тепалиқдаги омборнинг нимасидир бузилиб, қишлоқни сув босаётган эмиш, деган гап тарқалди. Бу гап биринчи бўлиб Сора бувидан чиққанидан, одамлар дароов ишонган-қўйган эди. «Аҳборот Маркази» бир гапни билмай тарқатмайди!

Атрофда бўлди тўс-тўполон.

Ойим, укалариму бир-икки қўшни аёл бирга ўтирганимизда, бизга:

— Ҳаммаларинг биттадан энг керакли кийимларинг, нарсаларингни йиғ. Тугунга тугиб, тайёр бўлиб турайлик, — деди.

Қўшни аёллар бу гапни таксидиқлашди.

Мен беғамликми, эринчоқлик биланми:

— Шошманглар! — дедим. — Сув бостириб келадиган бўлса, тугунни олиш кимнинг эсига тушади? Фойдаси йўқ.

Ойимнинг жаҳллари чиқди:

— Бўл, бўл. Кўп гапирма. Ҳар нарсага тайёр турган яхши.

Мен барибир ҳеч қандай тугун-пугунга ҳафсала қилмадим.

Орадан бир кун ўтди, уч кун, беш кун...

Хайриятки, ҳеч нарса бўлмади.

Шундан буён кимдир бир ишга ваҳима қилса, мен доим кўрсаткич бармоғимни кўта-раман:

— Шошманглар!

**ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР**

<b>Йўлдош Эшбек.</b> Она Туркистон. <i>Ривоят дoston</i> . . . . .	3
<b>Садриддин Салим Бухорий.</b> Сенда бор рухий қудрат . . . . .	118
<b>Гулсара Хуррамова.</b> Шаффоф томчи эдим . . . . .	120

**АСРЛАР, АСАРЛАР**

<b>Хайдар Яхъёев.</b> Хаёт тилсимлари . . . . .	11
<b>Саъдулла Сиёев.</b> Яссавийнинг сўнгги сафари. <i>Роман</i> . . . . .	31
<b>Алишер Махсумов.</b> Икки ҳикоя . . . . .	104
<b>Эшқобил Вали.</b> Эртак, туш, синиқ хотиралар. <i>Ҳикоя</i> . . . . .	112

**ШЕЪРИМ, СЕН ЛАЙЛИ**

<b>Пўлат Мўмин.</b> Янги ғазаллар . . . . .	24
---------------------------------------------	----

**ЎТМИШГА САЁХАТ**

<b>Эркин Самандар.</b> Арабмухаммад Баҳодирхон. <i>Тарихий фожеа</i> . . . . .	73
--------------------------------------------------------------------------------	----

**ТУРКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА**

<b>Мустафо Чўқай.</b> Хўқанд мухторияти . . . . .	122
---------------------------------------------------	-----

**УНУТМАС МЕНИ БОФИМ**

<b>Абдулхамид Холмуродов.</b> Эскирмас сабоқлар . . . . .	129
<b>Асил Рашидов.</b> Эзгуликка бахшида умр . . . . .	134

**ШАХС ОЛАМИ**

<b>Дилмурод Куронов.</b> Ҳамид Олимжонни биламизми? . . . . .	146
---------------------------------------------------------------	-----

**ГУЛҚАЙЧИ**

<b>Байрам Ботир.</b> Тилнинг суяги йўқ . . . . .	155
<b>Тўра Жуман.</b> Ҳазиллар . . . . .	156
<b>Комила Боймуродова.</b> Ҳажвиялар . . . . .	158

Безовчи рассом Абдухалил Турсунов.

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. \* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. \* Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. \* Обунага монеълик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 5.06.2002 й. Босишга рухсат этилди 25.06.2002 й. Қоғоз формати 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 2000 нусха. Бюджет № 3621.

**ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА**  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,**  
**700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**